

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ЎЗБЕК ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ
КАФЕДРАСИ**

**УМУМФИЛОЛОГИК
ТАДҚИҚОТЛАР:
МУАММО ВА ЕЧИМЛАР**

**Таниқли олим, филология фанлари номзоди,
Доценти Мардонкул Турсунпўлатовнинг 70 йиллик юбилейига
бағишланган илмий-амалий анжуман
МАТЕРИАЛЛАРИ**

Жиззах – 2016

Тўплам филология фанлари номзоди, доцент Мардонкул Турсунпўлатовнинг 70 йиллик юбилейи муносабати билан чоп этилган бўлиб, ундан филология фанлари ҳамда уларни ўқитиш билан боғлиқ бўлган муаммоларга бағишланган илмий ва илмий – методик мавзуидаги мақолалар ўрин эгаллади.

Ташкилий қўмита: проф.А.Ж.Холбеков (раис), проф. Н.Алимов, доц. М.Султонов, ф.ф.н.Қ.М.Ядгаров (раис ўринбосари), доц.Т.Алмаматов, доц.Б.Файзуллаев, ф.ф.н.А.Турсунқулов, ф.ф.н.Ю.Каримова.

Бош муҳаррир: проф.А.Ж.Холбеков

Маъсул муҳаррир: п.ф.н.Қ.М.Ядгаров

Муҳаррирлар: доц.Т.Алмаматов, доц.Б.Файзуллаев,
ф.ф.н.А.Турсунқулов.

Техник муҳаррир:З.Қаршибоева

Мақолаларнинг илмий савияси учун муаллифларнинг ўзлари масъулдир.

Тўплам Абдулла Қодирий номидаги жиззах давлат педагогика институти Илмий кенгашининг 2016 йил январдаги йиғилиши қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилган.

©Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти, 2016 йил

КИРИШ

Устозга эҳтиром

Янгиланган, бутунлай ўзгача сифат босқичига кўтарилган таълим-тарбия жараёнидан кўзланган асосий мақсад ёш авлодни, юртбошимиз таъкидлаганларидек, ҳар томонлама етук ва баркамол этиб камол топтиришдан иборатдир. Ана шу мақсадни амалга оширишда юксак педагогик тайёргарликка эга, фундаментал илмий билимлар эгаси бўлган устоз-мураббийлар, бир сўз билан айтганда, ўз ишининг устаси бўлган профессионал ходимларнинг роли ҳамда фаолияти ўта муҳим аҳамиятга эга.

Кўҳна Жиззах воҳасининг ҳозирги кундаги асосий ва муҳим таълим-тарбия ўчоғи бўлиб келаётган педагогика олий ўқув юрти бир неча ўн йиллардан бери нафақат Жиззах вилояти, балки Республикамизнинг барча ҳудудлари учун малакали педагог кадрларни етказиб бермоқда. Бунинг учун малакали илмий-педагогик кадрларнинг бир қанча авлоди ўз ишини такомилга етказиб самарали фаолият юритиб келмоқда. Бунда, айниқса, “катта авлод” дея аталмиш бўғин вакилларининг ўрни бекиёс. Худди мана шу сабабга кўра, бизнинг институтимизда устоз-мураббийлар, отахон профессор-ўқитувчиларга бўлган эътибор яхшиланса яхшиланиб бормоқдаки, лекин бир муддат ҳам сусайгани йўқ. Бунинг маҳсули сифатида кейинги йиллар давомида ўтказиб келинаётган қатор юбилейлар, муҳим аҳамиятга эга бўлган “Устоз-шогирд” тизимининг борган сари такомиллашиб бораётгани, кекса авлод рағбатига йўналтирилган бир қатор тадбирларни кўрсатишимиз мумкин. Халқимизнинг пурҳикмат “Оталар сўзи – ақлнинг кўзи” нақлига монанд, ёши улуг устозларимизнинг ҳар бир сўзию маслаҳати эътиборда, ўзлари эса ҳурмату иззатда.

Бугун ана шу катта авлод вакилларидадан бўлган устоз домламиниз, филология фанлари номзоди, доцент Мардонқул ака Турсунпўлатовнинг 70 ёшлик юбилейини нишонламоқдамиз.

Устоз Мардонқул Турсунпўлатовнинг меҳнат фаолиятига назар ташласак, ҳали 15 ёшли ўспиринлик давриданок хўжаликда оддий ишчи сифатида меҳнат қила бошлаганлигини кўрамиз. Мардонқул Турсунпўлатов 1963 йилда ўрта мактабни тамомлаб, шу йили Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетига ўқишга қабул қилинади. Худди шу кундан бошлаб унинг қисмати илм билан чамбарчас боғланади. Аввалига

тумандаги 3, 4 - мактабларда тил ва адабиёт фани ўқитувчиси бўлиб ишлаган бўлажак олим, 1972-1974 йилларда Садриддин Айний номидаги Самарқанд давлат педагогика институтининг ўзбек тилшунослиги кафедрасида лаборант вазифасида меҳнат қилди.

1974 йилда Республика маъмурий ҳаётида айрим ўзгаришлар бўлиб ўтди. Шу ислохотларнинг натижаси сифатида Самарқанд ва Сирдарё вилоятлари негизида Жиззах вилояти ташкил топди. Шу муносабат билан янги ташкил этилган Жиззах вилоятидаги тўнғич олийгоҳ – Жиззах давлат педагогика институтига Самарқандлик бир гуруҳ олимлар, педагоглар юборилади. Улар орасида 24 ёшли Мардонкул Турсунпўлатов ҳам бор эди.

Жиззах давлат педагогика институтида, даставвал, Ўзбек тилшунослиги кафедрасининг лаборанти сифатида иш бошлаб олим, 1976-1981 йилларда шу кафедранинг катта ўқитувчиси, 1981-1982 йилларда эса Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тилшунослик илмий-тадқиқот институтида илмий тадқиқот ишларини олиб борди.

1982 йилда Мардонкул Турсунпўлатовнинг илмдаги меҳнатлари илк меvasини берди. У профессор Бозорбой Ўринбоев илмий раҳбарлигида “Ўзбек сўзлашув нутқи лексикаси” мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақият билан ҳимоя қилди. 1982 йилда Жиззахга қайтган ёш олим 1988 йилга қадар Жиззах давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультети декани ўринбосари лавозимида фаолият юритди. Бу йилларда унинг ўзбек тилшунослигининг долзарб масалаларига бағишланган қатор илмий мақола ва тезислари, шунингдек, “Ўзбек сўзлашув нутқи лексикаси” номли монографияси яратилди. 1989 йилда Олий аттестация комиссияси олимнинг илмдаги бу хизматларини инобатга олиб, унга доцент илмий унвонини берди.

1992-2005 йилларда ўзбек тилшунослиги кафедрасини бошқарган Мардонкул Турсунпўлатов 2005 йилдан то ҳозирги кунга қадар ўзбек тили ўқитиш методикаси кафедрасининг доценти сифатида меҳнат қилиб келмоқда.

М.Турсунпўлатов тилшунос олим сифатида 3 та монография, 4 та услубий, 1 та ўқув қўлланма, 140 га яқин илмий мақолаларнинг муаллифидир.

У Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси сифатида “Оқ йўл”, “Меҳнатдан топилган бахт”, “Ҳаётимнинг қайтмас баҳорлари”, “Йиллар армони” қиссалари ва 10 дан ортиқ очерк ҳамда ҳикояларнинг муаллифидир.

Кўплаб шогирдларнинг беназир устози бўлмиш ушбу инсон ҳақида кўп ва хўб сўз юритиш мумкин, лекин мен ушбу жонкуяр ва тиришқоқ, меҳрибон ва талабчан, филология илмининг таниқли билимдони ҳақидаги фикрларни мухтасар қилган ҳолда таъкидлашни лозим деб биламанки, худди устоз Мардонқул акага ўхшаган мутахассисларнинг ўрнатилган фаолияти Жиззах педагогика институтининг институт бўлиб шаклланишида, ҳозирги кун даражасига етишида белгилловчи омил бўлиб хизмат қилган.

**А.Ж.Холбеков ЖДПИ ректори,
социология фанлари доктори, профессор**

ТҒЙХАТ ҒРНИДА

ЎЗБЕК СЎЗЛАШУВ НУТҚИ ЛЕКСИКАСИНИНГ МОҒИР ТАДҚИҚОТЧИСИ

Бугун таваллудига етмиш йил тўлишини нишонлаётган, Ўзбекистон журналистлар уюшмасининг аъзоси, филология фанлари номзоди, доцент Мардонкул Турсунпўлатовнинг камолга етиши, мамлакатимизнинг кўзга кўринган тилшунос олимларидан бири, Жиззах шаҳрида олий филологик таълим ташкилотчиларидан бири даражасига эришувида Самарқанд Давлат университетининг жуда катта ҳиссаси бор. Негаки, ўқитувчиликка, илмга чанқоқ ўн етти ёшлик йигитча 1963 йилда ўзи туғилиб ўсган Бахмал туманидан илк бор Самарқанд шаҳрига келиб, Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг филология факультетига хужжат топширди. Худди шу йили у СамДУ филология факультетига ўқишга қабул килинди. У филология факультетида Улуғ Турсунов, Воҳид Абдуллаев, Абдулла Сулаймонов, Ҳамдам Бердиёров, Худойберди Дониёров, Ориф Икромов, Абдужаббор Мухторов, Жўрабой Ҳамдамов, Ваҳоб Эгамов, Сайдулла Мирзаев, Жўра Ҳожиматов, Ботирхон Валихўжаев, Нуриддин Шукуров каби йирик тилшунос ва адабиётшунос олимлардан билим сирларини мукамал ўрганди ҳамда бу устозлар билан доимо якин алоқада бўлди. Талабалик йиллари давомида у сўз оламининг сеҳри нимадалигини билиш иштиёқи билан яшади, бадий асарлар ўқиб, улардаги улкан сўз санъаткорларининг маҳоратидан баҳраманд бўлди, халқ орасида юриб, адабий тилимизда унутилаёзган сўзларни эринмай тўплаб, уларнинг сўзлашув нутқида қўлланиш мезонларини аниқлаб, саралаб борди.

М.Турсунпўлатов 1968 йилда университетни муваффақиятли тугатгач, ўз жонажон диёри Бахмалга яна қайтиб келди. Чунки бир инсоний масъулият унга тинчлик бермасди, яъни уни вояга етказган, ўқитган, олий маълумотли

филолог ўқитувчилар сафига қўшган ўз эли Бахмал тумани олдидаги қарздан оз бўлса-да қутилиши лозим эди. Шунинг учун у 1968-1972 йиллар давомида Бахмал туманидаги Ҳ.Олимжон номи ўрта мактабда ўқитувчи сифатида самарали фаолият кўрсатди, минг-минглаб ёш илмсевар ёшларга она тили ва адабиётдан сабоқ бериб, уларнинг илм сари парвоз қилишига яқиндан кўмаклашди.

1972 йилда М.Турсунпўлатов устозлари О.Икромов, В.Эгамов, Б.Ўринбоев, А.Мухторов, Х.Жўраевларнинг даъвати билан С.Айний номидаги Самарқанд давлат педагогика институтига ишга келди, дастлаб институт архив бўлим мудирини (1972-1974), кейинчалик ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлади. Устоз тилшунос олим, проф.Б.Ўринбоев илм қилиш истагида бўлган М.Турсунпўлатовга ўзбек сўзлашув нутқи лексикасини жиддий кузатиш, бундай лексик қатламнинг адабий тил лексикаси билан муносабатига доир материаллар тўплашдек муҳим вазифани топширади. Бу мавзунинг танланиши ва номзодлик диссертацияси сифатида ёш тадқиқотчига берилишида ўзбек тилшунослигида сўзлашув нутқини тадқиқ этиш бўйича салмоқли ишларни амалга оширган, “Ҳозирги ўзбек адабий тили вокатив категория” мавзуида номзодлик ишини ҳимоя қилган (1964) таниқли олим Б.Ўринбоевнинг илмий изланишлари сабабчи бўлган, деб ўйлаймиз.

Бундан кўринадики, М.Турсунпўлатов илмий-педагогик тақдирида таниқли тилшунос олим ва ташкилотчи раҳбар Бозорбой Ўринбоевнинг алоҳида ўрни бор. Чунки М.Турсунпўлатовни СамДПИга ишга келишга даъват этган, унга “Ўзбек сўзлашув нутқи лексикаси” мавзусини номзодлик иши сифатида тавсия қилган киши ҳам ўша вақтда СамДПИ ўқув ишлари проректори, доц. Б.Ўринбоев бўлади.

М.Турсунпўлатовнинг дастлабки илмий мақоласи “Мақол ва иборалар ҳақида” деб номланган эди [1]. Бу мақолада ёш олим мақол ва ибораларнинг ўзаро муносабати ҳамда уларнинг сўзлашув нутқида қўлланиш хусусиятлари ҳақида фикр юритади. Олимнинг талқинича, ибора айрим ҳолларда мақол

билан, ўз навбатида мақол ибора билан дуч келиб қолиш ҳоллари тилимизда тез-тез учраб туради. Бунга “қош қўяман деб кўз чиқармоқ” ибораси мисол бўла олади [1, 143].

М.Турсунпўлатовнинг яна бир жиддий мақоласи “Сўзлашув нутқи – ситуатив нутқ” деб номланади [2]. Бу мақолада олим устозлари Б.Ўринбоев, Э.Бегматовнинг ишларига таянган ҳолда сўзлашув нутқининг қуйидаги саккиз характерли белгиси ҳақида бирма-бир мулоҳаза юритади: 1. Сўзлашув нутқи – диалогик нутқ. 2. Сўзлашув нутқи – норасмий нутқ. 3. Сўзлашув нутқи – махсус тайёргарлик кўрилмай сўзланган нутқ. 4. Сўзлашув нутқи – бевосиста, тўғридан-тўғри сўзланган нутқ. 5. Сўзлашув нутқи – эркин, бетакаллуф нутқ. 6. Сўзлашув нутқи – ситуатив, яъни вазиятбоп нутқ. 7. Сўзлашув нутқи – эмоционал, хис-туйғуга бой, жўшқин нутқ. 8. Сўзлашув нутқи – оғзаки нутқ [2, 282].

М.Турсунпўлатов ўзининг сўзлашув нутқи лексикага оид илмий ишини якунлаб, 1982 йилда “Ўзбек сўзлашув нутқи лексикаси” мавзуидаги номзодлик ишини муваффақиятли ҳимоя қилди [3]. Бу тадқиқот кириш, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан ташқари уч бобдан иборатдир. Кириш қисмида муаллиф “сўзлашув нутқи” тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти, бу муаммонинг рус тилшунослигида, туркийшуносликда ҳамда ўзбек тилшунослигида ўрганилиш даражасини кўздан кечиради. Ишнинг дастлабки бобида ўзбек сўзлашув нутқида услубий бўёқдор луғавий қатлам ҳақида сўз юритилади. Бунда муаллиф сўзлашув нутқига хосланган кичрайтиш-эркалаш шакллари, варваризмлар, вульгаризмлар, коллоквиализмлар, ҳар хил буйруқ-хитоб сўзларига доир характерли мисоллар келтириб, уларни таҳлил қилади.

Ишнинг кейинги бобларида эса ўзбек сўзлашув нутқи лексикасининг қўлланиш доирасига кўра турлари (диалектизмлар, жаргонлар, профессионализмлар, фразеологизмлар кабилар) ҳамда сўзлашув нутқи лексикасининг семантик хусусиятлари (колоквиализмлар, эвфемизмлар, синонимлар кабилар) илмий-назарий жиҳатдан асосли ўрганилган эди. Бу ишга расмий ҳакамлик қилган академик Ш.Шоабдурахмонов, ҳимоя

жараёнида сўзга чиққан проф.Ф.Абдуллаев, проф.Ш.Шукуров, Э.Бегматов ва бошқа олимлар унга юксак баҳо берган эдилар.

Шуниси эътиборлики, М.Турсунпўлатов 1974 йилдан эътиборан ўз иш фаолиятинини кўриқ ерда янгидан ташкил этилган Жиззах Давлат педагогика институтида давом эттириб келмоқда. Бу илм масканида М.Турсунпўлатов дастлаб ўзбек тилшунослиги кафедраси лаборанти, ўқитувчиси, катта ўқитувчиси ва, ниҳоят, 1982 йилдан буён кафедра доценти сифатида самарали фаолият кўрсатиб келаётир. У бир неча йил институтнинг ўзбек тили ва адабиёти факультети деканининг ўринбосари, ўзбек тили ўқитиш методикаси кафедраси мудирини, институт нуронийлар кенгашининг раиси вазибаларида ҳам ишлаган.

М.Турсунпўлатов номзодлик диссертацияси химоясидан кейин сўзлашув нуткига муаммоларига оид элликка яқин мазмундор илмий мақолаларни тайёрлаб, турли илмий тўпламларда, илмий анжуман материаллари таркибида нашр эттирди. Шулар орасида “Сўзлашув нуткига хосланган оддий муомалага оид сўзлар”, “Сўзлашув нутқи жаргонлари” сингари мақолалари алоҳида ажралиб туради [4]. Кейинчалик олим “Ўзбек сўзлашув нутқи лексикаси” номли монографияни рус тилида эълон қилишга муваффақ бўлган эди [5]. Бу монографик тадқиқот ҳозирги кунга қадар ўзбек тилшунослигида сўзлашув нутқи лексикасига оид яратилган ягона илмий асар бўлиб қолмоқда.

М.Турсунпўлатов узоқ йиллар давомида ЖиззахДПИда ўзбек нутқ маданияти ва услубият асослари фанларидан дарс бериш жараёнида ишлаб чиққан маъруза матнларини проф.Э.Бегматов билан ҳамкорликда “Ўзбек нутқи маданияти асослари” номли ўқув қўлланмаси тайёрлаб нашр эттирди [6]. Бу асар ҳозирги кунга қадар ўқув жараёнида кенг фойдаланилмоқда. Шу билан бирга М.Турсунпўлатов “Ўзбек сўзлашув услуби нима?”, “Ўқувчилар нутқидаги хатоларни бартараф этиш йўллари”, “Она тили дарсларининг самарадорлиги учун” каби бир қанча услубий қўлланмаларнинг ҳам муаллифи саналади. Ана шуларни инобатга олиб, ЖиззахДПИ илмий

кенгаши 1993 йилда М.Турсунпўлатовга институт профессори унвонини беришга қарор қилган эди.

М.Турсунпўлатов кейинги йилларда республика миқёсидаги турли хил илмий-амалий анжуманларда ўзининг мазмундор илмий маърузалари билан фаол иштирок этиб келмоқда. Бу жиҳатдан олимнинг “Сўзлашув нутқининг асосий белгилари ва мезонлари” [7], “Бахмал тумани топоними ҳақида” [8], “Қон-қариндошлик муносабатини ифодаловчи эркалов сўзлари”, “Бахмал туманида яшовчи туркий қавмлар лексикаси” [9], “Бозорбой Ўринбоев ва Жиззах тилшунослик мактаби” [10] сингари қатор ишлари характерлидир.

Ҳозирги вақтда етмиш баҳорни қаршилаётган доц. М.Турсунпўлатов талабаларга тилшунослик сирларини ўргатишда янги педагогик технологиялардан кенг фойдаланиш, ўзбек тилшунослигининг умумназарий муаммолари, лексикология, семасиология, тил тарихи, диалектология соҳаларига оид янги илмий асарлар яратиш иштиёқи билан меҳнат қилмоқда. Биз Самарқанд тилшунослик мактабининг таниқли вакилларидан бири, ёшларнинг меҳрибон устози, ҳамкасб дўстимиз, доцент Мардонкул Турсунпўлатовга келгусида мустаҳкам сиҳат-саломатлик, ёшлар тарбиясидек эзгу ишларида янада улкан ютуқлар тилаб қоламиз.

Бекмурод Йўлдошев – ф.ф.д., СамДУ профессори

ДИЛ СЎЗИ...

Ҳар қандай жамиятнинг ривожланиши, ҳар бир мамлакатнинг тараққиёти, халқнинг тўкин-сочинлиги, бахтиёр ва обод, тинч ва фароғон яшаши уларнинг илму-маърифатга эътибори билан белгиланади. Қаерда илм ва зиё кадрланса, уларнинг эгаларига муайян шарт-шароитлар яратилса, ўша жойда янада ўсиш ва ривожланиш бўлади. Маърифат ва зиё юксалса, жаҳолат ва саводсизлик чекинади, улуғ кашфиётлар қиладиган олимлар етишиб чиқади. Кенг маънода айтилаётган ушбу мулоҳазани жамиятнинг кичик бир бўғинни бўлмиш муайян оила ва муайян ҳудуд ҳаётига ҳам тадбиқ қилса бўлади. Қодир бахши куйлаганидек:

Билими бор жойнинг бўлар олими,

Олими бор жойнинг бўлар таълими.

Тартиб ҳам, одоб ҳам шундан билинар,

Булари йўқ жойнинг кўндир золими.

Назаримизда, ушбу тўртликдаги мазмун-моҳият Жиззах элига ҳам, шу гўшада туғилиб, вояга етган ва халқ учун хизмат қилган зиёлилар фаолиятига ҳам бевосита дахлдор, деб ўйлайман. Зеро, олимлар қаерда кўп бўлса, ўша ерда самарали изланишлар, илмий-ижодий ютуқлар пайдо бўлади, ёш шогирдларга нисбатан ўша ерда таълим ҳам, тарбия ҳам бўлади. Таълимнинг яхши йўлга қўйилиши тарбиянинг мазмунини янада мукаммаллаштиради. Илм ва тарбия бериш мақсадида юзлаб ёшларни ўз фарзандидай кўрган устознинг эл-юрт орасида, сидқидилдан меҳнат қилган ўз жамоаси ўртасида ҳурмати энг баланд бўлади, ҳамкасбларининг иззат-эҳтироми чексиз, сий-сифати хайрли, қутлуғ, муносабатларидаги улуғ ниятлар чин кўнгилдан туғилади.

Гап оимлик, таълим-тарбия ҳақида бораркан, бу албатта, бугунги кунда таваллудига 70 йил тўлаётган мухтарам устоз-педагог, тилшунос ва топонимика фанларининг билимдони, таниқли олим, филология фанлари

номзоди, доцент Мардонкул Турсунпўлатовнинг илмий-педагогик фаолиятига ҳам тааллуқлидир, – дейишимизга тўлиқ асослар етарли.

Бу инсондаги илмга бўлган дастлабки ҳавас ўзи туғилиб ўсган, киндик кони тўкилиб вояга етган жойдаги маърифат маскан – Бахмал туманидаги Ўсмотота худудидаги ўрта мактабда илк куртак ёзди. Илмий изланишга бўлган кучли интилишлик, илмий чанқоқлик фазилати Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг филология факультетидаги талабалик даврида шаклланди, сўнгра Садриддин Айний номидаги Самарқанд давлат педагогика институтида ва Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтида ривожланди ва камол топди. Ҳозирги кунда мазкур маърифат масканида бу фаолият самарали ва мазмунли давом этмоқда. Кўрамизки, Мардонкул Турсунпўлатовнинг илмий-педагогик фаолиятига замин тайёрлаган маърифат ўчоқлари тўртта: ўрта мактаб, олий таълим масканлари (СамДПИ, СамДУ ва ЖДПИ).

Оддий деҳқон-ишчи оиласидаги ука-сингилларни тарбиялаш, уларнинг ҳар бирини ҳаётда ўз ўрнига қўйиш каби инсонийлик ва жигарчилик фазилати, қолаверса, эл-юрт ва қавм-қариндошларга алоҳида эътибор қаратиш, кези келганда, уларга моддий-маънавий жиҳатдан ёрдам бериш, елкадошлик қилиш, ҳамфикр ва ҳамнафас бўлишлик фазилати Мардонкул аканинг бутун умри давомида устуворлик қилди. Ўзининг педагогик касби ва малакасини тинмай ошириб борди: “ишчи касбидан олимлик пиллапоясигача” бўлган мураккаб ҳаётий даврни бошдан кечирди ва “Ўзбек сўзлашув нутқи лексикаси” мавзусидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, олимлик даражасига етишди, доцентлик илмий унвонини қўлга киритди.

Илмий изланишга бўлган интилишлик, ёшларга сидқидилдан сабоқ беришлик, тарих илми сирларини, аниқроғи, халқимиз тарихи билан боғлиқ маълумотларни замондошларга, айниқса, ҳозирги ёшларга баҳрамандлик қилишлик маъсулияти тилшунос олимнинг таълим-тарбиявий ва илмий фаолиятида ниҳоятда устувор. Бу ўринда, айрим мисолларни келтириш билан

чегараланамиз: “Тилшунослик асослари”, “Ўзбек адабий тили тарихи”, “Назарий морфология” каби фанларнинг мағзини, мазмун-моҳиятини талабалар онгига сингдириб борди. Олимнинг “Ўзбек нутқи маданияти” ўқув қўлланмаси республика олий ўқув юртларида талабаларга маънавий озик бериб келди. Мардонқул аканинг тилшунос олим сифатида урта монографияси, тўртта услубий ва ўқув қўлланмаси, шунингдек, 140 га яқин илмий мақолалари филолог олимлар назаридан ўтди. Улуғ ва муқаддас маърифат маскани бўлмиш олий таълимда қарийиб 50 йилдан ортиқ ҳалол меҳнат қилиб келаётган Мардонқул аканинг кенг қамровли тилшунос олим эканлигини республикаимиз, айниқса, вилоятимиздаги илм аҳли жуда яхши билишади.

Мардонқул ака ҳам мураббий, ҳам олим. Умуман олганда, мураббий – муайян фан, илмий йўналиш бўйича етук педагог, замон талаби даражасида педагогик маҳорат ва кўникмаларга эга бўлган, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, уларни илғор фан ютуқларини астойдил эгаллашга ўргатадиган, ёш авлоднимиллий мафкурамизга садоқатли, ёт ғоялар таъсиридан огоҳлантирувчи жамиятнинг энг фаол аъзосидир. Шу сабабли ҳам мураббийлик барча фаолиятлар ичида энг савоблисидир. Агар инсон қалбида бошқаларга нисбатан меҳр-мурувват, одамийлик бўлар экан, у доимо ўзгаларда фақат яхши сифатларни тарбиялай олади. Албатта, бундай сифатлар биз фахрланиб тилга олаётган Мардонқул акага ҳам дахлдордир.

Меҳнат фаолияти давомида Турсунпўлатов Мардонқул ака талабчан, ўз ишининг етук мутахассиси сифатида танилди. У таълим – тарбия ишларини ташкиллаштиришда ҳамда талабаларга билим беришда бошқаларга ўрнатилган бўлаоладиган малакали мутахассис эканлигини кўрсатади. Факультет ва кафедра таълим-тарбия ишларини ташкиллаштиришдаги фаолияти кўп мартаба баҳоланган ва юқори ташкилотларнинг фахрий ёрлиқлари, раҳматномаларига, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочилиқини сазовор бўлди.

Ҳозирги кунда Мардонқул ака яхши билимга эга педагог сифатида талабалар билан ишлаш, услубий қўлланмалар, намунавий ва ишчи дастурлари яратиш ишларида фаол иштирок этмоқда. Кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида профессор-ўқитувчилар жамоасида ўзига хос обрў – эътиборга эга, талабалар орасида атоқли устоз мураббий сифатида обрў қозонди. У факультетда ва кафедрада раҳбарлик лавозимларида фаолият юритган, ўз ишининг моҳир устаси эканлигини кўрсатди. Унинг педагогик ва раҳбарлик, шунингдек, олимлик салоҳиятини ўрнатиб бўларли даражада юксак, деб эътироф этиш мумкин.

Мардонқул ака ҳақида ҳолис муносабат билдириш, дил сўзини айтиш жараёнида яна Қодир бахши Раҳимовнинг қуйидаги тўртлиги ёдимга келади:

Одамзодда адо бўлмас ҳислат бор,

Билса зардир, билмаганлар хору-зор.

Ширин ҳам тил, аччиқ ҳам тил, билиб ол,

Тил билан тошни ҳам эритса бўлар.

Ушбу тўртликнинг мазмун-моҳиятини англаш учун, уни амалга ошириш учун энг аввало, ҳар бир инсоннинг ақлига, интилишига, сезгирлигига, зукколигига, идрокига, иродасига, фикрлашига, тилига, ўзини тутатилишига, тафаккурига боғлиқ. Ҳар бир ишни, мақсадни орзу қилиб, яхши-ёмонни, паст-баландни, оқ-қорани фарқлаб босиқлик, ўйлов билан ҳаракат қилса ниятига етади. Феъли кенглик, босиқлик, шошмаслик, беҳуда тажанг бўлавермай етти ўлчаб бир кесган ҳолда ишга киришиши муваффақиятлар асосидир. Ўзининг ҳам, ўзгаларнинг ҳам яхши-ёмон ҳислатларини синчиклаб ўрганиш ҳар қандай инсондан заргарона маҳоратни талаб қилади. Шу маънода, мен ҳам Мардонқул ака билан қарийиб 40 йилдан буён мулоқат қилиб, елкадош бўлиб, ҳамкасб сифатида у киши ҳақида муайян хулосаларга келдим, бир қатор инсоний фазилатларни кўрдим. Улар қуйидагилардан иборат: кундалик фаолиятидаги камтаринлик, кечиримлилик, диёнатлилик, дўстларга садоқатлик ва эътиборлик, ҳамкасбларга меҳрибонлик, самимийлик ва саховатлилик, тўғри сўзлик ва иймони бутунлик, ҳаётда

елкадошлик ва ҳамфикрлилик, илмий соҳада кенг қамровли олимлик, шогирдларига нисбатан талабчанлик, педагогик фаолиятда моҳир ташкилотчилик ва фидойилик – буларнинг ҳаммаси Мардонқул ака Турсунпўлатовга хос энг юксак инсоний фазилатлар, дейишим мумкин.

Ҳавас ва фахр туйғуси билан алоҳида таъкидлаш лозимки, устоз-педагогнинг фаолиятидаги бундай инсонпарварлик фазилатлар ҳозирги кунда ҳам фаол давом этмоқда. Мардонқул ака Турсунпўлатов таваллудининг 70 йиллиги билан сидқидилдан барча дўстлари, ҳамкасблари ва шогирдлари сингари биз ҳам оиламиз ва фарзанларимиз номидан муборак этамиз. Бу мўътабар ва олийжаноб инсоннинг ҳамиша соғу-саломат бўлишларини, эл назарида доимо олқишлар олиб юришларини, педагогик ва илмий-ижодий фаолиятда бундан-да катта иззат-обрў орттиришларини ёлғиз Оллоҳдан сўраб қоламиз.

**У.А.Жуманазаров,
филология фанлари доктори, профессор**

МЕҲРИБОН УСТОЗ

Республикамизда Олий ва ўрта таълим тизимида ўзбек тилини ўқитишни такомиллаштиришда, ҳозирги ўзбек тили тарихи, нутқ маданияти тарғиботчиси сифатида салмоқли ишларни амалга ошириб кўп қиррали фаолияти тугайли мамлакатимизда элга танилиб, юксак ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлган таниқли тилшунос олим, Жиззах давлат педагогика институти ўзбек тилшунослиги ўқитиш услубияти кафедраси доценти, филология фанлари номзоди Мардонқул Турсунпўлатов 70 ёшга кирди.

М.Турсунпўлатовнинг босиб ўтган ҳаёт ва ижод йўли ўз тенгқурлари ва сафдошлари фаолиятидан кўп ҳам фарқ қилмайди. Бахмал туманининг сўлим Бек тўпи қишлоғида 1946 йил 1 январда туғилган бўлғуси тилшунос олим ўрта таълимни туман марказидаги 1-ўрта мактабда олди ва уни 1963 йилда тугатиб, шу йили Самарқанд давлат университети филология факультетининг талабаси бўлди. Университетда атоқли адабиётшунос олимлар В.Абдуллаев, Б.Велихўжаев, О.Икромов, тилшунос олимлар А.Мухторов, Х.Абдурахмонов, Р.Қўнғуровлар, Б.Ўринбоевлардан таълим олган бўлажак олим талабалик йилларидаёқ вилоят ва университет газеталарининг жамоатчи мухбири сифатида ўз мақола ва хабарлари билан фаол иштирок этди. Университетни муваффақиятли тугатгач 1968-1972 йилларда Бахмал туманидаги мактабларда тил ва адабиёт ўқитувчиси сифатида фаолият юритди. Лекин ундаги тилшунослик фанига қизиқиш, илмий иқтидор устозлар ёнига чорлади. 1972-1974 йилларда Самарқанд давлат педагогика институтининг ўзбек тилшунослиги кафедрасида, 1974 йилдан бугунги кунгача Жиззах Давлат педагогика институтида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, декан ўринбосари, кафедра мудири лавозимларида ишлади, минглаб педагог кадрларнинг етишиб чиқишига муносиб ҳисса қўшди.

Болалигидан меҳнатда чиниққан М.Турсунпўлатов олий ўқув юртидаги фаолияти давомида педагогик ва илмий тадқиқотчилик ишларини ўзаро

уйғунликда олиб борди. 1981 – 1982 йилларда ЎзФА тилшунослик институтида илмий тадқиқотчи сифатида тажриба ўтаб, шу йили профессор Бозорбой Ўринбоев раҳбарлигида “Ўзбек сўзлашув нутқи лексикаси” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Олимнинг илмий қизиқишлари доираси кенг кўламли ва кўп қирралидир. У тилшунослик фанининг жуда кўп йўналишлари билан шуғулланиб келмоқда. Лекин унинг илмий фаолиятида нутқ маданияти ва топонимика масалаларини ўрганиш муҳим ўрин тутди. Олимнинг турли тилларда чоп этилган “Сўзлашув нутқи лексикаси”, “Нутқ маданияти асослари”, “Бахмал тумани топонимлари” каби монографиялари ўзбек тилшунослик фанининг ривожига қўшилган муносиб ҳиссадир. Айниқса, ўзбек халқининг сўзлашув нутқиغا хос бўлган қизиқиш олимнинг юқорида тилга олинган икки монографиясидан ташқари “Сўзлашув нутқиغا хос бўлган оддий муомалага оид сўзлар”, “Сўзлашув нутқи жаргонлари”, “Нутқнинг ифодавийлиги”, “Сўзлашув нутқи **ситуатив** нутқ”, “Ўқитувчи нутқ маданияти”, “Кучли маъноли сўзлар ва стилистик синонимларнинг сўзлашув нутқида қўлланиши” каби ўнлаб мақолаларининг юзага келишига ва республикамиз илмий жамоатчилиги томонидан юксак эътирофга сазовор бўлишига сабабчи бўлди.

Жиззах вилоятидаги шаҳар ва қишлоқлар топонимикасини ўрганиш ҳақли равишда Мардонкул Турсунпўлатов номи билан ҳам боғлиқ. У бу мавзуда олиб борган узок йиллик кузатувларини яқунлаб “Бахмал тумани топонимлари” монографиясини эълон қилди. Бу тадқиқотнинг аҳамияти Бахмал тумани топонимлари фанда биринчи марта махсус ўрганилганлиги ҳамда жуда кўп қишлоқ номлари, тарихий жойларнинг биринчи марта илмий истеъмолга киритилганлиги билан белгиланади. Узок йиллар давомида талабалар билан шеваларни ўрганиш мақсадида Жиззах вилоятидаги барча қишлоқларда ўқув амалиётини ўтказар экан, аниқ режа асосида ўзлари ўрганаётган қишлоқларнинг топонимларини ҳам ёзиб олди,

уларнинг энг ишончли ва тарихан илмий асосланган вариантларини тадқиқ қилди.

Мардонқул Турсунпўлатов Олий ва ўрта таълимнинг самарадорлигини ошириш мақсадида тинимсиз изланаётган олим ва педагогдир. Унинг турли йилларда чоп этилган “Сўзлашув ҳодисаси нима”, “Она тили дарсларининг самарадорлиги учун”, “Тилшуносликка кириш”, “Талабаларнинг педагогик практика жараёнида амалга оширадиган ишлари”, “Тарихий грамматика фанидан назорат иши тўплами” каби ўқув-услубий қўлланмалари ва тавсияномалари ўзбек тилини ўқитишда ва ўрганишда алоҳида аҳамият касб этиб келмоқда. Агар биз унга “Тилшунослик асослари”, “Қадимги туркий тил” маърузалар мажмуасини ҳам қўшсак олимни бу йўналишдаги хизматлари қўламининг серқатламлигини эътироф этамиз.

Мардонқул Турсунпўлатов бадиий ижод билан ҳам шуғулланади. Ёзувчи сифатида “Ҳаётимнинг қайтмас баҳорлари” (2001й), “Меҳнатдан топилган бахт” (2002й) қиссалари, “Йиллар армони” (2014й) эссеси каби асарларида гарчанд бадиий бўлсада ўзининг ўтмиш ҳаёти билан боғлиқ бўлганлиги сабабли тарбиявий-эстетик вазифаларни ҳам бажаради.

70 ёшни қаршилаган камсуқум ва меҳнатсевар олим, меҳрибон устоз, ёзувчи ва журналист Мардонқул Турсунпўлатов айни пайтда илмий-ижодий, педагогик фаолиятини жўшқинлик билан давом эттирмоқда. Биз, дўстлари, ҳамкасблари муҳтарам устозни қутлуғ ёши билан чин қалбдан муборакбод этамиз ва ўзбек тилшунослик илмини келгусида янгидан-янги тадқиқотлар билан бойитишини тилаб қоламиз.

**Аббос Турсунқулов,
Ҳаким Ўроқов, ЖДПИ ўқитувчилари**

ФИДОИЙ УСТОЗ

*Эл учун тер тўкса, агар одамзод,
Доимо эл ичра номи бўлар ёд.
Қуёшга бир қаранг, доим хизматда,
Шунинг-чун, каттаю кичик ундан шод...*

Зеро, шоир таърифлаганидек, дунёда шундай инсонлар бўладики, унинг ҳаёт йўлига назар ташлаган киши ҳам меҳнатда, ҳам илмда, ҳам шахсий турмушда инсонийлик деб аталмиш буюк хислатга содиқликни кўради. Бундай инсонлар эл-юрт манфаатини ўйлаб фидокорона меҳнат қиладилар. Теварак атрофидагиларга меҳрибон, каттаю кичикка самимий бўладилар. Бундай шахслар орамизда, оддий ва камтарона ҳаёт кечирадилар. Аммо, уларнинг ҳар бир фаолияти фидоийликка асосланган бўлади. Ана шундай жонкуяр, илм фидоийларидан бири, атоқли тилшунос олим Мардонкул Турсунпўлатовдир.

Мардонкул Турсунпўлатов 1946 йилнинг 1 январида Самарқанд вилоятининг Ғаллаорол тумани (ҳозирги Жиззах вилояти Бахмал тумани)га қарашли “Нурли қуёш” жамоа хўжалигининг Бектўпи маҳалласида таваллуд топди.

Устоз Мардонкул Турсунпўлатовнинг меҳнат фаолиятига назар ташласак, ҳали 15 ёшли ўспиринлик давридан оқ хўжаликда оддий ишчи сифатида меҳнат қила бошлаганлигини кўрамиз. Мардонкул Турсунпўлатов 1963 йилда ўрта мактабни тамомлаб, шу йили Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетига ўқишга қабул қилинади. Худди шу кундан бошлаб унинг қисмати илм билан чамбарчас боғланади. Аввалига тумандаги 3, 4 - мактабларда тил ва адабиёт фани ўқитувчиси бўлиб ишлаган бўлажак олим, 1972-1974 йилларда Садриддин Айний номидаги Самарқанд давлат педагогика институтининг ўзбек тилшунослиги кафедрасида лобарант сифатида меҳнат қилди.

1974 йилда Республика маъмурий ҳаётида айрим ўзгаришлар бўлиб ўтди. Шу ислохотларнинг инъикоси сифатида Самарқанд ва Сирдарё вилоятлари негизида Жиззах вилояти ташкил топди. Шу муносабат билан янги ташкил этилган Жиззах вилоятидаги тўнғич олийгоҳ – Жиззах давлат педагогика институтига Самарқандлик бир гуруҳ олимлар, педагоглар юборилади. Улар орасида 28-ёшли Мардонкул Турсунпўлатов ҳам бор эди.

Жиззах давлат педагогика институтида, даставвал, Ўзбек тилшунослиги кафедрасининг лобаранти сифатида ишлаган олим, 1976-1981-йилларда шу кафедранинг катта ўқитувчиси, 1981-1982-йилларда эса Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Тилшунослик илмий-тадқиқот институтида тадқиқот ишларини олиб борди.

1982-йилда Мардонкул Турсунпўлатовнинг илмдаги меҳнатлари илк меvasини берди. У профессор Бозорбой Ўринбоев илмий раҳбарлигида “Ўзбек сўзлашув нутқи лексикаси” мавзусидаги номзодлик ишини муваффақият билан ҳимоя қилди. 1982-йилда Жиззахга қайтган ёш олим, 1988-йилга қадар Жиззах давлат педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультети декани ўринбосари лавозимида фаолият юритди. Бу йилларда унинг ўзбек тилшунослигининг долзарб масалаларига бағишланган қатор илмий мақола ва тезислари, шунингдек, “Ўзбек сўзлашув нутқи лексикаси” номли монографияси яратилди. 1989-йилда Олий аттестация комиссияси олимнинг илмдаги бу хизматларини инобатга олиб, унга ўзбек тилшунослиги фани доценти илмий унвонини берди. 1992-2005-йилларда ўзбек тилшунослиги кафедрасини бошқарган Мардонкул Турсунпўлатов 2005-йилдан то ҳозирги кунга қадар ўзбек тили ўқитиш методикаси кафедрасининг доценти сифатида меҳнат қилиб келмоқда.

Устознинг ҳар бир машғулотда қайта-қайта шогирдларига қарата айтадиган, инсон шахси ривожидида билим ва ҳунар эгаллашнинг аҳамияти ҳақидаги фикрлари диққатга сазовордир. Унинг таъкидлашича, инсон фақат билимларни эгаллаш орқалигина маънавий камолотга эришади. Гўзал хулқли, одобли, бахтли бўлишади. Дунёдаги барча тўсиқлар, қийинчиликлар

ва мушкулотларни фақат билим билан енгади. Шунинг учун ҳар бир инсон ўқиб ўрганишдан толмаслиги керак, - деган фикрлари билан ёшларни билим ва ҳунар эгаллашга, ўз ватанини чин юракдан севишга, ахлоқли, тўғри, ростгўй, юксак маънавиятли бўлишга ундаб:

Барча билимларга чанқоқман, чанқоқ.

Бу йўлда китобдир энг яхши ўртоқ.

Маърифат боғида сўнмас нур сочар,

Кимки китоб билан дўстлашса мутлоқ...

дея, талабаларни китоб билан дўст бўлишга чақиради.

Дарҳақиқат, ўз фикрларига содиқ қолган устоз, билимли, ватанга муҳаббат, юксак инсоний фазилатларни талаба ёшлар онгига сингдирган ҳолда тарбиялаб, шогирдлар қувончи ва бахти йўлида, илм йўлида фидокорона меҳнат қилиб келмоқда.

Шу сабабли, ўз касбининг моҳир устаси, меҳри дарё устоз, Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси, зукко олим Мардонқул Турсунпўлатовнинг таълим тизимидаги узоқ йиллик самарали меҳнатлари, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашдаги фаолиятлари муносиб баҳоланиб, “Халқ таълими аълочиси”, “Меҳнат фахрийси” нишонлари билан, Жиззах давлат педагогика институти профессори ва халқаро “Antique World” илмий академияси доктори илмий унвони билан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, “Камолот” ЁИХ, вилоят, шаҳар ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Жиззах вилояти тилшуносларининг етакчи вакили, атоқли олим, моҳир педагог Мардонқул Турсунпўлатов бугун оиласи, сафдошлари, дўстлари, ҳамкасблари ва шогирдлари даврасида муборак 70 ёшни қарши олмоқда. Шу муносабат билан, юртимиз келажаги бўлган ёшларни тарбиялаш йўлида иштиёқи зўр, куч-ғайрати жўш уриб турган камтар ва садоқатли педагог, суюкли устоз, меҳрибон ота Мардонқул Турсунпўлатовга эзгу тилақларимиз ҳамиша ёр бўлсин дея, яъна бир бор устозга мустаҳкам соғлиқ ва узоқ умр тилаб, илмнинг машаққатли йўлларида яна кўп йиллар толманг, муҳтарам

устоз деб қоламиз. Сўзимизни шоир Мажид Фармоннинг қуйидаги мисрлари билан якунлаймиз:

Одамлар ўйлайди: муаллим зоти –
Айбсиз зотларнинг сўнмас қаноти.
Муаллим эл ишончин оқласа агар,
Мағрур жаранглайди юрак баёти.

Юрак баётингиз мангу жаранглаб турсин, АЗИЗ УСТОЗ!

Илҳомжон Пармонов, Дилшод Очилов
Жиззах давлат педагогика институти
ўқитувчилари

I. ТИЛШУНОСЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

САИД АҲМАДНИНГ БАДИИЙ АСАР ТИЛИГА ДОИР АЙРИМ ҚАРАШЛАРИ ХУСУСИДА

*Б.Йўлдошев – ф.ф.д., СамДУ профессори,
Д.Йўлдошева – СамДУ мустақил тадқиқотчиси*

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ ёзувчиси Саид Аҳмад (1920-2007) ўз ижоди давомида бадиий асар тили, унинг ўзига хос хусусиятлари, ёзувчиларнинг ўз асарлари тили устида ишлаш маҳорати ҳақида ҳам муҳим фикр-мулоҳазаларни билдирган эди. Ўтган асрнинг 80-йилларига келиб мамлакатимизда бадиий асар тили масалаларига бағишланган баҳс-мунозаралар газета ва журналлар саҳифаларида эълон қилинадиган бўлди. Масалан, ана шундай баҳс–мунозаралардан бири 1985 йилда «Шарқ юлдузи» журналида эълон қилинган бўлиб, «Бадиий тил муаммолари» [1] деб номланган эди. Бу мунозарада таниқли адиблардан Ҳамид Ғулом, Саид Аҳмад, Мирмуҳсин, Тоҳир Малик ва олимлардан Озод Шарафиддинов ва Умарали Норматовлар иштирок этган эдилар.

Бу «давра суҳбати»да атоқли адибларимиз Ҳамид Ғуломнинг «Давр кўзгуси», Мирмуҳсиннинг «Тил - жавоҳир» номли мақолалари, хусусан, Саид Аҳмаднинг «Боқимонда жумлалар» деб аталган мақоласи эълон қилиндики, булар китобхонларда катта эътибор ва қизиқиш уйғотди. Ҳақиқатан ҳам, адабий тил масаласига, жумладан, бадиий тил масаласига кейинги вақтларда эътибор анча сусайиб қолган эди. Шу жиҳатдан қараганда «Шарқ юлдузи» журнали таҳририятининг бу масалани кўтариб чиқиши ҳаммага ҳам манзур бўлган эди.

«Давра суҳбати»да берилган материаллар ичида, ҳеч шубҳасиз, таниқли адиб Саид Аҳмаднинг мақоласи масаланинг кўлами билан ҳам,

кескин ва очикчасига кўйилиши билан ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Адиб ўз мақоласида адабий тил ва бадиий стилга тааллуқли бўлган кўпгина масалалар ҳақида куйиниб, рўйи рост, асосан билиб гапирган. Мақолада жуда муҳим масалалар кўтариб чиқилган. Шунинг учун ҳам бу мақола кўпчиликнинг алоҳида эътиборини қозонди ва кўшимча мунозараларга сабаб бўлмоқда. Дарҳақиқат, Саид Аҳмад адабий тилимизнинг, жумладан, бадиий асар тилининг сўнгги йилларда юз бераётган кўпгина камчилик ва муаммоларини ошкора айтган ва улардан кўпчилигини ўринли танқид қила билган.

Бу «Давра суҳбати»да Саид Аҳмаднинг: *«Талантли ёзувчи бу ҳолатларни дафтарга ёзиб юрмайди...»*, деган фикрини бир оз мунозарали, деб ўйлаймиз. Чунки, биринчидан, ёш ва бошловчи ёзувчилар учун ён дафтар тутиш, луғат ва бошқа хил манбаларни кўришнинг, хусусан, тил манбаларини ўрганишнинг аҳамията жуда катта. Иккинчидан, талантли ёзувчилардан Л. Толстой, М. Шолоховлар ҳам доим луғатдан ёки ён дафтардан фойдаланган ва халқ орасида юриб, халқ тилини синчиклаб ўрганган.

Учинчидан, Саид Аҳмад бир ўринда бадиий ижод ва унда тилдаи фойдаланишнинг нақадар мураккаблиги ҳақида *«Тилни билиш фақат қайси сўзнинг неча хил маъноси борлигини билиш билангина ўлчанмайди. Шу сўзлардан қаҳрамон кайфиятига мос жумла тузиш, аввалги жумлага уни ҳамоҳанг қилиш, қаҳрамон портретини ўқувчи кўз олдига келтира олиш, унинг қайси касб эгаси эканлигини аниқлаш, атрофида қандай манзара борлиги ва бошқа жуда кўп шартларни бажариш керак. Шуларнинг ҳаммасини биттагина жумла устига юклай олиш керак»* [1, 173], деб асосан тўғри гапиргани ҳолда, иккинчи бир ўринда ижод жараёнини анча жўн. ва ўз-ўзидан бўладиган жараён, ҳодиса тарзида тушунтиришга ҳаракат қилгандек туюлади: *«У (ёзувчи -Б. Ё.) ўз қаҳрамонининг образини аниқ тасаввур қилганда, унинг ички руҳиятига кира олганда бу сўзлар ўз-ўзидан келади ва қозғоғга тушиганини ўзи ҳам билмай қолади»* [1, 173].

Кичик ҳажмдаги маълум бир асарни, айниқса ҳикоя ва новеллани ёзишда шундай ҳодиса юз бериши мумкиндир балки, лекин А. С. Пушкин, Л. Н. Толстой, А. П. Чехов, М. Горький, М. Шолоховлар доимо ўз асарларини қайта-қайта ишлаб, қайта-қайта таҳрир қилганлар. Эҳтимол, айрим ёзувчилар ўз асарлари ёки унинг тилини қайта ишламас, лекин буни ҳамма учун, айниқса ёш ижодкорлар учун тавсия қилиш тўғри келмайди.

Демак, Саид Аҳмад тўғри айтганидек, талантли ёзувчи тилни амалий жиҳатдан мукамал билиши ва уни амалда, шу жумладан, бадиий адабиётда ҳам ўринли қўллай олиши лозим ва шарт. Саид Аҳмадга ўхшаган сўз усталари бу муҳим вазифани ўз ижодлари давомида деярли бекаму кўст бажарганлар, улар ўзларининг шу хизматлари эвазига жамиятда, халқ ичида, жумладан, филолог олимлар орасида ҳам катта обрўга эга бўладилар, адабий тилда фойдаланишнинг ёки бадиий фикрлашнинг ёки бадиий нутқнинг юксак намунасига эришадилар. Лекин тилни амалда шундай мукамал даражада яхши билган кишилар ҳам бир оз тайёргарлик кўрмасалар, тилнинг таҳлилида ҳар хил камчилик ва хатоликларга йўл қўйишлари мумкин.

Саид Аҳмад ўз мақоласининг бир ўрнида «*ўрик дарахти гуллади*» деб ёзилган жумлани танқид қилиб: «*Дарахт нима? У мевасиз кўчат. Ҳеч қачон мевали. дарахтни ўрик дарахти, олма дарахти демайди. Бир туп ўрик ёки бир туп олма дейди. Дарахтзор бошқа, олмазор, ўрикзор, олчазор бошқа*» [1, 173], - деб ёзади.

Аслида тилда ихчамликка интилиш жараёни доимий равишда юз бериб туради ва бу тилнинг такомил учун жуда катта фойда келтиради. Масалага шу жиҳатдан. қараганда Саид Аҳмаднинг *ўрик дарахти гуллади* деган жумлага эътироз билдириши табиий ва мақсадга мувофиқ, чунки шу жумлани ёзган одам ўз фикрини ушбу ўринда уч сўз билан эмас, балки икки сўз билан (*ўрик гуллади*) деб ифодаласа яхшироқ бўлар эди. Лекин Саид Аҳмаднинг кейинги жумлаларининг ўзи ҳам эътирозли, чунки бу ерда адиб, биринчидан, *дарахт* сўзини фақат мевасиз дарахтларга боғлаб қўймоқда, ҳолбуки,, *дарахт* тушунчаси мевали ва мевасиз дарахтларга. бирдай

тааллуқли. Тўғри, *дарахтзор* дейилганда кўпинча мевасиз дарахтлар назарда тутилади. Агар биз *дарахт* сўзини мева берувчи дарахтлардан бутунлай ажратиб қўйсак, унда тилимизнинг шаклланиб улгурган лексик бойлигининг бир томонига ва маъно имкониятларига анча зарар етказган бўламиз.

Саид Аҳмад ўз мақоласида яна бир нарсани, яъни «*Биз Навоийни, Бобуру, . Маширабларни ўқиганмиз. Уларнинг достон ва газалларидаги услубга маҳлиё бўлиб, уларнинг ўзлари ҳам худди шу услубда гапирганлар деган хулосага келишимиз мутлақо хатодир*» [1, 174-175], - деб ёзиши билан эски тил услубига берилиб кетишнинг ҳам зарарли оқибатлари борлигини, бизнингча, тўғри кўтариб чиққан. Дарҳақиқат, Саид Аҳмад кўрсатиб ўтганидек, маъносини тўлиқ тушунмаган ҳолда *жаннатмакон, қадам ранжийда, лутфан таклиф қилиш* сингари асосан арабча компонентлардан ташкил топган сўз ва ибораларни бўлар-бўлмасга ҳозирги тилимизнинг амалий муомаласида қўллай бериш ҳам адабий тилимизнинг меъёрига унчалик тўғри келмайди.

Саид Аҳмад биз таҳлил қилаётган «*Боқимонда жумлалар*» мақоласининг охирида «*Яна қайтариб айтаман, тилишунос, адабиётшунос олимларимиз адабий асарларимизнинг тилига эътибор берганларида, бу иш билан махсус шуғулланганларида, бу кичкина нуқсон аллақачонлар тузатилган бўларди*» [1, 174], деб ёзади. Ёзувчининг масалани шу тартибда қўйиши ва адабий тилимиздаги нуқсонларни бартараф қилишга чақириши яхши. Лекин юқорида айтилганларнинг ўзидан ҳам кўриниб турибдики, умуман, адабий тилимизда, жумладан, бадий асарларимиз тилида ва оғзаки нутқимизда учровчи бундай камчиликлар бир-икки мақола билан тузалиб кетадиган кичик камчиликлар эмас, балки кўпчиликнинг кучи билан, доимий кузатуви, интилиши ва иродаси билан амалга ошириладиган жиддий ишлардир.

Дарҳақиқат, адабий тилимизнинг муаммоси кўп.. Биз бу ўринда шулардан бир қисмини, асосан, сўз ва иборалар доирасида учрайдиган, ўз

моҳият-эътибори билан лексик-стилистик воситаларни ташкил қилувчи нуқсон ва камчиликларни кўриб чиқдик, холос.

Умуман, Саид Аҳмад талқинича, *“ўз халқининг ёзувчиси бўлиш учун Фафур Гуломдек сўзни ўйнатадиган, файласуф Ойбекдек ўзбекона фикр қиладиган, Қодирийдек ўз тилининг энг майда зарраларигача кўра оладиган ва уни ўқувчисига рангин бўёқларда етказа оладиган, Қаҳҳордек тўппончанинг ўқидек қисқа ва ўткир тил эгаси бўлиши шарт. Тил билмаган ёзувчи орқа этагини ёпиб адабиётдан ўз ихтиёри билан чиқиб кетгани маъқул”* [2].

Саид Аҳмад таниқли адиб Мурод Муҳаммад Дўстни ўта миллий ёзувчи, деб ҳисоблайди. Бу хусусият ёзувчининг “Мустафо” қиссасидаги кишилар тасвирида очиқ кўзга ташланади. Чунки бу қиссада тасвирланган кишилар бир-бирига сира ўхшамайди, ёзувчи уларнинг ҳар бирига алоҳида тил, алоҳида хулқ-атвор бера олган.

Саид Аҳмад истеъдодли ёзувчи Тоғай Муроднинг “Юлдузлар мангу ёнади”, “От кишнаган оқшом” қиссаларини республика ёзувчиларининг пленумида “кейинги йилларда яратилган асарларнинг энг яхшиси”, деб баралла айтган эди. Ўша йиғилишдаги нутқида атоқли адиб Тоғай Муродни *“ўзбек тилини куйлатган; ўзбек тилининг жами жилваларини офтобга солиб кўрсатган ёзувчи”* [2, 49] сифатида улуғлаган эди.

Шундай қилиб, янги ўзбек адабиётининг йирик вакили, моҳир сўз санъаткори Саид Аҳмад ўзининг бадий асар тилига доир илмий-назарий қарашлари билан ҳам ўзбек адабий жараёнинг равнақига салмоқли ҳисса қўшган эди. Унинг бу соҳадаги хизматларини изчил тадқиқ этиш бадий нутқ услубиятининг келгуси ривожда муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Бадий тил муаммолари // Шарқ юлдузи, 1985, 1-сон. – Б. 170-182.
2. Саид Аҳмад. Жомдан чиққан ёзувчи // Саид Аҳмад. Тошларда қотган ҳайрат (адабий ўйлар, хотиралар, ҳикоялар). – Тошкент: Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. – Б. 17

ПОЭТИК МАТНДА ШАКЛ ВА МАЗМУН МАСАЛАСИГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР

Д.И.Салоҳий СамДУ профессори, филология фанлари доктори

Ўрта асрлар классик поэзиясининг турли масалалари ғарб адабиётшунослари асарларида ўрганилган бўлиб, узоқ тарихга эгадир. Ғарб олимлари ўрта асрлар шарқ адабиётида ўзига хос мустақиллик, оригиналлик ҳақида фикр юритар эканлар, аксари Европа поэзияси материалларига суяниб иш кўрадилар. Ана шу сабабдан ҳам уларнинг билдирган фикрлари ва хулосаларида бирёқламалик, чегараланганлик кўзга ташланади. Жумладан, биз назарда тутаётган мавзу - бадийлик илми масалаларининг ўрганилиши хусусида ҳам худди шу ҳолни кўриш мумкин. Бундай ғарб назариётчиларининг фикрларига кўра, шарқ классик поэзиясида анъанавийлик кучли бўлганлиги сабабли, оригиналлик, ўзига хослик фақат бадий асарнинг ташқи кўриниши, шаклидагина намоён бўлади. Яъни, классик поэзияда мавзу ва мазмун аввалдан белгилаб берилганлиги, ҳар бир шоир ўз маҳоратини ана шу мавзунинг янгича талқини, бадий ишланилишида кўрсатиши лозим эканлиги, бу соҳадаги қатъий анъанани бузишга ҳуқуқи йўқ эканлигини кўзда тутиб, ғарб муаллифлари: «...авторы стремятся превзойти друг друга в мастерстве владения формой и достигают в соперничестве высокого артистизма», деган хулосага келадилар. Бу нуқтаи назарга кўра, ўзининг мустақил ижодкор эканлигини таъкидлаш учун ўрта аср классик поэзияси вакили ўз бадий яратмасининг шаклигагина эътибор қаратиши лозим (яъни, бадий санъатлар ўйинини кўрсатишигина кифоя) бўлади.

Француз олими П.Зюмтор асарларида ҳам худди шу мазмундаги фикрлар такрорланиб, у ҳатто ўрта аср ўқувчиси поэтик асардан унинг бадий шаклидан ўзга ҳеч нарса кутмайди, бу поэзиянинг асосий хусусияти унинг намоёишкорлигидадир (айнан: «театральность» сўзини қўллайди) дейишгача боради. У эътирозга ўрин қолдирмайдиган бир тарзда ўрта аср шарқ поэзиясида «мазмун, маъно ва ахборотга нисбатан шакл катта аҳамиятга эгадир», деган фикрни билдиради.

Араб поэзиясини ўрганган инглиз олими Х.А.Р. Гиббнинг таъкидлашига кўра ҳам, «целью его (яъни, классик шоирнинг - С. Д.) было, развивая ту или иную тему по четко обозначенной канве, украсить её всеми доступными средствами искусства, превзойти своих предшественников и современников красотой, выразительностью, сжатостью фразы, правдивостью описания и восприятия действительности».

Шунга ўхшаш фикрларни бир-бирини такрорловчи ва шу заминдан фикрларини ривожлантирувчи бошқа бир қатор ғарб ва баъзи рус олимлари асарларида ҳам кўриш мумкин. Қизиғи шундаки, классик араб, форс-тожик ёки туркий поэзиянинг айрим даврлари ёхуд алоҳида олинган ёзувчилар зумраси фаолияти юзасидан чиқарилган хулосалар кўп ҳолларда умуман Ўрта аср Шарқ поэзияси ва унинг барча даврларига нисбат берилади.

Албатта, бу муаммога турли ёндашувлар, нуқтаи назарлар мавжуд бўлиб, жумладан, рус олимлари Д.С.Лихачев, И.Я.Крачковский, М.В.Жирмунский, А.Б.Куделин кабилар юқорида келтирилган мулоҳазалардан тамоман фарқилувчи фикрларни баён этганлар. Масалан, М.В.Жирмунский жаҳон адабиётшунослигидаги бундай «формалистлар»ни танқид қилиб, классик араб поэзиясидаги бадий либос бевосита давр ва услуб масалалари билан ҳам боғлиқ эканлигини, яъни ҳар бир даврда адабий асар маълум услубда ёзилиб, давр янгилиниши билан услуб ҳам янгилинишини таъкидлайди ва шундай дейди: «...эволюция стиля как система художественно-выразительных средств или приёмов тесно связана с изменением общего художественного задания, эстетических навыков и вкусов, но также всего мироощущения эпохи.»

Дарҳақиқат, ҳар қандай қаламкаш ўз асарини бирор мақсадни кўзлаб яратади. Исломгача бўлган давр араб саҳроларида битилган ғазалларда шоир ўзининг нуктадонлиги, топқирлиги, фаҳми тез ва фаросатлилиги, ҳофиза қуввати билан бошқалардан устунлигини намойиш этишни мақсад қилиб қўйган бўлса, ўрта асрлар ниҳояси, инсоният шарқ ўйғониш даврининг камолот чўққисига етган бир даврда бу даврнинг энг етук вакили Алишер Навоий, албатта, бадий асар яратишдан тамоман ўзга мақсадларни кўзлаган эди.

Навоий ижодида поэтик санъатлар шоирнинг эзгу мақсадлари, эстетик идеалини бадиий ифода этиш учун восита бўлиб хизмат қилган. «Навоий учун ҳеч қачон шеърий санъатлар шунчаки бир санъаткорликни намойиш қилувчи воситалар бўлган эмас. У ҳақиқий новатор ижодкор сифатида, ўзининг бутун санъаткорлик маҳоратини, муҳим ижтимоий-сиёсий фикрлари, олижаноб ғояларини юксак бадиий савияда ифода қилиш учун дадиллик билан ишга солган». [1, 166-б.]

Алишер Навоий бутун илмий ва бадиий ижодида, давлат арбоби сифатидаги сиёсий-ижтимоий фаолиятида ислом сарчашмалари бўлмиш Қуръони Карим ва ҳадиси шарифлардаги умумбашарий, илғор ғояларга таянди, тасаввуф назарияси, унинг илмий-ғоявий асоси бўлмиш вужудуюн таълимотини чуқур ўрганди ва тарғиб этди. Буюк шоир Шарқ ўйғониши жараёнида юзага келган энг илғор ижтимоий-фалсафий ҳамда бадиий тафаккур ютуқларини ўз асарларида бой фалсафий мазмун ва гўзал бадиий нафосат уйғунлигида ўқувчисига тақдим этди. Унинг фалсафий бадиий тафаккури тараққиёти ислом маънавиятини кенг идрок қилиш ва уни ўз ижодий ва ижтимоий фаолиятида тарғиб этиш ғоялари билан бевосита боғлиқдир.

Қуръони Каримда ва ҳазрати ислом пайғамбари Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларида ифодаланган фикрлар Алишер Навоийнинг бадиий асарларида гўзал ташбеҳлар, бетакрор лавҳалар воситасида акс этади. Шунинг учун ҳам бу даврни мукамал ўрганмай туриб, ўрта асрлар шарқ адабиёти маъно ва мазмун жиҳатидан чекланган, дея даъво қилиш бирёқлама хулосалардан ўзга нарса эмасдир.

Мавзун (вазнга солинган) фикрнинг оддий ахборот воситаси бўлмиш тилга нисбатан мафтункор, жозибали ва ёқимли бўлишида бадиий санъат яратувчи унсурларнинг қатта аҳамиятга эга эканлиги бир қатор ислом уломалари асарларида ҳам қайд этилади.

Ислом уламоларининг уқдиришича, Қуръони Карим - илоҳий китоб, «Аллоҳнинг сўзи» бўлганлиги туфайли, ўзининг бетакрорлигини таъминловчи қатор хусусиятларга эгадир. Бу хусусиятларни инсон нутқининг бирор

кўринишида - оддий, бадий, назмий ёки насрий бўлсин - ифодалаш мушкул, тўғрироғи, уларни инсон зоти ўз тилида ифодалай олмайди. Буни исбот этиш учун мусулмон уламолари Қуръони Карим бадииятини ўрганиш ва уни араб назми ва насрининг энг юксак намуналари билан солиштиришга эҳтиёж сезганлар. Шу тариқа Қуръони Карим ва мусулмон уламолари бевосита адабиётшунослик муаммолари муҳокамасига тортиладилар.

Араб мусулмон назариётчиларидан Абд-ал-Қахир Журжоний ўзининг «Далояил ал-эъжоз» ва «Китоб асрор ал-балоға» асарларида Қуръони Каримнинг бетакрор бадииятини таъминлаши мумкин бўлган барча омиллар маъноси англаниши мушкул бўлган сўзларда (алфоз муфрад), уларнинг оҳангдорлигида, ҳарф ва ҳаракатлар муносабати ёки рукнларда, васл ва қофияларда, ўхшатиш ва истиораларда акс этиши мумкинлигини тахмин қилади ва бу мулоҳазаларини илоҳий китоб асосида мукамал ўрганади. Ниҳоят, муқаддас китобнинг бетакрор жозибаси ва мафтункорлигини ёлғиз шу санъатлар ташкил эта олмаслигига имон келтирган олим, унинг илоҳий гўзаллиги ўзига хос ва фақат унгагина муносиб бўлган услуби, назмидадир, деган хулосага келади.

Ал-Журжоний бадий шакл ва мазмун уйғунлигида яратилган бадий асарда мазмун етакчи ўрин тутишини таъкидлайди. Бироқ, унинг фикрича, ҳар қандай мазмун бирор шаклда намоён бўлади. Адабий асарда шакл ўзгариши билан мазмун ҳам маълум даражада ўзгаради. Шу нуқтаи назардан араб адабиётшуноси классик адабиётда шакл мукамаллиги маъно, мазмун мукамаллигига, динамикасига хизмат қилади, деган хулосага келади.

Ўрта асрларда Шарқ адабиёти тарихида адабиётшунослик масалалари билан энг кўп ва изчил шуғулланган Алишер Навоий бу масала хусусида катта илмий қимматга эга бўлган фикрларини баён этди.

Шоирнинг фикрича, поэтик асарда бадийликни таъминловчи омиллардан биринчиси поэтик мазмундир. Шоирнинг катта ишонч билан уқдиришича, поэтик мазмун бадий асарнинг жони бўлса, бошқа омиллар гўё унга комилликни, башарий қиёфани бағишловчи чиройли либосга ўхшайди.

Шоир ўзининг «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида туркий тилнинг бадий

асар яратишдаги имкониятлари хусусида фикр юритиб «...бу лафзда мунча вусъат ва майдонида фусхат топилур. Керакким, мунда ҳар навъ суҳангузорлиғ ва фасеҳғуфторлиғ ва назмсозлиғ ва фасонапардозлиғ осонроқ бўлғай ...Бу тилда ғариб алфоз ва адо кўпдур», деб ёзади. [3, 118-б.] Буюк шоир ана шу мулоҳазалардан келиб чиқиб, фикрни бадиий ифодалашда туркий тилнинг бадиий шакллари, хилма-хил имкониятларидан ғоят санъаткорлик билан фойдаланади. Шоирнинг ғазалларда тадрижийлик ва яқпоралик, воқеабандлик ва воқеабаёнлик хусусиятлари ҳақидаги фикрлари орқали поэтик асар мукамаллигини таъминловчи омиллар бадиий шаклга нисбатан бадиий мазмун билан, муаллифнинг ғоявий мақсадлари билан кўпроқ боғлиқ эканлиги англашилади.

Навоий ўзининг шу тариқа назарий қарашларини туркий ва форс-тожик тилларида яратган барча назмий асарларида баркамол намойиш этди. У адабиётшуносликка оид «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида, «Муҳокамат ул-луғатайн», «Мезон ул-авзон», «Муфрадот» каби асарларида, бир қатор ҳолотларида биз юқорида келтирган баъзи ғарб танқидчиларининг шарқғазалчилигини «артистизм»дан иборат, деган тушунчаларига нисбатан ўзининг соф илмий нуқтаи назарини баён этган эди, лирикаси мисолида эса ўз фикрларининг амалий ифодасини кўрсатди.

Адабиётлар руйхати

1. Иззат Султон. Навоийнинг қалб дафтари. – Тошкент: Адаб. ва сан. - 1973. - 422 б.
2. Абдуғафуров А. Навоий сатираси. 1-китоб. - Тошкент: ФАН - 1966. - 316 б.
3. Комилов Н. Маънолар оламига сафар. – Тошкент: Тамаддун – 2012.
4. Муҳиддинов М. Комил инсон – адабиёт идеали. – Тошкент: Маънавият – 2009.
5. Ислом тасаввуфи манбалари. – Тошкент: «O'qituvchi» - 2005.

БАДИЙ ВА ПУБЛИЦИСТИК МАТНДА ГРАММАТИК

СИНОНИМИЯ

*Абдусаидов Абдували (СамДУ профессори)
Шаронова Озода, Турсунова Нигора
(СамДУ тадқиқотчилари)*

Тилшуносликда грамматик синонимия деганда, асосан, сўз туркумлари ва гап синонимияси назарда тутилади. Ўзбек тилшунослигида келишиқ аффиксларининг вазифадорлиги - синонимияси, шу жумладан, қаратқич

келишигининг синонимик хусусияти бўйича А.Н.Кононов, А.Ғуломов, Р.Расулов, Ш.Раҳматуллаев, Р.Қўнғуров, И.Зиёева, М.Иминов, Б.Тўйчибоев, С.Акбаров ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида фикр-мулоҳазалар билдирилган[1]. От сўз туркуми доирасидаги грамматик синонимияда қаратқич келишиги билан боғлиқ ҳолат алоҳида хусусиятларга эга. Қаратқич келишигининг бошқа келишиклар билан синонимияси, қаратқич-қаралмиш ва сифатловчи-сифатланмиш конструкциялари синонимияси, келишик ва кўмакчилар синонимияси турли стилистик нозикликлар билан ҳам боғлиқ.

1. Қаратқич ва чиқиш келишиги синонимияси. Қаратқич шакли ўрнида чиқиш келишиги қўшимачи қўлланиши учун қаралмиш миқдор тушунчасини ифодалаш лозим. Миқдор тушунчаси эса сон, равиш, сифат, олмош каби сўз туркумлари орқали ифодаланади. М.: *ёғочларнинг биттасини // ёғочлардан биттасини* (С.А.,2-т.,299-б.)[2], *ноннинг тўрттасини // нондан тўрттасини* (С.А.,2-т.,609-б.), *саволларнинг ҳар бири //саволлардан ҳар бири.*

Газата матнида ҳам қаратқич ва чиқиш келишиги формаларининг синонимиясини кузатиш мумкин. М.: *Дехқонларнинг бири* помидор тераётган бўлса, иккинчиси эса, яшикларга жойлаб машиналарга ортаётир (Газ.)...// *деҳқонлардан бири.*

Қаратқич ва чиқиш шакллари деярли бемалол синоним сифатида қўллаш мумкин. Буни бадиий матн асосида олиб борган дастлабки статистик тадқиқотимиз ҳам тасдиқлайди. С.Аҳмаднинг “Уфқ” ва Ҳ.Ғуломнинг “Бинафша атри” романларидан қаратқич ва чиқиш формали конструкцияларни сидирғасига кўчириб олиб, уларнинг синонимик қўлланиш частотасини аниқладик. Натижа куйидагича: “Уфқ” романидан тўпланган қаратқич ва чиқиш формали конструк-циялар 33 тани ташкил этган. Уларнинг 19 таси чиқиш шаклида, 14 таси қаратқич формасида қўлланган. “Бинафша атри” романида ҳам синоним ҳолатдаги қаратқич ва чиқиш формасида келган 33 та конструкция қўлланган. Шундан 21 таси чиқиш формасида, 12 таси қаратқич шаклидадир.

“Уфқ”да чиқиш формасида келган 19 та конструкциядан 17 тасида чиқиш шаклини қаратқич билан бемалол алмаштириш мумкин. ”Би-нафша атри”да қўлланган 21 та чиқиш шаклидаги конструкцияларнинг 15 тасида вазифадошлик бемалол амалга оширилади. Бу конструкциялар ўзаро синоним сифатида қўлланганда маъноларида қисман стилистик фарқ юзага келади, лекин стилистик раволик асосан сақланади. Бундай синонимик ҳолатни газета материалларида ҳам кўриш мумкин.

2. Қаратқич-қаралмиш ва сифатловчи-сифатланмиш конструкциялари синонимияси. Бадиий асардан олинган фактик мисол орқали *одамларимизнинг яхшиси ва яхши одамларимиз* бирикмалари қиёсланганда, улар орасида маълум фарқ юзага келганлиги аниқланди. Бунинг сабаблари қуйидагича: биринчидан, “яхши одамларимиз” конструкциясида маълум белги, хусусиятга эга бўлган кўп предмет маъноси ифодаланган, “одамларимизнинг яхшиси” конструкциясида эса кўп предметдан маълум белги, хусусиятга эга қисми ажратиб кўрсатилган.

Ёки Абдулла Қаҳҳор ишлатган “одамнинг ёмони” конструкциясида кўп предметдан маълум белги, хусусиятга эга бўлган қисмини ажратиб, таъкидлаб кўрсатиш маъноси ифодаланса, “ёмон одам” сифатловчили конструкцияда эса маълум хусусиятга эга предмет оддий тарзда, таъкидланмасдан, алоҳида ажратмасдан кўрсатилган. Адибнинг мақсади қаратқич конструкцияда ифодаланган маънони бериш бўлган.

Ҳар бир грамматик конструкция ўз маъно хусусиятига, ўз стилистик қийматига эга. Қаратқич конструкциялар жуда катта экспрессив қимматга, сифатловчи конструкцияларда мавжуд бўлмаган ички имкониятларга эгадир. Қаратқич конструкция орқали нафақат хослик, қарашлилик маъносини бериш, балки маълум предмет, белги, хусусиятни алоҳида ажратиб, таъкидлаб кўрсатиш ва таъсирчанликни ошириш, мазмун аниқлигига тўла эришиш ҳамда стилистик нозиклик ва раволикни таъминлаш ҳам мумкин.

Қаралмиши сифатдан иборат қаратқич конструкциялар маълум стилистик бўёққа эгаллиги, раволиги, таъкидий формали ва таъсирчанлиги би-

лан ажралиб туради. Улар бадий асарда экспрессивликни таъминлашга хизмат қилади ва қаҳрамоннинг ички кечинмаларини ифодалашда маълум роль ўйнайди. Уларни сифатловчи конструкция билан алмаштирганда ва қиёслаганда, қаратқич конструкцияларнинг маълум ички имкониятларга эгаллигини, кучли стилистик воситалардан бири эканлигини кўриш мумкин. Мисол: Энди яна бир ҳақиқатни англадим. Бола учун ҳам *онанинг катта-кичиги* бўлмас экан (Ў.Ҳошимов. Дунёнинг ишлари, 7-б.) // *катта-кичик она*.

Бу хил конструкциялар синонимияси газета тилида ҳам танлаш имкониятини оширади, таъсирчанликни таъминлашга хизмат қилади. Мисол: *Касбнинг яхши-ёмони* бўлмас экан. Мен ҳам пиллачилик касбини эъзозлаб кам бўлмадим (Газ.) // *яхши-ёмон касб*. Бизнинг замонамизда ёшлар учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Чунки, *яхши нарсаларнинг ҳаммаси* болаларга(Газ.) // *ҳамма яхши нарсалар*.

б) қаралмиши “ҳамма”, “бари”, “жами” олмошлори билан ифодаланган конструкциялар синонимияси. Қаралмиши шу хил олмошлар билан ифодаланган конструкцияларда маълум воқеа-ҳодиса, предмет, хусусият жамлаб кўрсатилади. Уларда қаратқич келишиги орқали ўзига хос таъкид, ажратиб кўрсатиш маъноси ҳам ифодаланади ва таъсирчанлик, равонлик оширилади. Синоним сифатида қўлланган сифатловчи конструкция ҳам ўзига хос стилистик маънога эга, яъни воқеа-ҳодиса, предмет яхлит ҳолда ифодаланади, лекин алоҳида ажратиб кўрсатиш, таъкидлаш маъноси ифодаланмайди. М.: 1) қаралмиш “ҳамма” олмоши билан ифодаланган: У қишлоқдаги *гапларнинг ҳаммасини* бирма-бир гапириб берди (С.А., 2-т., 459-б.). // *ҳамма гапларни*. - Қизим, ўтган *фожиаларнинг ҳаммасини* унутинг. Одам дунёга бир марта келади(Х.Ғ., 467-б.). // *ҳамма фожиаларни*.

Газеталарда бу хил конструкциялар қўлланишида турли хиллик мавжуд, яъни кўп ҳолларда улар синонимиясини кўриш мумкин М.: *Ҳосилнинг ҳаммаси* фақат юқори сортларга топширилди (Газ.) // *ҳамма ҳосил*. Бундан 13 йил илгари эски дарахтлар ўриига ўтқазилган кўчатларнинг ҳаммаси бу йил 50-60 тадан ҳосил берди (Газ.) // *ҳамма кўчатлар*. 2)

қаралмиш “бари” олмоши билан ифодаланган: Раззоқ катта иш бошлаб юборди. *Дехқонларнинг барини* бир-икки йил ичида саводли қилмоқчи (Х.Ғ.,407-б.). // *бари дехқонларни.* 3) қаралмиш “жами” олмоши билан ифодаланган: Ана шунда қишлоқдаги *тирик жоннинг жами* далага чиқди (Х.Ғ.,66-б.). // *жами тирик жон...*

Қаратқич ва сифатловчи конструкциялар бемалол синонимик муносабатга кириша олишини бадий матн материаллари тасдиқлайди. М., “Уфқ” романида 29 та, “Бинафша атри” романида 26 та қаратқич ва сифатловчи конструкция қатнашган. Қаратқич конструкцияларнинг “Уфқ” да 23 тадан 16 тасида ва “Бинафша атри”да 16 тадан 15 тасида ўз синоними билан алмаштириш мумкин. М.: *Ҳамма йигитлар* шундай қилишади (Х.Ғ.,69-б.). // *йигитларнинг ҳаммаси.*

в) қаралмиши “кўп” равиши билан ифодаланган конструкциялар синонимияси. Бундай конструкция орқали кўп предметнинг асосий қисми, тахминий кўп миқдор алоҳида таъкидлаб кўрсатилади. Уларнинг синонимида ҳам маълум кўп предмет кўрсатилади, лекин у алоҳида ажратиб кўрсатилмайди. М.: *...чўлқуварларнинг кўплари* бидан таниш, кадрдон (Х.Ғ.,211-б.). // *кўп чўлқуварлар.*

3. Қаратқич ва ўрин келишиги формаларининг синонимияси. Қаратқич ва ўрин келишликли конструкциялар ўрин-жой маъноси ифодаланган айрим ҳолларда ўзаро синоним бўла олади. М., *қишлоғимизнинг врач* // *қишлоғимизда врач.* Конструкцияда сўзларнинг синтактик вазифаси ўзгариши билан бирга уларнинг маъноларида ҳам қисман стилистик фарқ юзага келади. Агар қаратқич конструкцияда бирор хусусият, предметнинг бирор жойга, предметга хослиги, қарашлилиги маъноси алоҳида ажралиб турса, ўрин келишликли конструкцияда эса қаршилилик, хосликдан кўра кўпроқ ўрин маъноси ифодаланади.

Бадий матн таҳлили шуни кўрсатадики, синоним сифатида қўлланган конструкцияда стилистик раволик деярли сақланади. Ҳатто айрим ҳолларда экспрессивлик, раволик янада ошади, таъкид, ажратиб кўрсатиш маъноси

хам ифодаланади. М.: Кўрдингизми, дадаси, боламда гуноҳ йўқ экан...!(С.А.,2-Т.,1-б.) // боламнинг гуноҳи йўқ...

Газета матнларида ҳам бу келишиklar синонимиясини кўриш мумкин. М.: Бу чўққиларни забт этишда биз механизаторлар *деҳқонларимизнинг доимий мададкоримиз* (Газ.) // *деҳқонларимизга доимий мададкоримиз*. Бу тўнғич йил чиндан ҳам тарихга бой, қутлуғ зафарларга *илҳомчидир* (Газ.) // *зафарларнинг илҳомчисидир*.

4. Қаратқич ва жўналиш келишиги формаларининг синонимияси.

Маълумки, отларда жўналиш келишиги ҳаракатнинг йўналиш нуқтасини ифодалайди. Бундан ташқари объект, ўрин, пайт каби маъноларни ҳам билдиради. Жўналиш келишиги объект, ўрин маъносини билдирганда ва бошқарувчи от билан ифодаланганда, шунингдек, конструкцияда қисман қарашлилиқ, хослик маъноси англашилганда, қаратқич келишиги билан синонимик муносабатда бўлади. Бунда конструкциялардаги сўзларнинг синтактиқ вазифаси ўзгаради ва маъноларида ҳам қисман фарқлар юзага келади, стилистик раволик, силлиқликка деярли путур етмайди. М.: - Сиз менга буви бўласиз-а? - деб сўради (Х.Ғ.,170-б.). // Сиз *менинг бувим* бўласиз-а?

5. Қаратқич ва ўрин белгиси формали конструкциялар синонимияси.

Қаратқич келишигининг асосий хусусиятларидан бири шуки, у отни отга боғлайди ва қарашлилиқ, хослик ҳамда бошқа маъноларни ифодалайди. Қаратқич келишигидаги сўз гапда қаратқич аниқловчи вазифасини бажаради. Ўрин белгиси формали *-даги* қўшимчали от ҳам ҳамма вақт отга боғланади ва гапда аниқловчи вазифасида келади. Бу форма нарса-ҳодисанинг ўринга кўра белгисини билдиради. Қаратқич келишиги ва ўрин белгиси формаси отни отга боғлаши ҳамда гапда бир хил синтактиқ вазифани бажариши билан маълум даражада умумийлик касб этади. Бу эса шу икки форманинг синонимлигини вужудга келтиради. М.: Бу ишга барча *қишлоқларнинг деҳқонлари* ўз улушларини қўшишлари керак (Х.Ғ., 8-б.). // *қишлоқлардаги деҳқонлар*.

Газета матнларида мазкур синонимликка ҳам мисоллар кўп учрайди: Бригадамиз *хўжаликдаги* йирик меҳнат коллективларидан бири саналади (Газ.). // *хўжаликнинг* йирик меҳнат коллективларидан. Бугунги *кундаги талаб* эса айнан шуни тақозо этмоқда (Газ.). ...// *куниинг талаби*.

Қаратқич келишиги яна бошқа грамматик воситалар билан ҳам синонимик муносабатга кириша олади. Р.Қўнғуров *-нинг* ва *-ники* формалари ўртасида синонимик муносабат мавжудлигини қайд этса, М.Иминов бош ва қаратқич келишиги формалари ўртасида ҳам синонимик муносабат борлигини кўрсатади. М.: *Чорвадорларнинг иш ҳақи* 110 сўмни, *механизаторларники* 133 сўмни ташкил этди (Газ.). - *Менинг номим* Фазилат, ёнимдаги *дугонамники* эса Бувражаб, - дея уларни таништирди қорачадан келган ўрта бўйли қиз (Газ.). Газета матнларида ушбу синонимиядан асосан такрорнинг олдини олиш ва тежамкорлик (иқтисод) мақсадида фойдаланилган.

Умуман олганда, қаратқич конструкцияларнинг бошқа грамматик воситалар билан синонимияси бадий ва газета матнларида ўзига хосликларга эга. Мазкур синонимик ҳолатни газета материаллари асосида махсус ўрганиш, барча функционал услублар материаллари мисолида атрофлича қиёсий тадқиқ этиш ва умумлашма хулосалар чиқариш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Адабиётлар

1. Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. - М.-Л.: Изд.АН.1960; Гуломов А. Ўзбек тилида келишиklar. - ФА Ўзбекистон филиалининг илмий асарларн. II серия, 2-китоб. -Тошкент,1941; Р.Расулов. Чиқиш келишиги. -Ученые записки Андижанского гос. пед.ин-та. Филологическая серия. Андижан, 1957, 47-48-б. Ўзбек тили грамматикаси.1-том. -Тошкент: Фан,1957,216-218, 233-234-б. Қўнғуров Р. Ўзбек тили стилистикасидан очерklar. - Самарқанд,1973,73-74,138-141-б. Зиёева И. Келишик формаларининг функционал алмашинувларига доир. //Ўзбек тили ва адабиёти, 1966, 3-сон, 36-41-б.; Иминов М. Функциональная замена падежных конструкций в современном узбекском литературном языке: Автореф. канд. дис....филол.наук. -Ташкент, 1976. - 26 с. Туйчибоев Б. Синонимика именных словосочетаний в современном узбекском литературном языке: Автореф. канд. дис....филол.наук. -Ташкент, 1973. - 27 с. Акбаров С. Ўзбек тилида синтактик синонимлар масаласи. // Ўзбек тили ва адабиёти,1961, 6-сон. Шу муаллиф. Келишикли конструкцияларнинг синонимияси ҳақида. // Тошкент пед. ин-тининг илмий асарлари. 87-том, 1972, 121-126-б.

2. Мисоллар манбаси ва қисқартмалар: С.Аҳмад. Сайланма. 3 жилдлик, 2-жилд.Уфқ. - Тошкент: Ғафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. - С.А.; Ҳ.Ғулом.

БАДИИЙ ИЖОДДА МАЪНО КЎЧИШИНING СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Доц.Т.Алмаматов

Маъно кўчиши орқали оғзаки ёзма нутқнинг жарангдорлиги, жозибадорлиги, таъсирчанлиги, ифодалилиги ошади; сўз ўйинлари, аскиялар, турли хил қочиримлар сингари тасаввурий ҳолатлар ифодаланади. Бу усул орқали бадиий адабиётда ёзувчининг дунёқараши, фикран зукколиги, орзу истаклари, хотира ва ўйлари, атрофдагиларга меҳр-муҳаббати, самимийяти, ички кечинмалари каби хислатлари юзага чиқади.

Бу ўринда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг “Ярим аср дафтари” тўпламидаги айрим маъно кўчишларига тўхталамиз. Тўпламга ёзувчининг қарийб эллик йиллик кузатувлари киритилган. Бадиий ижодда маъно кўчишининг турли хиллари кенг қўлланилади.

Маълумки, маъно кўчишининг турларидан бўлган мубалағага нарса ёки ҳодисаларга хос хусусиятларнинг меъёридан ортиқча бўрттирилиши, маҳоват қилиб тасвирланиши деб таъриф берилади. Муболаға қилинаётган нарса ва ҳодисаларни ифодалашда сўз маъно қирралари асосий восита бўлиб хизмат қилади ва ўхшатишнинг ажойиб намуналари яратилади, яъни ҳар қандай нарса ва ҳодисаларнинг меъёридан ортиқча катталаштирилиб кўрсатилиши тушинилади. Масалан, “Унинг шеъриятида арслон наърасини эслатувчи қудрот бор” (Гафур Гулом шеърияти ҳақида). Ижодкор шеъриятининг “арслон наъраси”га қиёсланишида рамзий маъно бор. Ғ.Ғулом замонасида ҳайқириб ўтди. Бунда бевосита фольклорга хос бўлган тасвир берилган. Дарҳақиқат тирик мавжудотлар ичида арслон наъраси табиий равишда энг қудратли ҳайқирик. Бундай ўхшатиш эталони орқали шеърият кучининг инсон руҳиятига таъсири, ҳаяжонлантириши ўта нозик ҳис билан ифодаланган, муболаға қилинган.

Инсонда бўлган фазилат шу даражадаки, унинг ташрифи (ҳақиқатан ҳам инсон буюк зот) ақл бовар қилмайдиган таъсир кучига эга: “У киши кириб келган хонадон ёришиб, кенгайиб кетгандек бўлар эди”(86) гапида кишининг салобати ёриб, кенгайиб равишдошлари орқали ифодаланган. Бир карашда оддийдек туюлади, аммо хонадонга сифат берувчи муболаға қўлланилмоқда. Дарҳақиқат, ижод бадииятсиз, бадият муболағасиз бўлмас (Эркин Воҳидов) экан, ижодкор қўллаган тасвир кучи шундаки, юқоридаги бирикув воситасида ҳатто хонадон ёришиб кенгайиб бормоқда. Бу ўринда тасаввур кучи тафаккурда устун келади.

Ёки, “Кейинги ҳикояда эса нима учундир ўша аёл Тўлқин акани туғилган кунига чақириб саратон куёшида қоврилиб бир соат кутади” (114). Куёш тафтини жуда яқинда бўлган иссиқлик манбаидан-да юқори қўймоқда. Одатда нарса қозонга солиб қоврилади. Бадииятда муболағанинг кучи билан одамни саратон куёшида қовуради. Ўйлаб қаралса, шу эпизод (қоврилмоқ) бошқача ифодаланганда нечта сўз ишлатиларди, қанчадан-қанча қайтариқлар, такрорлар юз берарди. Тил ифода имкониятининг кенглигидан муболаға орқали такрорлардан ҳоли биргина сўзда тасаввур қилиш мумкин бўлган кўплаб маънолар яширинган.

Сўзнинг ифода имкониятидан, у англатган маъно қирраларидан ҳар бир ижодкор ўрни билан моҳирона фойдаланади. Чунончи, “Йигит овқатдан уч-тўрт қошиқ олгач, бирдан миясига “тепди” шекилли, кўзимга синчиклаб тикилди” (158). Мисолдаги “тепди” калимаси ташийдиган маъно одатда оёқ (хоҳ одам, хоҳ ҳайвон) билан бажариладиган ҳаракат. Аммо бу ўринда ҳаракатнинг шундай мажозий маъноси англашиладики, натижада инсоннинг психологик ҳолати маҳорат билан ифодаланиб, айти пайтда ўзига хос юмор ҳам юзага келмоқда.

Ёзувчи ўз ижодида халқона ўхшатишларни маҳорат билан қўллаган: “Нари борса шапалоқдек келадиган бу ҳикояда қанчадан-қанча дард бор” (41). Ҳикояда ўхшатиш эталони сифатида “шапалоқдек” калимаси катнашмоқда. Мисолдаги бу эталон ўлчов бирлигини англатади. Ҳақиқатан,

бундай ўлчов бирлиги истеъмолда йўқ. У орқали ўта сиқик мазмун англашилмоқда. Нега айнан шапалоқдек? Гап шундаки, ўта кичрайтириш йўли билан ясалган ўхшатиш орқали халқимиз бошидан кечирган ўтмиш машаққатлари, дарду аламлари бундай халқона ибора билан ифодаланмаса, унинг рухий таъсир кучи мутлақо йўқалар эди.

Гул, чечак, лола каби мажозлар бадийий ижодда чексиз қўлланадиган усул. Бу мажоз инсониятнинг нозик ниҳоли хотин-қизларга нисбатан қўлланилиши деярлик ҳар бир ижодкорда мавжуд. Аммо унинг эркакка нисбатан берилишини тасаввур қилинг: “Бинафшадек нозик, бинафшадек гўзал Миртемир домланинг ҳурматини ҳар доим ҳам ўрнига қўйдикми?” Зоҳирий қараганда бу ўхшатиш физиологик ҳолат: қомат, юз гўзаллигига ўхшаса-да, ундаги ифодалаётган тағ маъно Миртемир домлага хос бўлган қалб гўзаллиги, қалб поклиги кўз ўнгимизга келади.

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,

Мажнунтолдай эгай бу кун бошимни.

Узлат қилмиш бу кеч шеър билимдони,

Ўксиб-ўксиб тўкай кўзда ёшимни (Тўра Сулаймон).

У кишидаги олийжаноблик, бағри кенглик, жўмардлик сахийлик каби хислатларнинг ижодида наён бўлишини бошқача талқин қилиш мушкул. Бундай бадийийликнинг нозик, нафис бўй бериши Ўткир Ҳошимовгагина хосдир.

Хуллас, бадийий ижодда қўлланаётган маъно кўчиши, қочириқлар, ҳазиллар, ўхшатиш ва муболағалар ўзбек тилининг, ўзбек маънавиятининг, ўзбек менталитетининг ўзигагина хос бойлигидир. У маънавий, тасаввурий анъаналарининг бетакрор кўзгуси, таъсирли нутқ имкониятига куч берадиган туганмас манба. Бадийий тасвирлашда беқиёс қимматга эга.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ў.Ҳошимов. Ярим аср дафтари. Тошкент, 2014.
2. Адабиётшунослик терминлари луғати. Тошкент, 1967.
3. Мисоллар Ў.Ҳошимовнинг юқорида кўрсатилган асаридан олинди.

БАХМАЛ ТУМАНИ ОРОНИМЛАРИ

Доц.М.Турсунпўлатов,
Саидова Дилшода талаба

Маълумки, топонимиянинг муҳим йўналишларидан бири оронимия ҳисобланади. **Ороним** термини юнонча орог – тоғ + онома – атоқли от маъносида бўлиб, ер юзаси релифидан бўртиб, кўтарилиб чиққан ҳар қандай баланд жойлар атоқли отини англатади. Бирор типдаги оронимлар мажмуаси оронимия деб юритилади.

Ўзбек тилидаги оронимлар монографик тарзда ўрганилган эмас. Аммо ўзбек тил макро ва микротопонимлари тадқиқига бағишланган ишларда муаллифлар ўзи ўрганаётган ҳудудда учрайдиган оронимларга ҳам тўхталиб ўтган. Масалан, Ў.Орипов Нурота тумани ҳудудида 30 тоғ ва 24 чўкки, 30 тепа номлари мавжудлигини, А.Арслонов Шофиркон туманидаги 30 га яқин тепа номи ҳақида маълумот берган. Бахмал туманида Туркистон, Моргузар, Ойқор, Ғижғилтоғи, Кунқортоғ тизмалари мавжуд. Туман ҳудудида 53 тепалик ва археологик ёдгорликлар бор.

Туман ҳудуди асосан, тоғ одди текисликлари ва тоғлардан иборат. Жанубдан “Ойқор” тоғи Туркистон тоғ тизмаси шимолий-ғарбий томондан Молгузар тоғ тизмалари билан туташган. Молгузар тоғлари билан Туркистон тизмаси оралиғида Сангзор водийси бор.

Оронимия деганда ер юза қисмидан баланд ва паст жой номлари тушинилади. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, Бахмалтуманида жойлашганаҳолива унинг исми проф.Х.Жўраев, проф. Х.Дониёровлар томонидан ўрганилиши жараёнида жой номлари ҳақида ҳам баъзи маълумотларни берилган. Аммо Бахмал тумани оронимлари ва уларнинг номланиши ҳақида маълумотлар берилмаган.

Ойқор тоғи Хисортоғ тизмалари ва **Помиртоғ** тизмаларининг давомидир. **“Ойқор” тоғ тизмаси денгиз сатҳидан 3200 м баландликда жойлашган.** Туркистон тоғ тизмасининг бир қисми “Ойқор” деб аталади. Бахмалда барча тоғлар умумий маънода “Ойқор” номи билан аталса-да, ҳар бир дўнглик, сой, жилға, кўтоннинг ўз номи бор.

Айрим тилшунослар бу номни ой (туркий сўз) ва қор (сутдек оппоқ рангли, заррасимон ёғин, туркий сўз) сўзлар бирикувидан ҳосил бўлган ном сифатида изоҳлайди. Ойқор топонимининг этимологияси. Унинг келиб чиқиши ҳақида қуйидаги тахминлар бор:

1. Жой номи икки маъноли қисмдан иборат: оя, қор. Ушбу икки сўз бирикиб, сўз бирикмасини, сўнгра кўшма сўзни ҳосил қилган: (ойқор > ой қор > ойқор). Юзага келган кўшма сўз ономастик конверсия жараёни туфайли топонимга айланган: ойқор > Ойқор. Ҳосил бўлган топоним «катталиги ойдайдқор» деган маънони фодолайди. (Халқ этимологияси)

2. С.Қораевбу «топонимнинг кинчи компонентисуғдчағартоғ деган маънони англатади», деган ҳолда, бирор манбани кўрсатмаган.

3. Топонимдаги ой аслида ал шаклида бўлган: о унлиси а унлисидан юзага келган. Шу ўзгариштаъсирида сўздаги л > й ҳолати рўй берган:

ал >ойқор>ойқор>Ойқор. Халқэтимологиясида ал сўзининг «баланд» деганмаъносибор. Агар шундай бу “Ойқор” жойноми «баланд қорлик» деганмаънонибилдиради.

Ойқор кексаларнинг айтишига қараганда бино бўлибдики ҳамиша қор билан қопланиб туради. Кечаси ойнинг ёруғида тоғ оппоқ бўлиб ялтираб туради. Доимо қор билан қопланиб турганлиги учун “оққир” деб деб номланади.

Ёзувчи Нурали Қобулнинг “Ойқор” қиссасида “Ой” бор қор бор, мен бор” деган жумласи ёки “Илон изидан” романида машхур чекист Баҳром Ибраҳимов ҳақидаги қайдларнинг бирида шундай маълумот бор: “Ёшларнинг барчасига ўзларига ўзлари таҳаллус танлаш топширилади. Шунда Б.Иброҳимов ўзига “Оқарали” дея таҳаллус танлайди. Ундан бу сўзни маъносини сўрашганда: “Менинг она юртим Ўсмаатда бир тоғ бор. Бутоғ “Ойқор” номибиланаталади. Унингтоғларименгамададва куч берсин, дешунитанладим”, - дейди.

Яна баъзи қарияларнинг айтилишларича “Ойқор” деб номланишининг бошқа бир сабаби, ёзнинг энг жазирама кунларида, саратонда ҳам тоғнинг тепасидаги қор янги чиққан ой шаклида кўриниб турганлиги учун шундай ном билан номланган, дейишади.

Йиғилган маълумотларга асосланган ҳолда “Ойқор” тоғи атрофидаги оронимларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Киши номларибиланбоғлиқоронимлар.
2. Ҳайвонномларибиланбоғлиқоронимлар.
3. Ўсимликномларибиланбоғлиқоронимлар.
4. Киши организмибиланбоғлиқбўлганоронимлар.
5. Динийтушунчаларбиланбоғлиқбўлганоронимлар.
6. Чорвачиликатамаларибиланбоғлиқбўлганоронимлар.
7. Турлирангларбиланбоғлиқбўлганоронимлар.

Ушбуларданбаъзиларихақидатўхталибўтамиз.

Киши (шахс) ва ҳайвон номлари билан боғлиқ бўлган оронимлар

Исмаат тоғ. Бу ном XIX асрнинг 50 йиллардан кейин пайдо бўлган. Бу жойга одамларнинг бориши қийин бўлган. Тоғга бориш учун йўл бўлмаган. Бу жойда чорвани семиртириш учун имконият яхши бўлган, яъни ҳеч бир мол келмаганлиги сабабли ўт-ўланлар, майсазорлар бисёр бўлган. Исмаат деган одам ўз чорвасини шу жойда кўпайтирган уддасидан чиққан. Кейинчалик шу жойдан қишлоқ аҳли учун ўтин ҳам келтирган. Шу-шу одамлар тоғ номини Исмаат тоғ деб аташади. Қирқ чилтон ғори. Бу ғор ҳақида маълумот беришда С. Азимнинг “Бахмалнома”сида баён этилганлардан фойдаландик. 1923 йил бек йигитларидан бири қочиб Моргузар (Молгузар) тоғининг Дувлат қишлоғига туташ жойлардан бирига яширинади. Эртасига уни шериклари ақлдан озган, мудҳиш бир қиёфада топиб олишади. У ўлими олдидан бир оз ўзига келиб, тоғ дарасида кўрганларини узук-юлуқ сўзлаб беради. Сув қуйилиш деган жойда кетаётган экан. Ғаллакonda орқасидан одам тушганини сезади. Йўлни чалғитиш учун Дувлат томон юради. Кеч кириб, изғирин бошланади. Қишлоқда тунаса қўлга тушиб қолишдан

кўрқади. Тоғ бағридаги ғорга кириб жон сақлайди. Эрта тонгда туриб атрофда бир тўда муз қотган одамларни кўради.

Бу халқнинг оғиздан-оғизга кўчиб афсонавий бир тарзда етиб келаётган “Қирқчилтон ғори” ҳақидаги ривоят. 1954 йилда шу ғордан Я.Ғуломов 12 та оташпараст зардуштийларнинг ҳайкалчаларини топган. “Исмат тоғ” бу тоғ “Ойқор” тоғининг кунботар томонида жойлашган бўлиб, Ўснат қишлоғига нисбатан Барлос қишлоғига яқин жойда, “Зархона” сойининг юқори қисмида жойлашган. Бу жоининг яйлови бисёр кенг бўлиб, мол боқишга жуда қулайдир. Бу тоғда ёввойи ҳайвонлар ҳам, арчалар ҳам, бошқа дарахтлар ҳам бисёр. Кексаларнинг айтишича Исмат бобо ёшлигини шу ерда мол боқиш билан ўтказган. Рўзғор учун керакли ўтинларни ҳам, мол учун ем-хашакларни ҳам шу жойдан келтирар экан, қариган чоғида ҳам шу дарага чиқишни канда қилмас экан. У кишининг вафотидан кейин бутун қишлоқ аҳли шу дарани “Исмат тоғ” дея атай бошлайдилар. Шу -шу “Ойқор” тоғининг бударасинечайиллардан бери шу ном билан аталиб келинади.

Ражабқайқи. Бу тоғ Бўриўйнар тоғининг паст қисмида, Олча дарасининг юқори қисмида, “Бирқап” тоғига ўтиш жойида жойлашган. Бу жойга бориш ҳар томонлама хавфли бўлган. Биринчидан, ёввойи ҳайвонларнинг кўплиги бўлса, иккинчидан, ўтиш йўли ўта тор ва хавфли бўлган. Биринчи бўлиб бу тоққа Ражаб қайқи (бундай дейишга сабаб бу одамнинг бир кўли озроқ эгри бўлган) деган одам йўл солган. Унинг йўлидан бирин-кетин чўпонлар юра бошлаганлар. Шу-шу “Ойқор” тоғининг бу қисми “Ражаб қайқи” номи билан юритилади.

Хулоса қилиб айтганда, Бахмал тумани оронимлари ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

Адабиётлар рўйхати:

1. Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбекономастикаситерминларининг изоҳлилуғати. – Наманган, 2006 .63.бет
2. Орипов Ў. Нурота тумани макро ва микро топонимияси лисоний таҳлили Филол. фанлари номзодлик дис ... автореф. – Самарқанд 2002, 13-,бет
3. Арслонов А. . Шофиркон тумани микротопонимиясининг лингвистик таҳлили: Филол. фанлари номзодлик дис ... автореф. —Тошкент, 2005. 62бет.
4. Ўзбекистан миллий энциклопедияси 12-жилд Давлат илмий нашриёти, 2006. -712 б. 268 бет.
5. Б.Ўринбоев. Жиззах топонимларининг табири. Услубий қўлланма Самарқанд 2007 39 бет.
6. Эрназаров Т. Номшунослик масалалари. Услубий қўлланма. Т.2010. 64-65 бетлар.

БАДИЙ МАТНДА ЎХШАТИШЛАР

Доц. Б.Файзуллаев,

П.ф.н.Қ.М.Ядгаров,

Тилнинг тасвирий воситаларидан бири бўлган ўхшатишларда лексик birlikлар билан ифодаланган икки нарса, ҳодиса ёки тушунча ўзининг

маълум бир белги, хусусияти асосида бир-бирига образли қиёсланади. Ўхшатишда нарса ва ҳодисаларни ифодалаган лексик бирликлар ўзининг тўғри маъноси билан солиштирилади. Ўхшатиш мана шу тўғри маънода қўлланиш билан метафора ва метофорик сифатдошлардан фарқланади (1).

Демак, ўхшатишларда лексик бирликлар қиёсланаётган нарса ва ҳодисаларнинг белгилари муҳим ўрин тутаяди. Масалан: Аёл меҳри – асалдек тотли. Аёл макри – захардек хавфли (Ў.Хошимов). Ушбу келтирилган гапларнинг ҳар иккаласида ҳам ўхшатиш қўлланилган. Бундаги биринчи гапда меҳр ва асал, иккинчи гапда эса макр ва захар сўзлари ўзаро чоғиштирилмоқда. Ташқи томондан қараганда меҳр билан асал, макр билан захар турли ҳодисаларни ифодалаб, улар ўртасида ўхшашлик, боғлиқлик йўқ. Лекин бу гапларда аёл меҳрини асалга, макрини эса захарга образли қиёслаш орқали ўхшатиш яратилган. Ҳақиқатан ҳам, меҳр ижобий фазилат бўлганлиги сабабли ширин нарсага-асалга, макр эса салбий фазилатлардан бири бўлганлиги учун аччиққа-захарга образли қиёсланган.

Шундан кўринадики, ўхшатишларда уч асос этиборда бўлади: ўхшатилаётган предмет, ўхшаётган предмет-асалдай, захардай ўхшовчи образ, учинчидан эса ўхшатилаётган ва ўхшаётган нарса, ҳодисанинг ўхшашлик белгиси-меҳр тотли (асал), аччиқ (захар) ўхшатма белги. Ўхшатишнинг ўхшатувчи объект ўхшовчи образи унинг асосий шarti ҳисобланади. Агар улардан бири қўлланмаса, ўхшатиш муносабати ифодаланмайди. Юқоридаги мисоллардаги меҳр-асалдай, макр-захардай каби сўзлардан бири туширилиб қолдирилса ўхшатиш умуман ифодаланмайди.

Айрим манбаъларда ўхшатишнинг тўрт асосий белгиси бўлиши лозимлиги таъкидланган: ўхшатиладиган нарса, ўхшаётган нарса, ўхшатиш воситалари, ўхшатиш сабаби (2).

Ўхшатишлар қадимги даврлардан поэтик фигура сифатида ўрганилган. Ўзбек тилшунослигида ҳам бу борада катта ишлар қилинган ва ўхшатишлар қуйидаги тўрт унсурдан ташкил топиши таъкидланган: 1) ўхшатиладиган

нарса ёки субъект (ўхшатиш субъекти); 2) унга ўхшаш бўлган нарса ёки объект (ўхшатиш эталони); 3) ўхшатиш белгиси ёки ўхшатиш асоси (ўхшатиш асоси); 4) ўхшатишнинг формал кўрсаткичи (ўхшатишнинг шаклий кўрсаткичи) каби (3).

Ўхшатишларда асосан уч компонент муҳим ўрин тутиши кузатилади. Чунки ўхшатишда лексик бирликлар билан ифодаланган икки нарса ва ходиса ўзининг бирор муҳим белги ва хусусиятлари билан таққосланади (4) яъни ўхшатиш учта лексик бирликнинг ўзаро муносабатидан юзага келади. Аммо бу жараёнда ўхшатишни шакллантирувчи воситалар: - дай//дек, - симон, -са каби, сингари ва бошқа шунга ўхшаш грамматик воситалар ўхшовчи образни ифодалаган сўзлар таркибида ёки ўзлари алоҳида сўз холида келиши мумкин. Лекин улар лексик маъно англатмайдилар. Шунининг илоҳиди оладиган бўлсак, ўхшатишнинг асосини уч компонент ташкил (лексик бирлик) этади.

Ўхшатиш компонентларидаги “ўхшатма белги” – нинг лексик бирликлар билан ифодаланиши ёки ифодаланмаслигига қараб, уларни тўлиқ ва тўлиқсиз ўхшатишларга ажрати мумкин. Ўхшатишларда юқорида қайд этилган уч компонент лексик бирликлар билан ифодаланса, тўлиқ ўхшатиш ҳисобланади. Масалан: У таъбир жойсиз бўлса, айиқдай бақувват, хушчақчоқ инсон экан (О.Ёқубов. Хотиралар). Ушбу гапда ўхшатувчи объект –у, ўхшовчи образ-айиқдай, ўхшатма белги эса-бақувват сўзларидир. Бу гапда ўхшатишнинг учала компоненти ҳам лексик бирликлар билан ифодаланган. Бу турдаги ўхшатишлар тўлиқ ўқшатишлар дейилади.

Баъзан ўхшатишларда ўхшатма белги лексик бирликлар билан ифодаланмаслиги ҳам мумкин. Бундай ўхшатишларда ўхшатма белгининг маъноси ўхшовчи образни ифодалаган сўзларнинг маъносидан англашилиб туради. Масалан: - Нима қипти, гулдай йигит (Ў.Ҳошимов). Бу гапда ўхшатувчи объект – йигит, ўхшовчи образ – гулдай сўзларидир. Бу ўринда ўхшатма белги бўлиб келадиган чиройли, мард, одобли, гўзаллик каби белги-хусусиятлар сўзлар орқали берилмаган. Ўхшатма белгининг бундай

сифат хусусиятлари ўхшовчи образ бўлиб келган гулдай сўзининг маъносидан англашилади. Бундай ўхшатишлар логикага асосланган бўлиб, гап мазмуни ва логик фикрга таянади.

Демак, тўлиқсиз ўхшатишларда ўхшатма белги лексик бирликларсиз ифодаланади (маниқий боғлиқлик асос бўлади). Бундай гапларда ўхшатма белгининг маъноси ўхшовчи образни ифодалаган сўзларнинг маъносидан англашилиб туради. Тўлиқсиз ўхшатишларни тўлиққа, тўлиқ ўхшатишларни тўлиқсизга айлантириш ҳам мумкин.

Хулоса қилиб айтганимизда, ўхшатишлар юзага келиш асосларига, бадиий матн жанр турларида қўлланишига, компонентларнинг тўлиқ ва қисман қўлланилишига, қисмларнинг таркибига, шакллантирувчи воситаларнинг турига кўра бир қанча турларга бўлиниши мумкин. Ўхшатишларнинг бошқа ўзига хос хусусиятлари кейинги ишларда ёритилиши назарга тутилган.

Адабиётлар:

1. Маҳмудов Н., Худайберганаева Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент, 2013, 96.
2. Исҳоқов Ё. “Ташбех”. “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали. – Тошкент, 1970, 4-сон.
3. Маҳмудов Н. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асиметрия. – Тошкент, 1984, 68-б.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. – Тошкент, 2008, 5-жилд, 85-бет.

О ПРЕДПОСЫЛКАХ ВОЗНИКНОВЕНИЯ СЛАВЯНСКОЙ ПИСЬМЕННОСТИ.

Пирназаров У.П. – доцент ДжГПИ им. А.Кадыри

К очень древним временам относится возникновение у человечества различных мнемотехнических (способствующих запоминанию) и магических графических средств. Это были отдельные рисунки, иногда с попыткой передачи обозначающие количество объектов или событий, отрезков времени, заменители таких зарубок или насечек в виде узлов или различного вида четок, магические изображения или фигуры. С возникновением классового общества и государства такого рода предписьменностей

становится недостаточно. Возникает необходимость недвусмысленной фиксации законов и договоров, указов и завещаний. Возникает необходимость в **нестоящей письменности**.

Кодификация религиозных установлений, составление различного рода священных книг относятся к атому же этапу и характерны не для всех религий. Это настоятельно требуется самой религией тогда, когда некоторые ее положения рассматриваются как данные божеством установки. Но до этого сплошь и рядом бытуют в различных формах рассказы о жизни божества, фиксация которых в письменном виде необязательна. Нечто подобное характерно, к примеру, для Древней Греции и Древнего Рима. По-видимому, и древнееврейские сказания и предания, вошедшие в состав древнейшей части Библии - Ветхого завета, длительное время передавались в устной традиции, прежде чем были зафиксированы на письме. Да и сами письменные тексты нередко подвергались заменам и преобразованиям, прежде чем они принимались в качестве фундаментальных и неизменных, т.е. кодифицировались. Такая кодификация происходит обычно уже в классовом обществе.

Когда религиозные установления уже кодифицированы, нередко при распространении данной религии миссионеры, стремясь дойти до верующих, используя их родной язык, создают и средство фиксации религиозных установлений на этом языке – соответствующую письменность (хотя в некоторых религиях священные книги переводу не подлежат: Коран у мусульман или Библия долгое время у западных христиан-католиков не переводились на языки приобщаемых к религии народов). Восточная ветвь христианства осуществляла переводы Библии на языки народов, которые предполагалось крестить или которые были уже подвергнуты крещению (в целом или по частям). При этом могли использоваться уже существовавшие письменности или же создаваться новые.

Если письменность создавалась миссионерами или привносилась иными путями, но ее появление еще не соответствовало уровню социального

развития соответствующего общества, она могла не удержаться. Так было, например, с письменностью для народа коми, созданной Стефаном Пермским (ок.1345-1396), миссионером русской православной церкви, который стал первым епископом Пермской епархии; при преемниках Стефана, не знавших местного языка, азбука была забыта, а потом пришлось создавать письменность коми вновь. Необходимость в письменности обуславливается прежде всего обеим социальным развитием, а не только потребностям культа.

У древних славян, как уже говорилось, до их разделения **не было государства, а общественную структуру древнеславянского социума можно охарактеризовать как первобытнообщинный строй, в поздний период - уже разлагающийся, включающий элементы рабства к феодальной организации. Однако лишь после разделения славян эти элементы приобретают значение господствующих и возникают ранние славянские или включающие славянский этнический компонент государственные образования, первоначально, видимо, имевшие характер военно-племенных союзов. Потребность в письменности на первых шагах удовлетворяется в таких государственных образованиях путем использования либо неславянских участников государственных образований, либо соседних народов, обладающих длительной и признанной письменной традицией, в частности греческой и латинской. В условиях полиэтнической (включающие много этнических единиц) раннефеодальных государственных образований применение в письменности одного из языков данного образования или авторитетного языка соседей, носители которого имелись в составе государства, видимо, не вызывало затруднение. В канцелярии ханов Первой болгарской державы в VII-IX вв. использовался греческий язык и письмо. И в более поздний период мы сталкиваемся с аналогичными процессами. Так, например, до XIV в. полностью, а в определенной мере и позже в Польском государстве как язык государства, и особенно церкви, использовалась латынь. Западнорусский**

(старобелорусский) язык в XV-XVI вв. был государственным языком Великого княжества Литовского. Подобные явления нередки.

Использование иноязычных письменностей для составления текстов о славянах порождало проблему неславянской передачи славянских собственных (личных и географических) имен. Проблема эта решалась определенным образом в греческих и латинских письменных источниках. И.А.Бодуэн де Куртенэ в своей диссертации "О древнепольском языке до XIV столетия" (1870), анализируя польские слова в латинских источниках, написанных до появления собственно польских документов, сумел восстановить древнепольскую фонетику того периода и даже элементы морфологии имен. От использования средств греческого и латинского письма для передачи отдельных славянских слов в текстах на греческом и латинском языках один шаг до того, чтобы попытаться передать средствами греческого и латинского письма целые славянские тексты.

Литературы:

1. Истрин В.А. 100 лет славянской азбуки. 2-е изд. М., 1988
2. Истрин В.А. Возникновение и развитие письма. М., 1965.
3. Можяева И.Е. Библиография по кирилло – мефодиевской проблематике 1945-1974 г.г М., 1980
4. Беринштейн С.Б. Константин Философ и Мефодий М., 1984

ПУБЛИЦИСТИК МАТНДА ҲУҚУҚИЙ МАВЗУНИ ЁРИТИШДА ТИЛ БИРЛИКЛАРИНИНГ ЎРНИ

*Абдусайидов Абдували (СамДУ профессори),
Ёқубов Ихтиёр (СамДУ ўқитувчиси)*

Ўзбек тилшунослиги ва журналистикасида публицистик услуб, газета тилининг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган қатор тадқиқотлар мавжуд [1]. Ҳозирча ҳуқуқий мавзудаги матнларнинг тил хусусиятлари тадқиқ этилган ишлар жуда оз. Олим Ўсаровнинг “Оммавий ахборот воситаларида суд процессларини ёритиш муаммолари (назарий-методологик таҳлил)” мавзудаги номзодлик диссертациясида “Суд жараёнини ёритишда журналист маҳорати: тили, услуби ва жанрлар таҳлили” деб номланган учинчи фаслда суд жараёнининг матбуотда ёритилиши таҳлил этилган. Ишда «Хуррият»,

«Адолат», «Моҳият», «Халқ сўзи» каби газеталарда чоп этилган суд ишига доир мақолалар тили ўрганилган. Ушбу тадқиқот публицистик матннинг антропоцентрик парадигма асосида ўрганилишида ҳуқуқий мавзудаги материаллар тилини алоҳида тадқиқ этишга ундайди.

Маълумки, ҳуқуқий нашрларда ҳужжатлилик, аниқлик, ҳуқуқийлик устуворлик қилади. Шунингдек, уларда ҳуқуққа оид атамалардан кенг фойдаланилади. Бундай материалларда расмийлик аниқ кўринади, таъсирчанликни ифодалаш ҳолатлари кам ўз аксини топади. Журналистик материал қайси жанрда бўлмасин у, аввало, муайян ахборотни ифодалайди. Бунда ахборотнинг тили ва услуби, ифодаланиш тарзи ҳам маълум аҳамиятга эга. Ахборот содда, раво, ихчам, халқчил бўлса, ўқимишли ва айна пайтда самарадорлиги юқори бўлади. Бу жиҳатдан Қ.Эшматов, С.Остонов, Ҳ.Олимжонов, А.Ҳайдаров, Т.Акбаров, А.Жонузоқов, Д.Қирғизбоев каби журналистларнинг суд жараёнларидан тайёрлаган мақола, репортаж ва очерклари ёш журналистларга ҳозирча ўрнак бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳуқуққа оид матнларнинг сарлавҳалари ҳам эътиборни тортади. Материалларга танланган сарлавҳалар, аввало, унинг ўқишлилигини, таъсирчанлигини оширади, қолаверса, журналистнинг маҳорати ва топқирлигидан ҳам далолат беради: «Синган бармоқ можароси» (Д.Орипов. «Хуррият», 25.05.2005), «Сағирлар бошини силамаган суд» (Т.Акбаров. «Моҳият», 13.01.2006), «Судда сўралмаган жабрланувчи» (А.Жонузоқов. «Хуррият», 4.03.2005), «Қози «Юзи»дан ўтолмади» (Мунис. «Хуррият», 30.11.2005)[2].

“Адолат сари” газетасида босилган “Тезкор қидирув” сарлавҳали матн Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунининг шарҳига бағишланган. Ушбу матнда асосан ҳуқуқ соҳасига оид қуйидаги атама(термин)лар ва сўз бирикмалари қўлланилган: *ҳуқуқни муҳофаза қилиш, тезкор қидирув, жиноятчилик, ҳуқуқий асос, махсус идоравий норматив ҳужжатлар, қонунчилик, ҳуқуқий тартиб, қонун, принцип, жиноятларнинг олдини олиш, барҳам бериш, жиноятларни тайёрлаш ва содир этиш, дахлдор бўлган шахс, асосий қоидалар, ҳуқуқ ва*

мажбурият, субъектларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояси, процессуал-ҳуқуқий муносабат, дастлабки тергов, ҳудудий жиҳатдан терговга тегишлилик, жиноятнинг оғирлиги, жиноят ишининг ижтимоий аҳамияти, жиноят-чиликка қарши курашни кучайтириши, қонунийликни янада мустаҳкамлаш, жиноят кодекси, 41 та моддаси, прокуратура органлари, тергов, вояга етмаганлар содир этган ишлар, ички ишлар органлари, мансабдор шахслар, ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати органлари, Бош прокуратура, Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиши департаменти кабилар(Адолат сари, 15.05.2015).

“Адолат сари” газетасида ишлатилган сарлавҳалардан ҳам уларнинг ҳуқуқ соҳасига оидлигини билиб олиш қийин эмас. М.: *Ҳуқуқий тарғибот, Банкдаги “ўйинлар”, Келинлик сени қайтарилмайдими?, Кўрмаганнинг кўргани қурсин, Ёшлик бебошликми?, Ажрим* (Адолат сари, 15.05.2015).

Ҳуқуқий материалларда танланган сарлавҳалар таъсирчанлиги билан эътиборни тортади. М.: *Таълимга хиёнат – келажакка хиёнат, Эгри йўлдагилар, Холасининг қотили, Одам савдоси муҳокама қилинди, Масъулиятсиз мудира, Янгича фириб, Нафсига қул кимсалар, Қарздорлик баҳона, “Фарзанд керакми, марҳамат!”, Алимент тўламади, Қимматга тушган тўй, Эзгу орзунинг эгри рўёби, Мансаб юки, Орият талашиб...* (Адолат сари, 28.12.2015).

Кўринадики, сарлавҳалар структур-грамматик жиҳатдан ҳам фарқланади. Улар орасида сўз, сўз бирикмаси, гап, фразеологизм-сарлавҳалар ҳам мавжуд. Энг муҳими, улар таъсирчанлиги билан газетхон эътиборини тортади. Ҳуқуққа оид материалларни нашр этишда уларнинг турли жанрларга хослиги ҳисобга олинган. Газетада хабар, интервью, ҳисобот каби ахборот жанрларига оид матнлар босилган. Уларда асосан нейтрал тил бирликлари ва ҳуқуққа оид атамалар ишлатилган. Таҳлилий жанрларга оид мақола, корреспонденция, хат, шарҳ кабиларда ҳуқуққа оид атамалар билан бирга тилнинг образли воситаларидан, салбий маъноли бўёқдор эмоционал-экспрессив лексикадан унумли фойдаланилган. Газетада

лавҳа ва очерк жанрларига хос матнлар ҳам мавжуд. Фельетон жанрига хос материалларни учратмадик. Лекин аксарият танқидий мақолалар фельетонга ўхшаб кетади.

“Нафсига қул кимсалар” номли танқидий мақоланинг сарлавҳаси эътиборни ортади. Матн худди бадиий асардаги каби ҳикоя услубида ёзилиб, асосан ахборот диалог шаклида берилган. Матнда қўлланилган ҳуқуқа оид атама ва сўз бирикмалардан ташқари фразеологизмалар, ёрқин баҳоли сўз ва сўз бирикмалардан ҳам фойдаланилган. Айниқса, қуйидаги иборалар ва сўз бирикмалари газетхонни бефарқ қолдирмайди: *Имондан устун келган нафс, уни ҳар қўйга сола бошлади, пул, бойликка ружу қўйди, жойни бўшатиб қўйинг, ўрнингизга кўз тикканлар кўп, ҳақини бировга бериб қўядиганлардан эмас, далилий ашё билан қўлга олинди, суд ҳукми билан, озодликдан маҳрум этилди, биринчи бор судланаётгани, қилган жиноятидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, бошқа енгиллаштирувчи ҳолатлар* кабилар (Адолат сари, 28.12.2015).

Ҳуқуққа оид матнларнинг тили ўзига хосликларга эга. Биринчидан, уларда ҳуқуққа доир атамалар ўринли қўлланилмоқда. Иккинчидан, таъсирчанликни таъминлаш учун сермазмун сарлавҳалардан, эмоционал-экспрессив бўёқдор сўзлардан ижобий ва салбий маъноларни ифодалашда маҳорат билан фойдаланилмоқда. Учинчидан, ҳуқуқа оид матнларда мавзунини қизиқарли ёритиш мақсадида бадиийлик (ҳикоя усулидан фойдаланиш) кучайиб бормоқда. Ушбулар чуқур илмий таҳлилни талаб этади.

Адабиётлар

1. Қуйидаги ишларда муаммонинг ўрганилишига оид маълумотлар берилган: Абдусаидов А. Газета жанрларининг тил хусусиятлари: Филология фанлари доктори ...диссертацияси автореферати. - Самарқанд, 2005. - 48 б. Абдусаидов А. Журналистнинг тилдан фойдаланиш маҳорати. Монография. – Самарқанд, 2004. – 102 б. Абдусаидов А. Мустақиллик ва Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари фаолияти. Тил, жанр, маҳорат. Монография. – Самарқанд, 2016. – 204 б.

2. Усаров О.А. Оммавий ахборот воситаларида суд процессларини ёритиш муаммолари (назарий-методологик таҳлил). Филол.ф.номз. дис.автореферати. – Тошкент, 2009, 18-19-б.

СЎЗЛАШУВ НУТҚИ УСЛУБИДА ИНТОНАЦИЯНИНГ ЎРНИ

Доц.А.Мусаев

Суперсегмент фонетик ҳодиса бўлган интонация тилнинг ёрдамчи воситаларидан биридир. Нутқни фонетик жиҳатдан шакллантирадиган, бир бутун қиладиган интонацион воситалар қаторига тон, ритм, мелодика, урғу, пауза, тембр, темп кабилар киради. /1.39/

Интонация грамматик воситалар билан алоқадордир. Сўзлар билан ифодаланган ҳукм гапнинг қисмларга ажратилиши бир қанча томондан бўлиши мумкин. Биринчидан, мантикий томондан (мазмун қисмлари), иккинчидан, шаклий-грамматик томондан (грамматик қисмлар), учинчидан, фонетик томондан (интонацион қисмлар). Лекин бу томонлар бир-бирига мослашган бўлади. Интонациянинг ёлғиз ўзида тил нуқтаи назаридан фикрий мундарижа бўлмайди. У нутқда гап орқали руёбга чиқади.

Интонация сўзлаш жараёнида оҳангнинг ўзгариши, тоннинг баланд-пастлиги, нутқ мелодикасининг турлилиги орқали намоён бўлади.

Сўзлашув нутқи оғзаки нутқ бўлганлиги учун ҳам унда интонация муҳим роль ўйнайди.

Сўзлашув нутқи услуби учун бир текис ритмик-интонацион оқим характерли эмас. Сўзлашув нутқи интонацион нуқтаи назардан "чопаётган", "сакраётган" каби туюлади. Унинг бундай стихиялилиги, интонацион шаклланмаганлиги нутқнинг табиийлигини кўрсатувчи омилдир.

Шунинг учун сўзлашув нутқи услубида гапнинг кузатилган мақсадга, эмоционалликка, модалликка кўра турлари кўп жиҳатдан интонацион фарққа қараб белгиланади.

Интонация гапнинг мазмун-грамматик тугаллигини, гапдаги бўлақларнинг, гуруҳларнинг, бирикмаларнинг, айрим гапларнинг турли муносабатларини ифодалайди, гапнинг мазмунидаги ҳар хил ҳолатларни, гапнинг турини, унинг қандай қисмларга бўлинишини, ундаги айрим бўлақларнинг ажратилганлигини кўрсатади /2:22/.

Интонациянинг тури хилма-хилдир. Унинг энг характерлиси куйидагилардан иборат:

1. Грамматик ёки синтактик-синтагматик интонация. Бу одатда, синтактик бўлинишнинг, мазмуннинг бошқалигини кўрсатишга хизмат қилади. Бу хил интонация гапларни синтактик бўлақларга ажратишда ва гап бўлақлари тартибида аниқ кўринади. Масалан: Катта мевали дарахт (меваси катта). Катта мевали дарахт (дарахт катта). Йигит-қиз излади. (йигит-эга, қиз - тўлдирувчи). Қиз йигит излади /қиз-эга, йигит-тўлдирувчи/.

2. Мантиқий ёки мантиқий экспрессив интонация. Бу интонация грамматик-фикрий муносабатни белгилашда муҳим роль ўйнайди. Бунда мантиқий урғу муҳим роль ўйнайди. Масалан: У келди, мен кетдим (сабаб: у келгани учун мен кетдим). У келди - мен кетдим (Икки ишнинг бўлишида орадаги вақтнинг қисқалиги: У келиши биланок, мен кетдим).

3. Эмоционал-экспрессив интонация. Интонациянинг экспрессивликка бой, мантиқий кучга эгаллиги билан ажралиб, бунда сўзловчи аввало, нутқнинг бадий гўзаллигига, қолаверса, фикрнинг ўта таъсирчанлигига эришади. Бу интонация ўзининг чуқур мазмундорлиги, фикрнинг лўнда ифодаланиши билан характерланади. Бу хил интонацияда экстралингвистик омиллар фаол иштирок этади. Масалан, сўзловчи шахс ёки бу ҳодиса ҳақида гапираётганда куйидагича ҳаракатлар қилиши мумкин:

1. Турли маъно ифодаловчи қараш, бошини секин пастдан юқорига қаратиб қимирлатиш;

2. Ҳайронлик билан тумшуғини кўтариш, қўлни унча кенг бўлмаган даражада ёйиш;

3. Ўнг қўлни ҳаракатчан, тез силкитиш;

4. Кўрсатгич бармоқни бигиз қилиб чўзиш;

5. Гавдани секин орқага ташлаш, қўл панжаларини силкитиш, елкаларини кўтариш;

6. Бир ёки икки қўл билан четлаштиришни ифодаловчи ишора;

7. Ҳайронлик билан қўлни ёзиш ва ҳоказо.

Демак, сўзлашув услубида интонациянинг роли каттадир. Интонация воситасида сўзлар, гаплар турли хил эмоционал-экспрессив ҳолатни ифодалайди /3/. Интонациясиз гап интонация олган гапдан мурда жонли мавжудотдан қанчалик фарқ қилса шунчалик фарқ қилади.

Ўзбек сўзлашув нутқи услубида интонация маънони ажратишда муҳим роль ўйнайди. Ҳар бир гап таркибида у ёки бу маънони ифодалаш учун хизмат қилувчи интонацион конструкциялар (ИК) мавжуд.

Агар ўзбек сўзлашув услубидаги фактик материалларга мурожаат қиладиган бўлсак, интонацион конструкцияларнинг кўп қиррали ва ранг-баранглиги кўзга ташланади. Унинг турли-туман кўринишларини ёзма нутқда ҳар доим тиниш белгилари орқали ифодалаб бўлмайди. Интонацион конструкциялар нутқда гап, синтагма, сўз бирикмаси ва сўзлар, шунингдек, контекст билан боғлиқ бўлиб, улар билан биргаликда ҳаракат қилади. Шунинг учун интонацион конструкция гапнинг энг муҳим характерли белгиларидан ҳисобланади.

Ўзбек сўзлашув услубида маънони фарқлашга хизмат қилувчи интонацион конструкцияларнинг етти типини кўрсатиш мумкин. Улар қуйидагилардан иборат:

Биринчи тип интонацион конструкциялар қуйидаги ҳолатларда қўлланилади:

1.Нейтрал жавобларда:

Паттихон. Ахир қачон иложи бўлади?

Дадавой. Кейин ... ёзда... /У.Ас.4.327/.

2. Гаплар тугалланганлигини ифодаловчи охирги синтагмада:

-Бу қоғозларнинг ҳар бири сен билан Дадашевга бир айбнома. /Иброҳим Раҳим.Асарлар.2.61/. -Эшитган бўлсанг, ўз аравангни ўзинг торт, ягона аралаштирма /И.Р.2.18/.

Иккинчи тип интонацион конструкция нутқда қуйидаги ҳолатларда қўлланилади:

1. Сўроқ гап олмошли бўлганда, сўроқ интонацияси шу олмошда кучли бўлади:

Комилов. Сен ҳам индамадингми? /У.Ас.4.318/.

-Сиз бу кишининг дугонасимисиз? Отингиз? /Ҳамид Фулом. Асарлар. 2.422/.

2. Содда ва кўшма гаплар таркибидаги сўзларни маъно жиҳатдан ажратганда, уларни карама-қарши қўйганда: Шариф. Мен воз кечмасам, Роҳатой воз кечади /У.Ас.4.383/.

Нутқда учинчи тип интонацион конструкция қуйидаги шаклларда қўлланилади:

1. Сўроқни ифодаловчи сўзлар қатнашмаган конструкцияларда /96: 61/:

- Бирон жойи узилиб тушган одамдай кўринасан? /С.Аз.1. 25/. Ҳадича, бу болани менга ҳадя қилишни истармидингиз? /Ш.юл. 1996.2,93/.

2. Қайта сўроқ жараёнида:

Шариф. Кетаётибман.

Бурхон. Кетаётибман? Қаёққа? /У.Ас.4.403/.

Нутқда тўртинчи тип интонацион конструкциялар қуйидаги структураларда қўлланилади:

1. Сўроқни билдирадиган элементлардан бири -чи ёрдамида тузилган гапларда:

Ойгул. Азроил шартингизга кўнармикан?

Йўлдошев. Кўнмаям кўрсин-чи! /У.Ас.4.16/.

2. Талаб характеридаги сўроқларда:

Ойгул. Йўқ айтинг! Айтасиз, нима гап? /У.Ас.4.19/. Лист. Нега ишга чиқмадинг? Партизанмисан? /У.Ас.4.37/.

Нутқда бешинчи тип интонацион қурилмалар қуйидаги шаклларда қўлланилади:

1. Белги, ҳаракат, ҳолатнинг юқори даражада намоён бўлишини ифодалаган гапларда: Дадавой. Бошимга етган ўжарлик эмас, қизинг билан

куёвинг! Йўқ! Йўқ! Чидолмайман! Чидолмайман! Ўзимни ўзим ўлдираман!
Осаман! Отаман! /У.Ас.4.451/.

2. Давомийлик, истак оттенкасини ифодаловчи гапларда:

Холмат. Бахтинг ёр бўлсин, омадингни берсин! Хизир бобо кўлингни
баланд қилсин! /У.Ис.Т.ас.200/. Тожихон. Ҳа, ўзимга ҳам айтди. Аммо чакки
килади. Мен Комилжонни кутаман. Умрбод кутаман... /У.Ас.4.291/.

Нутқда олтинчи тип интонацион қурилмалар қўйидаги шаклларда
қўлланилади:

1. Белги, ҳаракат, ҳолат юқори даражада намоён бўлган гапларда:

Дадавой. Бакираман! Дод дейман! Дунёни бошимга кўтараман! (У.Ас.
4.353/. Тожихон. Ҳозир кийин... Уруш вақти... Материал топилмайди
/У.Ас.4.271/.

2. Қайта сўроқ мазмунини ифодаловчи гапларда:

Холча. Ўзинг имонсиз!

Олмос. Нима? нима дейсан? /У.Ас.4.98/.

Фотиҳа! Қанақа фотиҳага!.. -деди Мадинанинг юраги ёмон орзиқиб
/Ш.юл.1996.3,154/.

Нутқда еттинчи тип интонацион конструкция қуйидаги кўриниш-ларда
намоён бўлади:

1. Ҳаракат, ҳолат, белгининг мавжудлигини инкор этувчи гапларда:

Роҳат. Бўлмаган гап! Ишонмайман! /У.Ас.4.400/.

Бурхон. Мен бу қарорга қаршиман! Мен норозиман!

Ёқуб. Бошқача бўлиши мумкин эмас.

Яҳё. Мумкин эмас! /У.Ас.4.405/.

2. Сўзловчининг суҳбатдошига ғазаб билан қиладиган муомаласини
билдирадиган инкор гапларда:

Ҳакимжон. Бундан чиқдики, сизни танқид қилганлар ҳақ эканда?

Дадавой (Дарғазаб). Йўқол! Оёғимга ўралашма! Кўзимга кўринма!
Йўқол ,юзинг курсин! /У.Ас.4.357/. Азиз Камол. Малик Маҳмуд кўздан
йўкотинг буларни /С.Аз.1.131/.

Сўзлашув нутқидаги интонацион қурилмаларнинг шаклланишида мантикий урғунинг ҳам роли каттадир. Чунки мантикий урғу билан боғлиқ ҳолда ҳам инверсия юз беради. Шунинг учун инверсия мантикий урғу билан ҳам мустаҳкам боғлиқдир. Мантикий урғу бу гапдаги сўзлардан ё сўз бирликларидан бирининг бошқаларига нисбатан алоҳида ажратиб айтишларидир /4:4/. Ҳозирги ўзбек тилида мантикий урғу гапнинг умумий йўналишига таъсир этади. Бунда интонациянинг роли катта.

Ўзаро нутқий алоқада интонация муҳим роль ўйнайди. Сўзлашув нутқида интонация ҳар хил эмоцианал-экспрессив оттенкаларни бериш воситаси бўлиб хизмат қилиш билан бирга, ифода мақсадига кўра гапларни фарқлаш, грамматик маъноларни чегаралаш учун ишлатилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Б. Ўринбоев. Ҳозирги ўзбек тилининг сўзлашув услуби. Тошкент, 1991.
2. Ғуломов А.Ғ. Ўзбек тили синтаксисининг баъзи масалалари// Ўзбек тили ва адабиёти// 1968., 2-сон.
3. Расулов И. Ҳозирги ўзбек адабий тилида бир составли гаплар. Тошкент, 1974.
4. Жуманазаров Ю. Ўзбек тилининг Жанубий Хоразм (ўғуз) диалектининг синтактик қурилиши. Тошкент, 1976.

“БОБУРНОМА”ДА КЕЛИШИКЛИКНИ ИФОДАЛОВЧИ ФОРСЧА ОЛД ҚЎШИМЧАЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ ВА УЛАРНИНГ МАЪНОЛАРИ

**Сойипов Суннатилла ф.ф.н.,
Холмуродов Холйигит
ўқитувчиси**

Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарини ўқир эканмиз, унинг тилида муаллиф томонидан қўлланилган гуруҳ сўзлар эски ўзбек адабий тили ёзма манбаларида ёки айрим туркий тилларда учровчи сўзлардир. Бу гуруҳ сўзларнинг асосий қисмини феъл, от, сифат ва уларнинг турли хил шакллари ташкил этади.

У ўз асарини ёзар экан, ўша давр ўзбек адабий тилида истеъмолда бўлган арабча, форсча, мўғулча, уйғурча, хиндча ва хитойча каби ўзлашма сўзлардан истифода этиб, натижада асар тилининг чиройли, таъсирчан, содда, жозбадор, ранг-баранг ҳамда халқ тилига яқин бўлишига эришган.

Жумладан, унинг тилида форсча от, сифат, сон, феъл, олмош, равиш каби сўз туркумларига мансуб бўлган лексемалар кўплаб учрайди. Айниқса, муаллиф форсча феъллардан кенгроқ ҳамда самарали истифода этган ва улардан асосан, матннинг шакл ва маъно жиҳати муносиблигини таъминлашда фойдаланган, чунки форс тили феъллари шундай бир хусусиятларга эгаки, уларнинг феъл ўзакларини гапларда қўллаш билан турли хил феъл шакллари маъносини ифодалдаш мумкин.

Шу билан биргаликда Бобур мазкур асари тилида форсча ўзлашма сўзлар қатори келишик маъносини ифодаловчи қўшимчаларни ҳам керакли жойда ўзбек тили келишик қўшимчалари ўрнида самарали қўллаган ва улардан маъно ифодалашда кенг фойдаланган.

“Ўзбек адабий тилида келишик категорияси от ва отлашган сўзларнинг бошқа сўзлар билан грамматик алоқасини кўрсатишга хизмат қилади, шу сўзларнинг гаптаги вазифасини белгилайди. Отнинг келишик қўшимчасини олиб ўзгариши, турланиши, бу қўшимчалар эса турловчи қўшимчалар дейилади.

Отнинг келшик билан турланиши маъно талаби билан бўлади. Чунки от келишик шаклида келиб, гапта бошқа сўзлар билан грамматик вазифани бажаради.”

“Форс тилида келишик категорияси йўқдир. Отларнинг ўзаро синтактик муносабатлари изофа, кўмакчи ва предлог (олд қўшимчалар) орқали ифода этилади”.

Шундай экан, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Бобур ўзининг шоҳ асари бўлмиш “Бобурнома” тилида ўзбек тили келишик қўшимчалари билан биргаликда форсча предлогларнинг барча турларидан истифода этган.

Масалан:

“Қор улук, йўл якраҳа, тепилган-босилган йўл била ҳам от бахейла борадур”.

“Боре баҳарҳол Муҳаммад Хусайн мирзони хонимнинг тўшакхонасидан топиб, аркка менинг қошимга келтурдилар”.

Асардан келтирилган ушбу иқтибосларда форсча келишик маъносини ифодаловчи “бэ” предлоги қўлланилган.”Бэ” предлоги ўзбек тилига фонетик ўзгаришга юз тутуб “ба” тарзида ўзлашган. Бобур ҳам ушбу предлогни ўз асари тилида “ба” тарзида қўллаган.

Намуна сифатида келтирилган гапларнинг биринчисиди “ба” предлоги “хейла” сўзига қўшилган ҳолатда келган. “Хейла” сўзи ҳам форсча бўлиб, ўзбек тилидаги орттирма даража сифат ясовчи сўз “жуда” маъносига мос келади.Бобур ушбу гапда “хейла” сўзини кўчма маънода қўллаган ва “анча” маъносини ифодаловчи миқдор равиши ўрнида ишлатган, лекин “ба” предлги ўз маъносида –га жўналиш келишиги ўрнида қўлланилган.

Бу гапнинг мазмунида ўз ифодасини топган:

“Қор баланд, йўл тор, тегиб, босиб очилган йўл билан ҳам от анчага боради ”.

Навбатдаги гапда “ба” предлоги “ҳарҳол” сўзи олдида кўшиб ишлатилган бўлиб, бу сўз форсча “ҳар” ва арабча “ҳол” каби сўзларнинг бирикувидан ҳосил қилинган лексемадир. Ушбу кўшма сўзга “ба” қўшилиб у гапда ўрин-пайт келишиги маъносни ифодалаган ва “боре баҳарҳол”сўз бирикмаси шаклида “шу ҳолатда” каби маънони ифодаловчи аниқловчили сўз бирикмаси ўрнида қўлланилган.Ушбу маънода келганлигини иқтибос сифатида келтирилган гапнинг мазмунидан ҳам англаб олишимиз мумкин:

“Шу ҳолатда Муҳаммад Ҳусайн мирзони хонимнинг ётоқхонасидан топиб, аркка , менинг олдимга олиб келдилар”.

Шунингдек, асар тилида форсча мазкур предлог турдош отларга қўшилиб йўналиш маъносида келган ҳолатлар ҳам учрайди:

“Ҳасанхоннинг истимолоти жиҳатидин ўғлини йиборилса кўпрак мустамол бўлиб хизматкорликни яхшироқ бажой келтургай”.

“Ҳуқм бўлди: сангтарошлар бажид машғул бўлғайлар”.

Асардан келтирилган гапларнинг биринчисиди “ба” предлоги “жой” сўзига қўшилган тарзда ишлатилган. “Бажой” сўзидаги “жой” ҳам асли форсча бўлиб, сўз туркум жиҳатидан отдир. Мазкур сўз форс тилида ”жо”

тарзида таллафуз этилади, ўзбек тилига “жой” шаклида ўзлашган.. Ушбу гапда ҳам “ба” предлоги ўз вазифасида яъни, жўналиш келишиги –га кўшимчаси ўрнида қўлланилган. Гапнинг маъноси:

“Ҳасанхоннинг бизга қилаётган илтифоти туфайли унинг ўғлини қўйиб юборсак, янада содиқроқ бўлиб, хизматни жойига қўярди ”.

Иккинчи гапда “ба” га “жид” сўзи қўшилган ҳолатда ишлатилган. “Жид” сўзи арабча бўлиб, “бўйин” каби маънони ифодалайди. Кўришиб турибдики, муаллиф ўз асари тилини ранг-баранглигини таъминлаш мақсадида ўзбекча “бўйин”, форсча “гардан” ва арабча “жид” сўзларидан бир маънони ифодалашда истифода этган. Ушбу гапда ҳам “ба” предлоги жўналиш маъносида қўлланилган. Гапнинг маъноси:

“Сангтарошларга (тош йўнувчиларга) бу ишни бўйинларига олиб иш бошлашлари тўғрисидаги буйруқ берилди”.

Бундан ташқари юқорида қайд этиб ўтганимздек, асар тилида муаллиф форсча “аз” предлогини ўзбек тилидаги чиқиш келишиги кўшимчаси –дан ўрнида ҳам истифода этган. Масалан:

“Дағи Ҳисорнинг баҳор ёғинлари жиҳатидин ҳам черик ҳоли аз ташвиш эмас эрди”.

“Бу икки ой, икки ярим ойда ғайраз сиёсат ва нақб солмоқ, саркуб кўпормоқ ва тош отмоқдин ўзга яхши уруш солмади”.

“Амударёдан Ҳиндикуш тоғигача вилоёт ғайри Бадахшон, тамом мунга тааллуқ эди”.

“Бобурнома”дан келтирилган ушбу гапларнинг биринчисида “аз” предлоги ўзбекча “ташвиш” сўзи билан қўлланган натижада муаллиф форсча предлогларни қўллаш билан асар тилининг таъсирчанлигини кучайтирган ва уларни ўзига хос тарзда шу учун хизмат қилдирган . Бу эса унинг форсча сўз ва предлоглардан истифода этиш маҳоратини намоён этади.

Бундай ҳолатни гапнинг маъносидан ҳам англаб олишимиз мумкин. Биринчи гапнинг табдил этилган маъноси:

“Ҳисорнинг яна ёққан ёмғирлари туфайли кўшиннинг аҳволи бу ташвишдан ёмон эмас эди”.

Иқтибос сифатида келтирилган гапларнинг иккинчисида “аз” предлоғи форсча “ғайр” сўзи билан бирга ишлагилган. “аз” предлоғи форсча “ғайр” сўзи билан қўшилган ҳолатда қўлланиши форс грамматикасида мураккаб предлог деб аталади.

Шундан кўриниб турибдики, Бобур “Бобурнома” асари тилида форсча “ғайраз” предлогидан керакли жойда унумли фойдаланган. Бу эса муаллифнинг икки тилни, яъни форс ва араб тилларини ҳам мукамал билишидан далолат беради. Форсча “ғайраз” мураккаб предлоғи “дан бошқа” каби маънони ифодалайди. Асар тилида ҳам санъаткор худди шундай маънода қўллаган. Буни биз иккинчи гапнинг маъносида ҳам кўришимиз мумкин:

“Бу икки, икки ярим ойда тош отмоқ, тош қўпормоқ, ер қавламоқ ва кўрқитмоқдан бошқа яхшироқ бир уруш бўлмади”.

Навбатдаги гапда Бобур форсча “ғайраз” мураккаб предлогини белгисиз тарзда қўллаган. Бундай ҳолат форс тилига хос бўлиб, маъно жиҳатидан “аз” предлоғи бор ҳисобланади ва чиқиш келишиги маъносини ифодалайди.

Бу эса ўзбек тилидаги белгисиз қаратқич-аниқловчи ёки белгисиз воситасиз тўлдирувчига ўхшаб кетади. Биз буни мисол тариқасида келтирилган гапнинг маъносида ҳам кўришимиз мумкин:

“Бадахшон вилоятидан бошқа Амударёдан Ҳиндикуш тоғигача бўлган жойлар бунинг тасаруфида эди”.

Шунингдек муттафаккир ўз асари тилида форсча “ба, аз” предлогларидан ташқари “дар” предлогини ҳам ўзбек тили келишик кўшимчаларига эквивалент сифатида қўллаган ва бу борада ўз замонаси тилининг ўзига хос ифода услубини яратган. Масалан:

“Бу кунларда Маҳди хожанинг кишиси пай-дарпай кела бошладиким, Роно Сангонинг келури таҳқиқ бўлди ”.

“Ушбу даранинг ичида ҳар ердасим, сув кенграк бўлуб эди, буюрдимким, тошларини тарош қилиб, даҳи-дардаҳ қилғайлар”.

Асардан келтирилган гапларда форсча “дар” предлоги қўлланилган. Бизга маълумки, ушбу предлог маъно жиҳатида асосан , ўзбек тилидаги ўрин-пайт келишиги ифодалайдиган маънога мос келади., айрим ҳолларда от олдида келиб жўналиш ёки тушум келишиги маъносини ҳам ифодалаб келиши мумкин.

Ушбу гапда “дар” предлоги “пай” сўзи билан бирга қўлланган. Бу сўз туркум жиҳатидан от, лексик жиҳатидан оёқ, из каби маънони ифодаловчи форсча сўздир. Форсча “пай-дарпай” сўзини лексик жиҳатидан ўзбек тилига таржима қиладиган бўлсак “изга-из” каби маънога мос келади. Лекин Бобур юқоридаги гапда ушбу сўзни ўз лексик маъносида эмас, балки кўчма маънода “кетма-кет, дамба-дам” каби жуфт сўзлар ўрнида ишлатган. Буни биз гапнинг мазмунида ҳам кўришимиз мумкин:

“Бу кунларда Маҳди Хожанинг вакили кетма-кет кела бошлаганлиги учун, Роно Сангонинг келиши тақиқланди”.

Асардан келтирилган гапларнинг иккинчисида “дар” предлоги жуфт сўзлар орасида келиб, иккита бир хил лексик маънога эга бўлган сўзларни синтактик муносабатини ифодалаб, жўналиш келишиги қўшимчаси –га ўрнида қўлланилган.

Ушбу гапдаги “даҳ” сўзи форсча бўлиб, ўн саноқ сони маъносини ифодалаб келган, иккита “даҳ” сўзи “дар” предлоги воситасида бир-бири билан бирикиб, “даҳ- дардаҳ” шаклида “ўнга-ўн” каби маънони ифодалаб келмоқда. Гапнинг мазмунидан унинг жўналиш келишиги маъносида келганлигини кўришимиз мумкин:

“Ушбу даранинг ҳар-ҳар жойида сув тўпланиб қолган эди, шунинг учун уларга бу ердан ўн метрга-ўн шаклида тарошланган тошдан ҳовуз қуришни буюрдим”.

Юқорида зикр этиб ўтганимиздек, асар тилида муаллиф жўналиш келишиги –га кўшимчаси ўрнида айрим ҳолларда форсча жўналиш маъносини ифодаловчи “бар” предлогидан ҳам фойдаланган:

“Ушбу ситезаларидин ва рустоилиқларидин эдиким, хонумонларини ва ўттиз-қирқ йил қозғонларини барбод бердилар”.

“Андин кўч бар кўч юриб, душанба куни ойнинг йигирма секкизида Канар гузарида тушулди”.

Иқтибосларнинг биринчисида “бар” предлоги “бод” сўзига қўшилган ҳолатда “барбод” шаклида ишлатилган. Мазкур “барбод” сўзи ўзбек адабий тилига ўзлашган лексема бўлиб, ҳозирги кунда кўшма феъллар таркибида унинг етакчи қисми сифатида қўлланилади. Ушбу сўзни ясашига эътибор қаратадиган бўлсак, “бар” –га жўналиш маъносини ифодаловчи предлог бўлиб, “бод” эса “шамол” маъносини ифодаловчи форсча сўздир. Ушбу “барбод” сўзи ҳозирги кунда ўзбек тили кўмакчи феъллари билан бирга кўшма феъл шаклида келиб, “йўқ бўлмоқ, йўққа чиқмоқ” каби маъноларни ифодалайди. Масалан: режа барбод бўлди, қилган ишларимиз барбод бўлди ва ҳаказо. Форс тилида ҳам мазкур сўз кўшма феълларнинг етакчи қисми сифатида қўлланилиб, “барбод қардан” феълини ясашда ишлатилади. Ушбу сўз ўзбек тилидаги “шамолга учирмоқ, шамолга бериб юбормоқ” каби феъллар маъносига мос келади. Бобур ҳам ўз асари тилида худди шундай маънода қўллаганлигини мисол тариқасида келтирилган гапларнинг биринчиси таъбирида кўришимиз мумкин:

“Ушбу душманликлари ва маданиятсизликлари сабабли ўз оила ва хонадонларини ҳамда ўттиз-қирқ йил давомида топган-тутганларини елга (барбод қилдилар) учирдилар”.

Навбатдаги гапда “бар” иккита бир хил маънони ифодаловчи, бир шаклга эга бўлган феъл ўзакларини бир-бири билан боғлаб, феълдан жуфт равиши ҳосил қилган ҳолатда қўлланган. “Кўч” сўзи ўзбек тилидаги “кўчмоқ” феълнинг ўзаги ҳисобланади. Биз “кўч бар кўч” сўзининг тузилиши структурасидан муаллифнинг форсча “бар” предлоги воситасида

Ўзбекча сўзлардан ҳам янги сўз ясаганлигини ҳамда улардан асари тилида бирор бир воқеликни тасвирлашда истифода этганлигини кўрамиз. “Кўч бар кўч” ясама сўзи лексик жихатдан “кўчга кўч” каби маънони ифодалайди, лекин муаллиф ушбу сўзни ҳозирги ўзбек адабий тилидаги “кўчма -кўч” сўзи ўрнида қўллаган ва ўз асари тили мисолида сўз яшаш ва сўз қўллаш борасида янги бир ўзига хос услуб яратган. Ушбу иқтибоснинг маъносини ўз фикримизга асос сифатида келтирамиз: “У ёқдан бу ёққа кўчма – кўч юриб, душанба куни ойнанинг йиғирма саккизида Канор гузарига етиб келдик ”.

Адабиётлар рўйхати:

1. У.Турсунов, Ж.Мухторов, Ш.Рахматуллаев. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т., Ўзбекистон, 1992 й. Б., 259.
2. Абдусаматов М. Форс тили. Тошкент, Шарқ, 2007. –Б., 105.
3. “Бобурнома”. Нашрга тайёрловчи. Порсо Шамсиев. Т., Юлдузча, 1989. –Б., 175.
4. Абдусаматов М. Форс тили. Т., Шарқ, Б., 212.

ТУРКИЙ СЎЗЛАРНИНГ НЕМИС ТИЛИГА КИРИБ КЕЛИШИДА БОШҚА ТИЛЛАРНИНГ РОЛИ

**Доц.А.Э.Бойматов,
А.Қ.Бердиев**

Маълум бир тилда пайдо бўлган ўзлашма сўзлар, уларнинг ўзлашиш сабаблари, тилнинг лексикасида шаклан ва мазмунан рўй берган ўзгаришлар, умуман, тил системасида бир қатор бундай ўзгаришларнинг вужудга келиши сабаблари билан уйғунлашиб боради. “Бу ҳақда “Заимствованные слова являются верстовым камнем филологии, потому что они позволяют нам узнать приблизительную дату лингвистических изменений, источник цивилизации, дают нам информацию о внутренней жизни нации” – деб ёзади О.Жеспersen [1].

Жамиятнинг ривожланишида, тилда, шу жамладан, унинг лексикасида рўй берган ўзгаришларнинг пайдо бўлиш сабаблари ва бу ўзгаришларнинг натижасида тилнинг (ривожланишига) кўрсатган таъсирини тадқиқ қилиш катта аҳамият касб этади [2]. Тилнинг лексик тизимида рўй берган семантик ўзгаришларнинг ривожланишларининг умумий сабабларини тадқиқот этиш

эса тилда ўзлашма сўз ҳодисасини ўрганиш омиллар билан изоҳлаш муҳим аҳамиятга эга, чунки тилнинг лексик-семантик системасида рўй берган ўзгаришларнинг лингвистик омиллари тилнинг бошқа қатламларида вужудга келган айрим ўзгаришлари билан, уларнинг семантик, синтактик ва фонетик таркибида бир – бирига қарама-қарши алоқаси ҳамда бир-бирига таъсири билан боғлиқдир.

Л.П.Якубинский бу ҳақда ўз фикрини шундай ифодалайди: “Сўзларнинг категорияларида, ҳам тилнинг ўз материаллари ҳисобига, ҳамда бошқа халқларнинг ўзаро алоқалари натижасида ўзлашган сўзлар ҳисобига шундай узлуксиз ўзгаришлар рўй бердики, уларни ўрганиш умумий тилшунослик нуқтаи назардан қараб чиқиш махсус аҳамият касб этади” [3].

Туркий тил халқларининг немис халқлари ўртасидаги бевосита ва билвосита йўллар билан содир бўлган мавжуд алоқаларнинг ва бу алоқалар натижасида тилга тегишли бўлган баъзи сўзларни қараб чиқиш ва уларнинг ўзлашиш йўлларида кўра турли сабаблар бор. Генетик жиҳатдан бутунлай фарқ қилувчи турли тилларда сўзлашган ва ҳудудий жиҳатдан бир-биридан узоқда жойлашган немис ва турк халқлари ўртасидаги алоқалар, хусусан, бошқа миллат ҳудудида ва уларнинг билвосита иштирокида баъзи сўзларнинг пайдо бўлиши, шунингдек туркий сўзларнинг немис тилига кириб келишида бу халқлар “воситачи” ёки “кўприк” вазифасини бажарган.

Бу ҳақда, Э.Литман “Ҳақиқатдан ҳам биз немислар Шарқ ва Ғарб ўртасида мавжуд бўлган ҳар қандай алоқаларда фақат билвосита иштирок этган, Шарқ халқларининг махсус маданий тушунчалари бизга фақат бошқа халқлар воситасида, ўзга йўллар билан кириб келган” деб ёзади [4].

Туркий тилли халқлар билан немис халқи ўртасидаги турли характерга эга бўлган алоқалардан ва тадбиқ этилган материаллардан шу нарса яққол кўзга ташланадики, туркий сўзларнинг немис тилига ўтишида асосан славян (ғарбий ва шарқий славян тиллар) ва роман (франтсуз, италян, лотин, румин) тилларининг ҳамда қисман бўлсада венгер ва инглиз тилларининг сезиларли даражада таъсири бор.

Э.В.Опелбаум туркий сўзларнинг немис тилига кириб келишида шарқий славян тилларининг роллари ҳақида “немис тилининг тарихий лексикологиясида шарқ тиллари сўзларнинг немис тилига ўтишида роман тилларининг воситачилик ролини олдинги планга қўймайди, баъзи ҳолларда венгер тилига ва оз бўлсада славян тилларига ҳам таълуқлидир. Кейинги каторда Шарқий сўзларнинг немис тилига кириб келишида воситачи ролини бажарган шарқий славян тилларининг, шу жумладан, рус тилининг роли муҳим аҳамиятга эга. Бизнинг олиб борган илмий тадқиқотимизда Шарқ сўзларининг немис тилига ўтиб қолишида ҳозирга қадар эътибор берилмаган” бунда ушбу сўзларнинг славян тиллари орқали ўзлашган йўллари аниқлашда ёрдам берди. [5].

Билдирилган бу фикрларнинг аниқлигини асарларда берилган мисоллар ҳам тасдиқлайди, бундай туркий сўзларнинг немис тилига ўтишида. Болқон халқлари, италян ва франсуз тилларининг ролини ҳам инкор этиб бўлмайди. Бундан шундай хулосага келинадики, туркий сўзлар немис тилига ўзга (бошқа) йўллар билан ҳам кириб келган; туркий сўзларнинг маълум бир группасининг немис тилига билвосита кириб келишида, асосан, Усмонли империясининг юксак ривожланган даврида, унинг Европа халқлари билан бўлган ўзаро муносабатлари ва бошқа турли алоқалари ҳисобга олинади. Бу сўзларнинг маълум бир қисми термин (атама) характерида эга бўлган сўзлар бўлиб немис тилида ёзилган адабиётларда қайд этилган.

Шарқ ва Ғарб ўлкаларида истиқомат қилган халқлар ўртасидаги турли соҳалардаги алоқаларнинг майдонга келишида туркий тилли халқларнинг иштироки, уларнинг яшаган ҳудудларининг географик жиҳатдан жойлашуви ва асосан савдо сотиқ ишларининг шу ҳудудларда олиб борилиши Шарқ сўзларининг (араб, форс, мўғул ва бошқа) айнан туркий тиллар орқали Европа халқлари тилларига ўтишига (кириб келишига) сабаб бўлган. Шарқона сўзларнинг Европа тилларига ўтиш жараёнида, яъни янги муҳитда янги шакл ва янги мазмун касб этиши немис тилида ҳам рўй берган.

Шундай қилиб немис тилида қўлланилган туркий сўзларнинг лексик таркибини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг келиб чиқишини кузатишдан кўйидаги принцип бўйича тасниф бериш мақсадга мувофиқдир:

1. Келиб чиқиши жиҳатидан соф туркий тилларга мансуб бўлган сўзлар: бундай сўзларни дастлаб икки гуруҳга бўлиш лозим: а) шакли ва ифода мазмунига кўра ҳамда бошқа хусусиятларига кўра усмонли турк тилига оид сўзлар “турк-осм” ишораси билан берилади: б) собиқ давлатларда яшаган туркий тилли халқларнинг урф-одатлари, анъаналари ва турмуш-тарзини акс эттирган, туркий тиллардан ўзлашган сўзлар “турк-тат” белгиси орқали ифодаланади.

2. Келиб чиқиши жиҳатидан бошқа тилга мансуб бўлган, немис тилига туркий тиллар орқали кириб келган сўзлар-; бу сўзларнинг аксарият қисми туркий тилларда кенг тарқалган бўлиб, уларни умумий “Туркспр” белгиси билан ифода этилади.

Бу гуруҳлардаги ҳар бир сўзнинг ўзлашиш масалаласида шуни қайд этиш лозимки, бу сўзларнинг ҳаммаси ҳам немис тилига бевосита кириб келмаган. Уларнинг бир қисми немис тилига билвосита (битта тил) ўтган бўлса, қолган бир қисми иккинчи, учинчи ва ҳатто тўртинчи тил ёрдамида луғат таркибидан ўрин олган. Бундан, немис тилида қўлланилган турк лексик элементларини, уларнинг ўзлашиш йўллариغا кўра икки гуруҳга бўлиб ўрганиш лозим:

1. Туркий тиллардан бевосита немис тилига ўтган сўзлар;
2. Туркий тиллардан бошқа тиллар ёрдамида немис тилига ўтган сўзлар.

Пайдо бўлиш хусусиятига кўра ҳар хил тилларга мансуб бўлиб, немис тилига туркий тиллардан тўғридан тўғри ва бевосита кириб келган сўзларни гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Немис тилига тўғридан-тўғри ўтган сўзлар “турк→осм→дт” Араба, Аладсча, ага, Аиран, Баба, Бей, долма, Ҳандсчар, Жастик, Кебаб; “турк→тат→дт” Бачсчи, Домра, Калйм, Косак, Кҳан, Кйсчлак ва бошқалар.

Бошқа тиллар ёрдамида немис тилига ўтган сўзлар:

“араб→Туркспр→дт” Атлас, Эмир, Муселман, Муфти, Сурре, Рамасан,
Самум ва бошқалар:

“перс→Туркспр→дт” ва “монг→Туркспр→дт” Баирам, Булбул,
Дервисч ва бошқалар.

Туркий тиллар→бошқа тиллар→немис тили

“турк→тат→слав→дт” Аул, Атаман, Балйк, Басчлок, Сарафан ва
бошқалар

“турк→осм→роман-дт” ва “турк→осм→унг→дт” Бергамотте
Одалиске, Кавиар, Карбатсче, Паллсч, Счалмеи ва бошқалар.

Бошқа тиллар→турк тилар→бошқа тиллар→немис тили

“перс→Туркспр→роман→дт” Караване, Саламандер, Сандале ва
бошқалар.

“перс→Туркспр→слав→дт” Арбусе, Саффиан, Кафтан ва бошқалар.

“араб→туркспр→роман→дт” Гафе, Софа, Мусселин, Кармесин ва
бошқалар.

“араб→Туркспр→слав→дт” Амбара, Счаитан ва бошқалар.

Шундай қилиб, немис тили изоҳли луғатларига тўғридан-тўғри ёки бошқа тиллар воситасида кириб келган туркий сўзларнинг умумий сони 506 тани ташкил этади. Бу туркий сўзларнинг айримлари тиллардан тилларга ўтиш жараёнида ўзининг фонетик шакли ва маъносини ўзгартириши мумкин, чунки бу сўзлар дастлабки манбалардаги шакли жиҳатидан кейинг шаклига ўхшамайди. Бу тилшуносликда фонетик инқирозда юз тутганлигидир.

Адабиётлар

1. Жесперсен О. Growth and structure of the English language. –L., 1925.-P.109-127.
2. Аллендорф К.А. Значения и изменение значений слова. Докт.дисс.М.: 1966.
3. Якубинский Л.П. Несколько замечаний о словарном заимствовании // Язык и литература. Т. 1. вып. 1,2, Л.1926.
4. Litmann E. Morgenländischer Wörter in Deutschen – Berlin. -1920.-1
5. Опельбаум Е. В. Восточно – славянские лексические элементы в немецком языке. – Киев. 1969. -240с.

ЎЗБЕК ТИЛИ ИБОРАЛАРИ САЛБИЙ МУНОСАБАТ ҲОСИЛ ҚИЛУВЧИ ВОСИТА СИФАТИДА

Доцент Б.Файзуллаев,

Ўқитувчи И.Умаров

Маълумки, тилимизда асрлар давомида аждодларимиз томонидан турли ҳолат, воқеа, ҳодиса ва инсонлар феъл-атвориغا мос яратилган турғун бирикмалар юзага келган. Улар инсон турмуш фаолиятидаги турли ҳолатларни бир бирикмалар юзага келган. Улар инсон турмуш фаолиятидаги турли ҳолатларни бир бирикмада акс эттира олган.

Тилда ва нутқда учрайдиган сўзлар эмоционал-экспрессив жиҳатидан бетараф. Эмоционал-экспрессив жиҳатдан бўёқдор сўзларга ажралади. Эмоционал-экспрессив жиҳатдан бўёқдор сўзларда унинг асосий (аташ) маъносидан ташқари услубий бўёқлар ҳам мавжуд бўлади (1). Масалан, мусича англатган бош маъно-қуш. Бу қуш бошқа қушлардан ўзининг юввошлиги, беозорлиги, инсонларга яқинлиги билан бошқа қушлардан ажралади. Мана шу ҳолатлар маълум нутқий жараёнда бошқа предметларга, яъни инсонга ҳам кўчирилиши мумкин: Мусичадай юввош, мусичадай беозор каби. Бу ҳолат эса сўзнинг асосий маъносидан ташқари (қуш) иккиламчи маъно (бўёқдорлик)ни келтириб чиқаради. Яъни, нутқий жараёнда камсуқим, юввош табиатли, беозор кишиларга нисбатан “мусичадай”, “мусичадай беозор”, “мусичадай юввош” сўзлари қўлланилиб мусича сўзининг иккиламчи номланиши ҳосил бўлади.

Лексемалар билан бир қаторда фразеологизмлар ҳам эмоционал-экспрессивликни ифода этади.(2) Айниқса, нутқда салбий муносабат билдириш жараёнида иборалардан кўплаб фойдаланилади. Иборалар одатда ёши катта кишилар нутқида турли вариантларда учрайди. Масалан: “бағри тош” фраземаси бемехр, илтифоти йўқ маъноларини ифодалайди. Унинг “бағри қаттиқ”, “тош юрак”, “кўнгли қаттиқ” каби вариантлари бор... “ўзи хоҳлаб текканининг саёқлиги ва бағри тошлигидан нолиш, очиғи, ор қиларди” (Х.Назир).

Одатда иборалар, асосан, сўзловчи нутқини янада таъсирли қилишга ва эмоционал муносабатини яққол тасвирлашга хизмат қилади(2). Фикримизнинг тасдиғи учун қуйидаги мисолни кўриб чиқамиз: “Бектемирдан кўнглим тўқ, -деди Али тажанг, -каллеси ишлайди. Аммо Сафар чўтир – у ҳам кўрқоқ, ҳам аммамнинг бузоғи” (Ойбек).

Бу гапда ландовур ёки лапашанг сўзининг ўрнига “аммамнинг бузоғи” ибораси қўлланган ва бу фразема Сафар чўтирга нисбатан Али тажаннинг салбий муносабатини кучлироқ формада ифодалаб келган.

Лексемалараро даражаланиш қаторини кўриб чиққан эдик. Бу ҳолатни фразема вариантлари ўртасида ҳам кузатишимиз мумкин. Масалан, “бурнини суқмоқ” ибораси қаергадир кирмоқ, нимагадир аралашмоқ маъноларини ифода этади. Бу иборага нисбатан юмшоқроқ тарзда қўлланиши “бошини суқмоқ” иборасини қўллаш орқали амалга ошади. Бу икки вариантдан ҳам кучлироқ салбий муносабатни ифодаланиши “тумшуғини тикмоқ” фраземасида юзага чиқади. Унинг даражаланиши чизмасини қуйидагича беришимиз мумкин:

Бағри қаттиқ	Кўнгли қаттиқ	Тош юрак
Мияси айниган	Томи кетган	Меров бўлган
Бошини суқмоқ	Бурнини тикмоқ	Тумшуғини тикмоқ
-1	-2	-3

Мисоллар:

Ойқиз бўлса ҳаддан ошиб кетди, ҳамма ишга бурнини суқяпти. – Масаланинг моҳиятига тумшуғингни тикма, сен фақат ижрочисан.

“Елка (си)нинг чуқури кўрсин!” ибораси ҳам нутқда фаол қўлланади ва салбий муносабат ифода этади. Бу фразема “нимадандир безор бўлишлик, яна қайтадан ҳеч қачон кўрмаслик” маъноларини ифодалайди. Бу иборага вариант сифатида унинг инкор формаси ҳам мавжуд: елкасининг чуқури ҳам кўрмасин! Мисол: Бўлди энди ўша Сумбат домланинг мактабини елкангнинг чуқури кўрмасин! (М.Исмоилий).

Одатда ибора бир сўз маъносига тенг бўлади. “Илоннинг ёғини ялаган” ибораси жуда айёр, муғамбир, қув сўзларига тенг келади ва салбий муносабатни кучли тарзда ифодалайди. Иборага ибора синоним бўла олиши ҳам мумкин бўлган ҳолатни “илонни ёғини ялаган” фраземасига “шайтонни авраган” фраземасининг синоним бўлиб келишида кузатишимиз мумкин. мсиол: Бектемиров илоннинг ёғини ялаган одам. (С.Аҳмад).

Ёмон ниятли, бошқаларга яхшиликни раво кўрмайдиган кишиларга нисбатан эса “ичи қора” ибораси қўлланади. Шокир ичи қора бир одам эди. Ичи қораликдан у ҳам роҳатланар ҳам азобланар эди.

Такаббурланиб кетган, яқинларини таниб-танимаганга олиб қолган кишига нисбатан “кўзини ёғ (шира) босди” ибораси ишлатилади.

Ўтакетган даражада ёмон кўрган инсонга бўлган муносабатни ифодалаш учун одатда нутқимизда “кўргани кўзи йўқ, отгани ўқи йўқ” ибораси қўлланади: Ойқиз билан Олимжонни ҳам, Муротали билан Олтинсойни ҳам кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ эди. (С.Аҳмад).

“Мияси айниди” ибораси ҳам сўзловчининг фикр билдирилган одам ҳақида салбий муносабатни ифодалаб келади. Раис мияси айниган чол бўлса керак... (Ойбек).

Кўп ҳолларда кесатик, пичинг аралаш салбий экспрессивликни ифодаловчи фраземаларга “кўзи учиб турибдими?”, “сиркаси сув кўтармайди”, “тил деган бир қарич” иборалари киради.

Ёмон ният билан деярли айби йўқ кишининг фаолиятдан айб топишга ҳаракат қилиш – “тирноқ орасидан кир қидиришдир. Бу иборада салбийлик белгиси доимо кучли даражада бўлди.

Адабиётлар:

1. Жамолхонов Ҳ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент, 2004, 70-бет.
2. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент, 1992; Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. –Тошкент, 1983.
3. Йўлдошов М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Тошкент, “Фан”, 2007, 62-бет.

ЎЗБЕК ТИЛИДА ШАХСНИНГ ПСИХОЛОГИК ҲОЛАТИ БИЛАН БОҒЛИҚ ФРАЗЕМАЛАРНИНГ СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ

Ф.ф.н.Ш.Алмаматова

Фраземалар ижтимоий-тарихий даврнинг маҳсули ҳисобланади. Шунинг учун фраземаларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши узоқ ўтмишга бориб тақалади. Шу маънода уларни тарихийлик жиҳатдан ўрганиш илмий ва амалий аҳамият касб этади. Дастлаб фраземалар таркибидаги компонентлар ўзбек тили лексикасининг ўз мулкидан иборат бўлган. Даврлар ўтиши билан тилимизга форс-тожик, араб, рус ва европа тилларидан кўплаб байналминал лексемалар ўзлашдики, улар истъеъмолдаги фраземалар таркибида ўз аксини топди. Шунинг учун ҳам фраземаларнинг компонент таркиби ранг-баранг: улар турли сўз туркумига оид ва турли ўзлашган қатлам сўзларидан иборат. Фраземик таркиб ҳам лексика каби ривожланиш, бойиш, ўзгариш жараёнида тилнинг ички қонуниятларига амал қилади. Фраземаларнинг ҳосил бўлиши ва шаклланиши лексика билан боғлиқ бўлиб, лексика қай даражада сўзлар билан бойиб борса, улар фраземалар таркибида ўз аксини топиб боради. Фраземалар шаклланишининг моддий асоси сўзлардир. Фраземалар сўзларнинг шаклланган уюшмаси бўлиб, улар турғун сўз бирикмаларидир. Аммо фраземаларнинг ўзига хос ҳосил бўлиши ва шаклланиш жараёнлари уларни сўз бирикмаларидан фарқлайди.

Жамиятда пайдо бўладиган нарса-ҳодисалар учун тилда маҳсус атамалар бўлиши каби, объектив сабаблар асосида тилда янги-янги сўз (лексема)лар, иборалар пайдо бўлади, адабий тилнинг луғат таркиби бойиб боради. Тил вакиллариининг у ёки бу ҳодиса, ҳолат, характерларни образли-экспрессив ифодалаш эҳтиёжи туфайли тилда кўплаб турли маъноли фраземалар юзага келади. Шунингдек, муайян бир жойнинг табиати, халқнинг иқтисодий тузуми, тарихи, маданияти, ҳаёт тарзи, оғзаки ижодиёти, бадиий адабиёти, санъати, фани, урф-одати кабиларни акс эттириш эҳтиёжи

хам фраземаларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади ва авлоддан авлодга ўтиб боради.

Шахснинг фаолияти, психологик ҳолати, сифат кўриниши жуда кенг ва кўламли бўлиб, уларнинг қирралари, вариантлари турли-туман ва чексиздир. Шунинг учун ҳам тилда психик жараёнларни ифодалаш учун махсус лексемалар ва бирикмалар мавжуд бўлиб, улар фраземалар таркибида иштирок этади. Мисол учун:

Дам лексемаси айтиш лозим бўлган фикрни айтолмаслик ҳолатини ифодалаовчи *дами ичида, дами ичида қолди, даммини босмоқ, даммини ичига ютмоқ, даммини кесмоқ, дам чиқмади*, шахснинг хордиқ чиқариши билан боғланган *дам олмоқ*; “бир лаҳза” маъносини ифодаловчи *дам ўтмай* каби фраземалар таркибида иштирок этади.

Димоғ лексемаси шахснинг димоғдорлик характери билан боғланган салбий маъноли *димоғи баланд, димоғига қурт тушди, димоғидан эшак қурти ёғилади, димоғида ош пишади, димоғи шишиди* каби; яхши кайфият ҳолатини ифодаловчи *димоғи чоғ, димоғи чоғ бўлмоқ, димоғини чоғ қилмоқ* сингари фраземалар таркибида таянч компонент сифатида қўлланилади.

Шахснинг ғазабланиш ҳолатини ифодаловчи *жаҳли бурнининг учида туради, жаҳли тез, жаҳли чиқди, жаҳлини чиқармоқ, жаҳл устида* каби фраземалар таркибида жаҳл лексемасининг иштироки кузатилади.

Жон лексемаси ҳаяжон, ташвиш ҳолатларини ифодаловчи *жон-у ҳолига қўймаслик, жон ҳолатда, жон талвасасига тушмоқ, жони халқумига келди, жонини ҳовучлаб, жонини қўярга жой тополмаслик*, садоқатлилиқни ифодаловчи *жон куйдирмоқ, жонини жабборга бермоқ, жонини бермоқ, жонини койитмоқ, жон-жаҳди билан, жонининг борича, жонини тикмоқ, жон куйдириб, жон олиб, жон бермоқ, жон ҳолатда* сингари фраземалар; кўркув, ваҳима, азобланиш маъноларини англатувчи *жон-жонидан ўтиб кетмоқ, жонига тегмоқ, жонидан-жон қолмади, жонидан безор бўлмоқ, жонидан кечмоқ, жонидан тўймоқ, жонидан умидини узмоқ, жон-пони чиқиб кетди* каби; ўлим ҳолатини ифодаловчи *жон бермоқ, жони узилди*,

жон талашмоқ, жон талвасасига тушмоқ каби феъл фраземалар таркибида иштирок этади.

Кайф мавхум лексемаси рухий ҳолат ва кайфиятни ифодаловчи *кайфи баланд, кайфи бузуқ, кайфи жойида, кайфи чоғ, кайфи хуш* каби сифат фраземалар; *кайфини бузмоқ, кайфи бузилмоқ, кайфини жойига келтирмоқ, кайфини сурмоқ, кайфи ошмоқ, кайфи учмоқ, кайфини учирмоқ, кайфи чоғ бўлмоқ, кайфичоғлик қилмоқ* каби феъл фраземалар таркибида таянч аъзо сифатида қатнашиб, улар ёзма ва оғзаки нутқда фаол қўлланади.

Назар лексемаси иштирокида шахснинг нигоҳи билан боғлиқ *назарга илмаслик, назари илмайди, назарга олмоқ, назарига кирмоқ, назарига тушмоқ, назаридан қолмоқ, назаридан қочмоқ, назар солмоқ, назари наст* сингари фраземалар юзага келган.

Рух лексемаси ёрдамида тетиклик, бирдамлик, яхши кайфиятни ифодаловчи *руҳи энгил, руҳи баланд* каби сифат фраземалар: *руҳини энгил сезмоқ, руҳи энгил тортмоқ, руҳини кўтармоқ, руҳи тушмоқ* сингари феъл фраземалар пайдо бўлган ва нутқда кенг қўлланиши билан аҳамиятлидир.

Феъл (хулқ маъносида) лексемаси *феъли айниди, феъли бузилди*, сингари феъл фраземалар, *феъли бузуқ, феъли кенг* каби нутқда фаол ишлатиладиган сифат фраземалар таркибида иштирок этади.

Фикр лексемаси *фикридан ўтказмоқ, фикридан кечирмоқ, фикр юритмоқ* каби фраземалар таркибида иштирок этиб, “киши фикрлаш қобилиятининг бир жиҳати” маъносини ифода этади.

Лексемаларнинг мантикий асосига кўра шахснинг фикрлаш ҳолати, идрок қилиш каби психик жараёнларни ифодаловчи фраземалар шаклланади. *Хаёл* лексемаси фразема таркибида семантик таянч аъзо сифатида қатнашиб, феъл лексемаси билан бирикади. Феъл аъзо ўтимли семасида иштирок этиб, тушум келишигидаги лексемалар билан бирикади: *хаёлини бузмоқ, хаёлини бўлмоқ, хаёлини олиб қочмоқ, хаёлини олмоқ, хаёлини сочмоқ, хаёл сурмоқ; феъл аъзо ўтимсиз семасида қатнашиб, хаёл лексемаси жўналиши келишигида шаклланади: хаёлга бормоқ, хаёлга толмоқ, хаёлга чўммоқ, хаёл*

дарёсига чўммоқ, хаёлга ботмоқ, хаёлга келмоқ. Хаёл лексемаси чиқиш келишигида шаклланади: хаёлидан ўтмоқ, хаёлидан ўтказмоқ. Хаёл лексемаси билан икки аъзоли гапга тенг феъл фраземалар ҳам юзага келади, хаёл лексемаси феъл аъзо билан эга – кесим муносабатида шаклланган бўлади: хаёл кетди, хаёл бўлинди, хаёл қочди кабилар.

Эс лексемаси иштирокида эсга олмоқ, эсга тушмоқ, эсдан кўтарилмоқ, эсдан чиқмоқ, эсда турмоқ, эсда тутмоқ, эсда қолмоқ, эси бор, эсининг борида, эси бўлса, эси йўқ, эси бутун, эси кирди-чиқди, эсига келмоқ, эсига ҳам кириб чиқмаслик, эсдан оғмоқ, эси жойида, эси кетган, эси кетди, эсим курсин, эсингиз жойидами, эсини танимоқ, эси паст, эси чиқиб кетди, эси ўзига келди, эси қолмабди каби шахсинг фикрлаш қобилияти билан боғлиқ фраземалар шаклланади. *Эс* ва *хуш* лексемалари қўшилмаси семантик таянч аъзо сифатида қўлланилиб, *эс – хушини йиғмоқ, эс – хушини йўқотмоқ, эс – хуши бутун, эс – хушини олиб қочмоқ, эс – хушини олиб қўймоқ* каби шахсинг фикрлаш қобилияти билан алоқадор фраземаларнинг шаклланишига хизмат қилади.

Ақл, фаҳм, фаросат каби мавҳум лексемалар иштирокида кишилардаги ақл-фаросат, фикрлаш ва унинг турли жиҳатларига боғлиқ психик жараёнларни ифодаловчи *ақл битмади, ақлдан озмоқ, ақл бовар қилмайди, ақлга сизмаслик, ақли етади, фаҳми етади, фаҳм-фаросати етади, ақли кирди, ақлини танимоқ, ақл-у хушини танимоқ, ақлини емоқ, миясини емоқ, ақли роса, ақли шошиди, ақл-у хуши жойига келди, ақл-у хушини йўқотмоқ, ақл ўргатмоқ, ақлини могор босмоқ* фраземалари структурал ва семантик шаклланади ва нутқда кенг қўлланилади.

Кўринадикки, шахс фаолияти ва психикаси билан боғлиқ фраземалар таркибида камида битта мавҳум (абстракт) лексема семантик таянч аъзо бўлиб иштирок этиши ва бу лексемалар шаклланган фразема учун мантиқий асос бўлиб хизмат қилиши кузатилади.

БАДИЙ ТАСВИР ВОСИТАЛАРИ ҲАҚИДА

Ибрагимова Фазилат

ф.ф.н., катта ўқитувчи

Ифода жараёнида энг асосий деб ҳисобланган бирликларнинг қолдирилиши ва сўзловчи ёки ёзувчи томонидан коммуникатив ниятнинг юзага чиқишида аҳамиятсиз ҳисобланган компонентларнинг тушиб қолиши тилдаги тежамкорлик тамойили мавжудлигига кўра мумкин бўлади. Тежамкорлик ҳодисаси тилда маълум лингвистик қонуниятлар асосида юз беради ва тилнинг барча сатҳларида кузатилади.

Таъкидлаш жоизки, тилшуносликда эллипсис ҳақида фикр юритилганда уни ҳар қандай лисоний тежаш ҳодисаси билан тенглаштириш ҳоллари мавжуд. Масалан, шундай таъриф учрайди: “Лингвистик иқтисод нутқий алоқа жараёнида кам куч сарф этишга, тил бирликларини, биринчи навбатда, фонетик жиҳатдан ўзгартиришга, қисқартиришга интилиш. Бу ҳодиса тил тизимининг барча соҳаларида (фонетика, сўз ясалиши, синтаксис ва б.) учрайди”.

Мавжуд адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, кўпчилик тилшунослар эллипсисга баҳо беришда бирёқлама, яъни тилдаги ҳар қандай тежамкорлик нуқтаи назаридан муносабат билдирадilar. Сўзловчи ёки ёзувчининг ўз нутқини эллиптик тарзда шакллантиришдан кўзда тутган мақсади эътибордан соқит қилинади. Ҳолбуки, кўпчилик ишларда қайд этилган товуш ёки бўғин тушиши фонетик ҳодиса бўлиб, уларнинг эллипсисга алоқаси йўқ.

Тежамкорлик тамойилининг синтактик сатҳда воқеланишининг натижаси ўлароқ эллипсис ҳодисаси юзага келади. Н.М.Маҳмудов алоҳида таъкидлаганидек, “асосида тил тежамкорлиги ётадиган ҳодиса сифатидаги эллипсис стилистика ва синтаксисда муҳим ўрин тутади”. Бундан келиб чиқадики, тежамкорлик тамойилининг тилнинг ҳар қандай сатҳида воқеланиши эллипсисни юзага келтирмайди, эллипсис фақат синтактик сатҳ ҳодисасидир. Синтаксисдаги марказий масалалардан бири бўлган эллипсис

Ўз вақтида Ф.де Соссюрнинг диққатини тортган. У умумий тилшунослик бўйича қайдларида “эллипсис” сўзининг ўзи фикрлашга ундашини таъкидлар экан, “Бундай термин шуни назарда тутадик, гапнинг нечта унсурдан иборат бўлиши лозимлиги бизга олдиндан маълум ва биз конкрет гапдаги унсурларни ўша тасаввурдаги унсурлар билан солиштирамиз, ана шу тариқа биз етишмаётган унсурларни аниқлаймиз” деган гапни ёзади. Атоқли олим ана шу тарзда эллипсис ва “ноэллипсис”ни фарқлагандай бўлади.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, тилшуносликка доир адабиётларда баъзи ҳолларда эллипсис жим қолиш (сукут), зевгма, имплицитлик каби ҳодисалар билан тенг ёки ёндош деб қаралади. Бу ҳодисаларда муайян ўхшаш жиҳатлар мавжуд бўлса-да, улар бир қатор ўзига хос хусусиятлари билан фарқланади. Юқорида эллипсиснинг белгилари ҳақида сўз юритилган бўлса, энди зевгмага хос хусусиятлар ҳақидаги фикрларимизни баён этамиз, шунингдек, уларнинг муносабатини аниқлашга ҳаракат қиламиз.

Тилшуносликка доир баъзи тадқиқотларда услубий фигуралардан бири сифатида “зевгма” атамаси ҳам қайд этилади. Ўзбек тилшунослигида айрим ишларда йўл-йўлакай билдирилган фикрларни ҳисобга олмаганда, зевгма ҳали махсус ўрганилган эмас. Француз тили тадқиқотчилари эса бу борада салмоқли ишларни амалга оширганлар. Зевгма семантик контаминация тамойилига кўра (маънолар қўшила бориши) қурилган стилистик фигура, у ўзак, сўз ҳамда унга боғлиқ гап бўлақларидан иборат бўлади. У грамматик тенг, аммо семантик жиҳатдан турли планли бирликларга асосланади ва бу бир вақтнинг ўзида ўзак сўзда энг камида иккита ҳар хил маъно ёки маъновий оттенканинг актуаллашувига олиб келади, “зевгма – бу бир сўзнинг турли маъно планларидаги икки бошқа сўз билан бир пайтдаги муносабатидир”.

Турли тилшуносликларда тадқиқотчилар уюшиқ бўлақлар тобе бўлган бўлақларнинг бир марта қўлланиши, яъни бир тур бўлақларнинг ҳар бирини тобелайдиган бўлақнинг бир мартагина қўлланишини тегишли ўринларда айни бўлақнинг тушиб қолиши натижаси сифатида қарайдилар (масалан,

Сизни онангиз, синглингиз, қизингиз қучадилар ва ўнадилар; У гоҳ китобга қарайди, гоҳ ҳужжатларга каби) ва бу ҳолатни “силлепсис” номи билан атайдилар. Зевгмани ана шундай силлепсиснинг бир кўриниши эканлигини таъкидлайдилар.

Ж.Марузонинг “Тилшунослик терминлари луғати”да бу юнонча ном (зевгма) муайян сўз икки ёки бир неча параллель жумланинг аъзоси сифатида воқеланадиган конструкцияларни ифодалаш учун қўлланиши ва бунда мазкур сўзнинг жумлалардан бири билан боғлиқ ҳолда маънога эга бўлиши таъкидланган. Шунингдек, луғатда агар бундай сўз биринчи конструкцияда мавжуд бўлса (*Бири китоб олди, иккинчиси - дафтар, учинчиси – ручка*), “протозевгма” деб номланиши, агар бу сўз ўртадаги конструкцияда бўлса (масалан, *Бири китоб, иккинчиси дафтар олди, учинчиси – ручка*), “мезозевгма” деб номланиши, мазкур сўз охириги конструкцияда бўлганда эса, (масалан, *Бири китоб, иккинчиси дафтар, учинчиси ручка олди*) “гипозевгма” деб юритилиши қайд этилган. О.С.Ахманованинг зевгмага берган таърифи янада содда ва аниқ: “Барчаси учун умумий бўлган бир бош бўлак атрофида тузилган гипотактик гаплар қатори.”

Шуниси характерлики, зевгма бўйича кузатиш олиб борган олимларнинг ҳаммаси бу ҳодиса моҳиятини очиб беришда предикатив бирликда у ёки бу гап бўлакларининг тушириб қолдирилишини назарда тутадилар. Ушбу қарашга асосланадиган бўлсак, зевгма қўшма гапнинг бир бўлаги бўлиб, у синтактик жиҳатдан бошқа қисмда ифодаланган фикрни ўзида намоён қилади. Бу ҳолат ўзбек тилида айниқса, мақолларда кўп учрайди: *Ёмон мўридан аччиқ тутун чиқар, ёмон уйдан сассиқ гап; Ақлли ўзини айблар, ақлсиз дўстини; Тентак тўрини бермас, телба-тўнини; Устани шогирд синдирар, пистани пўчоқ; Биров билганини мақтар, биров кўрганини; Сих ҳам куймасин, кабоб ҳам; Маддохнинг ваъзига ишонма, фолбиннинг сўзига кабилар.* Ўзбек тилидаги бундай синтактик ҳолатларни Н.Маҳмудов рус тилшуноси Е.В.Падучева каби “анафорик эллипсис” деб номлаган. Албатта, бунда гапнинг позицион-синтактик структурасида

айтарли симметрик ҳолатда келиши лозим бўлган такрор бўлакларнинг тушиб қолиши назарда тутилган.

Шу ўринда эллипсис ва зевгманинг ўхшаш ва фарқли томонлари нималардан иборат деган савол туғилиши табиий, албатта. Ўхшаш томони шундаки, ҳар икки ҳодиса ҳам бир умумий қонуниятга – гапдаги бирор компонентнинг тушириб қолдирилишига асосланади. Бу хусусият уларни бирлаштириб туради. Фарқли жиҳатлари эса қуйидагилардан иборат: эллипсис ҳар қандай синтактик бирликда воқеланади, зевгма эса предикатив боғламда юз беради; эллипсис, асосан, гаплар таркибидаги бирор бўлакнинг атайлаб тушириб қолдирилиши билан характерланса, зевгма, асосан, қўшма гапларга хос ҳодиса саналади. Ўзбек бадиий услуби бўйича кузатишлар олиб борган С.Каримов зевгма ҳақида фикр юритар экан, *Бири қўлига доирани олди, иккинчиси торни, учинчиси – аккордеонни* гапини таҳлил қилади. “Бунда стилистик талабга кўра тушиб қолган *қўлга олмоқ* бирикмаси эмоционаллик нуқтаи назаридан маълум вазифани бажармоқда деб айтиш қийин” деган хулосага келади.

Эллипсисда ҳам, зевгмада ҳам гап таркибидаги компонентлар яқин матн орқали тикланади. Биргина амал қилиш доираси ёки шаклига қараб бу икки тушунчани ўзаро фарқлаш ва улар орасига қатъий чегара қўйиш, бизнингча, илмий-назарий асосга эга эмас. Қолаверса, тилшуносликда бир хил вазифа бажарганлиги учун бу тушунчалар деярли фарқланмайди. “Зевгма” адабиётшуносликка оид термин бўлиб, унинг асосида ҳам эллипсис ётади. Шунинг учун, назаримизда, ҳар икки ҳодисага нисбатан ҳам “эллипсис” ёки “эллиптик қурилма” деб қараб, зевгмани эллипсиснинг бир тури сифатида адабиётшуносликда, хусусан, синтактик поэтикада турғунлашган термин эканлигини таъкидлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002.
2. –Б. 133.
3. Махмудов Н.М. Эллипсис в узбекском языке: Дис. ...канд. филол. наук. –Т., 1977. –С.3.

4. Соссюр Ф. де. Заметки по общей лингвистике. –М.: Прогресс, 1990. –С.146.
5. Каримов С. Бадиий услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари. – Самарқанд: Сам ДУ, 1994. –Б.51.
6. Дари А. С. Эллипсис в сложносочиненных предложениях и его трансформационные особенности (на материале современного французского и румынского языков): Автореф. дис. ...канд. филол. наук. –М., 1973.; Le Bidois R. Le zeugme dans les propositions non comparatives // Le Franzais moderne. -1956. - № 4. –Р. 259-270.
7. Бу ҳақда батафсил қар.: Гальперин И.Р. Кўрсатилган асар. –Б. 154 – 157.
8. Общая риторика... –С.143 – 147, 132 – 133.
9. Арнольд И.В. Кўрсатилган асар. –Б.235.
10. Марузо Ж. Словарь лингвистических терминов. –М.: Иностранная литература, 1960. –С.110.
11. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. –М.: Советская энциклопедия, 1966. –С.158.
12. Маҳмудов Н. Кўрсатилган мақола. –Б.251.
13. Каримов С. Кўрсатилган асар. –Б.51.

АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА ИШ ҚУРОЛЛАРИ ВА АСБОБ НОМЛАРИ

**Ж. Жўраев ф.ф.н.
А.Абдулқосимов талаба**

Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир. Таъбир жоиз бўлса, оламда туркий ва форсий тилда сўзловчи бирон-бир инсон йўқки, у Навоийни билмаса, Навоийни севмаса, Навоийга садоқат ва эътиқод билан қарамаса, - дея таъкидлаган эди Президентимиз Ислоҳ Каримов “Юксак маънавият –енгилмас куч” асарида.

Буюк ўзбек шоири Алишер Навоийнинг асарлари нафақат бадиий, балки мислсиз маънавий, лисоний бойлик ҳамдир. Бу бойликнинг таркибий қисмларида иш қуроллари ва асбобларига оид сўзлар ҳам мавжуд.

Маълумки, иш қуроллари ва асбоб номлари араб тили грамматикаси қоидада “мифъал”, “мифъалат”, “мифъол” вазнидан ҳосил қилинади. Масалан, аслида “барода”-эговламоқ феълини “мифъал қолипида айтилса “мибрад”-эгов сўзи ясалади ёки “тароқа”-тақиллатмоқ феълини “мифъалат”

вазнида айтилса “митрақат” - болға сўзи ясалади. Алишер Навоий ғазалларида ҳам ана шундай вазнда ясалган иш қуроллари ва асбоб номлари ишлатилганлигини кузатишимиз мумкин. Масалан:

Ройиҳаи жаннати аъло ҳам ул,

Партави *мисбоҳи* тажалло ҳам ул.

(“Ҳайратул-аброр”63-бет)

Байтидаги “мисбоҳ” аслида “сабаҳа”- тонгда келмоқ, эрталаб турмоқ феълидан олинган бўлиб, бу ерда чироқ маъносини билдиради.

Лаълинг ул ўтки, кўнгул *мижмар* анга,

Ё кўнгул дуржу лабинг гавҳар анга.

(“Фавойид ул-кибар”11-бет)

Байтдаги “мижмар” – “жаммара” феълидан олинган бўлиб, ёниб турган кўмир чўғида ковриш маъносини билдиради. “Мижмар”– манқал, манқалдон, кабоб кўра, тутатқи солинадиган идиш, сириқдон каби маъноларини билдиради.

Оразинг хуснин фузун қилған ҳилолий қош эрур,

Ёхуд ул ой шамъини ёрутқали *минқош* эрур.

(“Наводир уш-шабоб” 120-бет)

Бу байтдаги “минқош”- “нақаша” ўймакорлик усули билан нақш солмоқ феълидан олинган бўлиб, “минқош” эса наққошнинг кескичи, кесиш (йўниш) асбоби; ҳайкалтарош қалами; тош болта, тош пичоқ каби иш қуроли маъноларни билдиради.

Бўлди чу *мистар* хатиға туз рақам,

Бошини олмас рақамдин қалам.

(“Ҳайратул-аброр” 180-бет)

Ушбу байтдаги “мистар”- “сатара” феълидан олиниб, сатр, чизиқ чизмоқ феълидан олиниб, байтдаги “мистар” – чизғич маъносида.

Жилваи хусн ўлғали зоҳир анга,

Бўлди бу *миръот* мазохир анга.

(“Ҳайратул-аброр” 15-бет)

Байтдаги “миръот”- “роъа” кўрмоқ, сезмоқ, пайқамоқ, феълидан олиниб, “миръот”- ойна, кўзгу; софлик, тозалик, кўнгил каби мажозий маъноларни ҳам ифодалайди.

Камоли қудратингдин хирад ул навъ бўлуб лол,
Ки ҳайратдин ҳамиша қилиб исбаъни *мисвок*.

(“Наводир ун-ниҳоя” 278-бет)

“Мисвок” - “сака” (савк) тозалаш, артиш феълидан олинган. Байтдаги мисвок тиш тозалайдиган (бўйи бир қарич, йўғонлиги бармоқча, пўстлоқли ёғоч) асбоб маъносида.

Икки бармоқки тутар сиймни *миқроз* киби,
Фақр торин доғи қатъ этгучидур ул *миқроз*.

(“Наводир ун-ниҳоя” 237-бет)

Байтдаги “миқроз”-“қороза” кесмоқ, ўткирламоқ, чархламоқ маъноларини англатувчи феълдан олиниб, миқроз бу ерда қайчи маъносида келган.

Фикрати *мизони* бўлуб хамсасанж,
«Хамса» дема, балки дегил панж ганж.

(“Ҳайратул-аброр” 41-бет)

Бу байтдаги “мизон”- “вазана” тарозида ўлчамоқ, таққосламоқ феълидан олиниб, мизон эса тарози маъносини ифодайди.

Хазина калидин бу бир келтуруб,
Яна қалъа *мифтоҳ*ин ул топшуруб.

(“Садди Искандарий” 177-бет)

Байтдаги “мифтоҳ” – “фатаҳа” очмоқ феълидан олинган, “мифтоҳ” эса калит маъносини билдиради.

Мунингдек тийр ила ҳар бодбони,
Сиреҳри атласу *миҳвар* нишони.

(“Фарҳод ва Ширин” 169-бет)

Михвар - айланадиган нарсаларнинг ўқи, ер ўқи, ғилдирак ўқи, ўзак, мағиз каби маъноларни билдиради.

Кет фараҳким, ғамни, меҳнат тошин олиб, кўнглума
Юз туман *мисмор* бирла устувор этти фироқ.

(“Ғаройиб ус-сиғар” 209-бет)

Байтдаги “мисмор”-“самора” михламоқ, қоқмоқ феълидан олиниб, мих, козиқ, пона каби иш қуроллари маъносини ифодалайди.

Инжуни олсалар муфарриҳ учун,
Минг бўлур бир дирамга бир *мисқол*.

(“Муҳокаматул луғатайн” 6-бет)

Жумладаги “мисқол”- “сақала” оғир бўлмоқ, юк бўлиб тушмоқ феълидан олинган, оғирлик ўлчови (тахминан 4, 68гр) тарози тоши маъносини билдиради.

Бир кун қаламни *михбара*дин чиқардим.

(“Насойимул мухаббат” 121)

Жумладаги михбара - хибрун сиёҳ сўзидан олиниб бу ерда сиёҳдон маъносини ифодалайди.

Эй Навоий, топти мутриб созидин кўнглум наво,
Гўйиё жон риштасиға тегди *мизроби* анинг.

(“Наводир уш-шабоб” 211-бет)

Байтдаги “Мизроб”- “зараба” урмоқ феълидан олинган бўлиб, камонча, камон; муסיқа чолғуси камончаси; чалғи (юнг титадиган камалаксимон асбоб) маъносини билдиради.

Алишер Навоий асарларида иш қуроллари ва асбобларига оид сўзлар кўп қўлланган бўлиб, улар шоирнинг бадиий нияти билан боғлиқ ҳолда турли хил луғавий-маъновий ва услубий-семантик функцияларни бажарган. Бадиий контекст доирасида қўлланган ҳар бир иш қуроли ва асбоби номлари муайян семантик функцияни адо этувчи поэтик деталь ҳисобланади.

Хулоса шуки, буюк аллома, шоир Ҳазрат Алишер Навоий асарларида иш қуроллари ва асбоб номлари туркий, форсий тиллар бирга иш қуроллари

ва осбобларини ясовчи арабча вазнлар (асосан мифъал вазни) асосидан ҳам олинган. Бундай сўзларнинг қўлланиши шоир асарлари бадиияти, бўёқдорлигини янада оширган ва ўқувчи учун қизиқарли бўлиши мукамал таъминлаган.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ислон Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент. Маънавият. 2008 йил 45-бет

ДОСТОНЛАРИ ТИЛИГА ХОС ҲИКМАТЛИ ИБОРАЛАР ҲАҚИДА

Доц.Б.Файзуллаев,

Г.Ҳамроева талаба

Тил кишилар ўртасидаги алоқанинг энг муҳим воситаси, фикрни даврдан-даврга, тарихдан-тарихга етказиб турувчи муҳим курулдир. Шу тил орқали биз узоқ тарихимизда яратилган моддий бойлигимиздан хабардор бўламиз. Маълумки, ҳар бир халқ ўз удумлари, шуғулланиш соҳаси, иқтисодий аҳволи, маданияти, оғзаки ижод намуналарини, баддий адабиёти, урф-одатларини ўзида акс эттириб, тўплаб, кейинги авлодга етказиб бериш тилнинг бош вазифасидир. Халқ ўзининг бутун ҳаётини кузатишлари натижасида умумий хулосаларга келади ва буни ҳикматли сўз ва ибораларда мақол ва маталларда акс эттиради. Бундай сўз ва иборалар йиғиндиси тилшуносликда паремиология деб юритилади. Паремиология сўзи грекча раронимия ва логос сўзларидан ташкил топган бўлиб, у маълум бир тилдаги мақол матал, масал, ҳикматли сўз ва афоризм каби ҳикматли турғун иборалар мазмуни ва тизимини ўрганувчи фандир.

Биз ушбу ишимизда шоир Эргаш Жуманбулбул ўғли томонидан куйланган достонлари тилида қўлланилган паремиологик бирликлар ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Демак, тилшуносликда инсонлар ижтимоий ҳаёти давомида инсон тафаккурининг маҳсули сифатида юзага келган паремиологик бирликлар-

мақол, матал, ҳикматли иборалар, афоризмлар халқ томонидан ҳаётий хулосалар чиқариши натижасида юзага келган. Ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослигида бу борада қатор ишлар қилинган. Лекин халқ оғзаки ижоди намуналари, айниқса халқ дostonлари тилига хосланган паремиологик бирликлар кам ўрганилган. Шунини инобатга олган ҳолда биз “Холдорхон” дostonини ўрганиш объекти сифатида танладик.

Юқорида қайт этганимиздек, паремалар халқимизнинг кўп асрлик ҳаётий тажрибалари, кузатишлари, хулосалари натижасида юзага келган. Халқ дostonлари ҳам яратилиш нуқтаи назаридан узок тарихга бориб тақалади. Шундай экан халқ яратган ҳикматли сўзлар дostonлар характеридан келиб чиққан ҳолда оғиздан-оғизга ўтиб бизгача етиб келган, турли ўзгаришларга учраган. Ҳатто уларга суянган ҳолда халқ бахишлари ҳам янги-янги қуйма иборалар яратилишига ҳисса қўшган. Буни “Холдорхон” дostonи тилида қўлланилган паремиологик бирликлар орқали таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Биз ўрганаётган дoston тилида паремиологик бирликларнинг (бундан кейин ПБ қўлланади) хилма-хил кўринишларини учратиш мумкин. Шуниси характерлики, дoston тилида қўлланилган ПБлар бахшининг дунёқароши, шеърий вазн талабига қараб маълум ўзгаришлар билан қўлланилган. Масалан, халқимизда “мард майдонда синалар” мақоли мавжуд. Бахши эса уни ўзга кўринишларда матнга кирита олган: “Майдон бўлар эрнинг иши, киролмайди номард киши”.

Яна бир мисолга эътибор қаратсак:

Ҳар ким билса, ўғли борнинг ўрни бор,

Куҳна масал, қизи борнинг нози бор.

Ҳозир замон зари борнинг қадри бор,

Ўғил-қиздан холи қолган тўрамсан (363).

Юқоридаги шеърий мисраларга эътибор қаратадиган бўлсак, тўрт қатор парчада бахши “ўғли борнинг ўрни бор, қизи борнинг нози бор, зари борнинг қадри бор” каби халқ афоризмлари ўз ўрнида ва маҳорат билан киритилган.

Кенг ҳаётий тажрибаларга эга бўлган Эргаш бахши халқимиз ҳаётидаги муҳим ҳолатларни илғаган ҳолда дoston тилига шундай жумлаларни киритадики, улар халқ афоризмлари англатадиган мазмунга тенг келади. Уларни дoston тилига хосланган ПБлар деб ҳисоблаш ўринлидир: Масалан: Фарзанд бўлар одамзоднинг меваси. Улдир, қиздир баробардир ҳаммаси (363).

Бахши томонидан дoston тилига сингдирилган яна шундай сатрлар мавжудни, улар ҳам ПБлар даражасидаги мазмунга эгадир. Улар тузилиши жиҳатидан ҳам, мазмун жиҳатидан ҳам мавжуд луғатларда акс этган ПБларга тенг келади: Хоннинг бошин хон олар, Қорнинг бошин қор олар (300). Ушбу мисраларда акс этган маъно паремиялогик луғатлардан ўрин олган турли кўринишдаги ПБларга тенг келади: тенг-тенги билан, буғдой қопи билан; ёғ-ёққа, гўшт-гўштга; зўр-зўрни билар, қар-қарни билар, ўр-ўрга каби.

Ўзбек адабий тили луғатларидаги ПБлар билан дostonлар тилидаги ПБлар характери ва тузилиши жиҳатидан асосан умумийликка эга бўлса ҳам, лекин фақат дoston тилининг ўзигагина хос бўлган ПБлар ҳам мавжуд. Бундай ПБлар бахши дунёқарашини, ҳаётий тажрибаларини натижасида юзага келган деб ҳисоблаш ўринлидир. Бундай бирликларни дoston тилига услубий хосланган қуйма бирликлар деб ҳисоблаш мумкин. Бу нафақат “Холдорхон” балки бошқа дostonлар тилида ҳам фаол қўлланилганини кўраимиз. Масалан: Мўрчалар бўлса иттифок, Шеру чаёнларнинг терисин сўяр (166); Қўрқоқ қочар урушдан, Ботир қайтмас қиришдан (225); Эр йигит бўп бўлса ботир, Бир ўзи ҳам мингга қарар (275); Майдон деган эрнинг иши, Боролмайди қўрқоқ киши (277).

Бундай бирликларнинг кўпчилиги афоризм даражасига етган бўлиб, тилимизда қўлланиб келинаётган паремалар сингари уларга хос барча белги ва хусусиятларга эгадир. Бошқа дostonлар тилидан олинган қуйидаги мисолларга ҳам эътибор қаратинг:

Қасд айласа, билмаганин билдирар,

Дўст йиғлатиб, душманини кулдирар (Алпомиш, 179).

Хазон бўлмай боғда гуллар сўлмайди,
Сўлган гулга булбул келиб кўнмайди (Равшанхон, 374).
Индан чиқиб пишак билар ҳазиллар,
Магар ажал қамсаб келса сичқонга (Балогардон, 34).
Пўлат найза қоп тубида ётарми,
Темир найза эговласанг ўтарми (Балогардон, 270).

Юқорида келтирилган мисолларга эътибор қаратсангиз, уларнинг ҳар бирининг таркибида мақолларда акс этган мазмун мавжудлигини кўрамиз. Масалан: Мўрчалар бўлса иттифок, Шеру чаёнларнинг терисин сўяр (166). Ушбу келтирилган birlikда халқимиз тилида тез-тез қўлланиб турувчи қатор мақоллар мазмуни сингдирилган. Жумладан: Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар; Бирлашган дарё бўлур, бирлашмаган ирмоқ; Кўпчилик бир муштдан урса, ўлдирар, бир бурдадан берса тўйдирар. Келтирилган ПБларнинг барчасида, шунингдек, дoston тилидан келтирилган мисолда ҳам айнан бир хил мазмун ифодаланган, яъни аҳиллик, бирлашиш, иноқлик, яқдиллик, оқибатлилик каби ижобий ҳислатлар эъзозланган бўлса, унинг акси сифати ноиноқлик, тарқоқлик, худбинлик ва сотқинлик каби ҳислатлар қораланган.

Кўринадики, Эргаш Жуманбулбул ўғли ўз дostonлари дostonи тилида халқ мақол ва ҳикматли сўзларидан ўз ўрнида усталик билан фойдалана олган. Шунингдек, шоир дoston тилига хосланган қатор паремиологик birlikлар яратишга ҳам эриша олган. Демак дostonлар тилида қўлланилган ПБларни тўплаш, ўрганиш паремалар тизимини бойитади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Холдорхон. Айтувчи Эргаш Жуманбулбул ўғли. Ёзиб олувчи ва нашрга тайёрловчи Ходи Зариф. –Тошкент, “Адабиёт ва санъат”, 1981
2. Бердиёров Х., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. – Тошкент, “Ўқитувчи”, 1984; Абдураҳмонов М. Ўзбекча-русча афоризмлар луғати. – Тошкент, 1976
3. Ақл ақлдан қувват олади (ҳикматли сўзлар, афоризмлар ва мақоллар), Тошкент, 1967; Ўзбек халқ мақоллари, Тошкент, “Фан”, 1978 ва бошқалар.

НАВОЙНИНГ ТАРИХИЙ АСАРЛАРИДАГИ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАР ХУСУСИДА

Катта ўқитувчи, А.Абдувалиев

Ўқитувчи, Д.Абдувалиева

Буюк мутафаккир, шоир, файласуф Алишер Навоий асарларларини ўқиб-ўрганишнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрни беқиёсдир. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, “Она тилига муҳаббат, унинг беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга, аввало, Алишер Навоий асарлари билан кириб келади. Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз”.

Биз қуйида Алишер Навоийнинг тарихий асарларида акс этган фалсафий қарашлар ва жаҳоннинг кўзга кўринган файласуфларига бўлган муносабати хусусида фикр юритамиз. Муаллиф “Тарихи анбиё ва ҳукамо” ва “Тарихи мулуки Ажам” каби тарихий асарларида ўзига хос доно ва пурҳикмат фикрларини билдириб ўтади.

Тарихий асарлар матнида муаллиф турли ҳикматлардан унумли фойдаланади. Жумладан, “Тарихи мулуки Ажам”да Сосонийлар табақасига мансуб шоҳ Нўширавон ҳақида сўзлар экан, Навоий унинг султонлар учун ёзган “васиятномасидан икки-уч калима ихтисор қилади”. Ушбу васиятномада адолат тўғрисида қуйидаги паремалар келтирилади: ...адл бир кўрғондурким, сув солиб йиқилмас ва ўт била куймас, манжаниқ била бузулмас.(226); Ва адл ганжедурким, кўпрак олған сайин, кўпрак бўлур ва озроқ харж қилсанг, озроқ бўлур (226). Ҳозирги ўзбек адабий тилида “Адоват эмас, адолат енгади”, “адолат қиличи кескир бўлур” каби мақоллар юқоридаги паремиологик бирликлар англатган маънони ифодалайди. Султонларга қарата ўз васиятида яна қуйидаги мақолни келтиради: Урушта душман оз деб ғофил бўлмамоқ керакким, кўп ўтунни оз ўт куйдурур (226).

Грамматик жиҳатдан гап ҳолида шаклланган, халқнинг турмуш тажрибасига таяниб маълум бир шахс томонидан яратилган қисқа, образли барқарор бирикмалар ҳисобланмиш ҳикматли сўзлар (афоризмлар)дан муаллиф “Тарихи анбиё ва ҳукамо” матнида унумли фойдаланган. Асарда Ислом оламидаги пайғамбарлар билан бирга нафақат шарқ балки бутун жаҳонга машҳур донишмандлар, ҳақимлар хусусида ҳам фикр юритилади ва ўз ўрнида уларга тегишли афоризмлардан истифода этилади. Муаррих ўн учта ҳақимнинг доно, пурҳикмат сўзларини келтириб, уларга назм йўлида ўз муносабатини ҳам билдиради. Жумладан, каёний шоҳлардан Кайқубод даврида яшаб ўтган машҳур табиб ва донишманд Лукмони ҳақим зикрида сўз борар экан, унга тегишли бурч, соғлик-тинчлик, хушфеъллик ва бадфеъллик, яхшилик ва ёмонлик кабилар хусусидаги қуйидаги паремани келтиради: ...борча юкни торттим, бурчдин оғирроқ юк кўрмадим ва борча лаззатни тоттим, офиятдин чучукрок шарбат тотмадим, хушхўй ётларга қаробатдур ва бадхўй қаробатларга ёт. Андин сўрдиларким, не нимадурким, фойдаси борча халойиққа теяр? Дедиким, ёмонларнинг йўқлуғи (190). Ҳозирги ўзбек адабий тилида ушбу ҳикматларга ҳамоҳанг “Соғлигинг-бойлигинг”, “Тинчлик, хотиржамлик ҳар қандай тилладан ҳам афзал”, “Қадр билмас қариндошдан, қадр билган ёт яхши” каби мақоллар қўлланади.

Эрамиздан олдинги 571- 497 - йилларда яшаб ўтган юнон файласуфи, Лукмони ҳақимнинг шоғирди Пифагор асарларда Фишоғурс ҳақим номи билан тилга олинади. “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да ҳақимга тегишли қуйидаги афоризмлар келтирилади: киши ўз мадҳин деса, чин доғи бўлса, нописанддур ва ўтконлар била онт ичмак ёлғон нишонасидур ва мусибатқа сабр қилмок шамотат қилғучининг мусибати (191). Лукмони ҳақимнинг шоғирдларидан бири Жомосб ҳақимдан қуйидаги ҳикмат келтирилади: ... каримнинг ёмонроқ хислати ўз илмининг тарки ва лаимнинг яхшироқ хислати ўз илмининг тарки.

Пифагорнинг шоғирди, таниқли юнон файласуфи Гиппократ асарда Буқрот номи билан келтирилган. Унинг тубандаги пурҳикмат сўзлари келтирилади: Ул дебдурким, умр қисқадур, иш узун. Оқил улдурким, бу

киска умрни бир нимага сарф қилғайким, заруратроқдур, яъни охират маслаҳати ва тенгри таоло ризоси (192). Навоий бу фикрларни қуйидаги байт билан ифода этади: Кишики қилди амал тенгрининг ризоси била, Ҳақ этти охиратин кому муддаоси била (192). Гиппократнинг шогирдларидан Букротга мансуб қуйидаги парема келтирилган: Анинг сўзларидиндурким, шариф илм кўнгулда қарор тутмас, тахсис нималар кўнгулдин чиқмас. Яхши сўз кўнгулни ёрутур ва яхши хат кўзнинг неъматин арусидурким, анинг маҳри шукрдур (192). Аҳмоқлик ва нодонлик хусусида Суқрот ҳақимдан тубандаги парема келтирилган: ...нодонға тавозуъ қилмоқ ҳанзалға сув бермақдурким, неча кўп ичса, талхроқ бўлур (192). Халқимиз тилида бу ҳикматга ҳамоҳанг “Аҳмоққа ақл ўргатмоқ тошга дон сепмоқ билан тенг” (ЎТПЛ, 35) паремаси кенг қўлланади.

Ҳукмдорлик масъулиятининг нақадар улуғлиги хусусида ҳақимлардан қуйидаги афоризмлар келтирилади:

Афлотун: ...подшоҳға чоғир ичмақ ҳаромдур, невчунким, ул мулк ва райийатнинг нигоҳбонидур. Нигоҳбонким, анга нигоҳбон керак бўлғай, яхши бўлмағай (192);

Аристотель: подшоҳ улуғ рудға ўхшар ва атбои ариғларғаким, ул руддин айрилдиларким, ул руд суйиға ҳар ҳол бўлса, ариғларға ҳамул ҳолдур. Ул чучук бўлса, булар чучук; Ул ачиғ бўлса, булар ачиғ; Ул соф бўлса, булар соф; Ул лой бўлса, булар лой (193);

Муаллифдан: Шоҳ дарё ва халқ эрур анҳор,

Икисининг суйиға бир маза бор (193).

Балинос: ..подшоҳ керакким, борча элдин нима олғай, аммо эътидол била, то мулк барқарор бўлғай. Йўқки, борчаға нима бергай безътидоллик била, то мулк бузулғай (193).

Муаллифдан: Чу шаҳ оз олса бўлғай мулк обод,

Чу кўб берди, бўлур юз мулк барбод (193).

Сахийлик ва саховат ҳақида Афлотундан яна қуйидаги афоризм келтирилади: Жуд тиламай бермақдур, невчунки, тилаб берган тилаганнинг мукофотидур (193).

Муаллифдан: Тиламай жуд қил сахий эрсанг,

Тиламак муздидур тилаб берсанг (193).

Милодий 90-168 - йилларда яшаб ўтган, таниқли ҳаким Галеннинг шогирди Птоломей асарда Батлимус номи билан тилга олинади. Унга мансуб қуйидаги парема келтирилади: ... қобилнинг саодати будурким, фаҳим бўлғай. Некбахт улдурким, эл ҳолидин панд олғай ва бадбахт улким, анинг холидин эл панд олғайлар (194).

Муаллифдан: Улус афъолидин сен бўл баруманд,

Йўқ улким, олғай афъолингдин эл панд (194).

Сосоний ҳукмдор Нўширавоннинг вазири Бузуржмеҳрдан ёшликда илм-хунар ўрганмоқлик лозимлиги хусусида шундай фикр келтирган: Анинг сўзларидиндурким, устодимдин сўрдимким, йигитликда не қилмоқ яхши ва қарилиғда не қилмоқ яхши? Дедиким,— йигитликда илм касб қилмоқ ва қарилиғда ани амалға келтурмак яхшидур (194).

Муаллифдан:Йигитлиғда йиғ илмнинг махзани,

Қарилиғ чоғи харж қилғил ани (194).

Мазкур тарихий асарлар сўз бойлиги Шарқ донишмандларига мансуб афоризмларга бойлиги билан характерланади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Ма’naviyat, 2010. – Б.47- 48.
2. Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн олтинчи том. – Тошкент, 2000. (Кейинги фойдаланилган ўринлар саҳифаси қавс ичида кўрсатилган.)
3. Алишер Навоий. Тарихи мулуки Ажам. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн олтинчи том. – Тошкент, 2000. (Кейинги фойдаланилган ўринлар саҳифаси қавс ичида кўрсатилган.)
4. Бердиёров Х., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984, – Б. 24-25.

ФРАЗЕМАЛАР АНТОНИМИЯСИДАГИ АЙРИМ УЗГАРИШЛАР

Ўқит.З.Жумаева,

М.Орифова талаба

Антонимлар бадиий мантда антитезалар хосил килишга хизмат қилиб, нутқнинг ифодалилигини кучайтиришга йуналтирилган булади. Антитеза образлар , тушунчалар ва фикрлар карама-карши қуйилишига асосланган стилистик услубдир ва ёзувчилар фраземик антонимлар воситасида эса коларли, ёркин образлар яратадилар. Фраземик антонимларнинг ҳам хилма-хил шакллари мавжуд.

- Антонимик муносабат асосига қурилган бир фразема таркибидаги антонимия. Бундай фраземаларнинг баъзилари лексик антонимлар билан ифодаланади. Масалан: **дарёга хул олиб бориб, курук кайтариб олиб келади**; егани олдида , емагани кейинда; **ит ётиш, мирза туриш; кулидан кириб, косовидан чиқади; ок ит кириб , кора ит чиқади** ва ҳақозо. Киёсланг: хул-курук, олдида-кейинда, ётмок-турмок, кирмок-чикмок. Бошқа бир фраземалар таркибида эса лексик антонимлар мавжуд бўлмайди. Масалан: **Дунёни сув босса, тупигига чикмайди; мен богдан келсам, у тогдан келади; нинанинг учидек гап булса, туядек келади; юзи келса ҳам ичи қуяди; осмонга чикса оёгидан, ерга кирса қулогидан тортаман** ва ҳақозо. Бундай ҳолда антонимия фраземадан яхлитлигича англашиладиган лугавий маъно асосида белгиланади.

- Антоним фраземалар жуфтлиги орқали юзага келган антонимия эса бир-бирига карама-карши маънодаги икки мустақил фраземанинг антонимик муносабатга кириши натижасида юзага келади. Масалан: **дунёга келмок-дунёдан кетмок; гапида турмок- сузиданкайтмок** ва ҳақозо. Ўзбек сузлашув нутқи фразеологизмларини урганган олим К.Бозорбоев «узуро антоним фразеологизмлар улар таркибидаги антонимик сузлар ва яхлит лугавий маъно асосида белгиланади дея таъкидлаб қуйидаги мисолни келтиради: **дунёга келмок –дунёдан кетмок** антоним фраземалари таркибида антоним лексемалар мавжуд: **келмок-кетмок**. Худди шунингдек, **ерга урмок-қукка**

кутармок ; ёмон курмок-яхши курмок; жиловини кулга олмок – жиловини кулдан бермок; истараси иссик-сухтаси совук; кузига иссик куринмок-кузигасовук куринмок; кунгли бор-кунгли йук; кунгли буш-кунгли каттик; кули узун-кули калта ва бошка узаро антоним фраземалар таркибида антоним лексемалар мавжуд.

Гапида турмок-сузидан кайтмок антонимик жуфтлигида эсаантоним лексемалар иштирок этмаган, чунки «турмок» ва «кайтмок» лексемалари узаро антоним була олмайди. Бу холатда тилшунос олим А.Маматов Ш.Рахматуллаев фикрини «антонимлик иборадан англашиладиган лугавий маъноларнинг каршилиги асосида хам белгиланади е тасдиклайди. Масалан: **юраги тош-кунгли буш; кули очик –кишда кор сурасанг бермайди; дунёга келмок-куз юммок; кунгли жойига тушди-юрагига гулгула тушди; кунгли гашланди-кунгли ёришди; кунгли тоза-ичи кора; оралари бузук-оралари якин; огзининг танобини тортмок-огзининг жилови кочди; гапидан кайтмок-гапида турмок; турмушга чикмок-эрдан чикмок кабилар.**

Антонимик фраземалар лексик жихатдан бир хил таркибли ва лексик жихатдан хар хил таркибли булиши хам мумкин. Куйидаги антоним фраземалар таркибида катнашган биринчи лексик компонентлар-айни бир сузнинг узи, иккичи лексик компонентлар эса антоним сузлардир:

Юраги кенг-юраги тор; кунгли ёришди-кунгли хира булди; обруйи ошди-обруйи тушди. Баъзида бир хил лексик компонентлардан иборат фраземаларнинг антонимияси бошка туркий тилларидаги каби инкор маъносини билдирувчи кушимча (-ма) оркали хам англашилиши мумкин. Масалан: **булса булар, булмаса говлаб кетар; билса хазил, билмаса чин; текканга тегиб, тегмаганга кесак отади; кузи кийди-кузи киймади.** Лексик жихатдан хар хил таркибли антоним фраземаларда бир хил лексемалар иштирок этмайди. Бунга мисол килиб **истараси иссик-сухтаси совук; куккакутармок-ерга урмок; хаёлига келмок-ёдидан**

кутарилмоқ кабиларни мисол келтириш мумкун. Шуркишлокликлар феъли **каттик**, кунгли **юмшок** халк, сука туриб алкайди, ура туриб йиглайди.

Антонимли фразеологизмлар компонентларининг ички тизими муносабатига асосланиб улар образлар, воқеа-ходисалар воқеликни карама-карши куйиш асосида шаклланади. Бунда семантик таянч компонентлар антонимик муносабатда булмайди, балки фразеологизмлар яхлит холда карама-карши маъноларни ифодалайди. Масалан: Карима хола огзи кулогида Хужакишлокка бориб, тарвузи култигидан тушиб кайтиб келди. Киёсланг: огзи кулогида-тарвузи култигидан тушиб.

Таникли фразеологик олим Б.Йулдошев «Тилдаги фраземаларнинг тараккиёти ва бойиши тилнинг бошка бирликларда булганидек, факат фразеологик неологизмларнинг пайдо булиши билан эмас, балки мавуд ибораларнинг семантик, грамматик ва функционал жихатдан янгиланиши асосида хам содир булади дея таъкидлайди. Дархакикат, ёзувчилар одатда тасвир максадига мувофик ибораларни танлаб куллаш билангина кифояланиб колмайдилар. Балки, кахрамонлар табиати, рухий холати, хаёт тарзига мослаб фраземаларни узгартиради ва кайта эътиборимизни каратамиз: Кимнинг сабр косаси чукуррок, бошка бировники саёзрок булади. Маълумки умумтилда «Сабр косаси тулмоқ» фраземаси мавжуд. Ёзувчи асардаги рухий холатни янада таъсирчан ифодалаш макседида фраземани бироз узгартириб, антонимик муносабат яратади. Киёсланг: сабр косаси чукуррок-сабр косаси саёзрок.

Шунингдек, фраземаларни услубий жихатдан чукур тахлил килган Б.Йулдошев фразеологик бирликларни ижодий семантик узгартириш усулларида бири сифатида фразеологик бирликлар ёрдамида антitezалар хосил килиш усули хакида тухталиб, унинг куйидаги турлари мавжуд эканлигини айтиб утади:

А) антоним фраземаларини карама-карши куйин усули: Бир суз била бош осмонга хам етади, жон бугизга хам келиб колади. Бу гапда антоним фраземалар «боши осмонга етмоқ-«жони бугизга келмоқ».

Б) контекстуал фразеологик антонимларни зид куйиш оркали: Масалан: «Самад полвон улганда, унинг нонини еб тула булган кизларидан кура, калтагини еб пула булган Пирмат Ориф, Сотим, Муслим ва учкиёви Шароф бир-бирларини кучоклаб, кишлокни «нонини еб тула булган-калтагини еб пула булган» антоним жуфтлиги ёзувчининг ижодий махсули булиб, шу конкрет нуткдан ташкарида эса йукка чиқади.

В) ФБ ни унинг бирор компонентига антоним булган суз билан тукнаштириш усули: «Кулидан кетганига рози булиб, кулига келганига шукр килса! Бу гапда муаллиф умумтилдаги «кулдан кетмок» фраземасига карама-карши килиб «келмок» сузини антоним сифатида куллаган.

Лекин таъкидлаш лозимки, фразеологик антонимлар лексик антонимлардан анча фарк килади. Биринчидан, фраземаларни ташкил этаётган компонентлар хар доим хам узаро антонимик муносабатда булмайди, балки умумфразеологик маъно антонимик маъно сифатида хослашади. Иккинчидан тилда фразеологик антонимлар лексик антонимларга караганда кам учрайди. Шунга карамай ёзувчилар унумли фойдаланишга харакат киладилар. Чунки бундай карама-карши фикрини ифода этувчи фразеалар киши характерининг, хулк-атворининг очилишига ката ёрдам беради. Фраземалар антонимиясидаги узгаришлар эса уларнинг лексик таркиби анча узгарвчан эканлигини тасдиклайди. Бундан умутил фраземаларнинг узгарувчанлик хусусиятлари, куринишлари ва сабабларини урганиш зарурияти келиб чиқади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ш.Рахматуллаев. Узбек тилининг изохла фразеологик лугати.
2. К.Бозорбоев. Узбек сузлашув нутки фразеологизмлари. Филол.ф.номзод.диссер.автореферати Самарканд.

МАФКУРА ВА ТИЛШУНОСЛИК

Ўқитувчи, Ш.Жуманов

«Чукур ислохатларни амалга ошириш, бозор иқтисодиётига ўтиш, биринчи навбатда кадрлар

потинциалига, уларнинг касб жиҳатдан тайёргарлигига боғлиқ, бўлади...

Бу эса бутун маданият ва таълим тизимининг тубдан ислоҳ қилишни тақозо қилади»

И.А.Каримов

Муайян бир ижтимоий гуруҳ ёки миллатнинг туб манфаатларини назарий асословчи ва ҳимоя қилувчи фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, эстетик, бадиий қарашларнинг бутун бир тизимига мафкура дейилади. Мафкура жамият ҳаётининг маънавий-сиёсий инйқосидир, унинг инсон онгида акс этиши, инсон тамонидан англаниб, бир бутун тизим ҳолига келтирилиши ва бу тизимнинг амалий фаолиятида назарий асос ҳамда руҳий таянч бўлиб хизмат қилишидир.

Маънавият ва мафкура ҳамма даврларда ҳам инсон ҳаётида, ёшларнинг тарбиясида муҳим ўрин тутиб келган. Чунки тарбиянинг қайси руҳда берилиши ўша даврнинг мафкурасига боғлиқ.

Ёшларни ватанга муҳаббат, ўз ҳалқига садоқат, ўз она тилига, ўз миллий қадриятларига садоқат руҳида тарбиялашда ҳалқ оғзаки ижоди, яъни эртаклар, афсоналар, ривоятлар, меҳнат, қаҳрамонлик кўшиқлари муҳим ўрин тутади.

Маълумки, қадимги Спартада болаларни чаққон, бақувват, ватанга садоқат руҳида тарбиялаш билан бир қаторда, болаларда лўнда нутқ маданияти малакасини шакллантиришга ҳам алоҳида эътибор беришган.

Афиналик ҳар қандай шахснинг сиёсий тақдири ўз она тилисини билиш маҳорати билан боғлиқ бўлган. Цицероннинг қайд этишича, инсонни олий даражага кўтарувчи икки санъат мавжуд: бири яхши ҳарбий саркардалик санъати, иккинчиси ўз она тилисини яхши билиш, яъни ўз она тилисининг имкониятларидан фойдаланган ҳолда яхши сўзлаш (нотиқлик) санъатидир.

Ҳар қандай жамиятда ҳам инсон мафкурасини (нутқ) билиш ҳал этган. Агар нотик ўз она тилисини, ўз нутқи қаратилган соҳани яхши билса ўз тингловчиларига таъсири кучли бўлган.

Гомер, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Алишер Навоий, З.М.Бобур каби ўз асарларида нотиклик санъатининг ривожига муҳим ҳисса қўшганлар. Уларнинг асарларида баён этилганлар ўқувчиларни ватанга садоқат, инсонларга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашда комил инсонни тарбиялашда кўп асрлардан буён тарбия воситаси бўлиб келмоқда.

XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб ўзбекона мафкура ва маънавиятимизга дарз кета бошлади. Ўқувчиларимиз у ёқда турсин, ўқитувчиларимиз ҳам ўзлари ўтаётган фанларидаги ўзбекча атамалар қолиб турли тиллардан олинган атамаларни ишлата бошладилар. Буюк алломаларимизнинг асарларини нусхаларидан ўқиш ва ўқитилиши ҳақида сўзламасак ҳам бўлади. Ал-Бухорий, ат- Термизий, Аҳмад Яссавий, Юсуф Ҳос Ҳожиб каби алломаларимиз асарларида баён этилган муҳим маънавий, мафкуравий қарашларни асл моҳиятини нотўғри талқин этилди.

Амир Темур, З.М.Бобур каби буюк алломаларимизнинг саркардалигини, ватанпарварлигини, кураш руҳини, ўқувчилар онгига сингдириш ўрнига, уларнинг онгидан чиқариб ташлашга ҳаракат қилдик.

...дунё мамлакатлари ўз анъаналаридан фахрланиб, умумжаҳон ҳазинасига йўл қидираётган бир пайтда биз ўз анъаналаримизни тупроққа кўмишга, иллат назари билан қарашга ҳаракат қилдик. Тилимизни бошқа тиллардаги сўзлар билан сунъий равишда бойитиб, унинг фойдаларини асослаб, жумлаи жаҳонга жар солдик. Фарзандларимиз ичида ўзбек тилида сўзлашга ор қиладиганлари чиқа бошлади. Ҳалқ таълимидаги асосий мафкура, асосий ғоя ана шу эди.

Дунёга донг таратган алломаларимиз Форобий, ар Розий, Маҳмуд Қошғарий, Ибн Сино, Беруний, Ибн Рўшд, Маҳмуд Замахшарий, Алишер Навоий, З.М.Бобур каби алломаларимиз ўз даври тилшунослигининг ривожига муҳим ҳисса қўшганлар. Жумладан, Фаробий ўзининг «Фалсафатул Аристуталиё» асарида тилшуносликнинг фалсафий масалалари ичида марказий ўринни эгаллаган билишнинг икки босқичи (ҳиссий ва гидрокий) умумийлик-хусусийлик, моҳият-ҳодиса диалектикаси ҳақида сўз

юритади. Форобий сўз маъноларини фарқлайди, атоқли ва турдош отлар ҳақида ҳам, сўз бирикмаси ҳақида ҳам маълумотлар беради.

Мустақилликкача бўлган давр тилшунослигида юқорида номлари қайд этилган алломаларнинг баъзилари йўл-йўлакай тилга олинар эди. Мустақиллик туфайли маънавиятимиз ҳам, мафкурамиз ҳам тамомила ўзгарди. Онгимизга 70-80 йилларда қаттиқ сингиб қолган муътелик психологияси ўрнига эркинлик, ижодкорлик, фидокорлик психологияси пайдо бўлди. Миллий қадриятларимизни, маънавий анъаналаримизни тиклаш ҳаракати бошланди.

Мустақилликдан кейин барча соҳаларда бўлганидек, тилшунослик фанида ҳам муҳим ўзгаришлар рўй берди ва рўй бермоқда. Жумладан, болаларимиз (ўқувчиларимиз) онгига аждодларимиз қолдирган бой маданий меросни сингдириш, ўтмиш меросимизга меҳр қўйиш, тилшунослик фанида авлодларимиз қолдирган меросни, тилшуносликдаги фалсафий қарашларини ўрганишга этибор кучайди.

XV асрдаёқ Алишер Навоий ўзбек тилини камбағал, кўпол, дўққи тил деб қаровчилар (форс ва араб тили ўша даврда асосий тил деб тан олинар эди) бўҳтонидан қутқарган эди.

1980 йиллардан кейин миллий анъаналаримизни, миллий маданиятимизни, миллий тилимиз обрў-эътиборини кучайтиришга бўлган қарашлар пайдо бўла бошлади. Натижада 1989 йилнинг 21 октябрида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан мафкурамизнинг таркибий қисми сифатида тилга аълоҳида эътибор берилиши тилшунослик фанининг ривожини учун муҳим аҳамият касб этди.

Мустақиллик даврига келиб тилшунослигимиз ҳам собиқ шўролар таъсиридаги мафкурадан тамомила қутилди. Тилшунослик фанининг барча сатҳлари системавийлик асосида қайта ўрганила бошлади. Бунга мисол қилиб «ўзбек тили фанологияси ва морфологияси» (Т.1992 й.) А.Абдуазизовнинг «Ўзбек тилининг фонологияси ва морфологияси»

(Т.1994й.) Э.Бегматовнинг «Ўзбек исмлари» китобини, Ҳ.Неъматов ва Р.Расуловларнинг «Ўзбек тили систем лексикологияси асослари» китобини, Н.Маҳмудов ва А.Нурмоновларнинг «Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси» (Т.1992й), «Ўзбек тилининг назарий грамматикаси» китобларини, А.Нурмоновнинг «Ўзбек тилшунослиги тарихи» (Т.2002 й) китобини, М.Маҳмудовнинг «Тил ва жамият», «Тил», «Сўзимиз ва ўзимиз» каби китобларининг нашр этилиши мустақиллигимизнинг шарофатидир.

Демакки, мустақиллик даврида барча фанлар қатори ўзбек тилшунослигининг ривожига ҳам йўл очилди ва имкониятлар яратилди. Бугунги кун ўқувчиси тилшуносликнинг барча соҳалари бўйича янги-янги тушунчаларга эга бўлмоқдалар.

SHE`RIY NUTQDA SO`ROQ GAPLARNING LINGVOPOETIK

XUSUSIYATLARI

(Usmon Azim she`riyati misolida)

SamDU o`qituvchisi A.Sobirov

Badiiy nutq ikki shaklda: she`riy (tizma) va nasriy (sochma) ko`rinishlarda yuzaga chiqadi. Nasriy nutq o`zining qurilishi jihatidan kundalik muloqotda qo`llaniluvchi nutqqa yaqin bo`lsa, she`riy nutq so`z san`atiga xos maxsus hodisa sanaladi. Zero, o`zining kelib chiqishi jihatidan ham badiiy nutqning she`riy shakli nasriy shakldan qadimiyroq, aniqrog`i, o`z vaqtida badiiy nutqning yagona shakli bo`lgan. Sababi, she`riy nutqdagi o`ziga xos tashkillanishning o`ziyoq uni odatdagi nutqdan farqlagan, she`riy nutq vositasida aytilgan ma`lumotning san`atga aloqadorligini ta`kidlab turgan. Bunga amin bo`lish uchun adabiyot tarixiga nazar solish kifoya: milliy adabiyotimiz tarixining ilk bosqichlarida adabiy asarlar she`riy yo`lda yozilgan, nasrda yozilgan badiiy asarlarning paydo bo`lishi, nasrning badiiy nutq ko`rinishi sifatida shakllanishi esa nisbatan keyingi davrlarga to`g`ri keladi.

She`riy nutq muayyan bir o`lchov(vazn) asosidagi ritmga ega bo`lgan, o`zining musiqiy jarangi, hissiy to`yintirilganligi bilan farqlanuvchi nutqdir.

She`riy nutqdagi o`ziga hos intonatsiya, musiqiylik ritmik bo`laklar va ritmik vositalar, o`ziga xos fonetik shakllanish, turli sintaktik usullar yordamida vujudga keladi. She`riy yo`lda yozilgan lirik asardagi kayfiyatning hosil qilinishi, kechinmaning o`quvchiga "yuqtirilishi"da uning ritmik-intonatsion tomoni muhim ahamiyat kasb etadi. Yani she`rning ritmik-intonatsion xususiyatlari uning mazmuni bilan belgilanadi, mazmun bilan uyg`unlik kasb etadi. She`riy nutqning shakllanishida undagi o`ziga xos gap qurilishining juda katta xizmati borki, uning musiqiyliigi, hissiy to`yintirilganligi, ta`sirdorligi ko`p jihatdan she`riy sintaksis hisobiga ta`minlanadi. Sintaktik sathdagi odatgi qoliplardan og`ishlar ko`proq she`riy nutqqa xos hodisa sanaladi, shu bois ham adabiyotshunoslikda "poetik sintaksis" degan maxsus tushuncha mavjud.

Biz ushbu maqolamizda shoir Usmon Azim she`riyatida so`roq gaplar va ularni shakllantirishda ijodkor uslubini o`rganishga harakat qildik. Eng asosiysi gap bo`laklarining o`zgargan tartibi (inversiya) so`roq gaplar doirasida mazmuni qay darajada boshqarishi, yozuvchining badiiy maqsadini qay darajada ifodalashiga etibor qaratdik. Shu o`rinda so`roq gaplarning mazmuniy tasnifi, retorik so`roq gaplarning o`ziga xos xususiyatlarini ilk bor A.G`ulomov, so`ngra A.Ahmedov, X.Ismatullayev, G`.Abdurahmonovlar o`rganishgan. 1999-yilda "So`roq gaplarda shakl va mazmun nomuvofiqligi" mavzusida nomzodlik dissertatsiyasi himiya qilgan Muhabbat Haynazarova ham so`roq gaplarni nasriy asarlar va so`zlashuv nutqi doirasidagina o`rgangan. Biz maqolamizda lirik asarlarda so`roq gaplarni birinchilardan bo`lib o`rganishga harakat qildik.

Usmon Azimning 1995-yil chop etilgan "Saylanmasi"da jami 350 tadan ortiq so`roq gaplar ishlatilgan bo`lib, ulardan 270 tadan ortiq sof so`roq gaplar 80 tadan ortiq retorik so`roq gaplar aniqlandi. "Hozirgi o`zbek adabiy tili. Sintaksis" darsliklarida so`roq gaplar, asosan, uch xil usul bilan hosil qilinishi aytib o`tilgan. Yani so`roq olmoshlari, so`roq yuklamalari va so`roq ohangi orqali hosil bo`lgan so`roq gaplar. Bundan tashqari, so`roq gaplar o`zidan keyin javob talab qilishi va qilmasligiga ko`ra ikki guruhga ajraladi: sof so`roq gaplar (o`zidan keyin javob talab qiladi), retorik so`roq gaplar (javob talab qilmaydi, savoli ham, javobi ham o`zining ichida ifodalangan bo`ladi). U.Azim "Saylanmasi"da 270 dan ortiq sof

so`roq gaplarning 5 tasi ohang orqali, 75 tasi yuklamalar orqali, 190 tadan ortig`i olmoshlar orqali hosilgan qilingan. Retorik so`roq gaplarning esa 18 tasi ohang orqali, 22 tasi yuklamalar orqali, 55 tasi olmoshlar orqali ifodalangan. Ana shu ko`rsatkichlarning o`zi ham yuqoridagi fiklarni asoslaydi. Ayrim to`rtliklarni izohlaymiz:

Ishla – Nima uchun? – **Yugur!** – Nimaga?

Televezor kerak! – **Mashina!** – **Buyum...**

Bir yilki boqmadim to`yib dunyoga,

Sevgilim, unutdim maysalar bo`yin.

Javon kelgan ekan... Yuring... Ketdik... Tez!

Usiz odammiz deb aytolamizmi?

Parchada 3 ta so`roq gap orqali butun she`rning mazmuni ochiladi. She`rdagi nima uchun? Nimaga? Sof so`roq gaplar so`roq olmoshlari orqali, Usiz odammiz deb aytolamizmi? Retorik so`roq gap esa so`roq yuklamasi orqali shakllangan. Birinchi va ikkinchi gapda so`roq olmoshi va kesim inveriyaga uchragan, chunki o`zbek tilida so`roq gaplarning mantiqiy urg`usi so`roq ifosalovchi vositalarga tushadi. Gap bo`laklarining tartibi o`zgarishi orqali asosiy e`tibor mehnat qilishdan, yashashdan maqsad nima ekanligini ochib berilgan. Uchinchi gap esa gap bo`laklari tog`ri tartibda berilgan. Shoir retorik so`roq gap orqali – **Buyumlarsiz biz odam sanalmaymiz**– degan hukm orqali she`rning asosiy g`ayasini ochib bergan.

Ijodkorning “Boysun haqida g`amgin ballada yoki qaytmaydigan xotiralar haqida sher”idan olingan parchaga e`tabor qaratsak:

Yurgan yo`lim to`fon bu g`amli fursat,

Qat`iyat ko`z yoshday oqqan mahali,

Yurak rahming kelsin, to`g`ri yo`l ko`rsat,

Men qanday Boysundan ketay ajralib?

“So`roq gaplarda shakl va mazmun nomuvofiqligi” mavzusida nomzodlik dissertatsiyasi himiya qilgan Muhabbat Haynazarova retorik so`roq gaplar tasdiq

shaklda bo`lsa-da yashirin inkorni ifodalashi, inkor shaklda bo`lsa ham yashirin tasdiqni ifodalashiga asosiy e`tiborni qaratgan. Yuqoridagi parchada ham “Men qanday Boysundan ketay ajralib?” deyish orqali yashirin inkor tarzda javobi o`zining ichida “Men Boysundan hech qachon ajralib keta olmayman”, – degan xulasa yuzaga keladi. So`roq gapda gap bo`laklari tartibining o`zgarishi mo`siqiylikni, ohangdorlikni ta`minlashdan tashqari ijodkorning o`ziga xos uslubini ko`rsatishga xizmat qilgan.

Sintaksisga oid bir guruh ishlarda o`zbek tilida gap urg`usi (mantiqiy urg`u) erkin deyilgan, chunki ohang talabi bilan istalgan bo`lak boshqa bo`laklardan ovoz kuchi bilan balandroq aytilib asosiy e`tibor ana shu bo`lakka qaratilishi mumkinligi uqtirilgan. Bizningcha, so`roq gaplarda so`roq hosil qiluvchi vosita qayerda bo`lsa, gap urg`usi ko`pincha o`sha yerga tushadi. Masalan,

...Bosib ketdi dalani Ot dupuri nogahon,

Ko`tingizda jonsarak yashirdingiz boshog`ni.

E voh, yer shuncha qattiq, Osmon shuncha uzoqmi?

Misralardagi asosiy so`roq **qattiqmi, uzoqmi?** Kesimlari orqali ifodalangan. Ba`zan so`roq gaplar hech qanday grammatik vositalarsiz, ohang vositasida ifodalanishi ham mumkin. O`shanda so`roq qayerga tushadi degan savolga misollar orqali javob berishga harakat qilamiz:

Umrin o`tib ketdi jang-u jadalda –

Qalb orom bilmadi, tinmadi qo`lim...

Bugun bir seskanib tanidim, evoh,

Raqibim, nohotki, sen eding o`lim?

Parchaga e`tibor qaratsak, so`roq gap ohang orqali ifodalangan, misralar esa inversiyaga uchragan. Ega hisoblangan “o`lim” so`zi misra songiga o`tkazilishi mantiqiy urg`uni aniqlab bergan. Demak, so`roq vositalarsiz so`roq gaplarda gap urg`usini inversiyaga qarab ham aniqlash mumkin. Nutq induvudial tabiatga ega bo`lganligi bois gapda ishtirok etayotgan so`zshakllar tarkibi ham erkindir. Biroq bu «erkinlik» hech qachon umumiy lisoniy qonuniyatlar doirasidan tashqarida

bo'lmaydi. So'zlovchining maqsadi, uslub talablari asosida so'zshakllar umumiy tartibga ega bo'ladi.

Har qanday gap, o'zida ma'lum voqelikni ifodalash bilan birga, so'zlovchining axborot maqsadini ham namoyon qiladi. Masalan, **Raqibim, nohotki, sen eding o'lim?** Raqib o'lim ekanligini qayd qilinishi bilan birga, so'zlovchining tinglovchiga umrning o'tkinchi ekanligini, bir kun kelib hamma ham dunyodan o'tishini, umrni mazmunli yashab o'tish kerakligi haqidagi ma'lumotni yetkazish niyati ham o'z aksini topgan.

Gap uchun kommunikativlik, (aloqa almashinuvi, axborot yetkazish) modallik (fikrning voqeylikka munosabati) va predikativlik (gapning kesimlik belgisi) grammatik kategoriyalar muhim hisoblanadi. Bu kategoriyalardan har biri ichki (ma'no) va tashqi (formal belgilari) xususiyatlarga ega. So'roq gaplar ham bundan mustasno emas. Darak, buyruq, istak gaplarga qaraganda so'roq gaplar she'riy nutqda tasirchanroq, yozuvchi aytmoqchi bo'lgan fikrini isonchliroq ifodalshga xizmat qiladi.

Sof so'roq gaplarni hosil qilishda ham retorik so'roq gaplarni hosil qilishda ham so'roq olmoshlari asosiy o'rinda turadi. Lekin ohang sof so'roq gaplarga nisbatan, retorik so'roq gaplarda salmoqliroq o'rin tutishini Usmon Azim she'riyati isbotladi. She'riy nutqda gap bo'laklari tartibining o'zgarishi yozuvchining maqsadidan kelib chiqib mantiqiy urg'uni belgilab berishi ham ushbu ishning o'ziga xos xulaslaridan biridir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ne'matov H. va b. O'zbek tili struktural sintaksisi. -T.: Universitet, 2000.
2. G'ulomov A., Asqarova M. Hozirgi o'zbek adabiy tili. Sintaksis. -T.: 1989.
3. Egamqulov B. She'riy nutq ibtidosi va sinkretizm haqida// O'zbek tili va adabiyoti.-1995.-№2.-B10-13
4. Sharofiddinov X. O'zbek she'riyatida qofiya va urg'u munosabati// O'zbek tili va adabiyoti.-1998.-№6.-B12-16.
5. Muhammadiyeva Sh. Fitrat va Cho'lpon erkin vaznning asoschilari// O'zbek tili va adabiyoti. 1998. №6.-B.42-43.
6. Usmon Azim. Saylanma. She'rlar. -Toshkent: Sharq, 1995.
7. www.ziyonet.uz

АЛИШЕР НАВОИЙ ТАРИХИЙ АСАРЛАРИДАГИ УМУМТУРКИЙ СЎЗЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИГА МУНОСАБАТИ

Катта ўқитувчи З.Абдувалиева,

Ўқитувчи, Д.Абдувалиева

Алишер Навоий қаламига мансуб тарихий асарлар, хусусан, “Тарихи мулуки Ажам” ва “Тарихи анбиё ва ҳукамо” матнларида бир қанча умумтуркий лексемалар истеъмолда бўлган.

Алишер Навоий тарихий асарлари тилидаги туркий қатлам ҳозирги ўзбек адабий тили давридаги истеъмол даражасига кўра ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланадиган туркий сўзлар; ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланмайдиган туркий сўзлар каби гуруҳларга бўлинди.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланадиган туркий сўзлар қуйидагиларга ажратилди: 1) Семантик жиҳатдан ўзгаришсиз қўлланадиган лексемалар эски ўзбек адабий тили даврига хос маъноларни ифодалайди. Булар: ҳаракат-ҳолат билдирувчи: бермоқ (ТАҲ,100), демоқ (ТАҲ ,113), келмоқ (ТАҲ , 117), отланмоқ (ТМА, 248); белги-хусусият билдирувчи оқ (ТАҲ 108), кўк (ТМА, 207), яхши (ТАҲ, 107), ёмон (ТАҲ, 108); нарса-буюм номлари: ип (ТМА, 231), ипак (ТМА, 199), ўтун (ТАҲ , 115), эгар (ТМА, 198) ва ҳ.к.; айрим шахс отлари: темуричи (ТМА, 201), элчи (ТМА, 214), ўқуғучи (ТМА, 219), қароқчи (ТМА, 216), қўйчи (ТМА, 201); ҳайвон номлари: ит (ТАҲ, 116), йилон (ТАҲ, 137), от (ТМА, 198), тева (ТМА, 248) ва ҳ.к.; 2) Семантик структурасида ўзгариш юз берган лексемалар. Алишер Навоий қаламига мансуб тарихий асарлар лексикасидаги сўзларни ҳозирги адабий тилда қўлланиш даражаси ва семантик хусусиятларига кўра қуйидагича умумлаштириш мумкин: а) асосий маъноси сақланиб, айрим маънолари истеъмолдан чиққан сўзлар. Масалан, ясамоқфеълининг Навоий асарлари тилида бир неча маъноларда қўлланганлиги кузатилган (АНАТИЛ, IV, 596). Ушбу лексема ТМА матнида саккиз маънода ишлатилган. Мазкур сўзнинг қуйидаги маънолари ҳозирги ўзбек адабий тилида кузатилмайди: 1. “қурмоқ, барпо этмоқ, бино қилмоқ”:

Ва Сус била Бобилни Хушанг ясади (198) Лексема ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳажман катта объектлар (масалан: шаҳар, бино ва ҳк.)ни яратишга нисбатан қўлланмайди, лекин иш-фаолият, ўйин ва шу кабиларга оид нарса (қурол, буюм) кабилар тайёрлаш, ишлашга нисбатан ишлатилади (ЎТИЛ, 5, 121); 2. “тасвирламоқ, чизмоқ”: ... *анинг сурагин ясаб, аниги била хурсанд бўлур эди (199)*; 3. “тузмоқ” (қонун, қоида, фармон, дастур ва ҳ.к.): *Рашитанниким, Дороб дастури била дастур ясаб эрди, Байри отлиги унисиди сояти била тиладиким, азл қилгай (214)*; 4. “бошқармоқ, идора қилмоқ”: *Озармидўхт чун подшоҳликқа ўлтурди, кишини вазир қўймади ва мулк ишин ўз тадбир ва ройи била ясамоқ муқаррар қилди (253)*; 5. “қаторига киритмоқ, қўшмоқ; бирга қилмоқ”: *Ардашер шодман бўлуб буюрди, ани аниги ёши атфол била ясаб, аниги қошига келтурдилар, бир-бир ўтқариб, ул етқач, оталиги меҳри ҳаракатга келиб ... (226)*; 6. “лашқарни тартибга келтирмоқ, саф тузмоқ”: *Хумой Эрон черикини ясаб, Рум фатҳига юборадур эрди (213)*. б) ҳозирги ўзбек адабий тилида маъно доираси кенгайган лексик бирликлар. “Одамлар, жониворлар ва бошқа нарсалар қатнови натижасида ер сатҳида из босилиб ҳосил бўлган узун, давомли қисм, қатнов қисми” маъносидаги йўл сўзи (ЎТИЛ, 2, 276) қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган. Бу кўп маъноли от асли *йо:л* тарзида талаффуз қилинган. Кейинроқ *о:* унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ДТС, 270; Девон I, 197). Ушбу лексик бирлик қадимги туркий тилда: 1. “йўл”; 2. “чора, усул”; 3. “тириклик йўли” маъноларида қўлланган (ДТС, 270). Эски ўзбек адабий тилида 1. “йўл”; 2. “чора, усул”; 3. “мазҳаб, эътиқод, ҳаётда тутган йўл” маъноларини англатган (АНАТИЛ, II, 82). ТМА матнида куйидаги маъноларда ишлатилган: 1. “йўл”: ... *гард маҳалида йўлга сув сепар эрдилар. (248)*; 2. “чора, усул”; ... *мулк ва сипоҳига халал йўл топиб ... ани тутуб ўлтурди (ТМА, 191)*; 3. “кема қатнови учун махсус белгилаб қўйилган йўналиш”: *Нўширавон имдод қилиб дарё йўлидан Яманга йибориб ... (ТМА, 243)*. Ҳозирда ўн олти маънода қўлланиши сўз маъно мундарижасининг бирмунча кенгайганини кўрсатади (ЎТИЛ, 2, 276-278).

Ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланмайдиган сўзлар. Архаизм маълум давр учун эскирган, истемолдан чиқа бошлаган тил бирлигидир. Асар лексикасидаги эскирган сўзларнинг асосий қисмини архаизмлар ташкил этган. Асар матнида қўлланган архаизмлар табиатини қуйидаги мисоллар асосида изоҳлаш мумкин. *Асру* архаик сўз бўлиб, “жуда, ниҳоятда, жуда кўп, беҳисоб” маъносида қўлланган: *Ул ишларниким асру машхур эди.. (ТМА, 255).* *Илик* сўзи ҳам архаик бўлиб, “қўл” маъносида қуйидагича ифода этилган: ... *яланг иликларин тобутдин таишқари чиқарсунларким, олам аҳлига мужибни танбиҳ, балки ибрат бўлғайким, оламдин илик торта тутқайлар (ТМА, 217).* Шунингдек, ушбу жумлада қўлланган *илик тортмоқ* лексик бирлиги “ўткинчи дунё ҳо-ю ҳавасларидан воз кечмоқ” маъносини ифода этишга хизмат қилган. Юқоридаги асосдан ясалган *илик* ламамоқ ҳамда *иликка кюрмоқиш*-ҳаракат ва ҳолатни ифода этувчи лексик бирликлари “тутмоқ”: *Аммо ани иликлаб, Фаридун жазосига еткурди (ТМА, 201);* “қўлга киритмоқ, эгалламоқ”ни англатган: *Афросиёб қилои ҳосонатидин иликлай олмади (ТМА, 204).* *Ёлқитмоқ* - “зериктирмоқ, безор қилмоқ, малол келмоқ”: ... *ўқуғучини ёлқитиб, ҳавасин паришон қилур (ТМА, 219)* маъносида қўлланишда бўлган.

Навоий тарихий асарларининг тарихий-этимологик таҳлили “Тарихи мулуки Ажам” ва “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарлари лексикасида ўзбек тилининг қадимги туркий тил, эски туркий тил ва эски ўзбек адабий тили ҳамда ҳозирги ўзбек адабий тили давридаги лексик хусусиятлари акс этганлигини кўрсатади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Алишер Навоий. Тарихи мулуки Ажам. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн олтинчи том. – Тошкент, 2000. (ТМА. Кейинги фойдаланилган ўринлар саҳифаси қавс ичида кўрсатилган).
2. Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн олтинчи том. – Тошкент, 2000. (ТАҲ. Кейинги фойдаланилган ўринлар саҳифаси қавс ичида кўрсатилган).
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-жилд, 2006. – 680 б; 2-жилд, 2007. – 688 б; 3-жилд, 2007. – 688 б; 4-жилд, 2008. – 606 б; 5-жилд, 2008. – 592б.
4. Древнетюркский словарь. – Л.: Наука, 1969. – 675 с.

5. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати, I-IV жилдлар. – Тошкент: Фан, 1983-1985.

АНТРОПОНИМИК РИВОЯТЛАР

(Жиззах вилояти топонимлари мисолида)

С.Н.Аҳмедов тадқиқотчи

Кўпчиликка аёнки топонимлар халқ тарихи ва маданиятининг ажралмас бўлаги жой номларида халқнинг тили тарихий воқеалиги, турмуш тарзи дунёқараш, атроф табиий ва ижтимоий воқеаликка бўлган муносабати акс этган. Ҳар бир инсон ўз номи билан аталсагина унга бўлган муносабат аниқ сезилиши тадқиқотларда кўрсатиб ўтилган. Умуман киши исми, фамилияси, тахаллуси кабилар кенг миқёсда, жаҳон тилшунослиги даражасида анча вақтдан буён ўрганилаётгани каби ўзбек тилшунослигида ҳам тадқиқот объектлари сифатида XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб то бугунги кунгача илмий ва амалий жиҳатлардан тадқиқ этилмоқда. Маълумки, *антропоним* (юнонча: *antropos* - *антропос* + *опома-атоқли от*) – киши атоқли оти (исм, фамилия, лақаб, тахаллус, патроним ва бошқалар). Атоқли от типларидан бири. Уларнинг мажмуи эса антропонимия дейилади. Топонимик ривоятлар шаклий тузилиши, ўзига хос хусусий белгилари билан фарқланиб туради. Улар қишлоқ, шаҳар, турли хил географик жой, кўл, дарё, тепа, ғорларнинг юзага келиш ва номланиш сабабидан хабар беради. **Новқа ота Новқа (Найқат)** Бахмал туманининг марказидан 8 км узоқликда, яъни Бахмал туманининг кунчиқар томонидан жойлашган сўлим бир маскан бор. Бу маскан Новқа ота номи билан юритилади. Новқа икки қишлоққа бўлинади, яъни юқори Новқа, пастки Новқа. Бу сўзнинг маъноси турлича изоҳланади. Жумладан, профессор Б.Ўринбоев “Жиззах топонимларининг таъбири” номли китобида куйидагилар баён этади: “Новқа Бахмал туманидаги қишлоқ. Новқа – суғдийча “янги қишлоқ” деган маънодадир. Талаффузда навқат сўзидаги (киёсланг: сариқ-сари, қаттиқ-қатти, аччиқ-аччи каби) “т” товушии тушиб

қолиб, “Нақъат”, “Новқа” бўлиб қолган бўлиши мумкин. Лекин нов сўзи сойлик маъносида ҳам ишлатилади”. Журналист ва ўлкашунос Оға Бургутли (Саттор Қорабоев)нинг “Жиззах вилояти зиёратгоҳлари” номли китобида қуйидагиларни ўқиш мумкин: “Нақъатун” (арабча) – яъни “туя” маъноси билан боғлашади. Илмий адабиётларда бунга жуда кўп дуч келамиз. Наукат, Наукат, Навқанд, Навкад (Навқадий) атамалари ҳам ана шу заминга тааллуқли. Бизнингча ҳам, ана шу атама замиридан маъно ахтармоқ тўғридай – “яшил жой”, “яшнаган манзил”. **Ўсмаат ота** бу киши ҳақида Самарқанддаги Шоҳи Зинда ва Қутқалла ривоятига ўхшаш ҳайратли афсона мавжуд. У киши кофирлар таъқибидан қочиб, шу тепа пойга яширинади. Ва сирли равишда ғойиб бўлади. Замонлар ўтиши билан садоқатли халқимиз шу жойни муқаддас билган ва кичкинагина хужра қуриб, ичига Ўсмаат ота учун рамзий тобут қўядилар. Бу жой бутун мусулмон оламига машҳур Абдул Фатх Муҳаммад ибн Абдулҳамид ал Ўсмондий (Усматий) ас- Самарқандий деган тарихий шахс номи билан боғлиқ.. Ўсмаат ота ҳақида икки хил қараш бор. Биринчи ривоятга кўра Ўсмаат ота авлиё киши бўлган. У кишининг қабри ўрни ҳозир ҳам мавжуд. Мустақилликдан кейин Ўсмаат отанинг мақбараси қайта тикланди. Манбаларга қараганда, Ўсмаат ота етук олимлардан бўлган. Бу ном X-XI аср манбаларида ҳам қайд этилган. Абу Саъд Абулқарим ибн Муҳаммад ас Самъайнийнинг “Китоб ал-ансоб” асарида (XI) Ўсмаат шаҳарча номи сифатида қайд этилади. Ўсмаат Самарқанд шаҳрига яқин бўлганлиги сабабли ҳам Самарқанд илмий-адабий муҳити билан алоқада яқин бўлганлигидан ҳам далолат бериб турибди.

Жой номлари, қандай объектларнинг номлари бўлишидан қатъи назар, қадим тарихга эга бўлган халқнинг миллий урф-одати ва қадриятларининг бир кўринишидир уларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, давом эттириш бизнинг бурчимиздир.

Адабиётлар рўйхати:

1. **Бегматов Э., Улуқов Н.** Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган, 2006. – Б. 13.
2. Ахмедов С. Киши номи билан боғлиқ бўлган жой номлари Республика ёш олимлар илмий-амалий конференцияси. Тошкент, 2014. 214-215 бетлар

3. Ўринбоев Б. Жиззах топонимларининг таъбири. Самарканд – 2007. – Б. 38.
4. Ота Бургутли. Жиззах вилояти зиёратгоҳлари. Тошкент:Фан, 2008. – Б. 15.

МИРЗО ТУРСУНЗОДА ИЖОДИДА ЎЗБЕКЧА СЎЗЛАР ТАЛҚИНИ

Шахриёр Жўраев

СамДуқатта илмий ходим-изланувчиси

Маълумки, тиллараро алоқалар қадимдан ҳозиргача давом этиб келмоқда. Буни ўзбек ва тожик халқлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Икки халқ алоқаларнинг хусусан, туркий ва форсий адабиётдаги ўрни бекиёсдир. Бу ўринда икки тил вакилларидан бўлган Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийнинг ижоди тиллар алоқаси муҳим аҳамият касб этади. XV-XVI асрларда эса форсий ва туркий адабиётида икки тиллилик, яъни зуллисонайнлик аънаси янада юқори даражага кўтарилди. XVIII-XIX асрларга келиб икки тилда ёзадиган адиблар кўпайган. Шу билан бирга ўзбек адибларининг форс-тожикча ва тожик адибларининг туркий-ўзбекча тилда ижод қилганликлари уларнинг доимий алоқадалиги ва бир-бирининг ижодига бефарқ бўлмаслиги, аксинча қизиқарли тарзда ва икки тилларда ижод қилиш аънасига айланди. Шу билан бирга икки халқ бой мероси тилшунослик нуқтаи назаридан А.К.Боровков, В.С.Расторгуева, Ҳ.Ғуломов, М.Мирзаев, Н.Шаропов, К.Юсупов, Э.Шодиев, Д.Ишондадаев сингари олимлар томонидан самарали равишда тадқиқ этилган. Аммо ҳали икки халқ ўртасидаги лисоний алоқалар тўлиқ ўрганилган, дея олмаймиз.

Мирзо Турсунзоданинг ижодида ўзбекча сўз ва терминлар ҳам фойдаланилганлиги кўзга ташланади. Манбалардан маълум бўлишича шоирнинг ижодида жуда кўплаб туркий-ўзбекча сўзлар ишлатганлиги маълум бўлди. Бу сўзларнинг аксарияти алоҳида ва такрор ҳолатларда келганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. **“Босмачй, бой, йигит, келин”** каби сўзлар беш етти мартадан фойдаланилган.

Ўзбек тили лексикасидан асосан Мирзо Турсунзоданинг катта жанрли назмларида, персонажлар тилидан ёки муаллифнинг ўз тилидан

қахрамонларнинг характеристикасидан келиб чиқиб катта маҳорат билан фойдаланган. Форс-тожик тилида синоними бўлмаган ва булган тақдирда яхши маъно бермаганлиги боис: “**бой, босмачӣ, милтиқ, салқинӣйўрға**” каби сўзларни маҳорат билан фойдаланганлиги, шоирнинг икки тилни яхши билишидан далолат беради. Чунончи, бундай ҳолатни “**йигит**” сўзидан фойдаланганлигидан ҳам билиш мумкин, Маъноли сўзни жило берган “**йигит**” сўзи тожик тилида, чавон, чавонписар, чавонмард, сўзи билан юритилади. **йигит** сўзи М.Турсунзоданинг шеърларида ҳарбий (аскар) ва қурқмас маъносини англатади. Шоирнинг “**Шӯриши Восеъ**” лебритасида персонажлар тилидан халқ халоскори сифатида шундай келтирилган:

Мумкин аст ин ки **йигит**хоро,

Муфт бидихем мо ба чанги бало.

Ё ки:

Кишвари ўзбек чу шери жаён,

Қард **йигит**ҳои хузарбаш равон.

Мирзо Турсунзода яқин дўсти ўзбек шоири, Гафур Гуломга бағишлаб “**Барно йигит**”, деб ёзган шеърига шундай тариф берган:

Бо муҳаббат гўямат: **Барно йигит**,

Хушқаду хушқомату доно **йигит**.

Кўҳ ҳам дорад сафедӣ бар сараш,

Рӯд ҳам чун дар рухи софу тараш.

Назми ту кори чавонӣ мекунад,

Бо чавонон зиндагонӣ мекунад.

Шӯр андозад ба дил оҳанги ў,

Ранг бахшад ранги моро ранги ў.

Кам нагардан табӣ оташбори ту,

Қуввати ашъори ту, ашъори ту [2, 126].

Шоир "Ҳасани аробакаш" достонида икки яъни турк-ўзбек тилидан келин сўзининг форс-тожик арўс сўзларини ишлатганлигини кўришимиз мумкин:

Дар яке менишаст болида

Шармолуд - келини хушбахт.

Духтаракони дигар ба паҳлўяш

Шодмон "ёр-ёр" мегуфтанд,

– Ба арўсон ҳамешагӣ бодо

Толеу бахт ёр, –мегуфтанд.

Шуниндек, тожик тилининг машҳур шоирларидан бири бўлмиш Мирзо Турсунзода икки тил, яъни ўзбек ва тожик тилларнинг яхши билганлиги боис, ўзбек шоир ва ёзувчилари билан дўстона муносабат ўрнатганлиги билан бирга, шеърларида ўзбекча сўзлардан моҳирона фойдалаганлиги фикримизни яққол далилидир. Шу боисдан ҳам, унинг шеърлари содда ва оммабоплиги билан ел қалбидан жой олган.

Хулоса қилиб айтсак, тожик тилига туркий сўзларнинг кириб келиши ёки ўзбек тилида учрайдиган форсий сўзлар мазкур тилларни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Икки халқ намояндалари ўртасидаги лисоний алоқаларни ўрганиш бугунги тилшунослигимиз олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Адабиётлар

1. Сайфуллоев А. Мирзо Турсунзода, Душанбе, "Ирфон", 1983.

Мирзо Турсунзода. Осори мунтахаб қилди, 1. Душанбе, "Ирфон",

БОРЛИҚ ЛИСОНИЙ ТАСВИРИДАГИ ЭТНИК УНСУРЛАРНИНГ СОЦИАЛ АСПЕКТИ

О.Ж.Хидиров, М. Хидирова
(ЖДПИ қошидаги 2 сон АЛ)

Маълумки, алоҳида, узилган, системадан ажратилган қадриятларни релевант ва муайян этномаданиятнинг белгиловчиси сифатида қараш етарли

эмас. У этномаданиятнинг қиёсий моҳиятини очишга хизмат қилади, бироқ у ёки бу маданиятни яхлит идрок этиш (яъни у айна пайтда этнослараро муносабатларни тўғри тушуниш ва бошқаришда муҳим) учун асос бўла олмайди. Бу эса ҳар бир этноснинг маданий ривожланиши ишончли стратегияси, этнослараро муносабатларнинг узок муддатли мўлжалини ишлаб чиқишда жуда зарур.

Инсоннинг онгли, нуткли ва қурол-воситали жонзот эканлиги унинг социал омиллар маҳсули эканлиги билан белгиланади. Нисбатан кўпроқ эътироф этилган қарашларга кўра, инсон онтологик нуқтаи назардан ижтимоий муносабатлар натижасидир. Шу боисдан социаллик инсоннинг бош ва белгиловчи сифати ҳисобланади. Тил бош инсоний воситалардан бири сифатида унинг социаллик хусусиятларини кўпроқ ифодалайди.

Тилнинг лисоний системаси ва унинг нутқий қўлланилишида шахснинг социал хусусиятларини ифодалаш воситалари беҳад кўп, бу воситалар ҳар хил усул ва омиллар билан белгиланади. Шахс социал белгилари тил воситалари ҳамда уларнинг нутқий қўлланишлари асосида икки йўсинда ифодаланади:

- а) очик;
- б) яширин.

Шахс социал белгилари социалликни ифодаловчи лексемалар ва иборалар ёрдамида воситасида очик ифодаланса, матн ва новербал воситалар ёрдамида яширин ифодаланиши мумкин. Шу билан бирга, социаллик семасига бетараф муносабатдаги тил ифодалари уларга кўмаклашувчи бошқа лисоний ва нолисоний омиллар ёрдамида билвосита ёки яширин намоён бўлиш ҳоллари ҳам мавжуд.

Шахснинг социал белгиларини тил ифодалари ёрдамида аниқлаш усул восита ва омилларни тизимлаштириш ва илмий талқин қилиш бугунги глобаллашув шароитида мураккаблиги янада ёрқин намоён бўлаётган шахсга баҳо бериш, унинг ўзи ва ўзгаларга, атроф-муҳитга муносабатини белгилаш, жамиятдаги ўрни ва ролини аниқлашда катта аҳамият касб этади.

Бугунги кунда тилшуносликнинг социолингвистика йўналиши тилнинг социал табақа ва тоифалар нутқида воқеланиши масаласини кенг ва чуқур тадқиқ қилмоқда. Ўзбек тилшунослигида Ш.М.Искандарова, С.Мўминов, А.Мўминова, Д.Нурмухамедова, Қ.Расулов, М.Сулаймонов, М.Қурбонова рус тилшунослигида В.М.Жирмунский, А.Кречмар, У.Лабов, Е.А.Васин В.М.Краснов ғарб тилшунослигида U.Ammon, H.Loffer, J.J.Gumperz, Дж.Л.Фишер, С.В.Cazden, J.A.Fishman, P.Friedrich, Т.Роджер ва бошқа кўплаб олимлар томонидан тадқиқ қилинган. Бу ишларда тилнинг социал дифференциацияси унинг сўзловчи нутқи мисолида тадқиқ қилинган бўлиб, тилнинг социалликни ифодалаш хусусиятлари лисоний структура аспектида махсус тадқиқ объекти бўлмаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Борлиқ этник лисоний тасвирининг социал модификацияси ҳар бир тилда ўзига хос бўлиб, социал тармоқланиш замирида этномаданий ментал омиллар устуворлик қилади. Социал маданият этномаданий системанинг таркибий қисмидир.

Этномаданий система таркибида социомаданий омиллар сифатида куйидагиларни келтириш мумкин:

- 1) шахснинг лисоний имконияти;
- 2) миллий мансублик;
- 3) ижтимоий-маданий мавқе;
- 4) биологик-физиологик белгилар;;
- 5) психологик типи;
- 6) муваққат руҳий ҳолат;
- 7) ташқи кўриниши (кийиниши, қилиқлари ва ҳ.).

Ҳар хил социумда бу белгилар бир хил қийматга эга бўлмайди ва шунинг учун улар нутқий мулоқотда турли даражада акс этади, аммо бир бутун ҳолда этномаданий аҳамиятли белгилар мажмуини ташкил қилади.

Этномаданий системанинг муҳим узви социал ген маданиятидир. Социоген маданият ёки геносоциум маданият ҳар қандай этномаданиятда

биологик ген билан боғлиқ равишда бўлинади. Социоген фарқлар асосида биоген ётади.

Ўзаро ижтимоий муносабат социал ролларни тақсимлайди. Социал роллар объектив ва субъектив омиллар таъсирида тақсимланади ва бунинг замирида этномаданий тутумлар ётади. Масалан, этник гуруҳларда эркак ва аёлларнинг жамиятда (белгиловчи ва бошқарувчи), оилада (таъминотчи ва истифода этувчи) тутган ўрни уларга нисбатан атроф-муҳитнинг тутган ўрни ўзига хос бўлади. Бу эса социумнинг борлиққа ва ўзига муносабатини белгилайди. Ўз ўрнида, муносабат ижтимоий онгда борлиқнинг социогендер лисоний тасвирини шакллантиради.

Борлиқнинг этносоциогендер тасвири онотологиясига доир. Борлиқнинг тилдаги тасвири этносоциогендер характерга эга экан, буни тилдаги лексик-фразеологик унсурларнинг қатъий уч гуруҳга бўлинишида кўриш мумкин:

- 1) гендерни бевосита ифодаладиган бирликлар;
- 2) гендерни билвосита ифодаладиган бирликлар;
- 3) гендерга нисбатан бетараф бўлган бирликлар.

Шунингдек, қўлланиш жиҳатидан ҳам тил ифодалари, ўз ўрнида, гендерга муносабат билдиради:

- 1) қўлланиши жиҳатидан гендер хосланган бирликлар;
- 2) қўлланилиши жиҳатдан гендер хосланмаган бирликлар.

Тил ифодаларининг этник ўзига хослиги соцо ва социогендер ўзига хослигини ҳам келтириб чиқаради. Масалан, ўзбек тилидаги *сиз* олмошининг эркак ёки аёлларга қўлланилиш, яъни гендер хосланиш жиҳатидан фарқлилик нисбати рус тилидаги *вы*, инглиз тилидаги *you* олмошларининг қўлланиш нисбатидан кескин фарқ қилади. Уларнинг социогендер жиҳатидан қўлланиши фарқлилиги даражасининг ошиб бориш динамикасини куйидагича бериш мумкин:

you → *вы* → *сиз*

Кўринадикки, *сиз* олмошининг аёл ёки эркакка нисбатан қўлланишидаги фарқлилиқнинг юқорилиги қиёсланаётган бошқа тиллар олмошларидан фарқ қилади. Бу ҳолат, албатта, муайян тилда социал типга муносабатнинг айричалиги, бундай муносабатнинг типик этник муносабат даражасида эканлиги, этник муносабат эса социал типларнинг ўзига ва борлиққа муносабатининг айричалигини – этносоциогендер тафаккур ва унинг ифодаси ўзига хослигини келтириб чиқарган.

NODAVLAT KINOFILMLAR TILIDAGI MORFOLOGIK NOMUVOFIQLIKLAR

О'qituvchisi O.Mamirov

О'razaliyev Sobit talaba

О'zbek tili morfologiyasi tilshunoslikda nazariy jihatdan mukammal ishlangan, so'z shakllari, qo'shimchalar ancha me'yorlashtirilgan bo'lim hisoblanadi. O'zbek tilshunosligida sheva va dialektlar bilan qiyoslangan holda adabiy til uchun turlovchi, tuslovchi hamda so'z yasovchi qo'shimchalarning eng ma'qul variantlari tavsiya etilgan va morfologik norma sifatida belgilangan. Ammo nutqda bu normalarga har doim ham rioya qilinmayapti. Ayniqsa, bu holatni nodavlat kinofilmlardagi qahramonlar nutqida yaqqol ko'rish mumkin.

Ma'lumki, nutqda ko'pincha qaratqich va tushum kelishigi qo'shimchalari farqlanmasdan, -ning o'rniga –ni qo'shimchasi qo'llaniladi. Bu holat Toshkent shahar shevasiga xos nutqiy holat hisoblanadi. Kinofilmlardan olingan misollar buni yana bir bor isbotlaydi:

“o'zimizni gap” (o'zimizning gap) (Nor);

“prichyoskani do'dasi” (prichyoskaning dadasi”) (Oshiq).

“O'zimizning o'rtamizdagi gap” yoki “turmakning eng yaxshisi” deb ishlatilganda qahramon nutqi jo'yali bo'lardi.

Tilshunoslikda kelishiklarni farqlamaslik ham katta xatolarga olib kelishi ta'kidlanadi. Misol uchun, “onamni uylarida ko'rdim” va “onamning uylarida ko'rdim” gaplarini solishtirib ko'raylik. Ko'rinib turibdiki, bu ikki gap ma'no

jihatdan bir-biridan farqlanib turibdi. Birinchi gapda onani o'z uyida, ikkinchisi esa boshqa kishini ko'rganligini anglash mumkin. Demak, gapda kelishik qo'shimchalarini to'g'ri qo'llash ahamiyatli.

Toshkent shevasida tushum va qaratqich kelishigi affiksi-ni orqali ifodalanib, o'zi qoshiladigan o'zak-negizning qanday undosh bilan, tugashiga qarab, bir necha xil assimlativ ko'rinishga ega bo'ladi. Ayniqsa, bu holat Toshkent shevasiga xos bo'lgani uchun kinofilmlarda juda keng qo'llanilgan:

“gappi chapip qo'yding” (Nor); *“kimmi urdu?”* (Boyv);

“fayllarizzi ochib tasheyman, klaviaturizzi bosib tasheyman” (Boyv);

“jiyanimmi lox qibketibdi” (Oshiq);

Tushum kelishigidan oldin kelgan egalik qo'shimchasi *-ng, -ing -y* tovushi bilan o'rin almashganlik holatlari ham uchraydi: *“paytiyni tashavossanmi?”* (Boyv); *“etganiyni qivossan”* (Kel. kel.); *“bratanlariyni chaqir”* (Boyv).

Nodavlat kinofilmlar tilidagi morfemik nomuvofiqliklardan yana biri ko'plik qo'shimchasi *-lar* ning noto'g'ri qo'llanishidir.

Nutqda ko'pincha *-lar* qo'shimchasi *-la, -a* tarzida ifodalanadi (asosan, Toshkent shevasida): *biza – bizlar*:

“bizani bollani nonini yarimta qilishvotgan ekan” (Nor);

“... aldashvottila” (Bo'r); *“bratanla kepti”* (Bo'r); *“... serezniy bolla yoqadi”* (Bo'r); *“... nimala devossan?”* (Pan);

-lar qo'shimchasini qo'llash Toshkent shevasiga xos xususiyatdir. Kinofilmlarda Toshkent shevasi ustunlik qilganligi uchundir *-la* shaklidagi ko'rinishlar juda ko'p qo'llanilgan.

Bundan tashqari, Toshkent shevasiga xos yana bir xususiyatni alohida ta'kidlash lozim. Bu *-lar* ko'plik qo'shimchasi bilan *-ing* egalik qo'shimchalarining o'rin almashib qo'llanishidir. So'zlashuv uslubidagina sezilgan bu xatolik nodavlat kinofilmlarimizga ham kirib bordi. Misollarga e'tibor qiling: *“o', kontrol qillaring”* (Boyv); *“to'xtalaring”* (Pan); *“galasovat qillaring”* (Boyv);

Aslida quyidagicha bo'lishi to'g'riroq: qilinglar, to'xtanglar. Chunki bu murojaat uchinchi tuslanish, ya'ni ikkinchi shaxs ko'plikda ifodalangan. Bundan tashqari, ko'plik qo'shimchasining egalik qo'shimchasidan oldin kelishi so'zning ma'nosiga ham ta'sir qiladi va biroz hurmatsizlikni, ya'ni salbiy munosabatni anglatadi. Kinofilmlarda qahramonlar nutqida bunday holatlarga deyarli ahamiyat berilmaganligi yuqoridagi misollardan ko'rinib turibdi.

Morfologik tahlildagi so'z yasalishi alohida ahamiyatga ega. Nutqda esa so'z yasovchi qo'shimchalar soni adabiy tildagiga nisbatan ko'proq. Bunda ham shevalarning ko'pligi so'z yasash shakllarida turlilikni keltirib chiqaradi.

Kinofilmlarimiz tilida so'z yasalishi me'yorlari bo'yicha kamchilik va xatolar, asosan, o'zlashtirilgan so'zlar va shevaga oid so'zlardan kelib chiqmoqda. Manbalarda dialektal o'ziga xoslikni belgilovchi grammatik dialektizm tushunchasi keltiriladi: "grammatik dialektizm – grammatik hodisalardagi turi (masalan, ba'zi dialektlarda o'rin ma'nosi uchun *-ga*, aksincha, jo'nalish ma'nosi uchun *-da* ishlatilishi kabi).

Ana shunday o'ziga xoslikka misol "Jayron" film studiyasi tomonidan suratga olingan "Ruh 5.13 (2)" kinofilmida Andijon shevasiga oid grammatik dialektizmni ko'rish mumkin: "birga bo'lishmaysizlar", ya'ni "birga bo'lmaysizlar" degan ma'nosida qo'llangan

-ish qo'shimchasi faqatgina Andijon shevasi vakillari uchun qonuniyat bo'lishi mumkin, ammo boshqa sheva vakillariga bu qo'shimcha ortiqchadek tuyuladi. Yoki "Po'sht arava" filmidagi misolni tahlil qilamiz:

"opovuza sho'ttalami?" (opamiz shu yerdamilar?)

Bu yerda quyidagi o'ziga xos yasalishni aniqladik:

opa+vuza - opamiz

sho't+ta+la+mi-shu yerda+mi+lar

Yuqoridagi misolda ham grammatik dialektizm yaqqol ko'zga tashlanadi va bu kabi holatlar ma'lum bir hudud uchun tushunarli bo'lib, butun ommaga tegishli so'z bo'la olmaydi. Kino tili esa ommaviy tushunarli bo'lishni talab etadi.

Juda ko‘p lingvistik xatolarga boy bo‘lgan “Boyvachcha” filmidan olingan quyidagi misollarga e’tibor qarataylik: “*yevotman, topvoluttiman, bo‘lli*”.

Bu so‘zlar shevalar aralashuvi holatini ko‘rsatib turibdi. “*Yevotman*” → Toshkent viloyatiga xos, “*topvoluttiman*” → Namangan shevasiga xos, “*bo‘lli*” → Qashqadaryo shevasiga xos (ularda bo‘ldi emas, bo‘lli deyiladi) dialektal xususiyatlardir.

Jonli so‘zlashuv tilida shevalar qarishuvi ko‘p kuzatiladi. Ammo kino tili – bu badiiy asar asosida yaratilgan ijod mahsulidir. Unda faqat qahramonlar ma’lum shevada gaplashishlari mumkin, har xil shevada gapirish personajlarning o‘ziga xosligini yo‘qotadi.

Nodavlat kinofilmlarda so‘z yasashning yana bir jihati ruscha qo‘shimchalarning o‘zbekcha so‘zlarga yoki aksincha, o‘zbekcha qo‘shimchalarning o‘zlashgan so‘zlarga qo‘shib so‘z yasash hollari ham juda ko‘p: “*topilganskiy, xavotir olmaganskiy*” (Boyv); “*nevarashkala*” (Amak); “*duxing yetmasa*” (Boyv); “*banskiyda o‘qiyman*” (Boyv); “*vkusi bor qizman*” (Niq); “*janjalskiy*” (**Jan hech**).

Demak, nodavlat kinofilmlar tilidagi morfologik nomuvofiqliklar adabiy til va uning me’yorlaridan anchagina chetga chiqqan. Jonli so‘zlashuvni ifodalashga qaratilgan kinofilmlarimizda ham ma’lum ma’noda me’yor, qoida bo‘lishi kerak va keng ommaga hech qanday qiyinchiliksiz tushunarli bo‘lishi lozim. Bunda, albatta, yuqorida ko‘rib o‘tilgan jihatlar mustasno emas.

ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Nutqning jo‘yalilik sifatini ta’minlash uchun nutq tuzuvchi nutqiy vaziyatni, ifodalanmoqchi mazmunni, tinglovchi xususiyatlarini, muloqotning axloqiy-estetik jihatlarini yetarli darajada tasavvur etmog‘i lozim.
2. Tursunov U. va boshqalar. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. –T.: O‘zbekiston, 1992. –B. 145

ТИЛНИНГ МОРФОЛОГИК САТҲИДА ЮКЛАМАЛАР ВА УЛАРНИНГ

ГРАММАТИК ЎРНИ

А. Абдуллаев Жиззах ВПХҚТМОИ катта ўқитувчиси

Ўзбек миллий тилшунослиги назарий тизимида юклама билан ёндош бўлган ҳодисалар, аввало, бошқа ёрдамчи сўзлар, шунингдек, модал сўзлар, ундовлар, шаклан яқин келувчи қўшимчалар билан муносабатлар тизими ҳали тўлиғича тикланмаган ва текширилган жиҳатлари ҳам назарий асосланган мақбул таърифга эга эмас.

Юкламалар таркибига қайси бирликлар киритилиши лозим, улар қандай ички гуруҳларга тақсимланади? Юкламаларнинг гап таркибида тутган позицияси қандай? Аслида юклама гап таркибига қирадимиз ёки гап бўлаги таркибигами? Юкламалар сўз шакли ҳосил қиладими ёки йўқми?

Кўринадиким, бу борада қўйилиши мумкин бўлган саволлар беҳисоб бўлиб, уларга жавоб топмай туриб, сўз туркумлари борасида мукамал назарий қоида яратиш мушкул. Истиқлолдан кейин ҳам миллий тилшунослигимизда ёрдамчи сўзларнинг ўзбек тили лисоний таркибида тутган ўрни масаласи охиригача ечимини топди, деб бўлмайди. Мазмун билдириш имконига кўра одатда сўз туркумлари асосини ташкил этади, деб ҳисобланувчи мустақил сўзлардан уларнинг мавқеи қай даражада фарқланади? Мустақил сўзларни ҳам, ёрдамчи сўзларни ҳам сўз туркумларига жамлаш мумкинми? Агар жамлаш мумкин бўлса, ҳар икки ҳолат учун бир хил мезонлар амал қиладими?

Мустақил ва ёрдамчи сўз туркумлари ажратилган тақдирда уларнинг ўзаро муносабатлари қандай? Мустақил сўзга ҳам, ёрдамчи сўзга ҳам тўлиқ ўхшамаган бирликларнинг тил системасидаги ўрни масаласи ҳам фақат туркологиядагина эмас, балки умумий тилшунослик назариясида ҳам ўз ечимини топган эмас.

Юкламаларнинг семантикаси борасида, бизнингча, ортиқча муҳофазасига ҳожат йўқ. **Юкламалар тўлиқ гапга ёки унинг бир қисмига қўшимча маъно жилоси бериш учун хизмат қилади.** Аммо айнан ана шу қўшимча маъно жилоларини ифодалаш учун хизмат қиладиган қатор бошқа бирликлар ҳам мавжуд бўлиб, улар билан муносабат масаласи анча мураккабдир.

Ёрдамчи сўзларнинг бир-бирини алмаштириш хусусиятига ўзбек тилшунослари ҳам эътибор берганлар. Аммо назарий баҳо берилган эмас.

Ёрдамчи сўзларнинг ўзаро алмашинишларидан ташқари, мустақил сўзлар ҳам ёрдамчи сўзлар вазифасида қўлланиши мумкин. Кўмакчи вазифасида келувчи сўзлар

анчагина текширилган бўлиб, уларни от кўмакчилар, феъл кўмакчилар ва равиш кўмакчиларга ажратиш анъанага айланган.

Шунингдек, айрим мустақил сўзларнинг юкламага хос хусусиятлар касб этишини кузатиш мумкин. «Ўзбек тилининг изоҳли лугати» дан шундай сўзларнинг айримларини кўриб чиқамиз:

Ўз. Эгалик қўшимчаси билан келиб, иш-ҳаракат шу қўшимчадан англашилган шахс томонидан шахсан, бошқаларнинг аралашувисиз бажарилишини таъкидлаш учун қўлланади. *Бу шеърни ўзим ёздим. Масалани унинг ўзи ечди.*

Қани. Сўроқ ёки ундов гапда афсус, таажжуб каби маъноларни билдиради. *Тўй қани, никоҳ қани, ота-онаси қани, уйи қаерда? – Ҳаммаси ёлгон экан. (Ойбек.) (II, 549.)*

Шу. Кесим вазифасида келиб «мазкур нарсанинг ўзи», «ушбу нарса» маъноларини ифодалайди. *Хоҳласанг – шу, хоҳламасанг – катта кўча. Айтадиган гапим – шу. (II, 429.)*

Мана. 2. Кўрсатиш олмошлари олдида келиб, кучайтирув ва таъкид билдиради. *Урушга орзумандмисиз, мана бу бойвачча укангизни олиб жўнай беринг, йўл очиқ. (Ойбек.)*

3. Ундов гапда ҳайрат, киноя, таажжуб каби маъноларни билдиради. *Ана ҳусну, мана малоҳат! Мана бамаънилик!*

Кимсан. 1. Назарда тутилган шахснинг даражаси юқорилиги таъкидлаш учун ишлатилади. *Кимсан – терифуруш фалончи бой! Кимсан бой хотин экан.*

Бир. 5. Ажратиш, таъкидлаб кўрсатиш учун хизмат қилади. *Камтарлик ҳам бир хислат. Ҳамма рози бўлди, бир мен рози бўлмадим.*

Айни (а) 1. Худди ўзи, ўзгинаси, нақ ўзи. *Айни ҳақиқат. Бу айни нодонлик.*

Ақалли. 2. Ҳатто, лоақал. *Чўпон усталик билан олдиларидан ўтдики, ҳеч бирлари ақалли сезмадилар ҳам.*

Қоқ. II. Худди, нақ, аниқ, айни. *Қоқ иккига бўлмоқ. Қоқ ярим кечада.*

Юкламалар сираси масаласи бир қарашда анча соддага ўхшаб кўринади. Аммо аниқ мақбул сира тақдим этилган эмас.

Тадқиқотларда юкламалар сирасини турли олимлар турлича тасаввур этадилар. Бу сирани ажратишда юкламаларнинг модал сўзларга муносабати жуда қизиқарлидир. Модал сўзлар номидан аниқ кўриниб турганидек, модал маънолар ифодалашга хизмат қилади. Юкламалар ҳам «қўшимча» маънолар ифодалаш учун хосланган.

Юкламалар муайян сўзга (атовчи birlikка) қаттиқ боғланади, энклиза ҳолатида сўзнинг фонетик таркибига кириб кетиши ҳам мумкин (*борибоқ*). Фонетик бутунлик

сезилмаганда ҳам, семантик боғлиқлик жуда кучли бўлади (Диахрон планда кузатилганда ҳам, бунга мисоллар бор. Хусусан, *оппоқ* – тарихан *ап+ақ* (Девон)).

Модал сўзлар вазифасига кўра юкламаларга жуда яқин келса-да, улар, дарҳақиқат, бутун гап мазмунига тегишли бўлиб, муайян сўз (атов бирлик) билан сингишиб кетмайди. Гап таркибида «кириш сўзлар» деб аталган вазифада келишга, одатда, шунинг учун ҳам модал сўзлар мослашади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бизнингча, юкламалар таркибига *нега десанг, бўлмаса, аксинча, борди-ю, демак, айтгандек, авваламбор, боринги, хайрият, афсус, таажжуб* ва ҳоказоларни киритиб бўлмайди.

Афтидан, юклама-боғловчилар атамаси ҳам ёрдамчи сўзларнинг ўзаро функциядош бўла олиш имкониятидан келиб чиқиб ўз аҳамиятини йўқотади.

Биз юкламалар сирасига қуйидагиларни киритамиз: *-ки, -ку, -да, -у(-ю), ҳам, -ми, -чи, -а(-я), фақат, на... на, тугул, -оқ(-ёқ), -гина, -дир, -гин, қоқ, ақалли, наҳот, наҳотки, агар, мабодо, башарти, атиги, ниҳояти, тим, лиқ, лим, гирт, гарқ, жиққа, -жон, -ой, -хон, -бек, -пошио, -бону, худди, нақ, нақадар.*

Бу юкламаларни қуйидаги семантик гуруҳларга ажратиш мумкин:

- 1) кучайтирув-таъкид юкламалари: *-ки, -да, -у(-ю), -а(-я), ақалли, ҳам, -ку, нақадар, атиги, ниҳояти, тим, лиқ, лим, гирт, гарқ, жиққа;*
- 2) айирув юкламалари: *фақат, -гина;*
- 3) таажжуб юкламалари: *наҳот, наҳотки;*
- 4) шарт юкламалари: *агар, мабодо, башарти;*
- 5) субъектив баҳо юкламалари: *-жон, -ой, -хон, -бек, -пошио, -гин;*
- 6) инкор юкламаси: *на... на, тугул;*
- 7) сўроқ юкламалари: *-чи, -ми;*
- 8) аниқлов юкламалари: *худди, нақ, қоқ;*
- 9) гумон юкламаси: *-дир.*

Юкламаларнинг асосий хусусияти икки жиҳатда кўринади:

1) улар сўзнинг таркибига тўлиқ сингиб кетади. Маъноси сўз семемасига битта окказионал сема бўлиб қўшилади;

2) уларнинг вазифа бажариш жараёни муайян гап бўлагининг фақат семантик жиҳатига дахлдор бўлиб, уларнинг конструктив ва позицион жиҳатига таъсир этмайди.

Кўрсатилгандан бошқа ҳамма ҳолатлар шаклан ҳар қандай ўхшашлигидан қатъи назар юклама ҳақида гап бормаётганини кўрсатади.

Мисолларга мурожаат этсак:

Нақадар гўзал бир гул-а.

Бу гапдаги «нақадар» ва «-а» юкламалари гап таркибида нопредикатив модаллик ифодаламоқда. Уларни гап таркибидан тушириш фақат гапнинг ифодавийлигига таъсир қилиб, мазмун планини ўзгартрмайди.

Ўзимизнинг Шодасой лолалари эсингдами, ўтдек ёнарди-я! (А.Мухтор) гапида ҳам юклама бажараётган вазифа кўрсатилганидан фарқ қилмайди. Умуман, ҳар қандай юкламанинг ўрни гапнинг экспрессив томонигагина қарашли бўлиб, конструктив ва мазмун жиҳатларига тегишли эмас.

Яна қаранг:

Вой, мана томди, илиқ-милиқ, қўлингни олиб кел-чи! (А.Мухтор)

Бир мусаффо қор учқунлаб, бу ҳавонинг губорини олиб кетса-чи! (А.Мухтор)

Патирларни курсиллатиб-курсиллатиб ўзим ейман – нуқул мой-а. (Ойбек) Неча марта учрашай дедим-ку, вақтим бўлмади. (Ойбек) Тансиқ, концерт тугамасданок, ўртогининг уйига илдам жўнади. (Ойбек)

Аммо ҳамма юкламаларда ҳам кўрсатиб ўтилган хусусият бир хил даражада, деб бўлмайди. Масалан, қуйидаги гапларда қўлланган «**ҳам**» юкламаси гап конструктив планидаги ўрни жиҳатидан кўрсатиб ўтилганларидан айтарли фарқ қилмаса-да, аммо мазмун ифодалашига кўра ҳам, фақат экспрессив деб баҳолаб бўлмайди.

Уйга ҳам кирмадим, шу кетганимча кетдим. (А.Қаҳҳор)

Хотиржам бўлган ҳожси кечқурунги овқатга қизининг чиқмаганлиги билан ҳам иши бўлмади. (Шухрат)

Лекин кейинчалик бундан-да воз кечади. (Ойбек)

Бирок гап қурилишида муайян ўрин тутувчи ҳолатлар ҳам мавжуд.

Наҳотки сизга ёмонликни раво кўрса, ишонмайман. Наҳотки иш шу қадар жиддий бўлса? (А.Мухтор)

Ҳар қандай сўз туркумлари каби ядро қисмидан узоқлаша бораётган бундай бирликлар, диалектик изчилликни таъминлаб ёндош туркумлар билан боғловчи бирликларга айлана боради. Айрим юкламалар гап конструктив ва коммуникатив планига шу қадар таъсир ўтказадикки, уларни юкламалар сирасидаги ўрни ҳам шубҳали бўлиб қолади. Масалан, қиёсланг:

1. – *Бир гап айтмайми?*

– *Айт-чи!*

2. – *Биз дам олгани кетяпмиз.*

– *Мен-чи?*

1-мисолдаги *-чи* ва 2-мисолдаги *-чи* нинг гапдаги мавқеи турличалиги сезилиб турибди. 1-мисолдаги *-чи* фақат экспрессив маъно ифодалаб, унинг юкламалиги ҳеч

қандай шубҳа туғдирмайди, 2-мисолдаги *-чи* эса гапнинг коммуникатив мақсадини ўзгартиради.

Бундай оралик ҳолатлар анча эканлиги юкламаларнинг ички муносабатлари тизимини ўрганишга қиёслаш мезонини татбиқ этиш жараёнида кўриниб қолади. Бундай қўлланишларда юкламалар гапнинг конструкциясини ўзгартирмайди, бироқ ифода мақсадига таъсири анча кучли бўлади. Бу хил ҳолатлар жуда қизиқарли бўлиб, юкламаларни шакл ясовчиларга жуда яқинлаштиради:

Шаҳар жуда ҳам ўзгариб кетибди-да, а? (А.Мухтор)

Бутун бошли бир мамлакатни-я? (А.Мухтор)

Ота ва акаларининг ҳузурида жилла ошиб-тошмаса ҳам, улар йўқ вақтда қиз ўзини, «уй боши» ҳисобларди. (Ойбек)

Бу жинойатнинг номи йўқ, бўлганда ҳам тилга олиб бўлмайди. (Шухрат)

Шунингдек, айрим юкламалар мавжудки, улар сўзнинг семем таркибига битта узв бўлиб қўшилиб, унинг мазмун қурилишига чуқур кириб боради. Ўзи қўшилган сўзнинг мазмунини ўзгартириш орқали гапнинг ифода мақсадига ҳам таъсир кўрсатади:

Насимжон болалардан биттасининг қулогига нимадир шивирлади. (Ойбек)

Қиёсланг:

Насимжон болалардан биттасининг қулогига нима шивирлади?

Ёки, **-дир** нинг ўрнига эътибор беринг:

Бола уқдим, дегандай бошини қимирлатиб, қаергадир ўқдай учди. (Ойбек)

Яна қаранг:

Унинг эсига на севги, на истироҳат келди. (Ойбек)

Кўчадан якка ўзи қўлини силкитиб кетаётган Ванянинг ажойиб чехрасини на Клава, на бошқа киши кўрарди. (А.Фад.)

Кўринадикки, юклама асосан сўз мазмун планига алоқадор бўлса-да, баъзида гап доирасида ҳам муайян вазифа бажара олади. Аммо бу вазифа юкламадан эмас, юклама боғланган сўзнинг гап таркибида эгаллаган мавқеидан келиб чиқади. Юкламалик хусусияти юкламаларнинг ҳамма қўлланишларида сезилса-да, бошқа ёндош ҳодисалар томон силжиш ҳолатлари ҳам кенг тарқалган. Ана шу силжишларни ҳисобга олмай туриб, юкламанинг тил тизимидаги ўрнини белгилаб бўлмайди.

Юқорида айтилган назарий маълумотларга таянган ҳолда юкламаларнинг умумий грамматик хусусияти ҳақида қуйидаги хулосаларни беришимиз мумкин:

1. Юкламалар шундай бирликларки, улар гапнинг мазмун аспектига хизмат қилади. Шу боисдан модал сўзларга ёндош ҳодиса ҳисобланади. Булар орасидаги асосий фарқ сўзга ёки гапга хизмат қилишдадир.

2. Юкламалар сўз таркибига сингиб кетади. Маъноси нутқий характерда бўлади. Шу асосда шакл ясовчи қўшимчалардан фарқланади. Юклама асосан гапнинг конструктив жиҳатига таъсир этмайди.

3. Юкламаларнинг миқдорини аниқлаш, семантик тасниф қилиш масалалари модал сўзлар муаммоси билан кесишади. Модаллик тушунчасининг кенг ва тор тушунилиши модал сўз ва юкламалар чегарасининг у ёки бу томонга силжишига таъсир қилмоқда.

4. Юклама сўзга (гап бўлагига), модал сўз эса бутун гап системасига алоқадор бўлади. Модал сўз ва юкламалар семантик жиҳатдан умумийликка эга. Қўлланишдаги мустақиллик – номуустақиллик оппозициясига кўра фарқланади.

5. Кўп ҳолларда юкламаларга боғловчилик вазифасини бажара олиш хусусияти хосдир. Бундай ҳолларда боғловчи-юкламалар ҳақида эмас, боғловчига яқин турувчи юкламалар ҳақида гапириш мумкин. Ушбу функционал хусусиятлар ёрдамчи сўзлар системасидаги узвий боғланишга хизмат қилади.

6. Юклама ва кўмакчилар боғлаш функциясига кўра ўзаро яқинликка эга. Лекин улар боғлашнинг ҳар хил турларига хизмат қилади. Кўмакчилар асосан сўз бирикмаси ҳосил қилади. Юкламалар эса тенг боғланишни амалга оширади. Кўмакчилар морфологик, синтактик, юкламалар коммуникатив – прагматик функцияларни бажаради.

7. Юклама ва ундов сўзлар кўпинча ҳис-ҳаяжон, таъкид каби семантикага эгалик бўйича ўхшашликка эга. Асосий фарқ бу семантиканинг эркин (ундовда) ва боғлиқ (сўз семантикасига қўшимча тарзда) ифодаланишидир. Ундовлар сўнг (постпозиция) ўринларда юкламалик хусусиятини касб этади.

8. Юклама ва қўшимчалар қўшимча маъно бериш функциясига кўра умумийликка эга. Лекин улар кўп ҳолларда синтактив – конструктив функцияларга эгаллиги (қўшимчалар) ва эга эмаслиги (юкламалар) билан фарқланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. А.Ғуломов, М.Асқарова. “Ҳозирги ўзбек адабий тили”. – Т.: Ўқитувчи. 1987.
2. А.Нурмонов ва бошқ. “Ҳозирги ўзбек адабий тили”. –Т.: Шарқ, 2002.
3. Н. Маҳмудов, А. Нурмонов. “Ўзбек тилининг назарий грамматикаси”. – Т.: Ўқитувчи. 1995.
4. А.Мадвалиев ва бошқ. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” 2007.

«ТИЛ» ВА «НУТҚ» ТУШУНЧАЛАРИ ҲАҚИДА.

Ўқитувчи, Ш.З. Жуманов

Ҳозирги кунда барча мактабларда, лицейларда, коллежларда, олий ўқув юртларида «Нутқ маданияти» фанининг ўқитилиши борасида сўз юритишининг ўзи ортиқча. Боиси шундаки, ҳозирги кунда уқитувчиларимиз ҳам ижодий диктант ва иншоларни олишга, болаларнинг оғзаки ва нутқ малакаларини оширишга кам эътибор бермоқдалар. Бизнинг бундай хулосаларга келишимизга биринчи сабаб, иш жараёнида олиб борилаётган кузатувларимиз булса, иккинчидан, нутқ маданияти масаласини дастурларда изчил белгиламанмаганлигидир.

Олий уқув юрти ва лицейлар, гимназиялар учун мулжалланган дарслик ва кулланмаларни куздан кечериш жараёнида шу нарсага амин булдики, улрнинг аксариятида нутқ маданияти хақида айтилган илмий мулоҳазалар баён этилган. Нутқ маданияти хақидаги услубий мулоҳазалар кам учрайди.

Илмий ва назарий адабиётларда баён этилганларни умумлаштирган ҳолда шундай хулосага келиш мумкин;

- Нутқ маданияти ва тил маданияти деб номланувчи тушунчаларнинг моҳиятини билиш.

- Нутқ маданияти тушунчасининг пайдо булиши ва унинг урганилиш тарихи.

- Нутқ маданиятининг лисоний соҳа сифатидаги вазифасида унинг мақсади ва вазифаси, унинг услубияти.

- Нутқ маданияти тушунчасининг мазмуни, мезони, улчови.

- Нутқ маданияти тушунчасининг амалий муаммолари.

- Нутқий услублар ва уларнинг фаркли тамонлари.

- Нутқ маданияти ва маданий сузлаш, уни эгаллаш шарт-шароитлари.

- Нутқ маданияти ва уқитувчи нутқи, нутқ маданияти ва уқувчилар нутқи, нутқ маданияти ва театр нутқи, нутқ маданияти ва

- суҳандонлар нутқи ва бошқалар.

- Нутқ маданияти ва нотиклик.

Проф.Э. Бегматов ва М.Турсунпулатовларнинг кайт этишларича, маданий нутқ тушунчалари, маданий нутқнинг мезони, нутқ маданияти

соҳасининг татдикот объекти, унинг категориялари, маданий нутқнинг коммуникатив сифатлари, яъни нутқий аниқлик, матийлик, ифодавийлик, унинг ранг-баранглиги, маданий деб юритилувчи нутқ олдига куйилган талаблар ва унинг даражалари каби муоммалар узбек тилшунослигида деярли ишланмаган.

Бизнинг тушунчамизга кура нутқ маданиятини оддий насихатгуйлик, буйрукбозлик, дабабабозлик, таклифнома усуллари билан амалга ошириб булмади. Чунки, нутқ маданияти ҳам маълум маънода маданий ҳаётнинг зарурий сабаблари асосида пайдо булади ва ривожланади. Кейинчалик авлоддан-авлодга ўтиб, ўзгариб, ривожланиб, шаклланиб, силлиқлашиб боради.

Нутқ маданияти маданий сузлашга интилиш, маданий сузлаш, нутқнинг ахлоқий нормаларига риоя қилиш, нутқий қоидалар, эстетик нормаларга интилиш, нутқдаги эмоционал-экспрессивлик ҳолат, сузларни узурнида ишлата билиш, материалларни тартиблай билиш, тинловчиларни ишонтира билиш, завклантириш, нутқнинг таъсирчанлиги, ифодадай билиш, нутқдаги оҳанг, ифода ва бошқалардир.

Нутқ маданияти шу тилда сузловчи кишиларнинг умумий билим доирасига маданий савиясига, уларнинг онглилигига, уларнинг ўз она тилисига, ватанига меҳру-муҳаббати билан ҳам боғлиқдир.

Нутқ маданияти биринчидан, лисоний тушунча, чунки у тил билан боғлиқ ҳодиса. Иккинчидан нолингвистик тушунчадир. Чунки маданий нутқнинг ахлоқ ва одоб билан гўзаллик, бадийлик, ўткирлик, нутқий чечанлик, руҳий ҳолатлар билан боғлиқ томонлари логика, этика, психологик, педагогика фанлари илмий принциплари асосида аниқланади ва уша фанлар эришган ютуқларга ҳам боғлиқ булади.

Нутқ маданияти соҳасида учта ҳодисани фарқлаш лозимлиги қайд этилади:

Биринчидан, тил воситаларининг маданийлиги, яъни даражасини, тил маданиятини аниқлаш, иккинчидан, ушбу келтирилганлардан мақсадга

мувофиқ ва маданий (адабий тил нормаларига мос) фойдаланиш жараёни-сўзлаш маданияти (оғзаки ва ёзма нутқ маданияти) ва бошқалар, учинчидан, келтирилган ҳар иккала ҳодисани бирлаштирувчи ва илмий текширувчи сохани-нутқ маданиятини тушуниш.

Куринадики, нутқ маданияти ҳодисаси тил маданияти ҳодисалари бир-биридан фаркланувчи, аммо бир-бирини инкор қилмайдиган, бири иккинчиси билан алоқадор сохалардир.

Маълумки, тил кишилиқ жамияти учун хизмат қилувчи ижтимоий, маданий ҳаёт қуролидир. Шунинг учун ҳам тил замонавийлик, ижтимоийлик, маданийлик талабларига жавоб бермоғи лозимдир.

Тил маданияти ҳақида Прага тилшунослик мактабининг вакиллари қуйидагиларни баён этади. Адабий тил маданияти дейилганда, биз адабий тилни онгли равишда қайта ишланишини тушинамиз. Бу шундай амалга оширилади.

1. Тил ва тилшуносликка бағишланган назарий тадқиқодчилик ёрдамида.

2. Мактабда тилни урганиш орқали.

3. Ёзувчилик амалиёти жараёнида.

Демакки, тил маданияти деганда, қайта ишланган, силлиқлаштирилган, адабий тилнинг ривожланишига қумаклашиш, адабий тилга булган ижобий муносабатлар тушинилади.

Тилшунос В. Матезимус эса тил маданияти учун амалга оширилиши лозим булган ишларга қуйидагиларни киритади;

а) тил маданияти буйича қулламалар яратиш;

б) мактаб ва уйда фойдаланиши қулай булган лугатлар тузиш;

в) адабий тилнинг норматив грамматикасини тузиш;

г) бу соҳа буйича дарсликлар, қўлланмаларини тузиш;

Тилшунос В. Матезимус ҳақли равишда таъкидлаганидик, бизга шу соҳа буйича дарсликлар этишмайди.

Тил маданияти тушунчаси нутқ маданияти тушунчасидан адабий тилнинг восита ва имкониятларини кузда тутиши билан, тил маданияти маълум адабий тил соҳасидаги маданийлик учун кураш тарихини, бундаги шаклланиш, ривожлиниш жараёнларини курсатиш билан фарқланади. Масалан: Ўзбек адабий тилининг маданияти мустақилликни қўлга киритиши билан унинг алифбоси, имлоси такомиллашди, лексик катлам таркибидаги уз ва ўзлашма қатлам атамалар таркибини белгилаш борасидаги қарашлар ҳам аслида тил маданияти учун кураш эди. Иккинчидан; тил маданияти адабий тилнинг муайян давридаги маданий тил сифатидаги камолат даражасини англатади. Шу маънода тил маданияти адабий тил соҳасида эришилган ҳолатни ифодалайди. Кўринадикки, тил маданияти маълум адабий тилнинг маданийлик даражасидаги ҳолат ҳисобланилади.

Хулоса килиб айтганда тил маданияти ва нутқ маданияти тушунчалари маълум маънода фарқлансада, улар бир-бирларини инкор қилмайдиган, бири иккинчиси билан боғлиқ ходисалардир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Э.Бегматов. «Ўзбек маданияти масалалари.-ўзбек тили» 6-адабиёт, №976,№Т, 48-53бетлар.
2. Э.Бегматов. «Адабий талаффуз нормалари» Т. 1989й. 48-бет.
3. Э.Бегматов, М.Турсунпулатов. «Ўзбек нутқи маданияти асослари» Т.1991й.
4. М.Турсунпулатов. «Ўқувчиларнинг нутқ маданиятини шаклланишида мустақил ишларнинг ўрни».(Туплам Жиззах 1989й).
5. Б.Ўринбоев, Н.Солиев. «Нотиклик маҳорати» Т.ўқитувчи 1989 й.

СОҒЛОМ АВЛОДНИНГ МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШИДА ОНА ТИЛИМИЗНИНГ ЎРНИ

А.Маҳамматов,

Жиззах ВПХҚТМОИ ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши тилимизга бўлган эътиборнинг янада кучайишига, миллатимиз руҳи бўлган тилимизнинг мавқеи янада ортишига, тилимиз келажаги ва ривожланишига сабаб бўлди. Истиқлолга эришганимиздан сўнг ота-боболаримиз асрлар давомида асраб-авайлаб келган тилимиз бугун

давлатимиз байроғи, герби, мадҳияси, Конституцияси қаторида турадиган, конун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тимсоллардан бирига айланди. Инсон камолотида она тилига бўлган эътибор ва маънавий дунёқараш она алласи орқали сингиб борар экан, тилимизнинг бугуни ва келажаги тил тарбиясига ҳам боғлиқ масаладир.

Тил тарбияси, аввало, оиладан бошланади. Онанинг бетакрор алласи орқали гўдак қалбига она тилимизнинг қудрати сингиб боради. Шундай экан, тил тарбиясини фарзанд онадан эгаллайди. Афсуски, жамиятнинг оғриқли нуқтасига айланган, маънавий-ахлоқий иллатлар қуршовидан воз кечолмаган одамлар ҳам орамизда йўқ эмас.

Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги барча таълим муассасаларида, жамоат жойларида одамларнинг ўзаро мулоқотлари ахлоқ-одоб қоидалари асосида, сўзлашув услубига хос тарзда амалга оширилиши зарур. Педагоглар ўз дарс машғулотларида сўзнинг илдизга эга неъмат эканлигини, сўзнинг қудрати нақадар кучли бўлишини уқтириб боришлари зарур. Юртбошимиз Ислом Каримов “Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили – бу миллатнинг руҳидир”, – деб таъкидлайдилар. Ёш авлоднинг баркамолликка эришишида, ўзлигини англаши, онгу шуури ва тафаккурида она тилининг беқиёс ўрни, қудрати ва аҳамияти юксакдир. Инсон илк товушларни, сўзларни онасидан эшитганлиги боис она тили дейилиши бежиз эмас.

Миллий тилимиз ва унинг равнақи йўлида фидоийлик кўрсатган маърифатпарвар боболаримиздан бири Абдулла Авлоний тилимиз ҳақида шундай фикрларни билдирган: “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадургон ойнайи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур”. Шундай экан, миллий тилимиз софлиги ва поклигини сақлаш, тилимизга ҳамиша ғамхўр бўлиш, унинг қадрига етишни ҳар бир ўсиб келаётган ёш авлод онгига сингдириш, уларнинг

маънавий юксалишида тилимизнинг ўрни беқиёс эканлигини уқтириш ҳар биримизнинг маъсулиятли бурчимиздир.

“Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, Интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди.

Шуни унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан кч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин”

Бугунги кунда она тилимиз софлигига, жозибасига путур етказаётган, миллий тилимизни бузиб сўзлаётган, гўёки бу билан ўзини “маданиятли”, “ўта замонавий” ҳисоблаётган ёшларни кўриб, одамнинг энсаси қотади.

Муҳтарам юртбошимиз Ислом Каримовнинг: “Айниқса, бизнинг миллий анъаналаримизга, ахлоқ-одоб қоидаларига мутлақо тўғри келмайдиган клиплар, турли тиллардаги сўзларни қориштириб ёки талаффузни атайлаб бузиб айтиш каби номуносиб ҳаракатларни айрим ёш ижрочилар ўзи учун қандайдир янгича услуб деб билаётгани, менимча, санъатни, унинг моҳияти ва аҳамиятини тушунмасликдан бошқа нарса эмас.

Биз учун ахлоқий жиҳатдан номаъқул, миллий қадрият ва қарашларимизга ёт бўлган, ҳаётимизга кириб бораётган мана шундай кўринишларни бамисоли юқумли касаллик деб қабул қилишимиз лозим. Ва айни шу асосда бундай хуружларнинг ўта хавфли ҳолат эканини англашимиз зарур”, – деган фикрларини келтириб ўтишимиз ўринлидир.

Шу ўринда яна таниқли адиб ва мунаққид Аҳмад Аъзамнинг: “Ўзингиз тилингизда қанча чет сўз борлигини бир чамалаб кўринг, бошингиз айланиб

кетмаса мен тан. Чет атамаларни истифода қилсак, жуда маданиятли кўринамиз, шекелли-да. Аслида она тилига бунақа муносабатнинг ўзи катта маданиятсизлик! Сиз ўз тилингизни пухта-пишиқ эгаллаб, жаҳон тил муҳитига чиқинг, у тиллардан ҳам, жилла курса, икки-учтасини эгалланг: бундан кейин замоннинг равиши шундай кетади. Она тилини пухта билишингиз эса ҳамиша ўзлигингизга замин”, – деган мулоҳазалари фикримизна яна бир бор тасдиқлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. Тошкент.: Маънавият” 2008.
2. Аҳмад Аъзам. Тил номуси. Тошкент, Академнашр, 2013

АЙРИМ ГИДРОНИМЛАР СЕМАНТИКАСИ

(Жиззах вилоят топонимлари мисолида)

С.Н.Аҳмедов тадқиқотчи

Гидроним сўзи (юнонча *hidor* – сув + *onoma* – атоқли от) сувликдаги хар қандай (табийй ва сунъий) объектларнинг атоқли оти, топоним тури маъноларини билдиради. Республикамиз ҳудудида *дарё, сой, ариқ, канал, жилга, ирмоқ, булоқ, шаршара, сардоба* каби сув объектлари жуда кенг тарқалган. Ўзбекистонда 53 сув омбори, 41 ГЭС, 1456 насос станцияси, 140 минг км.га яқин зовурлар, 30 минг км.дан кўпроқ ички тармоқ каналлари қурилган, улар 4,3 млн. гектар ер майдонини суғориш учун хизмат қилади. Жумладан, Фарғона водийсида 6500 га яқин дарё, сой, жилғалар, Зарафшон дарёсининг ўрта оқимида 120 га яқин сойлар, Қашқадарёда 3120, Сурхондарёда эса 2200 дан ортиқ дарё, сой, жилғалар борлиги аниқланган. Шу билан бирга ҳозирги вақтда Ўзбек гидронимияси бўйича дастлабки тадқиқот “Самарқанд вилояти гидронимлари” (лисоний таҳлил) деб номланади. Вилоят топонимлари орасида гидронимлар алоҳида ўрин тутати. Уларнинг номланишида турли хил омиллар сабаб бўлган. Шу сабабдан гидронимлар қандай сўзлар асосида яратилганлигини аниқлаш ва номланиш тамойилларини белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Қуйида гидронимларнинг номланишига сабаб бўлган омилларни кўриб чиқамиз:

1. Киши исмлари асосида вужудга келган гидронимлар. Кўпинча бундай сув объектларининг (арик, кудук, булок, канал ва бошқ.) пайдо бўлишида (казилишида) раҳбарлик қилган шахслар номи билан аталган. Чунончи, (Бахмал тумани) Хўжасой, Турғунсой, Шайбексой, Бойқўнғирсой, Боғмозорсой, Бўстонсой, Тоғайсой, Эшматсой, мирза арик, Зулфон арик, Раҳмат булок, Авлиё булок, (Зомин тумани) Усмонлисой, Шодибойқашқасой, Алмаматсой, Ҳатчасой, Болтасой, Жўлбексой, Тоғаймуротжилға, Ҳайитбойқудук, Ҳасанбулок, Тўғанбулок, Ғайбарбулок, Эрманбулок, Мансурбулок, Хайдарбулок. (Янгиобод тумани) Хўжамушкентсой, Олмурутсой, Саидонсой, Муродбулок, Аширбулок. ва бошқалар. 2. Ўсимлик ва ҳайвонлар номи асосида пайдо бўлган гидронимлар, яъни сув объектларининг номланишида муайян бир ўсимлик ёки ҳайвон номи асос қилиб олинган. Масалан, (Зомин тумани), Ўриклисой, Тераклисой, Олчасой, Бодомсой, Олмалисой, Дўланасой, Анжирсой, Ёнғоклисой, Янтоқлисой, Бедалисой, Зирабулок, Чўққалисой, Тулкисой, Айиқлисой, Илонлисой, Куркалисой ва бошқалар. (Бахмал тумани), Тераклисой, Дўланасой, Арпалисой, Бургутлисой, ва бошқалар. Сувнинг ҳарорати, ҳиди ва маза-таъмига қараб номланган гидронимлар. Бундай гидронимларни номлашда кўпинча совуқ, иссиқ, сассиқ, аччиқ, ширин, шўр каби сўзлардан фойдаланилган. Масалан, (Бахмал тумани), Совуқбулок, Жилибулок (жили-илиқ маъносида) Музбулок, Шўрбулок, Шўрча (Зомин тумани), ва бошқалар. 3. Миқдор, ҳажм ва сон-саногига қараб номланган гидронимлар. Бундай номлар гидронимнинг миқдорини, сон-саногини ва ҳажмини белгилашга қаратилган. Кўпинча икки, беш, олти, қирқ, юз, минг, гала, қўш, тўда сўзларидан фойдаланиб гидронимлар ясалган. Чунончи, Бешбулок, Дуоба (тожикча, ду–икки, об–сув) (Зомин тумани), Узунбулок (Бахмал тумани), ва бошқалар. 4. Аҳоли манзилгоҳлари номи билан аталадиган гидронимлар. Вилоятимиз ҳудудида ойкогидронимлар асосан тоғли туманларда кўпроқ учрайди ва кўпинча сув объектларининг турини

билдиради. Масалан, (Бахмал тумани Новқасой, Бойқўнғирсой, (Зомин тумани), Пишағарсой, Зоминсой, Жалойирсой, ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтганда, Жиззах вилояти гидронимлари хусусиятларига кўра турлича шаклланган. Юқорида қайд қилингандек, гидронимлар вақт эрозиясига кам дучор бўлади, қадимий, шу сабабдан асл шакли ва мазмунини тиклаш анча қийин бўлган топонимлар гуруҳига киради. Уларнинг бу хусусияти тарихчи, тилшунос ва географларда катта қизиқиш уйғотиб, уларга узок ўтмишга назар ташлаш имконини беради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч”, Тошкент.: “Маънавият”, 142-143-бетлар
2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ўн икки жилдлик. 2-жилд. – Тошкент, 2001. - Б. 698.
3. Саидов А. Тоғ сойлари – суғориш манбаи. – Тошкент: Фан, 1974. – Б. 14.
4. Бегалиев Н. Самарқанд вилояти гидронимлари (лисоний таҳлил). НДА. – Самарқанд, 1994. – 25 б.

TIL VA MADANIYAT

О'qituvchi Z.Jumayeva,

T.Jo'rayev talaba

O`zbekistonning mustaqillikka erishish va hozirgi kunda respublikamizda amalga oshirilayotgan siyosiy,iqtisodiy, tarixiy va ma`naviy o`zgarishlar jamiyatimiz ijtimoiy hayotida tub burilishlarni boshlab berdi va ular o`zbek xalqining bundan keyingi taqdirini belgilab berishida muhim ro`l o`ynaydi. Endilikda barcha sohani mamlakatning milliy extiyoj va manfaatlaridan kelib chiqib avlod-ajdodlarimizning azaliy turmush an-analari, urf-odatlarini hamda tarixiy tajribalarini hisobga olgan holda rivojlantirish muhim dolzarb masalalardan hisoblanadi. Bu esa o`z-o`zidan ma`lumki, respublikaning millat davlat sifatida ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, ma`naviy,ma`daniy kamol toptiruvchi o`z taraqqiyot yo`lini rivojlantirish milliy istiqlol mafkurasini qaror toptirish va uni barcha xalq ommosi ongiga singdirish zaruriyatini taqazo etadi. Bu bilan nafaqat hozirgi avlod taqdiri balki kelajak avlodlarning taqdiri ham shunga bog`liq ekanligini anglatadi.

Ma`lumki, har qanday jamiyatning kelajagi yosh avlodning qanday ta`lim olishiga va qay tarzda tarbiyalanishiga bog`liq. Anashunday avlodgina mamlakat oldida turgan umumdavlat ahamyatiga molik vazifalarni bajarishga qodir bo`lib, o`z xalqining tarixiy taqdirini belgilab bera oladi. Shunga ko`ra, yosh avlodni milliy mustaqillik ruhida tarbiyalash davlatimiz oldida turgan muhim vazifalardan biri hisoblanadi.

Darhaqiqat, shaxs shakllanishida oilaning ro`li katta, chunki ma`naviyat I.A.Karimov aytganlaridek, “ insonga ona suti, ota namunasi, ajdodlar o`giti bilan singadi”. Inson hayot tajribasi, bilimi, odob axloqi,xatti-harakati bilan o`zining ruhiy olamini boyitibboradi.Inson kamolotga erishib borgan sari u o`z oldiga turli maqsadqo`yib,unga erishish uchun harakat qiladi.Insonning mavjudligi uning jismoniy boyligi bilan emas, balki ma`naviy boy ekanligi bilan belgilanadi.

Faylasuf I.Kant o`z-o`zini anglash axloqiylik va ma`naviy masuliyatning zarur shartidir, deb hisoblaganedi. Chamasio`z-o`zini anglash tuyg`usi bizni aktiv faoliyat yuritishga davat etadi, lekin bunday faoliyat odamni qayerga olib borishi ko`p jihatdan u kishi qanday hayotiy- axloqiy qarashlarni o`ziga dastak qilib olganiga bog`liq. Shaxsning ma`naviy axloqiy qarashlari, tasavvurlari, ma`daniyat tushunchalari fa`n, tilvaadabiyot, ma`orif kabi vositalar orqali tarbiyalanadi, sayqallanadi.

Ma`naviyat va til bo`lmasa, mustaqillikka erishib bo`lmaydi. Chunki u ijtimoiy taraqqiyotning poydevoridir. “Xalqimizning ma`naviy ruhini mustahkamlash varivojlantirish deb takidlaydi I.A.Karimov - O`zbekistonda davlat va jamiyatning muhim vazifasidir. Ma`naviyat shunday qimmatbaho mevaki, u bizning qadimiy va navqiron xalqimiz qalbida butun insoniyatning ulkan oilasida o`z mustaqilligini tushunib yetish va ozodalikni sevish tuyg`usi bilan birgalikda etilgan.”

Chunki ma`daniyatni xalq o`z mamlakati oldida turgan tarixiy vazifa ekanligini to`g`ri anglab olsa, davlatning ma`naviy salohiyati moddiylashadi. Jamiyat azolarining ma`naviy fazilatlarini, ta`lim-tarbiyaning yo`llari va usullariga kishilarning milliy jihatlari yashash va mehnat qilish sharoitlari, turmush tarzi,

diniy e`tiqodlari ham katta ta`sir ko`rsatadi. Yoshlar ta`lim, tarbiyasi borasida o`zbeklarning o`ziga xos uzoq tarix tajribasi sinovdan o`tgan ajoyib ma`daniy ananalari bor.

Mustaqil O`zbekistonda ta`lim-tarbiya ishlarini to`g`ri yo`lga qo`yilishi milliy va umuminsoniy qadryatlarning barcha imkoniyatlaridan to`la va samarali foydalanishni taqazo etadi. Jahon madaniyatining milliy ma`naviyatimizga ijobiy ta`sir qilishini inkor qilib bo`lmaydi. Ta`lim – tarbiya jaroyonida boshqa xalqlar pedagogic merosining ijobiy tomonlaridan qanchalik foydalanmaylik baribir o`zbek milliy qadryatlari ma`naviy kamolotimizning asosi bo`lib qoladi. O`zbekistonlik yoshlarga mukammal ma`naviy axloqiy tarbiyaning ravnaqi uchun ichki omil yaratadi.

Xadislarda aytilganidek, ota-onalarning farzandlariga qoldiradigan eng kattam erosi ularga o`rgatadigan axloq va odobdir. Markaziy Osiyo xalqlarining umuman tartbiya borasidagi, xususan oily o`quv yurtlari til va madaniy tarbiya tajribasiga oid bo`lgan fikr mulohazalari Beruniy, Farobiy, Alisher Navoiy, Yusuf Xos Xojib, kabi mutafakkirlarning asarlari damukammal o`z aksini topgan. Bu o`rinda Venger sharqshunosi Xermen Vamberining Oltin O`rdadagi o`zbeklarning musulmoncha tarbiyalanganligi haqida fikrlari juda qimmatlidir. U o`zbeklarning qator axloqiy fazilatlarini haqida to`xtalib, ota-ona xurmatini, mulohaza va andisha bilan to`g`ri so`zlashini alohida takidlab o`tgan edi. Buyuk o`zbek milliy pedagogi A. Navoiy axloqqa quidagichatarif beradi, "Axloq insonlarni yaxshilikka chaqiruvchi, yomonlikdan qaytaruvchi birilmdur. Yaxshi xulqlarning yaxshiligini, yomon xulqlarning yomonligini dadil va isbotlarila bayon qiladigan kitobni axloq deydilar". Axloq-inson hayotida o`z-o`zini idora qilish meyorlarini, boshqalar bilan munosabatda bo`lish madaniyatini, halol ishlab, to`g`ri hayot kechirish mezonlarini o`rgatadi.

Ma`lumki, ma`naviy-axloqiy tarbiyalashda bir necha omillarga suyanish mumkin. Jumladan:

- 1)Yaxshi so`z orqali tarbiyalash
- 2)Ijtimoiy foydali mehnatda tarbiyalash

- 3) Namunali ko`rsatish orqali tarbiyalash
- 4) Vaziyat orqali tarbiyalash
- 5) O`yin orqali tarbiyalash
- 6) Muloqotlar orqali tarbiyalash
- 7) Samimiy munosabat orqali tarbiyalash

Shunga ko`ra, tarbiya masalalari har doim ham dolzarb muammo bo`lib kelgan va shunday bo`lib qoladi. Bu muammoni chuqur tahlil qilib, ularni nazariy umumlashtirish, amaliyotda qo`llash bo`yicha tarbiyalarni belgilash bugungi kunda tarbiyadagi mavjud kamchiliklarni bartaraf etishda umumdavlat ahamiyatiga molik vazifadir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Karimov I.A. Akademiyaning ochilishida so`zlagan nutqidan.
2. Karimov I.A. "O'zbekistonning o'z istiqloq vataraqqiyot yo`li". T. "O'zbekiston" 71-bet, 1992
3. Shoumarov F.B., Shoumarov Sh.B. Muhabbat va oila. T. "Ibn Sino". 1994; 47-bet
4. Karimov I.A. O'zbekiston, milliy istiqloq iqtisod, siyosat, mafkura, "O'zbekiston", T., 1998, 78-bet
5. Vamberi.X. Buxoro yoxud . Movarounnahr tarixi T, 1990, 114.128-betlar.

GAZETA TANQIDIY MAQOLALARIDA SO‘Z BIRIKMASI – SARLAVHALARINING

XUSUSIYATLARI

F. Qo‘shnazarov, X. Maxammadiyev

Ma'lumki, mustaqilligimizning ilk kunlaridanoq tilimizni yanada rivojlantirish, ayniqsa, ta'lim tizimining hamma bosqichlarida ona tili va adabiyotini o'qitish sifatini tubdan o'zgartirish, talabalarga nutq madaniyati va uslubiyat, davlat tilida ish yuritish bo'yicha yetarli ma'lumotlar berish, tilimizning amal qilish imkoniyatlarini kengaytirish, buning uchun esa ta'lim tizimi bilan bir qatorda ommaviy axborot vositalari tilini takomillashtirish, zamonaviy talablar darajasidagi zarur darslik va qo'llanmalar yaratish kabi masalalar kun tartibidan o'rin egalladi.

Tanqidiy materiallar matnida so'z birikmasi ko'rinishidagi sarlavhalar ham uchraydi. Bunday sarlavhalar matn mazmunini aniqlashtirish, gazetxonga tanqidiy material mazmuni bilan yaqindan tanishish imkonini beradi. Tanqidiy materialda

qo‘llanilgan so‘z birikmasi so‘z bilan chambarchas bog‘liq bo‘lsa-da, ma’no anglatish, fikr ifodalash xususiyatlariga ko‘ra undan ajralib turadi.

Ma’lumki, so‘z birikmasini tashkil qilgan a’zolar o‘rtasida tobe-hokimlik munosabati yetakchilik qiladi va hokim so‘z qaysi so‘z turkumiga mansubligiga qarab so‘z birikmasi turi aniqlanadi.

So‘z birikmasi tobe va hokim vaziyatdagi sintaktik shakllar munosabatidan tashkil topadi. So‘z birikmalarida tobe munosabat bo‘lishi shart. Bunday munosabatda tobe vaziyatdagi sintaktik shakl hokim vaziyatdagi sintaktik shaklning «bo‘sh o‘rinlari»ni to‘ldiradi, uning shakliy va mazmuniy valentliklarini ro‘yobga chiqaradi. Shuning uchun ham bunday munosabat doimo ikki qismdan — tobe va hokim qismdan iborat bo‘ladi.

Tanqidiy materiallarda otli so‘z birikmalarining sarlavha sifatida ishlatilishi, ayniqsa, qaratqich birikma ko‘rinishidagi sarlavhalarda ko‘p uchraydi. Bu holat gazeta tilida tanqidiy materiallarda qulaylik va ifodalilikni, bo‘yoqdorlik va ta’sirchanlikni yuzaga keltiradi.

Tanqidiy materiallarda qaratqich bilan qaralmish orasida so‘z bo‘lmagan (kontakt) birikmalarning sarlavha sifatida ishlatilishi holatlari uchraydi. Ma’lumki, qaratqichli birikmaning belgili yoki belgisiz qo‘llanishi holatlari gazeta janrining o‘ziga xos tili va uslubi bilan bog‘liq bo‘ladi.

Tanqidiy materiallarda quyidagi qaratqich kelishigi qo‘shimchasi ishlatilgan, ya’ni belgili qaratqich birikma sarlavhalar uchraydi: “Illatning ildizi” (Oila va jamiyat, 15.06.2011), “Tibbiy ko‘rikning zarurati” (Huquq olamida, 23.06.2011), “Falonchining o‘limi”, “Pistonchining qarg‘ishi” (Zarafshon, 11.01.2014), “Giyohvandning xatosi” (Adolat sari, keyingi o‘rinlarda AS 09.04.2013) kabilar.

Bu kabi qaratqich birikmalarning belgili ishlatilishi tanqidiy matnlarda sarlavhada ifodalangan ma’noni jurnalist maqsadiga bog‘liq holda ta’kidlash, ajratib ko‘rsatish vazifalarini bajaradi.

Tanqidiy materiallarda qaratqich kelishigi tushirilgan, ya’ni belgisiz qaratqich birikma - sarlavhalar ham mavjud. Misollar keltiramiz: “Odam olasi ichida” (Inson va qonun, 30.03.2010), “Giyohvandlik – illat” (rubrika), “Kulfat

bekati” (AS., 11.03.2013), “Adovat va fojea oralig‘i” (AS., 09.04.2013), “Hujjatsiz mollar savdosi” (AS., 12.03.2013) kabilar. Quyidagi sarlavhada ham shu holat kuzatiladi: “Tirik tovar” savdosi (Milliy tiklanish, 2013.16.05.)

Tanqidiy materiallarda qaratqich birikma-sarlavhalar fikrlar ixchamligi, ta’sirchanligini ta’minlashda muhim ahamiyat kasb etadi. Gazeta materiallarini kuzatish tanqidiy matnlarda boshqa ko‘rinishdagi sarlavhalarning ham faol qo‘llanilishidan dalolat beradi. Masalan, gazetada “Nafs balosi” rubrikasi ostida “200 dollarlik ish” deb nomlanuvchi tanqidiy matn berilgan. Sarlavha tagida tahririyat tomonidan qisqacha shunday ogohlantirish xarakteridagi shunday fikrlar berilgan:

Inson tabiatidagi yomon qusurlardan biri - ta’magirlikdir. U tufayli birov-birovdan ta’ma evaziga nimadir olishga urinadi. Ammo, buning oqibatida jinoyatga qo‘l urayotganini anglamaydi. Anglasa-da, nafs o‘lgur ustunlik qiladi... (AS., 11.03.2013). “Xayrsiz savdolar” deb yuritilgan sarlavha esa quyidagi izoh bilan to‘ldirilgan: Jinoyatning katta-kichigi bo‘lmaydi. Ayniqsa, valyuta sohasida jinoyati tufayli jazoga tortilgan kimsalar bor-budidan ayrilgach, qilmishining oqibatini o‘ylamaganidan afsuslanib qoladi (AS., 11.03.2013).

“Adolat sari” gazetasida “Basharang qiyshiq bo‘lsa...” rubrikasi ostida “Kollejdagi nayranglar” sarlavhali tanqidiy matn berilgan. Sarlavhadan so‘ng berilgan qisqacha izoh matn ta’sirchanligini oshirishga xizmat qilganligi seziladi: “Mansab ham insonga sinov uchun beriladigan “imtiyoz.” Kimdir undan el manfaatlari yo‘lida foydalansa, yana kimdir o‘z manfaatini o‘ylaydi. Ammo, mansabni suiiste’mol qilish jinoyatdir” (AS., 25.02.2013).

“Uvol ketgan umr” deb nomlangan sarlavhadan keyin matn mazmuni qisqacha shunday izohlanadiki, u gazetxonlar e’tiborini jalb etishga xizmat qilgan:

Voqea Paxtachi tumanida sodir bo‘ldi. Ertalab Salimjon apil-tapil o‘rnidan turib, kiyimlarini kiydi. U o‘g‘li bilan bozorga bormoqchi edi. Shaxzodni uyg‘otish maqsadida u yotgan xonaga yo‘l oldi. Eshikni ochgan ota dahshatdan dodlab yubordi. O‘g‘li qonga belangan polda yotar, tanasi allaqachon sovib bo‘lgandi... (AS., 11.03.2013).

Tanqidiy materiallarda rubrika muhim o‘rin tutadi. Masalan, “Adolat sari”

gazetasida “Qilmish-qidirmish” rubrikasi ostida “...Tushovi qimmatga tushdi” (AS.,11.03.2013), “O‘marilgan millionlar” (AS.,11.03.2013), “Tushovi qimmatga tushdi” (AS., 09.04.2013), “Hayotning qadriga yetmaganlar” (AS., 09.04.2013), “Qaynisini tunagan pochcha” (AS., 09.04.2013), “Qo‘shib yozib boy bo‘lganlar” (AS., 09.04.2013) kabi sarlavhalar berilganligi yuqoridagi fikrlarimizni asoslaydi.

Mamlakatimizda mustaqillik yillarida millatlararo ahillik va totuvlikni mustahkamlash, ma’naviy-axloqiy tarbiyani kuchaytirishning asosiy vositalaridan biri bo‘lgan gazeta va jurnallarning tili va uslubini ilmiy jihatdan tadqiq etish bo‘yicha aniq maqsadga yo‘naltirilgan chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda.

Bugungi kunda yurtimizdagi barcha millat va elat vakillarining huquq va erkinliklari, qonuniy manfaatlarini ta’minlash, ta’lim olishlari, qiziqish va layoqatlari bo‘yicha kasb-hunar egallashlari, madaniyatlari, an’ana hamda qadriyatlarini saqlash, rivojlantirishlariga barcha imkoniyatlar mavjud. Boshqacha aytganda, xalqimizning ijtimoiy hayotning hamma sohalarida muvaffaqiyatlarga erishishlari uchun barcha zarur shart-sharoitlar yaratib berilgan.

КИШИ НОМИ БИЛАН БОҒЛИҚ ОРОНИМЛАРИ

(Жиззах вилояти топонимлари мисолида)

С. Н.Ахмедов тадқиқотчи

Маълумки, топонимиянинг муҳим йўналишларидан бири оронимия хисобланади. **Ороним** термини юнонча орог – тоғ + онома – атоқли от маъносида бўлиб, ер юзаси релифидан бўртиб, кўтарилиб чиққан ҳар қандай баланд жойлар атоқли отини англатади. Бирор типдаги оронимлар мажмуаси оронимия деб юритилади. Ўзбекистон ҳудудидаги тоғларларга Тяншан ва Ҳисор-Олоу тоғлари киради . Ғарбий Тяншан тизмаларидан Қоржонтов, Угом, Писком, Чотқол, Қурама тизмалари Ўзбекистон ҳудудида. Фарғона водийсининг шарқида Фарғона тизмаси, жанубида Олой тизмаси ва унинг ғарбий давоми – Туркистон тизмаси жойлашган. Туркистон тизмасининг тармоғи бўлган Молгузар тизмаси Нурота тоғларидан Илонўтти дараси орқали ажралиб туради. Нурота тоғларидан жанубдаги тоғлар

Зарафшон тизмасига киради. Республиканинг энг жанубидаги Хисор тизмаси Тожикистон билан бўлган чегара бўйлаб чўзилган. Бутун Ўзбекистонда бир неча оронимик объектгина киши номлари билан аталган (Хожа Ахчабурун, Хўжа Гулсуяр, Хўжа Бузбарак, Ашурқўл, Суҳоншо). Бироқ киши исмларидан ном олган ва топографик хариталарда акс этмаган микрооронимик объектлар кам эмас. Масалан Жиззах вилояти топонимлари мисолида, Зомин туманиниг Тамтун қишлоғи тепасида *Мулланинг қизи учган, Нодир учган, Саодат учган, Яхшибой учган* каби қоялар бор. Ана шундай қоялардан одамлар йиқилиб, учиб тушиб ҳалок бўлгани учун объектлар шундай ном олган. Бахмал тумани тоғлари номлари ва уларнинг келиб чиқиши ҳақида баъзи маълумотларни ҳавола этмоқчимиз.

Исмат тоғ. Бу ном 50-йиллардан кейин пайдо бўлган. Бу жойга одамларнинг бориши қийин бўлган. Тоғга бориш учун йўл бўлмаган. Бу жойга чорвани семиртириш учун имконият яхши бўлган, яъни ҳеч ким келмаганлиги сабабли ўт-ўланлар, майсазорлар бисёр бўлган. Исмат деган одам ўз чорвасини кўпайтирган ва унинг уддансидан чиққан. Кейинчалик, шу жойдан қишлоқ аҳли учун ўтин ҳам келтирган. Шу-шу одамлар тоғ номини Исмат тоғ деб аташади.

Қирқ қиз. Ойқор тоғи. (Помир тоғ тизмаси) нинг кун-ботар томонида Латтабанд қишлоғининг тепасида Қирқ қиз номи билан аталувчи жой бор. Бу жойнинг бундай номланишига сабаб тоғнинг паси унга текисликда 40 та қиз (тошлар айнан шу шаклда) кир юваётган ҳолда турибди. Ҳикоя қилишларича, кишиларнинг 40 та қизи золим бой зулмидан қутилиш учун қочиб тоққа чиқиб кетадилар. Худога нола қилиб, ўзларини тошга айлантириб ташлашини ўтиниб сўрайдилар. Уларнинг илтижолари ижобат бўлади. Оллоҳ уларни тошга айлантириб қўяди. У бир ривоят.

Ражабқойқи. Бу тоғ бўрийўнар тоғининг пастки томонида, биркил тоғининг ўнг томонида жойлашган. Тоғ чўққилардан иборат бўлиб у ерда юриш анча мушкул. Бу тоққа биринчилардан бўлиб Ратаб қойқи деган одам йўл солган. Шунинг учун бу жойни шу кишининг номи билан аташади.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, Жиззах вилояти тоғ тизмаларидаги Ойқор тоғ ва унинг қиру адирларига берилган номлар шу ҳудудда яшовчи халқнинг турмуш шароити дунёқараши ва шевасидан келиб чиқиб яшаб турган жойларига ўзларига хос ва мос номларни беришган деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар рўйхати:

1. Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган, 2006 .63.бет
2. Ахмедов С. Бахмал тумани оронимлари. Илм сарчашмаси. Урганч 2015 9-сон, 215-218-бетлар

NUTQIMIZDA O`LCHOV SO`ZLARINING ISHLATILISHI

Ilmiy rahbar Z.Jumayeva, Sulaymonov Z

*“Ey inson, har bir so`zni o`ylab gapir: tiling seni yo saodatmand etadi,
yoxud halokatga boshlaydi”*

M. Kamol

O`zbek tili juda boy til. Har bir so`z o`zining turli xil ma`no qirralariga ega. Bu so`zlarni nutqimizda o`z o`rnida ishlatishimiz tilimizni yanada mazmunli qiladi. Biz ushbu maqolamizda o`lchov so`zlarning nutqimizda ishlatilish jihatlari birmuncha tahlilga tortdik. O`lchov so`zlar adabiyotlarda “numerativ” yoki hisob so`zlar deb ham yuritiladi.

“Sonoq son bilan sanalayotgan narsa o`rtasida qo`llanadigan o`lchov birliklarga o`lchov so`zlar deyiladi.”[1, 325]. M: bir hovuch suv, uch etak paxta, o`n metr atlas. O`lchov so`zlar ichida ayrimlari faqat o`lchov - hisob ma`nosini bildirsa , ayrimlari alohida olingan narsa nomini, matn ichidagina o`lchov birligi ma`nosini bildiradi. M: Yo`lakdagi xotin bir savat atirgul ko`tarib turibdi(o`lchov so`z), Salimjonning onasi savat to`qib sotadi(alohida olingan narsa nomi).

O`lchov so`zlar ko`pincha ot so`z turkimidagi so`zlarning ko`chishidan hosil bo`ladi: dona, tup, nusxa, bog`lam, siqim, tutam.

Eski o`zbek tilida o`lchov so`zlar keng iste`molda bo`lgan. Bunday so`zlar sanoq sonlar bilan birga qo`llanilib, ma`nosi jihatdan dona sonlarga yaqin turadi. Eski o`zbek tilida o`lchov so`zlarning qo`llanishi, asosan, aniqlanayotgan narsa yoki hodisaning xususiyatiga bog`liq bo`ladi. Sanoq sonlarga sinonim bo`la oladi. M: tuman (o`n ming), lak (yuz ming), kurur(hind o`lchov birligi hisoblanib, katta miqdorni, ya`ni besh yuz mingni anglatadi).

1918- yilda Jahon metrik sistemasining joriy etilishi qadimda keng qo`llangan o`lchov so`zlarning aksariyatini iste`moldan chiqarib qo`ydi. Ularning ayrimlari arxaik so`zlar qatoriga kirdi, ayrimlarining esa faoliyat darajasi cheklandi, ya`ni ular tarixiy asarlarda davr ruhini berish uchungina qo`llaniladi. Ammo eski o`zbek yozuvida o`lchov so`z vazifasida keluvchi so`zlar bilan alohida narsani bildirgan so`zlarni ajratish birmuncha qiyinchiliklar tug`diradi. Bunda o`quvchidan o`lchov so`zlarning ma`nosini bilish talab etiladi. M:

IBRIQ – suv idish, ko`za, obdasta; M: “Ul kecha Shayx Sayfiddin bir ulug` ibriqqa suv to`ldirib hazrati shayxning xilvat eshigida bo`ldi.” [2, 264].

IBRIQI MAY – may idishi (may soladigan sopol idish). M:

“Xilvat etkan ixtiyor ilgida bir ibriqi may,

Tong emas gar qilsa bir bodom ila har kun maosh.” [3, 347]

QADOQ - Yarim qadoqcha pashmak holva solib, dasturxon qilib qo`ygan edik.(A.Q) Yarim qadoq go`sht;(Qadoq hozirgi kunda qandga nisbatan qo`llaniladi. Ikki qadoq qand.)

Bu muammoni yechish uchun o`lchov so`zlari lug`atini tuzish, unda so`zning alohida so`z va o`lchov so`z vazifasida kelgan ma`nolarining berilishi va ular misollar bilan izohlanishi kerak.

Odatda o`lchov so`zlarining ayrimlari donalikka, og`irlikka nisbatan, ayrimlari esa uzunlikka nisbatan qo`llaniladi. Shundan kelib chiqib, keyingi vaqtlarda o`zbek tilidagi o`lchov so`zlarni semantik jihatdan gruppalarga bo`lib o`rganishda birmuncha siljishlar bo`ldi. Jumladan, I.Rasulov[4, 69] numerativ so`zlarni semantik jihatdan yetti guruhga bo`lib o`rgangan. O`lchov

soʻzlarni anglatgan maʼnolariga koʻra gruppashda P. Hamdamov[5,127] oʻn uch turga Sh.Rahmatullayev[6, 49] esa sakkiz turga boʻlib koʻrsatadi. Bizningcha bu soʻzlarni maʼnoviy jihatdan quyidagilarga boʻlish maqsadga muvofiq:

1. Ogʻirlik oʻlchov birliklari: gramm, kilo, litr, tonna (hozirgi); misqol, botmon, paysa, daysar, sofra, ratl (tarixiy).

2. Uzunlik oʻlchovlari: millimetr, santimetr, detsimetr, kilometr (hozirgi); chaqirim, qarich, yogʻoch, gaz, qalam, sharʼi(tarixiy).

3. Donalik oʻlchovlari: dona, bosh, nafar, tup(hozirgi), para, qator, evluk, say(tarixiy).

4. Maydon oʻlchovlari: soʻtix, gektar(hozirgi); tanob, parcha, qari(tarixiy).

5. Pul qiymatni ifodalaydigan: soʻm, tanga, dinor(hozirgi); dirxam, flus, ashrafiy, rotiba, vajh (tarixiy) semantik.

6. Butunning, guruhning yoki toʻdaning qismini hisoblash uchun ishlatiladigan soʻzlar: parcha, burda, varaq, ogʻiz, luqma, siqim, tilim, karj, chimdim, qultum, tomchi, qatra;

7. Toʻdalab, guruhlab koʻrsatuvchi hisob soʻzlar: gala, toʻp, guruh, toʻda, dasta, bogʻ, bogʻlam, quchoq, shoda, nafar, hovuch;

8. Juft narsalar hisobini koʻrsatadigan soʻzlar: juft, para;

9. Narsaning joylashgan oʻrniga koʻra qiymat ifodaloʻvchi oʻlchov soʻzlar: koʻza, tulum, qop, xarvar, sanduq, ortmoq, tuya, arava...

10. Vaqt maʼnosini ifodalovchi oʻlchov soʻzlar: asr, oy, yil, fasl, soat, minut, sekund, para, daqiqa...

Yuqorida sanab oʻtilgan oʻlchov birliklari oʻlchanadigan, sanaladigan narsaning xususiyatiga koʻra qoʻllaniladi. M: nafar- shaxslarga, bosh- hayvonlarga(ayrim oʻsimliklarga ham), litr- suyuqliklarga nisbatan qoʻllanadi. Ayrim hollarda bu tartibning buzulish hollarini koʻramiz. M: toʻrt yuz bosh kishi, uch ming bosh kishi (Rabgʻuziy “Qissasi Rabgʻuziy”).

O`lchov so`zi vazifasini bajaruvchi quyidagi so`zlar taxminiy miqdor o`lchovini ifodalash uchun ishlatiladi:

Piyola - Ikki piyola choy ichdim;

Qoshiq – Ovqatga bir qoshiq tuz soldim;

Kosa – Bir kosa undan xamir qildim;

Choynak – Ikki choynak choy damladim;

Qop – Bir qop shakar oldim;

Quti – To`rt quti pilla boqdik.

O`zbek tilida vaqt va o`lchov ma`nolari mustaqil til birligi (semema) yoki boshqa til birliklari semantikasining tashkil etuvchisi (sema) ma`nosida mavjud. Vaqt va o`lchov semantikasi o`zining leksik, grammatik, fonetik ifodalanishlariga ega. O`zbek tilshunosligida vaqt ma`nosi payt ravishlari, vaqt ma`noli otlar, sifatlar, olmoshlar, fe`llar, yuklamalar kabi morfologik, payt hollari, vaqt ifodalo`vchi konstruksiyalar singari sintaktik yo`nalishlarda o`rganilgan yoki qayt qilingan.

O`zbek tili lug`at tarkibidagi bir yuz saksonga yaqin vaqt semantikali ot leksemalar tahrir qilinganida, mazkur leksemalarning vaqt ifodalash imkoniyatlarining turlicha ekanligi ma`lum bo`ladi. Bu esa “vaqt” semasining turli sememalar tarkibida turlicha o`rin va mavqelarda kelishi bilan bog`liqdir.

Tilimizning taraqqiyoti natijasida rus tili yoki boshqa tillardan yangi o`lchov so`zlar kirib kelishi davom etmoqda: gektar, kubometr, kilovatt- soat, metr, sotix, pachka, minut, gradus, tsentner, par, nusxa, bit, bayt, kilobayt, kegobayt, yadr, megapiksel, volt, yart, mil.

Xulosa qilib aytganda, o`lchov so`zlarni noo`rin ishlatish nutqda g`alizlik keltirib chiqaradi. O`lchov so`zlar aniq bir miqdorni bildirish yoki bildirmasligiga ko`ra guruhlariga ajratish, aniq bir miqdorni bildirgan o`lchov so`zlarning lug`at tarkibini tuzish tilshunosligimizdagi o`rganilmagan muammolardan biri bo`lib qolmoqda. O`lchov so`zlar haqida ko`proq bilimlarga ega bo`lish orqali o`quvchi ulardan nutqimizda o`z o`rnida foydalanish ko`nikmasini hosil qiladi.

Nutqimizning chiroyli va ravon bo`lishi uchun so`zlarni o`z o`rnida qo`llash lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. A.Nurmonov, A.Sobirov, Sh.Yusupova. Hozirgi o`zbek adabiy tili. – T.: O`qituvchi, 2015.
2. A.Navoiy. Nasayum ul- muhammat.XV bob. www.ziyouz.com kutubxonasi, 2014.
3. A.Navoiy. Xazoyin ul-maoniy. IV bob. www.ziyouz.com kutubxonasi, 2014.
4. I.Rasulov. O`zbek tili va adabiyoti. – T.: Fan, 1989.
5. P.Hamdov. O`zbek tilida numerativlar. – T.: Fan, 1983.
6. SH.Rahmatullayev. Hozirgi o`zbek adabiy tili. – T.: O`qituvchi, 1992.
7. www.google.com

**GAZETA TANQIDIY MAQOLALARIDA DARAK GAP –
SARLAVHALARINING
XUSUSIYATLARI**

X. Maxammadiyev

Respublikamizning o`z mustaqilligini qo`lga kiritishi boshqa sohalar qatori ommaviy axborot vositalarining ham bugungi kun talablari darajasida rivojlanishiga imkoniyatlar yaratib berdi. Bugungi kunda mamlakatimizda radio va televideniye, gazeta va jurnallarning taraqqiy etishi uchun “Ommaviy axborot vositalari to`g`risida” Qonun qabul qilindi va unda yurtimizda matbuot erkinligining huquqy asoslari davlat himoyasida ekanligi to`la ta`minlandi. Yurtimiz tarixiga e`tibor bersak, o`zbek tilining vazifaviy uslublari orasida o`z o`rniga ega bo`lgan publitsistik uslubning paydo bo`lishi va shakllanishi XIX asrning oxiri XX asrning boshlariga borib taqaladi.

Ilm-fan, texnika keskin sur`atlarda taraqqiy etayotgan bugungi kunda hayotni gazeta-jurnallar, internet, radio va televideniyesiz tasavvur etish qiyin. Chunki inson hayotda bo`layotgan har bir o`zgarish, moddiy va ma`naviy sohalaridagi yangiliklardan dastlab gazeta va jurnallar orqali xabardor bo`ladi. Shuning uchun mamlakatimiz rahbariyati bu masalaga jiddiy e`tibor berdi. Ayniqsa, keyingi yillarda rivoj topayotgan fan-texnika taraqqiyoti, axborot ma`lumotlari ommaviy axborot vositalarini takomillashtirishni, ularning tili va

¹ «Ommaviy axborot vositalari t`g`risida» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (26.12.1997 й. N 541-й); «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари т`g`рисид» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (12.12.2002 й. 439-й).

² Шомаксудов А. ва бошқ. Ўзбек тили стилистикаси, 26-27-бетлар. Неъматова Д.С. Чўлпон публицистик асарларининг лингвистик таҳлили: Филол.фан.номз. ...дис.автореф. – Тошкент, 2004.

uslubini yanada yaxshilashni kun tartibiga jiddiy qo‘ymoqda. Bu boradagi ishlarni jadallashtirishga da’vat etilmoqda. Shuning uchun nafaqat ravon gapiradigan, balki gazeta va jurnallarda sifatli va savodli maqolalar yoza oladigan, ommaviy axborot vositalari orqali ma’ruzalar qila oladigan turli soxa mutaxassislariga ehtiyoj ortmoqda.

Gazetalarda tanqidiy materiallarda darak gap-sarlavhalari gapning boshqa turlariga nisbatan ancha faol qo‘llanishi kuzatiladi. Tanqidiy materiallarda asosan, bir tarkibli gaplarning sarlavha sifatida qo‘llanganligi ko‘p uchraydi. Tanqidiy materiallarda darak gaplar jurnalist fikrlarining ifodali va ta’sirchan, qisqa va mazmunli, uslubiy ravon va tushunarli bo‘lishini ta’minlashga xizmat qilgan.

Tanqidiy materiallarda darak gaplar ko‘plab ishlatilgan. Darak mazmunidagi gaplar matn mazmunini gazetxonlarga yetkazishning tezkor vositasi ekanligi ayniqsa, sarlavha uchun mosligi bilan ajralib turadi. Misollar: “Yashirilgan valyuta aeroportdan qaytishga sabab bo‘ldi” (Adolat sari, keyingi o‘rinlarda AS 06.03.2013), “Pul dardidagi domla o‘quvchisi hayotiga zomin bo‘ldi” (AS., 25.02.2013.)

Tanqidiy materiallarda sarlavha sifatida qo‘llanilgan shaxsi aniq gaplarda ega ifodalanmagan bo‘lsa ham, fikrlar aniq va mazmunli tarzda gazetxonga yetkaziladi: “Asfaltdan pul yasamoqchi bo‘ldi” (AS., 25.02.2013), “Mineral o‘g‘it sotaman...” (AS., 09.04.2013) kabi sarlavhalarda bu aniq ko‘rinadi. “Attang” rubrikasi ostida berilgan “Ikki karra ziyon topdi” (AS., 11.03.2013.) yoki “Qilmish-qidirmish” rubrikasi ostida berilgan “Katta yo‘ldagi halokat ikki inson umriga zomin bo‘ldi” (Huquq olamida, 16.06.2011) sarlavhalari ko‘proq gazetxonlarga ma’lumot berish bilan cheklanadi.

Demak, sarlavhalarning farqlash, chegaralash vazifasi o‘quvchini jalb etish vazifasi bilan chambarchas bog‘liq bo‘ladi va bu ularning axborot berish (informativlik) xususiyatidan kelib chiqadi”³. ”Oila va jamiyat” gazetasining 2011-yil 29-iyun sonida e’lon qilingan “Baxtsizlikka bir qadam yoxud erta turmush qurishning salbiy jihatlari xususida ayrim kuzatuvlar” yoki “Huquq olamida” gazetasining 2011-yil 1-sentabr sonida e’lon qilingan “Xiyobon behayolik

³ Тошалиев И.Сарлавҳа стилистикаси. Тошкент: Университет, 1995. - Б. 12.

joyi...emas” maqolalarida jurnalistning o‘zi tomonidan ko‘tarilgan masalalarga nisbatan salbiy munosabati bo‘rtib turibdi.

“**Tadbirkorlik tartib-qoidasi barchaga barobar** ammo ayrimlar qing‘ir yo‘llar bilan pul topishga urinmoqda” (O‘zbekiston ovozi, 28.02.2013.) yoki “Holat, mulohaza” rubrikasi ostida tahririyat tomonidan berilgan quyidagi izohga e‘tibor beraylik: Fuqarolarda ba‘zan huquqiy bilimning yetishmasligi ko‘plab muammolar tug‘ilishiga, ortiqcha ovora va sarsonliklarga olib keladi. Tahririyatimizga murojaat qilgan fuqaro boshiga tushgan tashvishlar bunga yana bir misol bo‘ladi. **Aybi aniqlanmagan aybdor** sudning qonuniy kuchga kirgan hukmi bo‘lmay turib, hech kimni jinoyatchi deb atash mumkin emas (O‘zbekiston ovozi, 23.02.2013). Ko‘rinadiki, sarlavha tanlashda va izoh berishda tahririyat va muallif munosabati ham muhim ahamiyatga ega bo‘ladi.

Quyidagi sarlavhalar ham ma‘lum darajada gazetxon e‘tiborini o‘ziga jalb etadi. Misollar: “Narkotik moddalar yo‘q qilindi” (Xalq so‘zi, 26.06.10). “Bitta “o‘g‘ri” issiqxona Chortutdagi o‘nta xonadonni gazdan bebahra qoldirdi” (Zarafshon, 15.01.2014). Tanqidiy materiallarda bu xil darak gaplar ta‘sirchanligi, reklamaliligi bilan gazetxonni o‘ziga qaratadi.

Kuzatishlarimiz shuni ko‘rsatadiki, sarlavhalar gazeta tilida eng ko‘p qo‘llanuvchi uslubiy vositalardan biridir. Sarlavhalarning mavzu doirasi keng bo‘lib, gazetaning deyarli har bir janrida ham o‘rin bilan qo‘llanishi mumkin. Sarlavhalar har bir holatda ham tanqidiy maqolalar ifodalangan fikrlar mohiyatini ochib berishga xizmat qiladi. Tanqidiy maqolalarda aksariyat hollarda matn mazmuniga mos birliklarning sarlavha sifatida qo‘llanishi kuzatildi. Bunda sarlavha sifatida matn mazmuni bilan chambarchas bog‘liq bo‘lib, o‘quvchi e‘tiborini jalb qilish, tanqidiy maqolada ko‘tarilgan muammo bilan gazetxonni qisqacha tanishtirish vazifasini bajaradi.

Adabiyotlar ro‘yxati:

1. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (26.12.1997 й. N 541-й); «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (12.12.2002 й. 439-й).
2. Шомақсудов А. ва бошқ. Ўзбек тили стилистикаси, 26-27-бетлар. Нейматова Д.С. Чўлпон публицистик асарларининг лингвистик таҳлили: Филол.фан.номз. ...дис.автореф. – Тошкент, 2004.
3. Тошалиев И.Сарлавҳа стилистикаси. Тошкент: Университет, 1995. - Б. 12.

NAVOIYNING “LAYLI VA MAJNUN” DOSTONI HAQIDA OYBEK BILDIRGAN MULOHAZALAR XUSUSIDA

O. Shodiyev, M.Yusupova talaba

*... Bu ulug‘ amir din-u davlat homiysi,
shariat hamda millatning pushti panohidir”.*

Davlatshoh Samarqandiy

Buyuk mutafakkir shoir – Nizomiddin Mir Alisher Navoiy ijodi, nafaqat o‘zbek adabiyotida, balki, jahon adabiyotida ham o‘chmas iz qoldirgan millat iftixorlaridandir. Bu daho ijodida xalq, millat, yurt va bashariyat taqdiri bilan birgalikda, har bir zamonning azaliy muammolaridan bo‘lmish muhabbat mavzusi ham yetakchi o‘rinni egallaydi. Ana shunday mavzuda yaratilgan asarlardan biri “Layli va Majnun” dostonidir.

Bu dostonda, shoir, mehr-muhabbat, vatangga sadoqat, komil inson g‘oyalari bilan birgalikda avom va xavvos ishlari misolida turli xildagi irfoniy timsollarni yaratadi. Bu haqda Dilnavoz Yusupova shunday ma’lumot beradi: *“Alisher Navoiyning “Layli va Majnun” dostoni turkiy tilda ushbu mavzuda yaratilgan ilk doston bo‘lib, Navoiy uni yaratishdan avval arab rivoyatlari bilan bir qatorda Nizomiy Ganjaviy, Xusrav Dehlaviy, Ashraf Marog‘iy va Shayxim Suhayliy dostonlarini chuqur o‘rganadi. U xamsanavislikda o‘zigacha mavjud an‘analardan ijodiy foydalangan holda o‘z dostoniga yangicha ruh bag‘ishlaydi, o‘z davrining talab va ehtiyojlaridan kelib chiqib, “afsonaga yangi libos kiygizadi” [1].*

Bu doston haqidagi ayrim adabiy-tanqidiy qarashlar Alisher Navoiy zamondoshlari va mumtoz adabiyotimizning ko‘zga ko‘ringan ijodkorlari asarida uchratadigan bo‘lsak, keyinchalik shoir ijodini o‘rganish Alisher Navoiy tavalludining 500 yilligi munosabati bilan shoir asarlarining dastlabki matnlari yaratilishi bilan boshlandi. Xususan, 1939-yilda “Xamsa”ning qisqartirilgan varianti tarkibida “Layli va Majnun” dostoni ham mavjud, keyinchalik 1960-yilda Porso Shamsiyev tomonidan “Xamsa”ning mukammallashtirilgan nashrida ham bu dostonni uchratamiz. Mustaqillik sharofati bilan 1992-yilda yaratilgan Alisher

Navoiy mukammal asarlar to'plamining IX tomida, keyinchalik 2006-yil va 2011-yillarda alohida holatda yoki o'n tomli asarlari tarkibida keltirildi. Bundan tashqari, bu asar yuzasidan ilmiy tadqiqot ishlari ham olib borildiki, ilmiy jamoatchilikka Navoiyning "Layli va Majnun" dostoni, uning badiiy xususiyatlari, shuningdek, shoir mahoratini ochib berishga qaratilgan alohida maqola va tezislar yuzaga keldi. Navoiyshunoslik karvonining namoyondalari O. Sharafiddinov, M. Shayxzoda, Oybek va keyingi davrlarda T. Ahmedov, S. Narzullayeva, A. Qayumov, N. Komilov, I. Haqqulov, B. Eraliyev, X. Mamatqulova, F. Nabiyev kabilar bu xayrli ishda yetakchilik qildilar. Bular ichida Oybek alohida ehtiromga sazovor.

"O'z zamonasining Navoiysi" deya e'zozlangan Oybekchalik hech kim Navoiy hayoti va ijodi, uning shaxs dahosini keng planda o'rganmagan edi. Uning ketma-ketlikda Navoiy haqida kichik hikoya va qissalar yozishi bilan birgalikda, buyuk shoir shaxsiyatini to'laqonli aks ettirgan "Navoiy" romanini yaratdiki, bu Mavlono Oybekning o'zbek adabiyoti oldidagi buyuk xizmatlaridan biri bo'ldi.

Oybek Navoiy hayoti va ijodiy faoliyatiga doir badiiy asarlar yaratish bilan birgalikda, zamonasining yetakchi navoiyshunoslaridan ham hisoblanadi. Jumladan, uning ushbu so'zlari Navoiy ijodiga berilgan haqqoniy baho edi: *"...Navoiyga qadar "Xamsa" yozish Sharqda ko'p shoirlarning ideali bo'lsa-da, uni yaratish sharafiga hamma ham muyassar bo'lavermaydi. Mashhur "Xamsa"lar orasida Navoiyning "Xamsa"si alohida o'rin oladi. Bu mustaqil va poetik e'tibor ila yolg'iz o'zbek adabiyotidagina emas, butun turkiy xalqlar tarixida yaratilgan, o'z sheriklari bilan bo'y o'lchashadigan bir tarzda ko'rkam asardir..."* [2, 68].

Bundan tashqari Oybekning o'sha davrda e'lon qilingan Navoiy ijodiga baho beruvchi bir qator maqolalarida, jumladan, "Navoiy haqida", "Navoiyning hayoti va faoliyati haqida", "(Navoiy) g'azaliyoti", "Dostonlar" nomi ostidagilarida shoirning hayot yo'li, shaxsiyati, g'azallarining tahlili va "Xamsa" tarkibiga kiruvchi dostonlarida millat, xalq dardining nechog'lik muhim ahamiyatga ega ekanligini ochib bera oldi. Bu maqolalarida Oybekning o'zi ta'kidlab o'tganidek, Navoiy ijodidagi ishq mavzusini alohida yoritib berilgandir.

Oybek “Xamsa” tarkibidagi “Layli va Majnun” dostoni haqidagi maqolasida, avvalambor, “Layli” va “Majnun” obrazlarining kelib chiqish genezisi haqida ma’lumot berish bilan birgalikda, Navoiy salafлари asariga yaratilgan kitoblardan, adabiy-tanqidiy maqolalardan ham xabardor ekanligini ta’kidlab o’tadi. Jumladan, “Layli va Majnun” haqida Oybek *“Bu doston mavzusi Sharqda mashhur bo’lgan ikki sevgili haqidagi arab afsonasidir...”* [2, 98] deya ma’lumot berar ekan, Nizomiy Ganjaviy haqida Dunayevskiyning maqolasini keltirib, bu asar juda ko’p taqlidiy asarlarga sabab bo’lganligini, XIV asrdan XIX asrga qadar o’n to’qqiz shoir aynan shu sujet ustida ishlab poemallar yaratganligini aytib o’tadi. Bundan tashqari, Dunayevskiyning bergan ma’lumotlarini umumlashtirib xulosa yasaydi: *“... Dunayevskiy shunga o’xshash sujet Bobil adabiyotida mavjud ekanligi to’g’risida ma’lumot borligini, undan arablarga o’tgan bo’lishi mumkinligini so’zlaydi. Afsonaning uzoq tarixga egaligi, zamon o’tishi bilan turli ijtimoiy sharoitlar va ideologik ta’sirlar natijasida o’zgarishlarga uchragani haqiqat...”* [2, 100].

Bu maqolani o’qish davomida bir narsaga e’tibor qaratishimiz zaruz. Shoir “Layli va Majnun” dostonining qisqacha mazmunini berar ekan, unda ushbu misralarga guvoh bo’lamiz: *“Ka’badan qaytgan Majnun sahroda yashaydi. Layli haqida g’azallar to’qib, faryod qiladi. Sahroda uning qurdoshlari – bo’ri, tulki va boshqa hayvonlar”* [2, 99]. Bizga ma’lum bo’lgan Alisher Navoiy “Layli va Majnun” dostonining matnlarida, jumladan, 1992-yilda Alisher Navoiy mukammal asarlar to’plamining IX tomi, 2006-yilda G’afur G’ulom nashriyotida chiqarilgan “Layli va Majnun” dostonlarining she’riy va nasriy bayoni va 2011-yillarda o’n tomli asarlari tarkibida keltirilgan “Layli va Majnun” dostonida sahroda kezgan Majnunga hamdard bo’lgan yirtqich hayvonlar sifatida faqatgina bo’ri tasviri beriladi. Bu maqolada esa “bo’ri, tulki va boshqa hayvonlar” deyilishi Oybekning Alisher Navoiy “Layli va Majnun” dostonining boshqa matnlaridan xabardorligini yoki maqoladagi shaxsiy fikr ekanligini anglatadi. Ikkinchi taxmindan ko’ra birinchi taxmin haqiqatga yaqinroqdir.

Doston haqida olim, shunday xulosa chiqaradi: “*Doston kuchli va samimiy sevgan, sevgiga sodiq bo‘lgan, lekin butun intilishlariga qaramay, hayotda bir-biriga qovusha olmagan yolg‘iz o‘limning sovuq og‘ushida birlashgan, birga ko‘milgan oshiq-mashuqning taqdirini hikoya qiladi...*” [2, 100]. Shu bilan birgalikda, Oybekda bir savol tug‘iladi: “*Ularni nima ayiradi?*” Olim bu savolning javobini bir qancha misollar bilan isbotlashga harakat qiladi:

Birinchidan, otaning “Majnun”lik kuyida yongan oshiqqa o‘z suygan qizini berishdan or qilganligini.

Ikkinchidan, ular o‘rtasidagi sinfiy tabaqalanish (Oybek bu farzani keskin inkor qilgan. Sababi Oybekning fikricha, Laylining otasi boy badavlat bo‘lsa, Qaysning otasi ham undan qolishmaydigan qabila boshlig‘i va davlatmand bir shaxs. Shu o‘rinda Dunayevskiyning bunga sabab qilib ko‘rsatgan qarashlari, ya’ni jamiyatda mavjud yoshga qarab odamlarning turkumlanishi, jinsiy munosabatlarni idora qiluvchi qoidalarning buzulganligini Oybek tomonidan misollar bilan rad etiladi: “*...Arablarning qabilaviy hayotida buning o‘rin tutganligi ma’lum emas. Navoiy dostonida ham bunga ishora yo‘q...*” [2, 100].

Uchinchidan, Oybek ijodida davr ruhining ma’lum darajada aks etganligini ko‘rib o‘tamiz. Olim yoshlarning hayotida ota hukmronligi mavjuddir, deya bir qancha misollarni keltiradi. Jumladan, Layli ota qistovi bilan Ibn Salomga unashtirilganligini, Majnun esa ota so‘zidan chiqa olmay Navfal qiziga uylanishga rozi bo‘lganligini, yoki Navfalning qizi qalbini tanimay Majnunga zo‘rlab uzatganligini (Bu misollar va mulohazalarda Oybekning ma’lum darajada mafkuraga bo‘ysunishi sezilsa-da, ammo bu jihat maqolaning ilmiy saviyasini tushirolmagan).

Maqolaning so‘ngida, ijodkor, bu savol yuzasidan o‘zining xal qiluvchi xulosasini aytadi: “*...Layli va Majnunning qovusha olmaganligiga asosiy sabab ikki qabila orasida iqtisodiy yoki boshqa masalalar natijasida yuz bergan dushmanlik bo‘lsa kerak*” [2, 102].

Xulosa o‘rnida shuni aytishimiz lozimki, Oybek Navoiy ijodini o‘rganishda **birinchidan**, yangicha usul va qarash orqali o‘zining haqqoniy xulosasini bera

oldi, **ikkinchidan** esa Navoiy ijodidagi o'ziga xosliklarni to'g'ri baholash orqali asarlarning badiiy jozibasi bilan birgalikda, uning qiymatini oshiruvchi o'rinlarni topa bildi. Bir so'z bilan aytganda Navoiy ijodini o'rganishda o'ziga xos maktab yaratdi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Алишер Навоий асарларининг қомусий луғати. Икки том. – Тошкент, 2016.
2. Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. XIII том. – Т.: Фан, 1979.
3. Дилнавоз Юсупова. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. – Т.: Akademnashr, 2013.
4. Sadridin Ayniy. Tanlangan ilmiy asarlar. – Т.: Fan, 1978.
5. Nazrullaeva S. Tema “Leyli i Medjnun” v literaturax narodov sovetского Vostoka. – Т.: 1983.
6. A. Hayitmetov. Alisher Navoiyning adabiy-tanqidiy qarashlari. – Т.: 1959.

KESIMNING TUZILISHIGA KO'RA TURI HAQIDA AYRIM MULOHAZALAR

Ilmiy rahbar: Z. Jumayeva

Talaba Sh. Boboqulova

Kesimlik, ya'ni shaxs – son, zamon, tasdiq – inkor, modallar ma'nosini ifoda etgan gapning markaziy bo'lagi kesimdir. Kesim nima qildi? nima qilyapdi? nima qiladi? (ba'zan nechanchi? qanday?) kabi so'roqlarga javob bo'ladi.

Kesimning tuzilishiga ko'ra turlari adabiyotlarda turlicha keltirilgan. Litsey, maktab va kasb-hunar kollej darsliklarida kesimning tuzilishini ikkiga bo'ladi. Sodda kesim va murakkab kesim.

Birgina so'z bilan ifodalangan kesim sodda kesim deyiladi. 1.Paxta va tillodan yurt bezanadi. 2.Alisher Navoiy she'riyat mulkinging sultoni.

Ikki va undan ortiq so'z bilan ifodalangan kesim murakkab kesim deyiladi. Masalan: 1. Ayoqli kunlar asta – sekin o'tib borayotir. 2. Uchrashuv qiziqarli bo'ldi. 3. Qog'ozga tushirilmagan ilm unutilib ketadi.

Murakkab kesim tarkibidagi so'zlardan biri yordamchi so'zlar (ko'makchi fe'l, bog'lama, nisbiy so'zlar v.b) dan bo'lishi mumkin. Misol; 1.Hozir bu yerga ko'p sayohatchilar tez – tez kelib turadi. 2.Zulfiyaxonim el muhabbatiga, ayollar ishonchiga tasodifiy bir holatda muyassar bo'lgan emas.

Akademik litsey va kasb-hunar kollej darsliklarida “Hozirgi o‘zbek adabiy tili”. “Toshkent. Ilm ziyo – 2013”, (53-54 –bet) ham kesimning tuzilishini 2 guruhga bo‘lgan. Faqat bir so‘z bilan ifodalangan kesimga sodda kesim ikki va undan ortiq so‘z bilan ifodalangan kesimga esa qo‘shma kesim deyiladi. **Masalan, Qirlarda lolalar ochildi gapida** - “ochildi” sodda kesim, “Lolazor” romanini o‘qib chiqdim gapida “o‘qib chiqdim” bo‘lagi qo‘shma kesim sanaladi. Malika bu manzarani ko‘rib og‘zi ochilib qoldi. Bugun sinfimizda tadbir bo‘ladi.

Oliy o‘quv yurti darsliklarida kesimning tuzilishini 3 guruhga bo‘lgan. Sayfullayev R, Mengliyev B, Boqiyeva G birgaligida tuzilgan “Hozirgi o‘zbek adabiy tili” darsligida (Toshkent 2006) kesimning tuzilishini 3 ga bo‘ladi. Sodda kesim, tarkibli kesim va murakkab kesim.

Bir mustaqil so‘z bilan ifodalangan kesimlar soddadir. **1. Sen bahorni sog‘inmadingmi? (A.Oripov). 2. Majlis shunga qaror qildi. 3. Mana bu – yeryong‘oq.**

Yetakchi va yordamchi a‘zodan tuzilib, yetakchi a‘zo lug‘aviy ma‘noga ega bo‘ladi, yordamchi a‘zo esa grammatik ma‘no tashiydi. Misollar: 1. Anjir kulchaday yirik va holvaytarday yumshoq edi, (Oybek) yumshoq yetakchi komponent, edi – yordamchi komponent. Hammasi sen uchun, dilovar uchun: sen – yetakchi komponent hisoblanadi, uchun – yordamchi komponent. 3. Bunday odamlarni nodon hisoblashadi. (Kalila va Dimna): nodon – yetakchi komponent hisoblashadi-yordamchi komponent.

Murakkab kesim so‘z birikmasi holidagi kengaygan so‘z bilan ifodalanadi. 1. Bu kun biz uchun og‘ir kun. 2. Sherzod yulduzni benarvon uradigan yigit.

Oliy o‘quv yurtining “O‘zbek tili praktikumi” darsligida (Asqarova M, Yunusov R v.b. Toshkent – 2009. 215-216 - bet) kesimning tuzilishi uchga bo‘ladi.

Sodda kesimlar birgina so‘zdan tashkil topgan bo‘ladi. Sodda kesim vazifasida fe‘l, ot, sifat, olmosh, ravish va bor, yo‘q so‘zlari keladi. 1. Men ikki yildan buyon shu oliy o‘quv yurtida o‘qiyapman. 2. Ukam hali yosh. 3. Bu ishda uning zarracha aybi yo‘q. 4. Yer to‘ysa, el to‘yadi. 5. Azim non shahri Samarqand.

Sostavli kesimlar ikki yoki undan ortiq soʻzning birikuvidan tuziladi. Bunday kesimlar, asosan, qoʻshma soʻzlardan tashkil topgan boʻlib, ularning tarkibida hech qanday sintaktik aloqa mavjud boʻlmaydi. Chunki ular bir gap boʻlagi sifatida olinadi. Sostavli kesimlar feʼl – feʼl shaklida qoʻllanishi bilan birga feʼldan boshqa soʻz turkumlarining birikuvidan hosil qilinadi. Misol: 1. Men yaxshi hikoyani oʻquvchilarga soʻzlab berdim. 2. Oʻquvchilar bizdan mamnun boʻlishdi. 3. Yangi taklifni aytgan men edim. 4. Sharoitimiz yaxshi boʻlib qoldi.

Keltirilgan misollarning birinchisida birgalikda feʼl+feʼl shaklidagi sostavli kesim boʻlib kelgan. Qolgan misollarda sostavli kesimlar birdan ortiq soʻz bilan ifodalanib ular ot+feʼl, olmosh+feʼl va sifat+feʼl shaklida sostavli kesim boʻlib kelgan. Yuqoridagilardan koʻrinadiki, bunday kesimlar ikki yoki uch soʻzdan tuzilgan boʻlsa ham ular orasida hech qanday sintaktik aloqa yoʻq.

Kesimning tuzilishiga koʻra turlaridan uchinchi turi murakkab kesim deb nomlanadi. Bunday kesimlar ham sostavli kesimlar kabi ikki uch va undan ortiq mustaqil soʻzlardan tashkil topadi. Murakkab kesim tarkibidagi boʻlaklar orasida turli sintaktik aloqa, (moslashuv, boshqaruv, bitishuv) sintaktik munosabatga kirishsa ham sodda kesimlar kabi bitta soʻroqqa javob boʻladi.

Murakkab kesim tarkibida soʻz birikmalari kabi, tobe va hokim boʻlaklar mavjud boʻlgani va ular turli birikmalarni tashkil qilgani uchun ularni birikmali kesim deb ham atashgan. Masalan: Navoiy gʻazal mulkining sultonidir gapida Navoiy soʻzi ega vazifasida kelgan boʻlib, shu ega uchun sultonidir, soʻzini kesim deb boʻlmaydi, mulkining sultonidir deb ham ega va kesim munosabatini koʻrsatuvchi predikativ birikmani hosil qilib boʻlmaydi. Gʻazal mulkining sultonidir soʻzlarini birga olib gapdagi ega vazifasida kelgan. Navoiy soʻzi bilan birga Navoiy gʻazal mulkining sultonidir deb qoʻllasak, ega va kesim munosabati toʻliq anglashiladi. Demak, bu gapda Navoiy soʻzi ega hisoblansa, gʻazal mulkining sultonidir soʻzlari birgalikda murakkab kesimni tashkil qiladi. Xuddi “Shuningdek: Doʻstlik – xalqimizning xulqi, odati gapida doʻstlik ega xalqimizning xulqi, odati kesim”, yoki boʻlmasa, “Maktab – ilm oʻchogʻi” jumlasida maktab ega, ilm oʻchogʻi kesimdir.

Oliy o'quv yurti talabalari uchun mo'ljallangan "Hozirgi o'zbek adabiy tili" so'z birikmasi va sodda gap sintaksisidan kelsiyalar (B.O'rinboyev. Toshkent 1990. 36-37 bet) darsligida kesimning tuzilish jihatdan turini sodda sostavli va murakkab kesimga bo'ladi.

Sodda kesim sintaksiz formadagi so'z bilan ifodalanib eganing belgisini anglatgan kesim sodda kesim deb ataladi. Sodda kesim ifodalanishiga ko'ra ikki turli bo'ladi. Sodda ot kesim va sodda fe'l kesim. Sodda ot kesim shaklida ot va otlashgan so'zlar qo'llaniladi. Masalan: 1. U – jamoat arbobi.

Sostavli kesimning tarkibi yetakchi va ko'makchi elementlardan iborat bo'ladi. Tog' oralig'i asta – sekin torayib boraverdi. Sostavli kesimlar sodda kesimlar kabi sostavli ot kesim va sostavli fe'l kesimga bo'linadi.

Sostavli ot kesimlar keng ma'nodagi ot+bog'lama, yoki to'liqsiz fe'l tipidagi qoliplar bilan ifodalanadi. Kelgan ikki kishi professor ekan.

Sostavli fe'l kesimlar, ikki yoki undan ortiq negizdan tashkil topgan fe'llar bilan ifodalanadi. 1. Gapning ochig'ini aytdingiz – qo'yingiz. 2. Bu nihol 2 – 3 yilda o'sib keladi.

Murakkab kesim ikki va undan ortiq so'zlarning grammatik – semantik munosabatidan tashkil topib, bir butun holda kesim sifatida shakllangan hodisalardir. Murakkab kesimlar quyidagicha ifodalanadi. 1. Turg'un birikmalar bilan. Bizning yurtimiz – O'zbekiston Respublikasi. 2. Fraziologik birikmalar bilan. U tegirmonga tushsa butun chiqadi.

Oliy o'quv yurtining "O'zbek tili praktikumi" darsligida (Asqarova M, Yunusov R v.b. Toshkent - 2009).

Bundan farqli o'laro qo'shma fe'llarni sodda kesim sanagan. Maktab, akademik litsey va kasb – hunar kollejlarida esa qo'shma fe'llarni qaysi guruhga kiritish to'g'risida aniq ma'lumot berilmagan.

Yuqoridagilardan ko'rinib turibdiki, Oliy o'quv yurtining "Hozirgi o'zbek adabiy tili" darsligida kesimning tuzilishi haqida to'liqroq ma'lumot keltirilgan. Kesimning tuzilishi to'g'risida ma'lumotlarni o'rta ta'lim darsliklarida ham kengroq qilib berilishi maqsadga muvofiq bo'lardi. Chunki, Bilimning onasi

takrorlashdir. Ma’lum bir vaqt bu mavzuni takrorlamasligi o’quvchilarni kesim haqidagi bilimni chegaralaydi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO’YXATI

1. Umumiy o’rta ta’lim maktablarining 8-sinf uchun darslik qo’llanmasi (Toshkent 2014).
2. “Hozirgi o’zbek adabiy tili” .(Toshkent “Ilm ziyo - 2013”).
3. Sayfullayev R, Mengliyev B, Boqiyeva G. “Hozirgi o’zbek adabiy tili” .(Toshkent 2006)
4. “O’zbek tili praktikumi”. (Asqarova M, Yunusov R v.b. Toshkent - 2009).
5. “Hozirgi o’zbek adabiy tili” so’z birikmasi va sodda gap sintaksisidan kelsiyalar (B.O’rinboyev. Toshkent 1990).

FE’LNING VAZIFA SHAKLLARI

Talaba S.Lapasova,

Ilmiy rahbar: Z.Jumayeva

Boshlang’ich ta’lim jarayonlarida, chunonchi, 4-sinfda ilk bor fe’l so’z turkumi haqida o’quvchilarda tushuncha hosil qilinadi. Shundan so’ng o’rta ta’lim, oliy ta’lim muassasalarida bu so’z turkumi borasida murakkab darslar olib boriladi. “Ona tili” (umumiy o’rta ta’lim maktablarining 6-sinfi uchun darslik, “Tasvir” nashriyoti uyi. Toshkent – 2013 yil.) darsligida (31-bet) fe’l so’z turkumi quyidagicha ta’riflanadi.

Nima qilmoq? nima bo’lmoq? so’roqlariga javob bo’lib, shaxs yoki narsalarning harakat, holatini ifodalagan so’z turkumi fe’l deyiladi.

Demak, lug’aviy (atash) ma’nosi harakatni yoki holatni ifodalagan so’zlarga fe’l deyiladi. Fe’llar shaxs yoki narsaning bajargan yoki bajarmagan harakatini, bir holatdan ikkinchi holatga o’tganligini bildirib keladi.

Masalan: mashina yurdi, o’qituvchi gapirdi, olmalar qizardi, paxta ochildi.

Fe’lning vazifa shakllari nima ekanligiga to’xtalib o’tamiz. Fe’llar gapda boshqa so’zlar bilan bog’lanib, kesim, ega, to’ldiruvchi, aniqlovchi, hol vazifasida kelishi mumkin. Buning uchun fe’l maxsus shakllarga ega bo’ladi. Turli gap bo’lagi vazifasida kelish uchun xoslangan fe’l shakllari fe’lning vazifa shakllari sanaladi.

“Ona tili” 6-sinf uchun darslik (Tasvir nashriyot uyi. Toshkent – 2013) da fe’llarning vazifa shakllarini 4 ta deb ko’rsatilgan. Ular:

- 1) sof fe'l shakli (o'qidi);
- 2) harakat nomi shakli (o'qimoq. o'qish);
- 3) sifatdosh shakli (o'qigan, oqar);
- 4) ravishdosh shakli (o'qib, kelgach).

Bundan farqlio'laroq "O'zbek tili praktikumi" (M.Asqarova, R.Yunusov va boshqalar. Toshkent – 2006. "Iqtisod – moliya") o'quv qo'llanmasida fe'ning vazifa shakllarini 3 ta deb berilgan (173-bet):

Fe'ning vazifadosh shakllari deganda fe'ning gapda ma'lum sintaktik vazifani bajarishga xoslangan shakllari tushuniladi. Fe'ning vazifadosh shakllari 3 xil: sifatdosh, ravishdosh, harakat nomi. Bu shakllar mavjudligi uchun fe'llar gapda ega, to'ldiruvchi, aniqlovchi bo'lib kela oladi.

Ko'rib turganimizdek, ushbu tavsifda sof fe'l shakli berilmagan. Shuni ta'kidlash o'rinliki, fe'ning sof fe'l shakli – bu fe'lni gapda kesim vazifasini bajarishga xoslaydigan shaklidir. Sof fe'l shakli zamon, mayl, shaxs-son ma'nolarini ko'rsata oladi. Masalan: Do'stim, yaqinlaringiz ishonchini aslo yo'qotmang gapida yo'qotmang fe'li sof fe'l shakli bo'lib, kelasi zamon, II shaxs, ko'plik va buyruq – istak mayli ma'nolarini ifodalaydi.

Fe'ning otga xoslangan shakli harakat nomi deyiladi va fe'l asoslariga – (i) sh, - (u) v, - moq, - mak qo'shimchalarini qo'shish orqali hosil qilinadi. Xoslanish nima degan savol tug'ilishi tabiiy. Fe'ning otga xoslanishi – bu fe'ning maxsus qo'shimchalar qabul qilib, ot bajargan vazifani bajarib kelishi, ot javob bo'lgan so'roqqa javob bo'lishi demakdir. Masalan, Maqsadimiz – o'qish gapida o'qish so'zi ot-kesim vazifasida kelyapti. Chunki, bu so'z nima? so'rog'iga javob bo'ladi, o'zagi – fe'lni bildirgan so'z otga xoslanish orqali u bajargan vazifani bajaryapti.

A yoki i unlisi bilan tugagan fe'l asoslariga harakat nomining **-v** qo'shimchasi qo'shilganda **a** unlisi **o** ga, **i** unlisi **u** ga aylanadi va shunday yoziladi.

o'qi-o'quv,
so'ra-so'rov,
tanla-tanlov.

Harakat nomi fe'lining noaniq shakli bo'lib, u shaxs-son, zamon va maylni ko'rsatmaydi. Zamon va maylni ko'rsatmaydi. Lug'atlarda fe'llar harakat nomi shaklida beriladi:

to write – yozmoq;

to read – o'qimoq;

to play – o'ynamoq.

Harakat nomi fe'lga xos bo'lgan quyidagi xususiyatlarga ega:

a) bo'lishli – bo'lishsizlik ma'nolarini ko'rsatish:

b) aytish – aytmaslik;

bilish – bilmaslik.

b) nisbat qo'shimchalarini qabul qilish: gapirish – aniq nisbatda, gapirtirish – ortirma nisbatda, terilish – majhul nisbatda, yuvinish – o'zlik nisbatda.

Shuningdek, harakat nomi otga xos bo'lgan quyidagi xususiyatlarga ega:

a) egalik qo'shimchalarini oladi: kuylashim, borishimiz, kulishing.

b) kelishik qo'shimchalarini oladi: tikishni, tanlovga, so'rovdan.

c) ko'plik qo'shimchalarini oladi: aralashuvlar, saylovlar, olishuvlar.

Harakat nomi ot bajargan barcha sintaktik vazifalarni bajaradi:

a) ega: Takrorlash – bilimning onasi.

b) ot kesim: Maqsadim – baxtli yashash.

c) qaratqich – aniqlovchi: bilmaganni so'rashning aybi yo'q.

d) to'ldiruvchi: Respublika miqyosidagi tanlovlarda ishtirok etishni xohlayman.

e) hol: voqeani uyga ketishda batafsil aytib beraman.

Fe'lining sifatga xoslangan shakli sifatdosh deb yuritiladi. Sifatdosh predmetning belgisini bildiradigan fe'l shakli hisoblanadi.

Sifatdosh fe'lining sifatga yaqin shakli bo'lib, xuddi sifatlar kabi otga bog'lanadi va uning belgisini aniqlab keladi. ("O'zbek tili praktikumi" Toshkent – 2006 y).

Sifatdoshlar belgi bildirish bilan sifatlarga o'xshaydi, lekin sifatlar shaxs va narsaning turg'un, beqaror belgisini bildirsa, sifatdoshlar o'zgarish, harakat, holat belgisini ifodalaydi. Masalan: qizil (sifat) mashina, qizargan (sifatdosh) olma.

Sifatdoshlarning sintaktik vazifasi shundan iboratki, ular har doim otga bog'lanadi yoki gapning oxirida keladi.

a) otga bog'lansa sifatlovchi – aniqlovchi: aytilgan gapni aytmasligimni buyurdi.

Sayyora onasi aytgan topshiriqlarni bajarib bo'lgan edi (har ikkala gapda ham otga bog'landi).

b) gapning oxirida kelsa fe'l kesim: stullar qator qilib qo'yilgan, o'rtada stol ustiga dasturxon yozilgan, guldondagi gullar xushbo'y hid taratar, sokinlik hukm surar. Ushbu gapda ikkita o'tgan zamon sifatdoshi va ikkita kelasi zamon sifatdoshi fe'l kesim vazifasida kelgan.

Ma'lumki, o'zbek tilida kesim qat'iy joylashgan bo'lib, u gapning oxirida keladi. Agar gapda gap bo'laklari inversiyaga uchragan bo'lsa, gapni odatdagi tartibga amal qilgan holda o'qish kera. Shunda gap bo'laklarini aniqlash oson bo'ladi. Masalan:

Burchak – burchakda jim tortishar burun,

Bilmam qanday o'y-u hayol ichida.

Tuzsiz she'rlarim deb shirindan-shirin,

Bolalarim yurar oyoq uchida.

(M.Yusuf)

Ushbu she'riy parchada, jim burun tortishar hamda oyoq uchida yurar birikmalari inversiya hodisasiga uchragan va bunda ikkita kelasi zamon sifatdoshi ishtirok etgan.

Quyidagi maqollarda ham inversiyaga uchragan sifatdoshlarni ko'rish mumkin:

Sabr ayla, murodim hosil bo'lar deb,

Quyoshing charoqlar, bulutni yengib.

Mevadan rang olar meva, bu maqol,

Yomondan zavol-u, yaxshidan-kamol.

Bahona egrilikdir, hiyladir, e, bas,

Bahona to'g'rilikka hech to'g'ri kelmas.

(kelmas sifatdoshning bo'lishsiz shakli)

Boqsa gar har molga zamona zayli,

Unga oshib borar xaridor mayli.

(Tojikchadan Jonibek Quvnoq tarjimasi)

Fe'lning ravishga xoslangan shakli ravishdosh deyiladi. Ravishdoshlar harakatning belgisini bildirishi bilan ravishga o'xshashdir. Ravishdosh ham ravish kabi fe'lga bog'lanib, uning belgisini bildiradi. Solishtiring: piyoda (ravish) keldi, shoshilib (ravishdosh) keldi. ("Ona tili" 6-sinf uchun darslik. Toshkent – 2013).

"O'zbek tili praktikumi" (Toshkent - 2006) o'quv qo'llanmasida ravishdosh quyidagicha ta'riflanadi:

Ish – harakat belgisini bildirgan, uning qay holatda, qachon va nima maqsadda bajarilishi anglatadigan fe'l shakli ravishdosh deyiladi. Ravishdoshlar fe'lga bog'lanadi va gapda, asosan, hol bo'lib keladi. Shu payt chorbog'dan echki yetaklab Dildor kirib keldi. (S.Ahmad). Ko'rib turganimizdek, ushbu qoidaga ravishdoshning eng asosiy belgisi, ya'ni fe'lning ravishga xoslangan shakli ravishdosh ekanligi aytib o'tilmagan. Ravishdoshni ravishdan ajratishning bir yo'li – berilgan so'zlarning o'zagiga e'tibor qaratishdir. Masalan: kecha (ravish), ketgach (ravishdosh). Berilgan ikkinchi so'zning o'zagi fe'l so'z turkumiga mansub. Fe'lning ravishga xoslanganligi ham aynan shu hodisadir, ya'ni fe'lga ma'lum qo'shimcha (ravishdosh yasovchi qo'shimcha) qo'shganimizda yasalgan so'z fe'lga bog'lanadi va u harakatning bajarilish yoki bajarilmaslik paytini, sababini, maqsadini bildiradi.

Ravishdoshning – (i) b, - a// - y shakllari ko'proq harakatning holatini, ba'zan payt, sababini, - gancha (-kancha, - qancha) shakli holatini – gach, (-kach, -

qach), - guncha (kuncha, - quncha) shakllari paytini, - gani (- kani, -qani, -gali) shakli maqsadini anglatadi. Misollar:

Siylagani puling bo'lmasa,

Siypagani tiling bor.

Aslida, qosh qorayguncha yetib, olish kerak (**Omon Muxtor**)

Tog'ga yetgach, qo'ylarni o'z holiga tashlab qo'ydi. (**Tog'ay Murod**)

Men bobomning maqtovini eshitib, kekkayib bormoqdaman. (**A.Qodiriy**)

Xola, ukam qani olib ketgani keldim. (**H.Badalov**)

Ravishdoshlar har doim fe'lga bog'lanadi. Shuning uchun ravishdosh fe'lning hol vazifasini bajarishga xoslangan shaklidir. **Tepalikdan o'tgach chavondoqlar birin-ketin orqada qola boshladi.**

Shunday qilib, yuqorida fe'lning vazifaviy shakllari bilan qisqacha tanishdik. Turli darslik, o'quv qo'llanmalarda turlicha berilganining guvohi bo'ldik.

Akademik litsey o'quvchilari uchun nashr etilgan 3-tomlik "Hozirgi o'zbek adabiy tili" darsligida esa, afsuski, fe'lning vazifaviy shakllarini uchratmaymiz, ammo ushbu darslikda mazkur mavzu yuzasidan ham ma'lumotlar berilsa maqsadga muvofiq bo'lar edi. Chunki, o'quvchi uchun oliygohga kirgunga qadar 6-sinf darsligidagi ma'lumotlar bilan cheklanib qolmasligi lozim.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. "Ona tili" 6-sinf uchun darslik (Tasvir nashriyot uyi. Toshkent – 2013)
2. "O'zbek tili praktikumi" (M.Asqarova, R.Yunusov va boshqalar). Toshkent – 2006. "Iqtisod – moliya".

II. ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИ, ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

НАВОИЙНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА ИККИ ОҒИЗ СЎЗ

проф. У.А. Жуманазаров

Темурийлар даври фани ва маданияти ҳақида маданий меросимизда жуда кўплаб тарихий асарлар мавжуд. Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкиратуш - шуаро», Бобурнинг «Бобурнома» каби машҳур тарихий асарлари қатори Хондамирнинг «Макоримул - ахлоқ» номли асарининг ҳам алоҳида ўз ўрни ва нуфузи бор.

Хондамирнинг ушбу асари темурийлар даврининг буюк фарзанди, ҳазрат Алишер Навоийнинг маданий-маърифий ва ташкилотчилик фаолиятига бағишланган. Тарихчининг гувоҳлик беришича, Навоий жамоат ва давлат арбоби сифатида Хиротда катта-катта чиройли ва ҳашаматли қурулиш ишларини бошлаб, мамлакат ободончилиги учун бутун кучини сарф қилган. Баъзан давлат маблағи ва кўпинча шахсий маблағи ҳисобига катта-катта мачит, мадраса, хонақоҳ, ҳаммом, шифохона, работ, кўприк қурган ва қурулиш ишларини бошқарган. Барпо қилинганларнинг ичида энг каттаси ва машҳури Инжил дарёси бўйидаги ниҳоятда зеб – зийнатли қилиб ишланган «Ихлосия» мадрасаси ва «Холосия» хонақоҳидир. «Макоримул – ахлоқ»да ёзилишича, бу қурулишлар битгандан сўнг 20 йил муддат ичида дунёнинг ҳар тараф ва ҳар бурчагидан келган талабалар турли илм ва фанларни ўрганишган, сўнгра эса ўз ватанларига хурсанд ҳолда қайтиб кетишган. Навоий бобомизнинг бевосита саъий – ҳаракатлари билан уларга махсус нафақалар берилган, деярли ҳар куни ғариб ва мухтожларнинг кундалик ҳаёти учун қайғурган, кези келганда кийим кечак ва озиқ овқатлар билан таъминлаб турган.

Хондамирнинг берган маълумотига қараганда, энг катта маърифат ва маънавият ўчоқларидан «Ихлосия» мадрасаси ва «Холосия» хонақоси қатори яна «Шифоия», «Низоия» Марн шаҳридаги «Хусравия» каби мадрасалар ҳам катта шуҳрат қозонган. Темурийлар авлодидан бўлмиш Бобур Мирзо Хиротдаги йигирма кунлик саёҳатида йўл бошловчи Юсуф Али Кўкалдош бошчилигида ушбу муқаддас даргоҳларни зиёрат қилганлигини мамнуният билан таъкидлайди: «... Алишербекнинг ултурур уйлариким, «Унсия» дерлар, мақбара ва масжиди жомениким, «Кудсия» дерлар, мадрасаси ва хонақоҳиниким, «Холосия» ва «Ихлосия» дерлар, ҳаммом ва дориуш-шифониким «Сафоия» ва «Шифоия» дерлар, борини андак фурсатга сайр қилдим».

Алишер Навоийнинг муборак номи билан бевосита ва билвосита боғлиқ бўлган бинолар, бунёд этилган иморатларнинг сони жуда кўп. Хондамир ўзининг «Макоримул-аҳлоқ» асарида уларни бирма-бир санаб ўтади, сўнгра зикр қилган биноларнинг «шарофати ва бароқати бутун дунёга шу қадар машҳурки, бундан зиёдани хотирга келтириб бўлмайди...» деб ёзади. Биз қуйида уларнинг айримлари номлари келтираемиз:

1. Аллома бобомизнинг ҳиммат қўли билан жуда кўп масжидлар қурилган. Уларнинг айримлари: Сари пули Инжил масжиди; Тали Қутбон масжиди; Улуғ Ота масжиди; Амир Ислон масжиди; Чақорсуқи Мирзо Алоуддавла масжиди; Қаландарон масжиди; Мир Одил масжиди; Ибдигоқ, Бахра, Гур, Кушнаж қишлоқларидаги масжидлар; Сарахс масжиди; Кароти Таршиз масжиди; шунингдек, Астробод, Исфизор, Пули Корд масжиди жомелари шулар жумласидандир. Тарихчи Хондамирнинг қайд этишича, «Булардан бошқа бино қилинган мадраса, хонақоҳ ва работларда ҳам масжид қурилган».

2. Бобокалонимиз томонидан ташаббускорлик билан қурилган ҳовузларнинг айримлари қуйидагилар: Шолбофон, Пойдарахти Миросий, Чихлгази, Қаландарон маҳалларидаги ҳовузлар: Ур, Пушта, Ожаи Катта, Пир Кивом, Пуриён, Жориҳа, Сахройи Боганда, Шохони гармоб, Зирдоб,

Зиёратгоҳ, Андхуд, Роҳи Хоразм ҳовузлари; шунингдек, «Шифоия» ёнидаги ҳовуз, Машмудий сармозоридаги ҳовуз, Ихтиёриддин қалъаси олдидаги ҳовуздир.

3. Аллома бобомизнинг шахсий маблағи ҳисобига қуйидаги кўприклар ва тўғонлар ҳам қурилган: Сепулак, Соксалмон, Чихлдухтарон, Тарноб, Қаландарон, Қозбонон, Бойхўжа, Турук, Хайрабод кўприги ва тўғони, Муржонон, Қушанж, Наҳр араб, Чахчарон кабилар. Шунингдек, Тир ва Нигор номли кўприклар эса соф мрамрдан қурилган.

4. Хондамирнинг гувоҳлик беришича, қуйидаги ҳамомлар бобокалонимизнинг бевосита шахсий саъий ҳаракатлари туфайли бунёд этилган: «Шифоия» ёнидаги ҳаммом, Зиёратгоҳ Дарраи Занги, Саъдобод, Тувичи, Чихлдухтарон, Тарноб, Панжзех, Файзабож номли ҳаммомлар шулар жумласидандир.

5. Тарихчи бобомиз ўзининг «Мақоримул-аҳлоқ» асарида Алишер Навоий мансабдорлик кунларида, фуқаро ва дарвешларнинг фаровонлиги, ғариб ва мусофирларнинг фароғати учун Хуросон атрофларида 54 та работ қурилганлигини ҳам қайд этади. Биз улардан айримларининг номларини келтирамиз: Сари хиёбони, Хавзак, Тарноб, Хожа Дуко, Чаҳоршанба, Оқработ, Жом, Бақри, Диягор, Сақройи Боғонда ва ҳоказо.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, аллома бобокалонимиз ўз даврининг илм-маърифатпарвари ва жонкуяри сифатида ҳам халқ орасида катта обрўқозонган. Масалан, адабий – тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, шарқнинг йирик ва машҳур тарихчиларидан Мирхонд ва Хондамир, Хофиз Абруй, Абдураззоқ Самарқандий; мусиқашунослардан Хусайн Удий ва +улмуҳаммад Нойи, жуда машҳур рассомлардан Жамолиддин Беҳзод ва Шоҳ Музаффар, обрўси баланд хаттотлардан Султон Али ва Мир Али каби турли – туман касб-ҳунар эгалари ва илм-фан аҳллари Алишер Навоийнинг бевосита кўмакларини, маслаҳатлари-ю тарбиясини олганлар.

Булардан ташқари, бобомизнинг ижодий фаолиятидаги ёшларга бўлган муносабати, ғамхўрлиги, ҳомийлиги ва мураббийликлари алоҳида саҳифаларни ташкил этадики, биз буни шоирнинг «Мажолисун-нафоис» асаридаги мўътабар ва ишончли маълумотлар орқали билиб оламиз. Масалан, Самарқандлик Мирзо Хожа Сўғдий, Ҳаримий Қаландар Самарқандий, Мирзабек каби сафдошларига устозлик қилади; Машҳадлик Саид Абдулатиф, ҳисорлик +обулий, Андижонлик Юсуф Шоҳ ва Мавлоно Риёзий, Самарқандлик Давлатшоҳ, Муҳаммад Олим Самарқандий, Абдураззоқ Самарқандий, Дарвиш Аҳмад Самарқандий, Хожа Хаванд Абуллайс, Хожа Абулқосим Абуллайс каби қатор шоирлар, илм-фан мухлислари Алишер Навоийнинг ҳомийлигидан ва мураббийлигидан кенг баҳраманд бўлганлар.

Хуллас, темурийлар даври фани ва маданияти ҳақида, арбоблари ҳақида Хондамир анчагина ноёб маълумотларни ўз асарида беради. Бу эса ўша даврни ўрганшимизда муҳим асар сифатида ўзига хос тарихий мавқеига эга.

SHUKRULLO SHE'RIYATIDA KOMIL INSON TALQINI

Dots.A.Tursunqulov, o'qituvchi I.Umarov

Xalq donishmandlari shunday deyishadi: “Hayotingni shunday kechirginki, uni quyosh charaqlab turgan kunda, eng ketta maydonda, liq to'la odamlar qavrshisida, mag'rur va masrur turib gapirib berishdan tortinmaydigan bo'lgin”. XX asr o'zbek adabiyotining reivojlanishiga munosib hissa qo'shgan shoir, adib va dramaturg Shukrullo ana shunday sermahsul va ibratli umr kechirib kelayotgan insondir.

Shukrullo ijodkor sifatida eng avvalo shoir. Shoir bo'lganda ham o'zidan oldingi avlod ijodkorlari bilan 60-70-yillarda adabiyotimizda kirib kelgan ijodkorlarni bir-biriga bog'lab turuvchi azim bir ko'prikdir. Uning she'rlaridagi G'afur G'ulomga xos hayotni falsafiy idkor etish, Oybekga xos mayin lerizim, Shayxzodaga xos donishmandlik fikrimizning tasdiqidir.

Shoir Shukrullo butun ijodi davomida ustozlari kabi eng avvalo ma'naviy komil insonni kuylashga harakat qildi. Shu sababli ham ma'naviy barkamol kishilar va unga intiluvchi kishilar shoirning qahramonlaridir:

Agar yongin desang, mayli, yonaman,

Faqat yashash uchun tug'ilmas odam.

Hatto tuproqqa, men aylanaman,

Bir gul undurmoqqa, agar yarasam.

Shoirning "Roziman" she'ridan olingan bu parchada, tanqidchi Ibrohim G'afurov aytganidek, "O'tkir shoirona fikr bilan birga, kuchli alangali ruh ham bo'rtib turibdi."

Shoirlik nima? Bu kasbmi? Qismatmi? Taqdirmi? Qanday shoir bo'lish mumkin? Bu kabi so'ngsiz savollar Shukruloni doimo o'ziga jalb qilib kelgan. Shu sababli uning yillar davomida hayotdan olgan tajribalari, kuzatishlari asosida yuzaga kelgan "Javohirlar sandig'i" kitobida javob berishga harakat qiladi va quyidagi to'rtlikni ham ilova qilib o'tadi:

Shoir bo'lish qanday baxt, maza

Hamma uni sevib, taniydi,

Shoir bo'lish juda dahmaza

Hamma buni sezsa qaniydi.

Shukrullo o'z she'rlari uchun ma'naviy komil insonni lirik qahramon qilib tanlaydi. Ma'naviy komillik esa juda keng tushuncha bo'lib, bugungi kunda ham, o'tgan kunlarda ham jamiyatning asosini tashkil qilgan. Shu sababli, shoir ma'naviyatni o'z she'rlarida xilma-xil rekurslarda, ko'lamlarda tasvirlashga harakat qiladi:

Uzoqdan oyda ham ko'rinadi dog',

Yaqindan benuqson ko'rinar balki.

Sirdan baho berma odamga mutloq,

Yomon deganingning tozadir qalbi. (33-bet)

Yoki bir to'rtligida komillikning asosiy belgilaridan biri bo'lgan ona tiliga bo'lgan munosabatini shunday ifodalaydi:

Qay odam eslamas, yoshligin o'zin,

Shirin ona tilin yod etmas kim ham?

Unitar yoshligin o'z ona tilin,

Uning sutin ta'min unitgan odam. (36-bet)

Shoir ona tili ona suti orqali inson qalbiga kirib kelishini va unga bir umr hamroh bo'lib qolishini o'ziga xos misralarda ifodalagan.

Sevgi, muhabbat mavzuyi insoniyat uchun mangu va so'ngsiz mavzudir. Bu mavzuda necha asrlardan buyon o'zini shoirman deb bilgan har bir inson imkon qadar qalam tebratib kelmoqda, lekin hanuzgacha uning ta'rifini to'liq keltirdim degan ijodkor yo'q. Shukurullo ijodida ham bu mavzu o'ziga xos sifatga ega. Uning o'nlab sher'lari sevgiga, sadoqatga, vafoga bag'ishlangan. Chuqur iztirob, ichki dard, his-tuyg'uga boy chuqur lirizim bilan sug'orilgan she'rlari bilan bir qatorda, sevgini sodda, lo'nda, xalqona ta'riflaydigan she'rlari bor. Shu sababli bo'lsa kerak, turli anjumanlarda, uchrashuvlarda "sevgi o'zi nima?" deb savol beruvchi o'quvchilarga ko'pincha, shoir, quyidagi to'rt misrasini o'qiydi:

Sevgi nimaligin anglamoq bo'lsang,

Pokiza saqlamoq bo'lsang har nafas/

Mansab va husnning ketidan quvmay,

Sevgini vafo deb anglay olsang bas.

Shukurullo g'oyatda boy hayot yo'lini bosib o'tgan donishmand shoir. Uning hayotida zavqli kunlar ham, fojiali yillar ham bo'lib o'tdi. Shu sababli o'tmish kunlarni eslash shoirga hamma vaqt ham xursandchilik bag'ishlayvermaydi. Ehtimol shoirdagi hayotga munosabati uning she'rlariga donishmantlik, faylasuflik belgilarini olib kirgan bo'lsa ajab emas. Shu sababli shoir 1981-yilda "Yoshlik" jurnalida e'lon qilgan suhbatlarining birida o'z hayotidagi alamli kunlarni shunday eslaydi: "Men o'sha kunlar yodi bilan yashashni istamayman, xotira yozib nom chiqarishni ham. Rost, so'ngi paytlarda: "Siz nega qamalgansiz?", "Necha yil turmada yotgansiz?" deb so'rovchilarning sanog'i yo'q. Ehtimol bu mudhish ko'rgulik ayanchli taassurotlarni eshitish bo'lakchadir. Lekin men uchun – yorug' kunlar kelishiga umid qilib, har qanday sitam va musibatlariga, azob va uqibatlariga

chidagan, har qadamga ajal bilan yuzma-yuz kelgan, mahkumlikning, xo'rlikning jamiyli dahshatlarini boshidan kechirgan kishi uchun o'sha kunlarni eslash, endigina hayolimizdan ko'tarilgan ayanchli hayollarga berilish nihoyatda og'ir va ko'ngilsiz." Shuning uchun bo'lsa kerak, Shukurulloning she'riyatida yorqin kelajakni qo'msash, komil insonni kuylash, kelajaka umid bilan boqish yetakchi mavzu bo'lib keldi.

Adabiyotlar

1. Shukurullo Saylanma, Toshkent, 1994 q. 63-bet. (Bundan keying misollar shu kitobdan olinadi va sahifasi ko'rsatiladi)

ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ

**ф.ф.н. Ю. Каримова,
С.Норбоева (магистр)**

Ўзбек адабиётининг тўнғич авлодига мансуб Назир Сафаров йирик драматург, моҳир прозаик, ҳозиржавоб публицист, фидойи жамоат арбоби эди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза номидаги республика давлат мукофотининг ҳамда Ойбек мукофоти лауреати Назир Сафаровнинг Жиззах замини фарзанди эканлигидан бугунги кунда ҳар бир юртдошимиз фахр ҳиссини туяди.

Назир Сафаров журналист, ёзувчи, ташкилотчи сифатида 20-30-йиллар маданий ҳаётида фаол иштирок этди. 1934-йилда Ўзбекистон Ёзувчилар союзи тузилганда, у ташкилий кўмита аъзолигига сайланди. Собиқ иттифок Ёзувчилар союзининг биринчи съездида қатнашиб, буюк рус ёзувчиси Максим Горькийнинг суҳбатида бўлади. Иккинчи жаҳон уруши бошланганда Назир Сафаров фронтга кетади. Уруш суронларида ҳам адиб кўлидан қаламини қўймади. Бир кўлида қалам, бир кўлида қурол билан жангларнинг олдинги сафида бўлган жангчи-ижодкор Назир Сафаровнинг бир қатор очерклари, лавҳалари фронт газеталарида бот-бот чоп этиларди. Оддий солдат сифатида жангга кирган Назир Сафаров Украина, Молдавия, Руминия, Болгария, Югославия, Венгрия, Австрияни фашизм зулмидан озод

килишда қатнашди, жанговар хизматлари учун бир қатор орден ва медаллар билан мукофотланиб, капитанлик унвонига сазовор бўлиш даражасидаги машаққатли, шарафли, йўлни босиб ўтди. Урушдан кейинги йилларда Назир Сафаров республика Давлат нашриётига, “Ўзбекфильм”га, Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг Адабиёт фондига, республика Китобсеварлар жамиятига раҳбарлик қилди.

Назир Сафаров ўзининг севган касби, қалб кўри, виждон амри билан Ватанимизнинг ободлиги, юрт фаровонлиги йўлида фидоийлик кўрсатаётган жуда кўп меҳнат аҳлининг: пахтакорлар, чўлқуварлар, чўпон-чўликларнинг заҳматини қаламга олди, матбуотда давомли очерклар ёзди, “Халқ юрагини, халқ қаҳрамонлигини қаламга олиш бахти менга тинчлик бермайди. Зотан, мен халқ ёзувчисиман. Халқ хизматига бир умр бел боғлаганман”, - дея фахр этувчи адиб Хадича Аҳророва, Олия Султонова, Қурбонали полвон, Турсуной Охунова, Ҳамро Эргашев, Раҳима Исломова каби юзлаб меҳнат фидоийларини нафақат элга танитди, улуғлади, керак бўлганда уларнинг орзу-армонларини, дард-у ташвишларини, муаммоларини ҳам дадил кўтариб чиқа олди. Сўзимизнинг исботи тариқасида Назир Сафаровнинг ўтган асрнинг 70-йилларида пахтакор хўжаликларда авж олган машина теримидаги “1000 тонналик ҳаракати”нинг кўзбўямачилик эканини кўрсатувчи “Реал ташаббуслар, ҳаётий қаҳрамонлар”* мавзусидаги суҳбатини ёки пахтакорнинг йил ўн икки ой қилган машаққатли меҳнатининг натижасига сурбетларча шерик бўлган, тайёрга-айёр сохта ватанпарвар шаҳарлик механизатор ҳашарчиларнинг нотанти қилмишларини фош этувчи “Виждон билан юзма-юз”* очерklarини эслашимиз, кифоя. Шу ўринда Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшунос Озод Шарафиддиновнинг қуйидаги ҳақли бир эътирофини эсласак: “Она юртда, халқ ҳаётида, қолаверса, бутун мамлакат ва жаҳонда кечаётган ҳодисаларга, одамзод тақдирига шахсан дахлдорлик – чин гражданлик туйғуси... Бу ҳақиқий ёзувчи учун зарур, бебаҳо туйғу. Ана шу-безовта гражданлик туйғуси Назир Сафаровнинг узок ҳаёт ва ижод йўлида йўлчи юлдуз бўлиб келди.”[1-1]

Автобиографик асарлар кўп ҳолларда муаллифнинг ижодий етуклик паллаларида ёзилади. Автобиографик асарларда муаллиф ўз ҳаётини яхлит ҳолатда идрок этишга ҳаракат қилади, **уни бадииятда қайта яшайди**. Шу маънода Назир Сафаровнинг “Наврўз” романи нафақат автобиографик, айти пайтда мемуар характерга ҳам эга эканлигини таъкидлаш лозим. Мемуар асарда эса муаллифни воқелик, ўзи қатнашган ёки гувоҳи бўлган воқелик кўпроқ қизиқтиради. Мана шундай эътиборли, машҳур воқелик “Наврўз”да бор. Бу-Жиззах кўзғолони. Жиззах кўзғолони тафсилотлари бадииятда ўз аксини топган, бир қанча асарлар яратилган. Лекин бу асарларнинг кўпчилиги тарихий манбаларга, ҳужжатларга асосланиб яратилган. “Наврўз”нинг қиммати шундаки, асарда тасвирланган тарихий воқеани ёзувчи ўз кўзи билан кўрган. Ўша давр азоб-уқубатларини катталар қатори бирдек тортган. Асарда халқ ҳаёти ҳаққоний, ёрқин акс этирилган, роман воқеалари бош қаҳрамон Назиркулнинг ички олами орқали очилади, шунинг учун ҳам “Наврўз” да эпиклик, лиризм, психологизм табиий ҳолатда уйғунлашиб кетган ва асар муваффақиятини таъминлаган. Бу борада шоир Миртемир: “Баъзи ёзувчи қалами бурро бўлади-ю, ҳаётдан олис бўлади, ёзгани беумр. Баъзи ёзувчи, ҳаётий ва лекин маҳоратдан олис бўлади, ёзгани беумр. Назир оғанинг сўнгги асарлари - “Кўрган-кечирганларим” ва “Наврўз” ҳаёт манзаралари ва қалам меҳнатининг бирлигидан туғилмиш асарлар эканига имоним комил”, - дейди.[2-2]

Ҳақиқатдан ҳам, “Наврўз” да тасвир этилган ҳаёт манзаралари: халқ кўзғолонининг бешафқат бостирилиши, Муҳаммади каби жасур йигитларнинг ёвқурлиги, унинг ўлим жазосига ҳукм қилиниши, бошлари эгик, ғамзада ҳолатда Учтепа чўлларига ҳайдаб кетилаётган одамлар, аёллар, хотин-қизлар, ёш болаларнинг жазирама чўлда ошсиз, нонсиз, сувсиз тортган азоблари, бўронда қолиб кетишлари “Ҳайда, ҳайда!”, “Бадарға” бобларида жуда ҳаётий, таъсирчан ифодаланган.

Айтиш мумкинки, адиб турмушнинг кир ва қора кунлари тасвирида ўз онаси Роҳатой опанинг ўзбек аёлларига, оналарига хос, хокисор, мунис,

каноатли, оилапарвар тимсолини катта меҳр билан яратган: “Қорним оч, бешик тебратган сари кўнглим беҳузур бўлади. Ҳали ёшга етмаган синглим Тошбуви тинмасдан йиғлайди. Онамнинг кўкрагида сут йўқ. Еб-ичмаса сут қаёқдан келсин. Бошим айланиб, кўз олдимни қоронғулик босаяпти. Синглим бир зайлда тинимсиз ғингшийвергандан товуши битиб, аллақандай ёқимсиз овозда хириллаб инграрди... Укам онамни ҳол-жонига қўймас, унинг сочи, рўмолидан юлқулаб: “Нон!... Нон!”- деб чинқирарди. Ойим бўлса кепакдан элаб олган жирни супрада кафти билан тўплаб:

-Эшонқулжоннинг ўзи ақлли бола, Тошбуви йиғлоқи, ха, буни кўр кўзим,... Ҳозир буни ёққа қовуриб, кепак талқон қилиб бераман ўғлимга.

-Талтонмас! Нон иман!-деб яна жанжал кўтарди укам.

Онамнинг кўзи жиққа ёшга тўлди.”[3-3]

Асарда Наврўз сайли билан боғлиқ тасвирлар кўнглингизга ажиб бир ёруғлик олиб киради. Ҳар қандай оғир тарихий шароитларда ҳам халқимиз Наврўзни чиройли бир анъана, катта бир байрам сифатида нишонлаганини кўрамиз ва яна бир қарра халқнинг умид-иродасига, ёруғ кунларга бўлган ишончига қойил қоламиз. Наврўз сайлининг шуқуҳи ёзувчи хотираларини ҳам нурлантириб юборгандек: яшилликка бурканган Жиззах адирлари, каттаю кичикнинг қалбига бирдек сурур бағишлаган кўклам элчиси бойчечак хабари, кўзларни қувнатиб толбаргак таққан қизчалар...

Асарда ўзбек қизларининг ўсма қўйишлари ҳам ўзига хос бир санъат, миллий пардознинг нозик намунаси сифатида тавсир этилган ва шунга мос халқ томонидан яратилган қўшиқлар эсланган:

Қора қошга қовул ўсма,
Санамнинг йўлини тўсма,
Санамнинг йўлини тўссанг,
Йиғлар қошидаги ўсма.

Дутор чалганда ҳатто булбуллар ҳам жўровоз бўладиган Носир ака, ўз касбининг устаси, ўта дидли, хушқомат, доимо чиройли кийиниб юрувчи Қосим фаранг, ҳазил-мутойиба, киноя-қочиримларга бой халқ кўшиғи “жон

бургам”ни айтиб, рақсга тушиб давраларга жон киргизиб юборадиган Бекназар ака, жасур кўзғолончи Муҳаммади, йўқдан бор қиладиган, минг бир жон бўлиб болаларига қайишадиган онаизори Роҳатой опа, аёлларига хос меҳр-шафқат, ҳилмлиликни одат этган Ҳикматой отинбуви адиб болалигининг нурли хотираларига айланиб қоғозга тушган.

Адабиётлар рўйхати:

1. Озод Шарафиддинов. Адиб қалбидаги маёқ. \ \ Саодат. 1985. №5
 2. Миртемир. Адибнинг бахти. Асарлар. 4-жилд. Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1983. 92-б.
 3. Назир Сафаров. Навруз. Роман. Т.: Изд. Лит.и искусства, 1981. 210 ст.
- * Ёзувчи Шароф Убайдуллаев билан суҳбат. \ \ Гулистон. 1975. № 1
* Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси. 1984. 10.09 № 32 2772

“МУНАҚҚАШ ТУЙҒУЛАР” СЕҲРИ

Доцент, Н.Соатова

Шеърят бўстони гўзал ва бетакрордирки, бу бўстонда турфа хил гуллар ўз тароватини таратади. Шеърятда ўз сўзига ва қалами сеҳрига эга “Мунаққаш (нақшланган) туйғулар” соҳиби шоир Жўра Муҳаммад эканлигига шоир шеърӣ тўпламига назар ташласак, яна бир бора амин бўламиз.

Барчамизга маълумки, инсоннинг ботиний кўзи қанчалик гўзал бўлса – унинг зоҳирӣ кўзи ҳаётни шундай кўради. Ҳаётни ўз шеърига йўнган, ҳаёт ҳақиқатларини – қалб ҳақиқатларига боғлайдиган сеҳрли ижодкор шоирдир. Жиззахнинг таниқли шоири Жўра Муҳаммаднинг “Мунаққаш туйғулар” шеърӣ тўплами шундай беғубор ҳислар эвазига қурилган бир иморатдир. Шоирнинг китобига Ватан, муҳаббат, инсоний комиллик ҳақидаги энг сара шеърлари ва “Ватан ҳақида кўшиқ” дoston – қасидаси киритилган.

Шоирнинг мазкур шеърӣ гулдастаси кишини ҳаяжонга солмай кўймайди. Шеърӣ тўплам “Баҳор” шеъри билан бошланар экан, ўқувчи қалбига илиқлик, соғинч, меҳр-муҳаббат, баҳорӣ жўшқинлик олиб киради:

Қанотида тонгни эркалаб,
Бунча бийрон куйлайди қушлар.
Кўнглим олиб, суйиб, эрталаб,

Сен ҳақингда сўйлайди кушлар.

Сулувлигинг шунчами, баҳор?

Юзинг ширмой кулчами, баҳор? –дея сўраган шоир, еллар билан узок ўйнаганини, ҳовуч-ҳовуч сувлардан ичиб, лолаларни юзига босиб, нозик-нозик бандларини кучиб, ошиқ бўлганини гўзал мисраларда эътироф этар экан, маъшук баҳордан ўзгани демаслигини ва бермаслигини ёниқ сатрларда самимий ифода этади.

Жўра Муҳаммаднинг яхши шоирона кўзи бор, диди бор, қалби тетик ва назокатли. Оламни шоирона кўз билан кўриб–кузатиб, шоирона дард билан куйиниб-ёниб, серзавқ туйғулар билан тасвирлайди. У “Соғинч” шеърисида:

Сўлдирса, бир соғинч сўлдирар мени,
Шу соғинч етказар кўкларга бошим.
Ўлдирса, бир соғинч ўлдирар мени,
У борим, борлигим, ойим, қуёшим,—

дер экан, инсон борки, унинг қалби севги ва муҳаббатга тўлик, эзгуликка ошно бўлмоғи керак, деган хулосага келади, инсон юрак тўрида “соғинч” яшамоғи лозим, йўқса, “тун чўкмагай, тонглар отмагай, кўнгил кенгликларин тарк этар виқор. Бўронлар тўхтамас, шамол ётмагай, ҳаммаси бекордир, ҳаммаси бекор”, –дея хитоб қилади:

Бекор-ҳисларимни оловда ёқиб,
Ўз-ўзимни алдаб шеърлар битмоғим.
Руҳим чаккасига чечаклар тақиб,
Оламни кўксимга жойлаб ётмоғим.

Соғинч инсонларга хос туйғу бўлиб, агар у бўлмаса, ошиқлик, дўстлик, муҳаббат туйғулари ёт бўлиб қолишлигини, шу сабабли шоир сочларини еллар тарашини, ёмғир эса дардларини ғижимлаб ювишини, баҳорни

соғинган новдалар хиди, шоир кўзидан уйқуни хайдаб қувишини хоҳлар экан:

Лек рози бўлмасман, гарчанд киш, аёз,
Ҳайрат титратмаса осмон бўшлиғин.
Қувончдан силкиниб кетмаса дунё,
Тинглаб куртакларнинг қайсар қўшиғин-дейди.

Унинг “Бойчечак”, “Оқизоқ”, “Биласан”, “Ёмғиржон”, “Ҳалинчак”, “Ошиқона”, “Қизғалдоқ” каби шеърлари ҳаётга муҳаббат билан суғорилган ва шоир ўй–хисси, фалсафий мушоҳадалари, қалб хотиралари ўзгача оҳанг, ўзгача рангларда ифодаланган, шу сабабли уларни ўқиган ўқувчининг кўнгли равшан тортади.

Шоирнинг “Она тилим” бағишлов шеъри ва “Ватан ҳақида кўшиқ” дoston-қасидаси таҳлилу талқин қилиниб, ўз баҳосини бера оладиган тадқиқотчисини кутаяпти.

Шеърятни ўз пешонасига ёзилган ёрлик, қисмат деб билган, шоир Жўра Муҳаммад:

Шеърят, азизим,
Ўғлим, қизимсан.
Бу тенгсиз жаҳонда,
Ёруғ юзимсан!”-

деб ҳисоблар экан, ҳақиқатдан ҳам, унинг шеърӣ бўстони ўз таъбири билан айтганда, “ёруғ юзи” қалбларга таскин берувчи малҳам бўлиб қолади, деган умидда сўзимизни шоирнинг “Изҳори дил”идаги ушбу тўрт сатр билан тугатишни мақсадга мувофиқ кўрдик:

Мен дунёга сиғмайман бугун,
Сиғмас менинг кўксимга дунё.
Муҳаббатсиз кунларим бекор,
Ишқсиз кечган дамларим рўё.

“МУРДОХОН” ДОСТОНИДА ОЛМА РАМЗИ

А. Турсунқулов, ф.ф.н.,

Т.Аҳмедова талаба

Бадиий асарда рамзийлик поэтик баркамолликнинг белгиси. Айниқса халқ оғзаки ижоди рамзларга бой бўлиб, айтилмоқчи бўлган асосий мақсад ва мазмун унинг ишоралари воситасида очилади. Зеро, “рамз-образли тафаккур маҳсули. Рамз ўта барқарорликка, ҳамма томонидан бир хил тушунилишига эришиш оқибатида вужудга келади”. Ўзбек халқининг ишқий-романик дostonлар туркумига кирувчи “Муродхон” дostonида олма рамзи ҳақидаги тасаввурлар фикримизнинг далилидир.

Олма рамзи халқ кўшиқларида севги-муҳаббатни ифодалайди ва бу ҳақда ўнлаб кўшиқлар яратилган. Айнан шу ҳолнинг халқ дostonларига ҳам кўчганлигини аجدодларимизнинг поэтик тафаккури билан изоҳлаш тўғрроқ бўлади. “Муродхон” дostonида олма рамзига алоҳида поэтик юклама юклатилган. Давлат қуши бошига қўнган Муродхон Оқтош мамлакатига подшо бўлади. Мамлакатнинг беку амалдорлари уни уйлантирмоқчи бўлади. Айни шу ўринда, подшога қайлиқ танлаш маросимида олма рамздан фойдаланади. Бунинг учун бахши-шоир тингловчини олдиндан тайёрлаб боради: “Мамлакатга хабар қилайлик. Бировга, сен қизингни бекорга бер, демайлик. Бу элнинг ҳар қайсиси бўлса ҳам, “подшога қизингни бергил”- деб айтсак берар, деди” (103-бет). Тингловчиларни воқеалар ривожи, аниқроғи, Муродхон учун қаллиқ танлаш маросими қизиқтиради. Шунда мамлакатдан йиғилган барча сулув қизлардан бирини танлаш учун қадимдан ота-боболардан анъана бўлиб қолган удумдан фойдаланади. Дostonда бу удум батафсил тасвирланмайди. Балки бир ахборот тарзида айтилади: “Муродхон олма отади. Шу олмани қайси қиз илиб олса, Муродхон шуни олади”, деб жарчи чақирди”. (103-бет).

Муродхоннинг ҳам, амалдорларининг ҳам аслида мақсади бўлажак маликаликка номзод олдинги ўлган подшонинг қизи Чўлпоной эди. Лекин Гулистон вилоятидан келган Орзигул паризод ҳам “Муродхоннинг

Ойдинкўлда учратиб ошиқ бўлиб ниқоб тақиб келган. Бундан ташқари мамлакатнинг барча вилоятларидан келган бўй қизларнинг барчаси маликаликдан умидвор. Шу ўринда Муродхон отадиган олма рамзи нафақат севги-мухаббат, адолат рамзи ҳамдир.

Достонда бу ҳол шундай тасвирланади: “Муродхон олмани ҳаволатиб отди, кўнглида Чўлпонойни дидлаб отди. Қизлар олмани кўп суришиб талашди. Бояги ниқоб тақиб келган пари қиз олмани ерга туширмасдан, илиб олиб қўйди”. (103-бет). Шундан кейин ҳам Чўлпонойнинг талаби билан Муродхон олмани уч марта отади. Учинчи марта олмани отганда ҳам ниқобли пари илиб олади:

“Бошқатдан отинг”, деди бу беклар,

“Сулув қизлар бўлсин, - деди, - хабардор.

Ул замонда осмонга олмани отди,

Кўп қизлар олма деб талашиб ётди

Кўринг шу замонда у паризодни,

Парвоз қилиб, олмани илиб оп кетди.(104-бет).

Достонда тасвирланаётган воқеалар мантиғига кўра аслида бу паризодга Муродхон Ойдинкўлда бир кўргандаёқ ошиқ бўлиб қолган ва унинг тақдирига битилган эди. Фақат бу паризод ниқобда бўлганлиги сабабли Муродхон уни танимай никоҳ кечаси ҳам паризодга қарамайди. Шундан кейин кўнгли ўксиган Орзигул пари:

“Кўрмаган кунларни бунга солай”, деб,

“Ҳарна хунаримни маълум қилай”, -деб

Дуо ўқиб бетдан ниқобин олди,

Қоронғу уй бунда ёп-ёруғ бўлди

Жамоли барқ уриб бу замон турди. (106-бет).

Муродхоннинг эътиборсизлигидан Орзигул пари қизлик ғурурим ва шаънимни топтади, деб ўйлайди ва унинг учқур тулпорини, камонини олиб кетади. Муродхоннинг қанчалик оғир аҳволга тушиб қолганлигини Соқига айтган сўзлари англашиб туради:

Олма отиб унда санамни олдим,
Ястикни кучоқлаб маст бўп йиқилдим,
Тонг отган сўнг яна хушимга келдим,
Ҳам отимдан, ҳам ёримдан айрилдим. (125-бет)

Муродхон “Олма отиб”-дейиш билан Орзигул парига тақдири кўшилганлигини ишора қиляпти. Лекин парининг ғоят гўзал жамоли билан ўзини беҳуш қилиб, отини олиб кетганлигини, “ҳам отимдан, ҳам ёримдан айрилдим”, деб Соқига шикоят қилиши уни келгусидаги узоқ ва машаққатли саргузаштлар кутаётганлидан далолат беради.

Достондаги олма рамзи асрлар силсиласида яшаб келаётган поэтик анъанадир. Бу анъана фақат ўтмиш эмас, балки бугун ва келажак ҳамдир. Зеро миллий анъаналар миллий заминда юзага келиб миллий маънавиятга, кадриятга айланиб умрбоқийликка эришади. Миллий заминдан куч олувчи ҳар қандай поэтик анъаналар умумбашарий кадриятга айланади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Адабиётшунослик терминларининг русча – ўзбекча изоҳли луғати. Тошкент, 1983, 297-бет.
2. Муродхон, Ўзбек халқ достонлари 2 томлик, 2-том, Тошкент, 1957. (Бундан кейинги мисоллар шу китобдан олинади ва саҳифаси кўрсатилади)

НОСИРИДДИН РАБҒУЗИЙ ВА НОДИРА ИЖОДИДАГИ ЎЗИГА ХОС БАДИИЙ ТАЛҚИН

ф.ф.н. С.Эшонқулова

Мифик сюжетларга асосланган антик адабиёт билан исломий манбаларга таянган шарқ адабиёти муайян ўзига хосликларга эга. Шу боис, бизнингча, мифик образ тушунчасини шарқ, жумладан, ўзбек адабиётига нисбатан қўллашда ана шу ўзига хосликни эътиборга олиш керак.

Адабиётшунослигимизда, хусусан фольклоршуносликда мифик образлар масаласи анча чуқур ишланган. Масалан, М.Жўраев ва М.Нарзиқулованинг таъкидлашича: “Ёзма адабиёт мифология билан

чамбарчас боғланган бўлиб, мифнинг халқ оғзаки ижоди асарларидаги эпик сюжет, мотив ва поэтик деталлар кўринишидаги талқинлари бадий идрок этилган воқеликни тасвирлашда самарали қўлланилиб келинган. Бадий адабиётда қайд қилинган мифологик образ ва мотивлар фольклордан ижодий баҳраманд бўлишнинг ўзига хос қирраларидан бири ҳисобланади”.

Бу фикрлар етарли даражада илмий далилланган. Уларнинг назарий асосга эга эканини эътироф этган ҳолда, таъкидлаш керакки, ўзбек мумтоз адабиёти мисолида мифик образ масаласи юзасидан олиб борилган изланишлар бу илмий муаммони бир неча йўналишларда тадқиқ қилиш мумкинлигини кўрсатади. Бу йўналишларлардан пайғамбарлар ҳаёти билан боғлиқ воқеалар ва миф талқини масаласини тадқиқ этишни мақолада жоиз деб билдик.

Адабиётшуносликдаги пайғамбарлар ҳаёти билан боғлиқ воқеалар талқинида бу адабиётнинг ислом маданияти ва эътиқоди билан боғлиқлигини эътиборда тутиш зарур. Жумладан, Сулаймон пайғамбар образи мумтоз адабиёт ва фольклор асарларида энг кўп бадий талқин этилгани билан алоҳида ажралиб туради. Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий”сидаги “Сулаймон қаринчқа билан сўзлашгани”, “Сулаймон курсисининг сифати” сингари ҳикоятлар, Алишер Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асаридаги Сулаймон пайғамбар ва унинг сифатларига оид қарашлар ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Жумладан, “Қисаси Рабғузий”да:

Довуд ўғли Сулаймон Тенгримизнинг совчиси,

Ел улоғлиғ шоҳ эдию ҳам учар куш элчиси.

Одамий, учқан, югурган, дев, пари ҳам ел, булут

Оғулуг бўлсун озиғлиғ барча анинг ишчиси.

Қузи тўрт юз қанғли эрди кунда қушлуг ошиға,

Борғусида кур арслон, бўри, қоплон қўйчиси.

Тупучоқ отнинг уруғи қолди андин дунёда,

Тилда хужжат, танда хидмат, қўлда мулкат қамчиси.

Ўзи “ниъмал абду” атанди ҳам ялавоч ҳам малик,

Йўлдин озғанларға эрди ўзи ужмоҳ йўлчиси.

Кўринадики, Рабғузий Сулаймон алайҳиссаломни “ҳам ялавоч, ҳам малик” дея улуғлайди. Унинг ҳадсиз ҳокимият, куч-қудратни мужассам этгани, мавжудотлар унинг измида экани, шамол, инсу жин, деғу алвастилар унинг ҳукмида бўлганлиги диний-илмий манбаларда ҳам зикр этилади. Рабғузийнинг хизмати, ана шу фикрни назмда поэтик шаклда ифодалаганидир.

Бу анъана Нодира ижодида ўзига хос шакл ва мазмунда давом эттирилгани кузатилади. Жумладан, мана бу байт мазмуни ушбу фикрни қувватлайди:

Бул мўри хастадин дегил, эй худҳуди сабо,

Тахти адолат узра Сулаймонға бандалиғ.

Яна бир ғазалида:

Бу барча ажз ила исботи нотавонлиғдур,

Ки мўр қилди Сулаймонға туҳфа пои малах.

Нодира лирикасида Сулаймон билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларга ишора қилиш орқали, шоиранинг ғоявий-эстетик дунёқараши очиб берилган. Шоира ёрни Сулаймонга ўхшатган, у билан муқояса қилган. Манбаларда келтирилишича, Сулаймон пайғамбар сулоласини ниҳоятда қадрлаган. Бир куни Сулаймонга бутун жониворлар туҳфа келтиради. Ундан кимнинг совғаси қимматлироқ деб сўрашганда, ўзидан кўра оғирроқ чигиртка оёғини кўтариб келган чумолини кўрсатади.

Дарҳақиқат, чумоли – заҳматкашлик тимсоли. Бунда Сулаймон ва чумоли образлари биргаликда қўлланилиши тасодифий эмас. Шоира ана шу воқеага ишора қилиш орқали ошиқнинг дилида туғён ураётган ички

туйғуларни очиб беради. Унинг назмий асарларида Сулаймон пайғамбарга хос муайян сифатлар маъшукга кўчирилади. Бундай байтларда ёр улуғланади, ижодкорнинг бадиий-эстетик идеалини ўзида мужассам этади.

Хулоса қилиб айтганда, тарихий ва мифик образлар талқини масаласини миллий адабиётимиз тарихи мисолида ўрганиш Носириддин Рабғузий сингари мутафаккирлар бу масалага ҳаққоний ёндашганини кўрсатади. Ана шундай қарашда бўлган Нодира шеърларида ҳам Сулаймон образи ўзига хос бадиий талқин этилган.

Табиийки, Рабғузий ҳам, Нодира ҳам Сулаймон алайҳиссалом образини бадиий талқин этар экан, уни тарихий шахс сифатида тасвирлайди. Зеро, шоира мансуб бўлган адабий муҳит, дунёқараш шуни тақозо этган.

Адабиётлар рўйхати:

1. Жўраев М., Нарзикулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. – Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2006. – Б. 92.
2. Рабғузий. Қисаси Рабғузий. II китоб. – Т.: Ёзувчи, 1991. – Б. 32.
3. Нодира-Комила. Девон. – Т.: Халқ мероси, 2001. – Б. 207.
4. Нодира-Комила. Девон. – Т.: Халқ мероси, 2001. – Б. 111.

ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИ ТИЛИДА ШАХС ВА ЭПИК ҚАҲРАМОНЛАР НОМЛАРИ

ф.ф.н. Г.У. Жуманазарова

Достонлар лексикасидаги шахс ва эпик қаҳрамонлар номларини ҳам махсус ўрганиш муайян самаралар берадики, улар бир томондан, тилимизда ишлатилаётган шахс номларининг ёки халқ достонлари тилидаги эпик қаҳрамонлар номларининг миқдорини белгилаб берса, иккинчи томондан, достонлар тилидаги лексик-семантик, услубий ва грамматик ўзига хосликларни ойдинлаштиради. Тўпланган маълумотларнинг тасдиқлашича, Фозил шоир куйлаган достонларда 700 дан ортиқ шахс номлари тилга олинган. Уларни қўлланиш даражасига кўра икки гуруҳга ажратамиз:

а) адабий тилда ҳам истеъмолда бўлган ва халқ достонларида фаол қўлланилган шахс номлари. Бундай лексик бирликлар гуруҳига изоҳли ёки икки тилли луғатларда ўз ифодасини топган тарихий сўзлар, шунингдек, ҳозирги вақтда ҳам фаол қўлланилаётган шахс номлари киради. Масалан: *подшоҳ, элчи, бек, шоҳ, йигит, эр, ёр,*

тўра, одам, мулла, жўмард, ошиқ, дўст, меҳмон, қиз, фарзанд, элчи, ўғил, хизматкор каби.

б) халқ достонларида қўлланган, аммо адабий тилда кам учрайдиган шахс номлари. Таҳлилга жалб этилган достонлар лексикаси қай даражада кенг эканлигини тасдиқловчи лисоний далиллардан бири унинг оригиналлик хусусиятига эга бўлган шахс отларининг қўлланганлигида кўзга ташланади. Масалан, *қурандоз, мунажжим, ромчи, фолчи, сотиқчи, баковул, девона, чокар, акобир, синчи, жандапўш, сўфи, дарвеш, қозикалон, нойиб, тўра, сардор, тугдор, жигадор, амир* каби сўзлар фикримизга далил бўлади.

Достонлар тилидаги эпик қаҳрамонларнинг номларини генеологик жиҳатдан куйидагича тасниф қилдик:

I. Қайси тилга мансублигига кўра:

1) соф туркийча номлар: *Аваз (Б.; М.а.; Н.); Даллиой (Б.); Тўхтамиш (Б.); Юлдуз (Б.); Кундузой (Б.); Яллокал (М.а.); Япроқ (М.а.); Болтабой (Н.); Тоғай (Р.); Кенжаойим (Ш.Ш.); Бўтакўзойим (Ш.Ш.); Оққиз (Б.; М.а.; Н.; Ш.Ш.); Бектош (М.а.; Н.)* каби;

а) арабча сўздан ясалган туркийча номлар: *Хур ойим (Ш.Ш.); Қосимхон (М.а.); Ашурубек (Б.); Султонхон (Р.)* каби;

б) форсча сўздан ясалган туркийча номлар: *Момогул (Р.); Гўрўғли (Б.), (М.а.), (Н.); Хиромон (З.); Оқдевшоҳ (М.а.); Тиллақиз (М.а.); Шоҳасан (М.а.); Суяжон (Ш.Ш.)* каби;

2) софарабча номлар: *Аҳмад (Б.), (М.а.); Бало (Б.); Жаббор (Б.); Мажнун (Б.; З.; Л.М.; М.а.; Н.; Ф.Ш.); Мансур (Б.; Б.Г.; Р.; Ш.Ш.); Мисқол пари (Б.); Лайли (Б.; Л.М.; Ф.Ш.); Ҳасан (Б.; З.; М.а.; Н.); Ҳаким (Б.); Фағфур (Б.Г.); Сайфур (Б.Г.); Шаммос (Б.Г.); Акрар (Б.Г.); Зевархон (З.); Малик (З.); Фолиб (З.); Саъдулла (З.); Новпал (Л.М.) Хоруни Рашид (Л.М.); Қайс (Л.М.); Ҳаким (Л.М.); Толиб (Л.М.); Абубақир (М.а.); Аброр (М.а.); Акбар (М.а.; Н.); Али (М.а.); Анвар (М.а.); Асад (М.а.); Вали (М.а.); Зулайхо (М.а.; Ш.Ш.); Карим (М.а.); Маҳмуд (М.а.; Н.); Муҳаммад (М.а.); Мисқол (М.а.); Муртозо (М.а.); Расул (М.а.); Усмон (М.а.); Қосим (М.а.), (Ш.Ш.); Фиёс (М.а.); Халил (М.а.); Ҳусайн (М.а.); Маждим (М.а.); Ҳадича (М.а.); Боймамат (Н.); Маъмур (Н.); Нурали (Н.); Фозил (Ш.Ш.); Офтобой (Р.)* каби;

3) форс-тожикча номлар: *Орзигул (Б.; М.а.); Сардор (Б.); Сангирхон (Б.); Сурхайилгардон (Б.); Шониёз (Б.); Фарҳод (Б.; З.), (Ф.Ш.); Баҳром (Б.Г.); Гуландом (Б.Г.); Хисрав (Б.Г.), (З.), (Ф.Ш.), (Р.); Беҳзод (Б.Г.); Дастур (Б.Г.); Навиод (Б.Г.); Гулқиз (М.а.); Сурхаил (М.а.); Шодмонхон (М.а.); Шозаргар (М.а.); Яздон (М.а.); Анор кампир (Н.); Равшан (Н.); Холдор (Н.); Жаҳонгир (Н.); Маҳинбону (Ф.Ш.); Гулгуной (Ш.Ш.); Холёр (Ш.Ш.); Аловхўжа (Ш.Ш.); Ширин (Ш.Ш.); Шакар (Ш.Ш.)* каби;

4) араб ва форс-тожикча сўзлардан ясалган номлар: *Балогардон (Б.); Маликаи Хубон (З.); Соқибулбул (М.а.), (Н.)* каби;

5) форс-тожикча ва арабча сўзлардан ясалган номлар: *Гулзамон (М.а.)* каби;

6) араб ва юнонча сўзлардан ясалган номлар: *Луқмон (З.)* каби;

7) форс-тожик ва қадимги ҳинд (пахлавий) тилидан ясалган номлар: *Шопур (Ф.Ш.)* каби;

8) қадимий яҳудий тилидан кириб келган номлар: *Юнус (Б.;М.а.;Н.); Иброҳим (М.а.); Илёс (М.а.); Исмоил (М.а.); Нуҳ (М.а.); Сулаймон (М.а.); Юсуф (М.а.), (Ш.Ш.); Юсуфбар (М.а.)* каби;

9) юнон тилидан кириб келган номлар: *Искандар (М.а.), (Ф.Ш.)* каби;

10) қадимги ҳинд (пахлавий) тилидан кириб келган номлар: *Рустам (Б.Г.;М.а.;Н.;Р.;Ш.Ш.)* каби;

II. Воқеликка бўлган муносабатга кўра:

1) тарихий шахслар исмлари билан боғлиқ номлар: *Тўхтамиш (Б.); Искандар (М.а.;Ф.Ш.); Маҳмуд (М.а.;Н.); Хисрав (Р.); Фозил (Ш.Ш.)* ва бошқалар;

2) пайғамбарлар, авлиё ва анбиёлар, дин арбоблари, шунингдек, диний тушунча ва эътиқод билан боғлиқ номлар: *Абубақир (М.а.); Али (М.а.); Иброҳим (М.а.); Исмоил (М.а.); Муҳаммад (М.а.); Нуҳ (М.а.); Расул (М.а.); Сулаймон (М.а.); Юсуф (М.а.;Ш.Ш.); Аловхўжа (Ш.Ш.), Шайдулло (Ш.Ш.)* ва бошқалар;

3) дostonларда фаол учрайдиган анъанавий номлар: *Аваз (Б.;М.а.;Н.); Мажнун (Б.;З.;Л.М.;М.а.;Н.;Ф.Ш.); Мансур (Б.;Р.;Ш.Ш.); Лайли (Б.;Л.М.;Ф.Ш.); Орзигул (Б.;М.а.); Оққиз (Б.;М.а.;Н.;Ш.Ш.); Юнус (Б.;М.а.;Н.); Ҳасан (Б.;З.;М.а.;Н.); Фарҳод (Б.;З.;Ф.Ш.); Рустам (Б.Г.;М.а.;Н.;Р.;Ш.Ш.); Хисрав (Б.Г.;З.;Ф.Ш.); Гўрўгли (М.а.;Н.); Зулайҳо (М.а.;Ш.Ш.); Искандар (М.а.;Ф.Ш.); Маҳмуд (М.а.;Н.); Соқибулбул (М.а.;Н.); Юсуф (М.а.;Ш.Ш.); Қосим (М.а.;Ш.Ш.); Хуройим (Р.;Ш.Ш.)* каби.

Халқ дostonлари тилида яна бир қатор лексик қатламлар, хусусан, таълим-тарбия ва илм-маърифатга, муайян касб-ҳунарга, уруш-жангқуролларига, диний тушунчаларга, уй-рўзғор буюмларига, ўлчов бирликларига, озиқ-овқатларга, зебу зийнатга ва бошқаларга оид лексемалар ҳам мавжудлиги аниқланди. Лекин, мақоламизнинг ҳажмини ҳисобга олиб, ҳозирча бу борадаги кузатишларимиз билан чекланамиз.

Шартли қисқартмалар:

1. **Б.Г. - Баҳром ва Гуландом.** - Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – 5-119-бетлар.

2. **З. - Зевархон.** // Баҳром ва Гуландом. Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – 120-198-бетлар.

3. **Р. -Рустамхон.** Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. – 349-445-бетлар.

4. **Н. - Нурали.**Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – 118-193-бетлар.
5. **М.а. - Маликаи айёр.**Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – 6-208-бетлар.
6. **Б. - Балогардон.**Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – 5-98-бетлар.
7. **Ф.Ш. - Фарход ва Ширин.** // Баҳром ва Гуландом. Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – 120-277-бетлар.
8. **Л.М. - Лайли ва Мажнун.** // Баҳром ва Гуландом. Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. –278-351-бетлар.
9. **Ш.Ш. – Ширин билан Шакар.** // Орзигул. Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – 7-130-бетлар.

МАҲМУД АЗ-ЗАМАХШАРИЙ МЕРОСИ

Ўқитувчи Н. Турдибаев

Маҳмуд аз-Замахшарий Хоразмнинг қадимий шаҳарларидан бири ҳисобланган Замахшар кишлоғида милодий 1075-1445 йилларда яшаб ижод қилган, Марказий Осиёнинг таниқли ва машҳур алломалари орасида ўзига хос зукколиги, нотиклиги, нозик бадий топқирлиги, диний-фалсафий тафаккурда соғлом фикрловчи, араб тили ва адабиётига жон бағишловчи олим сифатида танилди.

Аз-Замахшарий 50 дан ортиқ асарлар ёзиб қолдирган бўлса, уларнинг катта қисми бизгача етиб келган. Асарларининг аксарият қисми, араб тили ва адабиётига ва унинг нозик қирраларини тадқиқ қилишга бағишланган. Шунингдек аз-Замахшарийнинг ўша давр ижтимоий-сиёсий, диний-фалсафий, маданий ва маърифий томонларини тадқиқ ва таҳлил қилган бир қанча асарлари ҳам мавжуд бўлиб, булар сирасига «Ал-Кашшоф», («Очувчи»), «Мақомати аз-Замахшарий», («Аз-Замахшарий мақомлари»), «Навобиг ул-калим» («Нозик иборалар») ва «Атвоқ уз-заҳаб» («Олтин шодалар») кабилар киради.

Илм ва унинг аҳамияти турли даврларда жамият тараққиётининг энг асосий бўғини бўлиб келган, илм аҳли эса ўша жамиятдаги энг мақтовга сазовор ва обрўга эга кишилар ҳисобланган. Ҳатто ислом динининг асосий

манбаси бўлган Қуръон нозил бўла бошлаганда, унинг биринчи сўзи ҳам “Ўқи” калимаси билан бошланган, яъни “Сени қуюқ қондан яратган Роббингнинг номи билан ўқи” ушбу оят инсоният аввало уни яратган зотни англаши учун илм ўрганиши, инсонлар манфаатини ҳосил қилиш йўлида ҳам илм излаш лозим эканлигини таъкидлайди. Пайғамбар Муҳаммад расулиллоҳ эса “Илмни Чинда бўлса ҳам ўрганишлар”, “Илмдан бир боб ўрганиб тонг орттиришинг юз ракат номоз ўқишингдан афзалдир” каби ҳадислари билан илмнинг аҳамиятини белгилаб берди. Айниқса пайғамбарнинг илмни Чин яъни Хитойга бориб бўлса ҳам ўрганишга даъват қилиши, динда илм нафақат ибодатни англатиши, балки дунёвий илмларни ўрганиш кераклигини ҳам назарда тутди.

Аз-Замахшарий дин ва илмни бир уйғунликда олиб олиб қарайди. Алломанинг фикрича, олим киши дин тамойилларини илм орқали ўзлаштириши лозимлигини айтиб ўтади. “Умринг билан қасам ичаманки, ер юзида ўта тараққий топган, камолга етган кишилар фарз ва суннатни амалда бажарган инсонлардир. У инсонлар албатта ҳақ йўлида юрган олимлардир. Улардан бошқалар эса сув юзидаги хашакдир. Уларни ривоятларни ҳикоя қилувчилар деб атайдилар. Уларни сиёҳдон ва китоб ҳамкасблари деб чақирадилар”. Алломанинг ушбу фикрлари, ҳақиқий олим кишилар Аллоҳнинг фарзларини бекаму-кўст амалга оширишда, пайғамбар суннатларини ўз ҳаёт тарзларида қўллашларида ақл билан ёндошишларини чин олимлар сифати эканлигини билдиради. Тақлид йўлида юрувчиларни эса сув юзидаги хашакка ўхшатади. Аз-Замахшарий уламолар аҳлини улуғлаб шундай ёзади «Подшоҳларингизнинг эзгу амалларига эргашинглар, фазилат аҳлидан ўз ҳаёт турмушларингизда ёрдам сўранглар». Аллома ўз фикри орқали фазилат аҳлининг илм равнақи йўлида заҳмат чекувчи инсонлар ҳисоблаб, ҳаётнинг ҳар қандай муаммоларини ҳал этишда уларнинг ёрдамига мурожат этишга чақиради. Аз-Замахшарий фикрича, илмни эгаллаш тафаккурга таяниб иш тутиш, илмли кишилар суҳбатидан баҳраманд бўлиш яхши фазилатдир, нодонлик эса инсонни ҳалокатга олиб келувчи иллатдир.

Аз-Замахшарий илмни икки турга бўлиб, уларнинг фойдаси инсонларга жуда муҳимлигини ва у илмлар орқали инсонларга катта наф тегишини айтиб ўтади, “Илм икки хил бўлиб, мартабани кўтарувчи илм ва фойда келтирувчи илмдир, мартабани кўтарувчи илм – бу диндаги фикҳдир, фойда келтирувчи илм эса тиб илмидир”. Аз-Замахшарий яна бир асариди илму-маърифатга, дину диёнатга шундай баҳо беради: «Дину диёнат ва илму маърифат киши кадр-қимматини кўтарганда, фақирлигу етимлиги унинг обрў-эътиборини паст қилолмайди. Шунингдек, нодонлигу, разил сифатлар сабабли ўз кадрини йўқотган бўлса, бойлик ёки насл-насаби унинг обрўсини тиклай олмайди». Аз-Замахшарий илмнинг куч-қудрати ҳар қандай молу дунёдан, наслу насабдан юқори эканлигини, молу дунё ёки наслу насаб билан тиклаб бўлмайдиган ҳар қандай обрў ва мансабни илм барпо этишини таъкидлайди. Аз-Замахшарий дину диёнатли инсонлар ҳар қандай муҳитда ҳам халқнинг эъзозу эътиборида, ҳурматида бўлишини, илм маърифатли кишилар эса ҳар қанча хору зор бўлмасин, уларнинг мавқеи Куръонда таъкидланганидек, “билмайдиган кимсалар билан баробар бўлмас”лигини, уларнинг фақиру етимлиги, бирон бир жисмоний камчилиги эса уларнинг обрўсига путур етказмаслигини таъкидлаб ўтади. У яна, нодону разил кимсалар эса насл-насабда, молу дунёда қанчалик бекаму кўст бўлсалар ҳам, юқотган обрў эътиборларини тиклай олмасликларини айтиб ўтади.

Аз-Замахшарий Муҳаммад расулуллоҳнинг «Аллоҳ осмонни уч нарса билан — қуёш, ой ва юлдузлар билан, ерни эса, олимлар, деҳқонлар, ҳарбийлар ва одил шоҳ билан зийнатлади», - ҳадиси билан илмнинг моҳияти мазмуни қанчалар юқори эканлигини айтиб ўтади. Ушбу ҳадисга асосан аз-Замахшарий еру заминнинг кўркамлигини олиму фузалолар билан, осмону фалакнинг зийнати юлдузлар билан тавсифлайди, “Еру заминнинг кўркамлиги олимлар билан бўлса, осмону фалакнинг зийнати эса юлдузлар биландир”.

Аз-Замахшарий одамларни илмга бўлган муносабатини шундай таърифлайди: «Ёки илмли бўл, ёки илмга таяниб иш тутадиган бўл, лоақал

илмни тинглаб эшитадиган бўл, бироқ тўртинчиси бўлма, чунки касодга учраб ҳалок бўласан». Аз-Замахшарийнинг ушбу фикрига кўра, илмни хор қилиш ёки уни менсимаслик ёмон оқибатларга олиб келишини, аксинча илм олишга интилишни, илм эгаллашда юзага келадиган ҳар қандай қийинчиликларга мардонавор сабр бардош билан чидашни, ёки илмга асосланган кўрсатмаларга амал қилишни, ҳеч бўлмаганда илм ёки илм аҳлига ҳам моддий ҳам маънавий зарар келтирувчи бўлмасликни таъкидлайди. Шу ўринда Муҳаммад расулиллоҳнинг амакиси Ибн Аббоснинг фикрини айтиб ўтиш жоиздир, “Илм олишда (қийналдим), бир оз хорландим, тилагим ҳосил бўлгач, азизу мукаррам бўлдим”.

Аз-Замахшарийнинг илмий салоҳиятига баҳо берган юрт бошимиз И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият- енгилмас куч” асрида “... ўрта асрларда Хоразм диёридан олис Арабистонга бориб, араб тили ва грамматикасини мукамал тарзда ишлаб чиққан, илм-фаннинг кўплаб бошқа соҳаларида ҳам шуҳрат қозонган Маҳмуд Замахшарий бобомизни эсга олайлик. Ўзининг жисмоний ногиронлигига қарамай, дунёнини кўплаб мамлакатларига сафарлар қилган, теран билими ва илмий салоҳияти билан бутун ислом оламини лол қолдирган бу зот, ҳеч шубҳасиз, халқимиз учун маънавий етуклик тимсоли бўлиб қолаверади”, деб ёзади. Аз-Замахшарийнинг илм-фан борасидаги фикрлари фуқаролик жамиятини маънавий юксалишида, илм-фан чўққиларини забт этишда мустаҳкам кўприк вазифасини ўтайди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Курьони карим. Алақ сураси, 1-2 оятлар.
2. Аз-Замахшарий. Атвок уз-заҳаб. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. Тошбосма №18952. 81 б.
3. Аз-Замахшарий. Рабиъ ул-аброр. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. Кўлёзма № 2384. 291.
4. Аз-Замахшарий. Рабиъ ул-аброр. Боғдод. 3-қисм. 1991. 201 б.
5. Аз-Замахшарий. Атвок уз-заҳаб. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. Тошбосма №18952. 11 б.
6. Аз-Замахшарий. Рабиъ ул-аброр. //Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. Қўлёзма № 2384. 260-бет.
7. Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. Т.; «Камалак», 1992. 59 б.

8. Абу Ҳомид ал-Ғаззолий. Ихё улумид-дин. Т.; “Мовароуннаҳр”, 2003. 27 б. (Ўзбек тилида), Таржимонлар гуруҳи: Абдуқаюм Азимов ва бошқалар.
9. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.; “Маънавият”, 2008, 43 б.

ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИ – ЁШЛАРНИ КАМОЛОТГА ЕТАКЛОВЧИ

ТАРБИЯ ОМИЛИ

п.ф.н.Д.Жуманазарова

Ўзбек халқ достонлари халқнинг ҳаёти, кураши орзу-умидлари ифодасигина бўлиб қолмай, авлодларни камолотга етакловчи тарбия воситаси, тарбия қомуси ҳам ҳисобланган. Достонлар ўз ҳатида миллий мафкура, миллий ғоя ва миллий қадриятларимизни, халқнинг бахтли яшаш тўғрисидаги идеал орзу истакларини ифодалагани сабабли ҳар бир авлод томонидан қизиқиб, иштиёқ билан тингланган ва ҳар авлоднинг тафаккур дунёси билан бойитилган ҳолда кейингиларига асраб авайлаб ўтказилган.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Миллий туйғу инсон учун табиийдир, чунки у ота-оналардан мерос қилиб олинган ва бола ўз ота-онасига, бутун дунёга айтган биринчи ўзида ифодаланади. Ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбияламасдан туриб, ўз халқини миллатларнинг бутун жаҳон ҳамжамиятида тенглардан бири сифатида идрок қилувчи ҳақиқий инсонни, ўз Ватанининг жонкуярини тарбиялаш мумкин эмас».

Демак, ўз Ватанининг жонкуяри бўлган ҳақиқий инсонни камолга етказиш учун биз узоқ асрлик миллий анъаналарни ўрганишимиз ва миллий ҳамда умуминсоний ғояларни, қадриятларни бугунги авлод онгига сингдиришимиз даркор. Бу эса ўз-ўзидан халқ оғзаки бадиий ижодига, хусусан, энг йирик эпик жанр бўлган достонларга ҳам мурожаат этишни тақоза қилади.

Халқ достонларида, жумладан «Зайдиной» да насиҳатлар, насиҳат дуолар, насиҳат олқишлар эпик ўрин даражасига кўтарилган ва сюжет ривожининг асосини белгилайди. Биз юзлаб насиҳатлардан биргинасини-идеал қахрамон Гўрўғлига 40 чилтон берган насиҳатнигина назарда тутаямиз. Чунки, 40 насиҳат ўзбек халқ дидактикасининг чинакам мағзи

бўлиб, инсоннинг инсон сифатида буюклиги, унинг ақлий, жисмоний, руҳий, ахлоқий камолотга эришувида нималарга риоя қилиш зарурлигини асослаб кўрсатувчи йўл-йўриқ ва дастурдир. Халқ ўз ўғитларини, пандларини чилтонлар номидан баён қилади. Ўзбек халқ дostonларининг бошқа ҳеч қайсисида одоб-ахлоқ ҳақида қарашлар бундай йиғма, тушунарли, фалсафий теран ва бадий мукамал тарзда бир жойда берилмаган.

Ушбу насихатларнинг ҳар бирини бир сабоқ тарзида шарҳлашга ҳаракат қилиш мумкин. Чунки бундай шарҳлаш кам вақтни олади ва ундан истаган дарс (адабиёт, фольклор, она тили, тарих, ҳуқуқшунослик, одобнома ва ҳатто аниқ фанларда ҳам)да фойдаланиш мумкин. Дарсинг кириш ёки хулоса қисмида, зарурият туғилганда янги материални ўтишда 4-5 минут вақтни ажратиб бир тўртликни ёд айтиш ёки ўқиб изоҳлаш мумкин. Тўртликни шарҳлашни ўқувчилардан сўраш эса, уларнинг фаоллигини, қизиқишини оширади.

Ҳар бир насихатнинг рубоий шаклда берилиб бориши ёхуд ёзма адабиёт вакиллари ижодидаги айрим ҳикматлар билан алоқасини кузатиш ҳам янги илмий хулосалар чиқаришга имкон беради. Биз учун ушбу рисолада ёритилиши лозим бўлган мавзу халқ қадриятлари, халқ педагогикасининг қамрови ниҳоятда кенглиги, унга тугал риоя этиш комил инсон бўлиб етишишининг асоси эканлигини таъкидлашдадир. Гарчи у биргина ёш қаҳрамонга айтилган шунчаки маслаҳатлар, панду-насихатлар бўлиб туюлса-да, аслида авлодларимиз томонидан неча минг йиллар давомида ишлаб чиқилган, ҳаётий тажрибалар, руҳий ва миллий хусусиятларни ўзида жамлаган Одобнома, Ибратнома, Ҳикматнома сабоқларидир.

“БОЙСУН” АТАМАСИНИНГ БЎРИ КУЛЬТИ БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ

Т.Қўчқоров, тадқиқотчи

Археолог олим С.П.Толстов томонидан оммалаштирилган бир афсонада айтилишича, «илгари вақтларда орол денгизи бўлмаган эмиш. Сирдарё ва

Амударё эса бирга қўшилиб, Лавзан, Кўхна Урганч ва Ойбўғир орқали Каспий денгизига қуйилган эмиш. Орол денгизи ўрнида раҳмсиз ва мунофик Фосилхон ҳукмронлиги остида адақ халқи, Узбой ёқасидаги территорияда эса ўзининг донолиги ва адолатпарварлиги туфайли давлат раҳбари даражасига кўтарилган собиқ қул Аёзхон бошчилигидаги бойсун халқи яшаган эмиш».

Бу афсонанинг Сирдарё бўйидаги қозоқ овулларида бирида яшовчи Тангриберган Жойловбоевдан 1898 йилнинг 26 июнида А.Нестерев ёзиб олган тугал вариантыда айтилишича, Аёз Бойсун элида ўсган бўлиб, ўзининг юксак ақл-заковати, адолатпешалиги, меҳнатсеварлиги туфайли салтанат тахтига кўтарилган экан.

Қорақалпоқ фольклоршуноси Ж.Хўшниёв қачонлардир Орол денгизи соҳилида Жийдали Бойсун деб аталган жой бўлган. Туркий қавмларнинг этник силжиши натижасида ҳозирги Сурхондарё вилоятига ХҲІ асрда келиб ўрнашган қабилалар бу топонимик атамани ҳам ўзлари билан олиб келиб, янги ўрнашган масканларига ҳам Бойсун деб ном берганлар деб ҳисоблайди.

Биз ҳам «Алпомиш» достонида номи тилга олинган Бойсун эпониими аслида Орол денгизи соҳилида жойлашган тарихий топонимдир деган фикрга умуман, қўшилаемиз. Аммо Бойсун бизнингча, Орол денгизининг қирғоғида эмас, аниқроғи, Сирдарёнинг қуйи оқимида, Амударё билан Сирдарёнинг Оролга қуйиладиган жой оралиғида жойлашган бўлиши керак деб ўйлайемиз.

Ж.Хўшниёзов «бойсун атамаси бой ва син сўзларидан иборат бўлиб, бой - уруғ, халқ, улус маъносини англатади, син эса оққўнгил, софдил одам демакдир. Шунга кўра, Бойсун - «оққўнгил одамлар қабиласи» деган маънони билдиради», - деб ёзади. Тадқиқотчи «бойсун» сўзи асли жой номи эмас, балки уруғ номи билдирувчи атама бўлганлигини тўғри аниқлаган. Бизнингча, бу қадимий этнонимнинг генезисини бўри ҳақидаги қадимги туркий тотемистик мифлар ва афсоналар замиридан излаш керак.

Маълумки, Бойбўри Алпомишнинг отасининг исми бўлиб, ўзбек халқ қаҳрамонлик эпосининг барча вариант ва версияларида у шу ном билан

аталган. Олтой эпоси «Алип-Манаш» да қаҳрамоннинг отаси Байбарак исмли кишидир. Эпос сюжетига ҳамоҳанг дoston вариантнинг «Дада Қўрқут китоби» га киритилган намунасида қаҳрамоннинг оти Бамси Байрак, отасининг исми Камбури, ватани эса Баўбурд хисори эди деб талкин қилинган. Бойбўри, Байбарак, Бамси Байрак, Камбури, Байбурд эпонимларининг келиб чиқиши бўри ҳақидаги тотемистик қарашлар билан алоқадор.

Бизнингча, Бойбўри аслида қадимги туркий уруғлардан бирининг номи бўлиб, кейинчалик эпик ном, яъни эпонимга айланган. Уруғ ёки қабила атамалари - этнонимларнинг муайян фольклор асарларидаги эпик қаҳрамон исми сифатида қўлланилиши туркий халқлар эпик анъаналарининг энг қадимий белгиларидан биридир. Хусусан, «Шажараи тарокима» да битилишича, ўғузхоннинг ўғил ва набираларидан ҳар бири ўзи сардор бўлган қабила номи билан аталган.

Агар Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида бўй//бой сўзи қабила, жамоа, гуруҳ маъноларини англатади дея изоҳ берилганлигига асослансак, Бойбўри - бўри қабиласи ёки бўри қавми маъносидаги этник атама эканлиги маълум бўлади. Зеро туркий халқларнинг аксариятида «бўри» тотеми билан боғлиқ этник номлар мавжудлиги маълум. Ҳатто ўзбеклар таркибида ҳам «бўри» номли уруғ бўлганлиги аниқланган.

Эътибор берилса, юқорида номи зикр этилган қадимги туркий уруғлардан бири - усунлар афсонавий Аёзоннинг бойсун қавми яшаган худудга яқин жойда, яъни сирдарё бўйларида истиқомат қилишганлиги аён бўлади. Бойсун қавми ҳақидаги афсона қаҳрамонининг номи билан алоқадор кўҳна Хоразм обидаси - Аёзқалъа ҳам усунлар диёрида, Амударё билан Сирдарёнинг Оролга қўшилиш жойи оралиғида жойлашган. Усунлар Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимлари, ҳатто Оролбўйида ҳам яшаб, бу худуддаги туркий қавмлар маданиятининг тараққиётига катта ҳисса қўшган. Бинобарин, Хоразм воҳасида уйшун уруғи истиқомат қилганлиги ҳақидаги маълумотнинг қайд қилинганлиги ҳам қачонлардир Оролбўйи этник

катламининг шаклланиш жараёнида усун қабиласи фаол иштирок этганлигидан далолат беради.

Ўйлашимизча, «бойсун» сўзи ҳам аслида этноним бўлиб, «бой» ва «усун» сўзларининг қўшилишидан ясалган ҳамда «усун қабиласи», «усунлар юрти» деган маъноларни англатган. «Бойсун» сўзининг усун этнонимига алоқадорлигини мифологик, тарихий ва жўғрофий материаллар ҳам тасдиқлайди.

Биринчидан, Л.Нестеров ёзиб олган афсонага кўра, Аёзхон бошчилигидаги бойсун халқининг яшаш жойи Оролбўйи худудида бўлган. Тарихий маълумотларга кўра, худди шу жойларда милонинг илк асрларида «ғарбий туркийларнинг шаклланишида муҳим роль ўйнаган» усун қабиласи истиқомат қилган. «Бойсун» ана шу қабила номи сифатида пайдо бўлган ва дастлаб ўз маъносида, яъни этник ном ўрнида қўлланилган. Зеро Аёз ҳақидаги афсонада «бойсун» элат номи сифатида тилга олинади.

Иккинчидан, «бой+усун», яъни «усунлар қабиласи» маъносида қўлланилган «бойсун» сўзи даврлар ўтиши билан ўша қабила яшайдиган жой номига, кейинчалик эса қаҳрамонлик эпоси сюжетида дахлдор афсонавий эпик юрт атамаси - эпонимга айланган. Қорақалпоқ халқ афсоналарида Сирдарёнинг қуйи оқими ёки Орол бўйларида Бойсин, Жийдали Бойсин, Бойсин қозақ қаби жой номлари қайд қилинган. Тарихий тараққиёт давомида «бойсун» нинг қабила атамаси сифатида маъноси унутилган ва у жой номи вазифасини ўтай бошлаган.

Демак, тарихий-этнографик кузатишлар Бойсун эпоними уйшун → усунлар мифологияси орқали бўри боласи – Ашина ҳақидаги тотемистик афсоналарга бориб тақалади. Лисоний жиҳатдан бу алоқадорликнинг этимологик ифодасини «*ашина* → *усун* → *уйшун* (бой+усун) → **бойсун**» тарзида баён қилиш мумкин.

Адабиётлар рўйхати:

1. Толстов С. П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Тошкент, 1964. 29-бет.
2. Нестеров Л. Прошлое Приаральских степей в преданиях киргиз Казалинского уезда. СПб, 1990. С.15.

3. Есбергенов Х., Хошниязов Ж. Этнографические мотивы в каракальпакском фольклоре. Нукус, 1988, С.139-141.
4. Есбергенов Х., Хошниязов Ж. Кўрсатилган асар, 140-141-бетлар.
5. Махмуд Кошгарий. Девону луғотит турк.3-том. Т., 1963, 155-бет.
6. Кузеев Р.Г. Происхождения башкирского народа. М., 1974, С.466-467.
7. Баскаков Н.А. Классификация тюркских языков // Труды института языкознания.Т.1. М., 1952, С.22.
8. Снесарев Г.П. Объяснительная записка к «Карте расселения узбеков на территории Хорезмской области (конец XIX - начала XX вв.)» // Хозяйственно-культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана. М., 1975, С.78-79.
9. Толстов С.П. Древний Хорезм. - М., 1948, С.261.
10. Есбергенов Х., Хошниязов Ж. Этнографические мотивы в каракальпакском фольклоре. Нукус, 1988. С.139-141.
11. Жўраев М. Бойсун - бўри қабиласи // Гулистон, 1991 №8. 27-бет.

ULUG`BEK HAMDAMNING “ MUVOZANAT ” ROMANIDA O`ZLIKNI ANGLASH MASALASI

T. Jo`rayev

Ijodkor qalb qulfiga tushadigan kalit hisoblanadi. Ya`niki, xalq dardini topa olgan kishigina o`sha dardni kuylay olgan adabiyotshunosgina haqiqiy ijodkordir. Bu baxt, ijod ahli orasidagi kamdan-kam kishilarga nasib etadi.

Xalqning dardi, baxti va kamolot yo`li bor. Bu yo`l adoqsiz. Bu yo`ldagi yo`lo`vchilarning har birida xohish-istak, orzu-umid va hasrat bor. Har birining o`z taqdiri, qismati bor. Badiyat esa ana shu qismlarni, taqdirlarni turfa ranglarda, turfa ohanglarda talqin etadi.

Ijodkor, tasvir etib qog`ozga tushirgan voqealari asosida, avvalo, o`z e`tiqodiga sodiqlik xususiyatini yuqori qo`ydi. Halollik, har xil tamagirlik, ochko`zliklardan tiyilish, sabr orqali murodga yetsa, baxtli yashash mumkinligi yoritiladi.

Asarning voqealari keng ko`lamli sujetga ega.Yusufdek shaxs obrazini fikrimcha har kuni, har joyda uchratavermaysiz.

Asar, voqealar rivojiga ko`ra chuqur ijtimoiylik kasb etgan. Bu asar voqealari shunchaki bir kundalik voqealar emas. Yozuvchi, Yusuf timsolida nafsning ildiziga bolta uradi. Buning isboti o`laroq, avval boshdan, do`stlari Said, Mirazim kabi mansab va pul ketidan quvib yashasa bo`lardir. Ulardan-da ziyoda

yashashi mumkin edi. Lekin Yusuf halollik va qanoat yo`ldan yurdi – qiyinchilikni tanladi. Bu asar qahramoni chinakam fidoiy shaxs ekanligini quyidagi jumlar asosida bilish qiyin emas. “Said institutni bitirgach Yusuf bilan birga to`rt-besh yil talabalarga dars berdi. So`ng siyosatga qarab ketdi. Yusufni ham taklif qilishgan edi: Lekin u: “Mening maqsadim o`zbekning ming xil pardalaru-yolg`on yashiqalarga o`ralgan qorong`u o`tmishini yoritishdir”. Bu mardona aytilgan so`zlar chinakam fidoiylkdir. Har jabhada do`stlaridan ustun bo`lgan qahramonning ilmu urfoniga qaramay, zamon bir aylanib kelganida uning ham boshqalardan deyarli farqi qolmadi. Ikkilanishlardan o`zini saqlay olmadi... axir u bularning barchasidan yuqoriroqda qolmog`i shart edi, o`zining nazdida. Lekin bo`lmadi, u- mag`lub!.. Alamzadalik sekin-asta chekilib, o`rnini nafrat tuyg`usi egallab olayotgandi. Xa, boshqa chora qolmagandi, Yusuf nima bilandir hayotini ixotalashi, voqelikning ketma-ket tushayotgan zarbasidan o`zini ximoya etishi zarur edi. Undagi vijdon uyg`oqligi, zamona childirmasiga o`ynayotgan, ming xil tusda tovlanayotgan odamlardan keskin farqlantirib turar edi. Asar qahramoni aql va vijdon amriga qarshi bora olmaganligi asnosida yuzaga kelgan yetishmovchilik, qiyinchiliklar natijasida jondan aziz ko`rgan o`g`li, oilasidan ayrildi.

Ha, dono xalq aytganidek:

“Ayolning erga vafosi- er yiqilgan chog`ida bilinadi.

Erning ayolga vafosi- pul topganida bilinadi”.

Oygul, Yusufning ahvolini ko`ra turib uning yonida so`ngi damgacha bo`la olmadi. Balki, Oygulning o`zini oqlaydigan vajlari bordir. Masalan, bebaho farzandining qiyinchilikda voyaga yetishini xohlamagandir. Lekin asarda yoritilishicha, “Tengliklar hisobga olingan, lekin bir notenglikning hisobga olinmagani, ya`ni Oygul bilan yashab ko`rilgandan keyingina anglandi. Bu er-u xotin o`rtasidagi dunyoqarash-u tarbiya, ehtiyoj-u maqsad... farqliligi bo`lib chiqdi...”

O`quvchiga ma`lum sabablarga ko`ra omonat turgan oila go`dakning o`limidan so`ng tamomila quladi.

Er-xotinni bog`lab turgan rishta ham uzildi. Oila buzildi,- deb nadomat bilan talqin qiladi yozuvchi. Balkim, bu ham Yusuf hayotidagi taqdir sinovidir. Asardagi ijtimoiy hayot falsafasi kechasi va bugunidagi ramziy obrazlarni topa bilgan. “Muvozanat” siz aziz kitobxonlar o`qib his qilgan yoki qilmagan real voqealar yig`indisi. Bosh qahramon Yusufning har qanday ishda vijdon amriga qarshi bora olmaganini ko`ramiz. Mehnat bozorida ikki, uch kun davomida ishsiz, och nahor uzoq masofani yurib o`tishi, do`stini uchratib qolgach uyaliq qolmaslik uchun yolg`on to`qib, talabalar yotoqxonasida turishini bildirmaslik uchun begona manzilni aytib tushib qolishi - yu, yotoqxonada yegulik uchun pishayotgan sho`rvani va boshqa qozonchadagi kartoshkani yemoqchi bo`lgani va vijdon amri bilan fikridan qaytib o`z xonasida chumolilarga yem bo`layotgan nonni ko`rib o`sha non bilan qanoatlanganligini va shu bilan ko`ngli rohatlanganini ko`ramiz. Yusufning yaqin qishloqdosh do`sti Sodiq bilan bo`lgan suhbatida aytadiki:”Agar, men yeyishga nonim qolmay, farzandim betob bo`lib, uning uchun doriga pul topolmay farzandimdan ayrilsam ham bu tanlagan yo`limdan qaytmayman”. Bu chuqur idrok va tafakkur mahsuli natijasi emasmi?. Ijodkor asarda vijdon amri, sabr, qanoat, chidam kabi insonga xos xislatlarni yuksak fazilatlar cho`qqisiga chiqara olgan. Buyuk allomalardan biri aytganidek: “Har bir narsada hikmat bor”. Bu asar voqealarini, kechinmalarini, hikmatlarga uzviy bog`laydi. Har bir voqelik yoki narsaning ikki tarafi bo`ladi. Xuddi “tanga”ning ikki tarafi bo`lgani kabi.

Hikmatlarning boshlanish qismida mushtarak fikrlar ildizi yotadi, intihosida esa o`sha o`rganilgan hayotiy tajriba asosida yuzaga kelgan fikrlar qurshovida o`ziga xoslik kasb etgan ulug`vorlik maqomi nihoyalaydi. Ungacha inson hayotning necha sinovlaridan goh ehtiyotlik, goh matonat, goh sabr-chidam bilan uriladi-surinadi va yana qayta oyoqqa turadi. Buning natijasida kelajak avlodga har tomonlama ibrat bo`la oladigan uzun bir yo`l qoldiradi.

“Yiqilmoqlik yana barini qaytadan boshlamoqlikka yana bir imkonidir”.

Hayot insonni tarbiya qiladi va sayqallaydi. Asardagi tasvirlangan voqelik insonning o`z-o`zligini izlashga undaydi. (Yusuf timsolida)

Anglashiladiki, inson o`zining ko`ngil bo`stoniga yo`l topa olsagina, o`zining kim ekanligini anglaydi. Balki, ijodkor asardagi barcha haqiqatni “O`zlikni anglash” shiori ostiga yashirgandir. Asarning badiiy qimmatini ham shu g`oya ifodasida, nazarimizda.

“ O`tkir yozish uslubi ... shundan iboratki, - deb yozgan edi Lyudvig Feyerbax o`zining “Dinning mohiyati to`grisida leksiylar” asarida, - u o`z o`quvchisining ham aqli bor deb talqin qiladi, hamma narsani aytib qo`ymaydi, bu qoida ahamyatga ega bo`lib, fikr qilinishi mumkin bo`lgan munosabatlar, shart-sharoitlar va cheklashlar haqida o`z-o`ziga aytishni o`quvchiga havola qiladi”.

Yozuvchi turfa tarixiy davrlar, zamonlar ta`limotlar, taqdirlarni bir-biri bilan bog`laydi. Ulug`bek Hamdamning maqsad muddaosini to`g`ri va mukammal tushinish uchun adib darajasida yuksak madaniyatga voris va shunday bilimga ega bo`lish kerak bo`ladi. Agar kitobxonning yoki munaqqidning voqealardan voqiflik darajasi past bo`ladigan bo`lsa, buning uchun muallifni... ayblab bo`lmaydi.

Xulosa qilib aytadigan bo`lsak, biz o`sib kelayotgan yosh avlodlarimizni yuksak g`oyalar bilan yo`g`rulgan “Muvozanat” va shu kabi yaratilgan, kelgusida yaratiladigan mukammal qamrovga ega kitoblar yaratilishi kerakki, bunda bizga adabiyot yordamga kelmog`i darkor, bundan ko`zlangan maqsad esa ertangi kun uchun Yusufdek hayot sinovlariga mardonavor bardosh bera oladigan mard, fidoyi, sabr qanoatli Muvozanatni saqlay oladigan yoshlarni o`stirishdek masuliyatli vazifa yotadi .

Э.ВОХИДОВ С.ЕСЕНИН ШЕЪРЛАРИНИНГ ТАРЖИМОНИ.

**Ўқитувчилари А.Л. Кенжаев
Ж.А.Лутфуллаев**

Таржима ва таржимонларга бўлган эҳтиёж жуда қадимдан, инсоният цивилизациясининг илк даврларидан бошланган.

Манбаларда таъкидланишича, эраמידан олдинги учинчи минг йилликда қадимги Миср ва Бобилда савдо-сотик тараққий этиб, бозорлар

гавжум бўлган. Турли мамлакатлардан ташриф буюрган савдогарлар билан харидорлар ўртасида олди-сотди ишлари таржимон-тилмочлар орқали амалга оширилган, тошдан ясалган пештахталарга хом-ашё ва молларнинг номи, нарх-навоси турли тилларга таржима қилиниб, ёзиб қўйилган.

Жахон цивилизацияси тарихида «XXаср –таржима асри» деган ном олди. Аср давомида Чўлпоннинг Шекспир (“Хамлет”) дан, Усмон Носирнинг Лермонтов (“Демон”) дан, Ойбекнинг Пушкин (“Евгений Онегин”)дан, Эркин Воҳидовнинг Гете (“Фауст”)дан, Абдулла Ориповнинг Данте (“Дўзах”)дан, Қодир Мирмухаммедовнинг Хомер (“Илиада”)дан қилган таржималари адабиётимиз тарихида муҳим воқеалар бўлди, қолаверса, юқоридаги асарларнинг тилимиздаги барқарор таржималарига айланди.

Шеърый матн таржима қилинаётганда сўзма-сўз, яъни ҳар бир сўз ортидан қувиб таржима қилиш эмас, балки сўзни ўша контекстдаги маъно мазмунини талқин қилиб шеърый сатрларни, куплетларни мазмун моҳиятию руҳиятини таржима тилида моҳирона ҳамда шоирона қайта тикланса таржима муваффақиятли чиқади ва ўқувчилар қалбини ром этади. Ўзбекистон қахрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидов ўтган асрнинг 70-йилларида рус шоири Сергей Есениннинг “Замин дарғаси” номли шеърый тўпламини ўзбек тилига ўгириб, бу таржималарга том маънода бутун истеъдоди, ёшлигию меҳр-мухаббатини, бор маҳоратию ҳароратини сарфлаб “олтинсоч, мовий кўз ўрис” шоири қолдириб кетган шеърыйдан ўзбек китобхонларини баҳраманд этишга муяссар бўлди. Мутаржимнинг ўтган асрдаги бу таржимаси бутун бир шоирлар авлодини тарбиялаган, навқирону ўрта ёшли ижодкорларнинг назмий дид ва савиясини шакллантиришда катта рол ўйнаган чинакам адабий воқеага айланди.

С.Есениннинг “Ит хақида дoston” шеъри “Советская страна” газетасида 1919 йил 10 февралда эълон қилинган. Рафиқаси Софья Есенина-Толстая хотираларига кўра шеър – муаллифнинг болалик хотиралари меваси. Ўша кезлари қўшнисининг ити болалайди, раҳмсиз қўшни эса ҳали кўзи очилмаган кучукларни ўлдиради. Сергейнинг бола идрокига кучли таъсир

қилган бу воқеа кейинчалик “Ит хақида достон” шеъри ёзилишига сабаб бўлган. У бу шеърида химояга муҳтож жониворларга нисбатан инсон томонидан қилинган тошбағирлик ва шафқатсизликни ифодалайди. Э.Воҳидов шеърни таржима қиларкан, мисралардаги сўзларни айнан таржима қилмаса ҳам, уларнинг мазмун моҳиятини сақлаш ҳамда таржима тилида тиклаш мақсадида аслият матнда бўлмаган сўзларни қўшса ҳам шеърнинг умумий мазмунини ўша есенинона таъсирчан тарзда яратишга муваффақ бўлади. Қуйида аслият ҳамда таржима сатрлардан парчаларга эътибор беринг:

Песнь о собаке

Утром в ржаном закуте,
 Где златятся рогожи в ряд,
 Семерых оценила сука,
 Рыжих семерых щенят.

 А вечером, когда куры
 Обсиживают шесток,
 Вышел хозяин хмурый,
 Семерых всех поклат в мешок.

 А когда чуть плелась обратно,
 Слизывая пот с боков,
 Показался ей месяц над хатой
 Одним из её щенков

Ит хақида достон

Қуёш ўйнар жавдар хирмонда,
 Чипталарда нури тилларанг.
 Болалади она ит тонгда,
 Етти кучук туғди, малларанг.

 Оқшом пайти товуклар энди
 Қўноғига тизилишган дам,
 Уй эгаси хўмрайиб келди,
 Қопга солди еттовини ҳам.

 Ботқоқлардан кечиб ўтди лой,
 Оёқлари толди, уринди.
 Қайтар экан том устида ой
 Боласига ўхшаб кўринди.

“Синглимга хат” шеъри 1925 йилда ёзилган. Шоир синглиси Екатерина Есенина (1905-1977) билан шўх болаликнинг беғубор дамларини эслашади. Есенин шеърларини тўплаш, қўлёзмаларни сақлаб қолишда синглисининг хизмати катта. “Томорқамизда пишиб ётган олчаларни отамнинг жини суймасди: картошка экишга ер керак, деб қўймасди. Олчалар кесиб ташланиб, ер омоч билан хайдаб юборилганида, биз болалар роса хафа бўлгандик” деб ёзади Екатерина Есенина мазкур шеърни шарҳлаб. Ушбу шеър ҳам Э.Воҳидов томонидан меҳр ва маҳорат билан таржима қилинган,

Ўқувчи аслиятни ўқиб қанчалик таъсирланса таржимани ўқиб ўзбекона сатрларнинг шайдосига айланади:

Письмо к сестре

Привет, сестра!
Привет, привет!
Крестьянин я или не крестьянин?!
Ну как теперь ухаживает дед
За вишнями у нас, в Рязане?
Ах, эти вишни!
Ты их не забыла?
И сколько было у отца хлопот,
Чтоб наша тощая
И рыжая кобыла
Выдергивала плугом корнеплод
Отцу картофель нужен.
Нам был нужен сад,
И сад губили, душка!
Об этом знает мокрая подушка
Немножко... Семь...
Иль восемь лет назад.

Синглимга хат

Салом сенга, синглим,
Салом, ассалом.
Қадрдон далалар саломат борми?
Айт қалай парвариш қилмоқда бобом
Рязандаги бизнинг олужазорни.
Ўша олужазор,
Борми ёдингда?
Отам шўрлик тинмай қиларди
мехнат.
Бир парча еридан
Ҳосил олгунча
Омоч суриб қанча чекарди захмат
Унга мақсад эди,
Картошка олиш,
Биз боғ бўлса дердик,
Боғни кесишди.
Дилим ўртанганин
Айтсин ҳўл болиш.
Боғни кесишди-ю,
Бағрим эзишди.

Таржимон С.Есенин тўғрисида шундай ёзади: “Сергей Есенин – менинг болалик дўстим. Ҳассос шоир ижодини мактаб ёшимдан яхши кўриб, талабалик йилларимда таржималар қилганман. Мени адабиётга олиб кирган устозларимдан бири ҳам Сергей Есенин. Есенин каби истеъдодлар ҳамма замон, ҳамма халқларнинг кўнгил мулкидир. Уни мен таржима қилмадим, шоирнинг ўзи шеърларини ўзбек тилида шивирлаб қулоғимга айтиб турди”.²

Қалби шаффоф булоқдек мусаффо, тоза, юраги эса бутун борлиғу мавжудотларга бўлган битмас-туганмас мухаббатга лиммо-лим тўлик шоиргина, фақатгина фавқулудда ноёб қобилият эгаси бўлган инсонгина шундай сатрлар битиши мумкин:

Быть поэтом – это значит то же,
Если правды жизни не нарушить,
Рубцевать себя по нежной коже,
Кровью чувств ласкать чужие души.

Шоир бўлмоқ – бу –ку тайин гап –
Ўз жонингни ўртамоқ фақат.
Ханжар уриб нозик таниннга,
Ўзгаларга бахш этмоқ лаззат.

.....

.....

Канарейка с голоса чужого –
Жалкая, смешная побрякушка.
Миру нужно песенное слово
Петь по – свойски, даже как лягушка.

Ўзгаларнинг овози билан
Тўтикуш ҳам бийрондир, аммо
Куйла фақат ўз созинг билан,
Қурбақадек бўлса ҳам хатто.

Магоммет перехитрил в Коране,
Запрещающая крепкие напитки,
Потому поэт не перестанет
Пить вино, когда идёт на пытки.

Қуръонда ман этмиш Муҳаммад
Лаб урма деб хатто шаробга
Шоир ичар шунинг-чун ҳам май
Ташлар экан ўзин азобга.

.....
Но горя ревнивою отвагой,
Будет вслух насвистывать до дома:
“Ну и что ж, помру себе бродягой,
Не земле и это нам знакомо”.

.....
Рашкда ёниб, кўнгилда тугён
Аста куйлаб ташлайди қадам:
“Майли, ўлай хору саргардон,
Тақдиримда бор экан бу ҳам”.

Эркин Воҳидов Есенин шеърляти таржимаси билан узоқ йиллардан буён шуғулланиб келади. “Фауст” дек буюк асарни таржима қилган, жаҳон шеърлятидан хабардор шоир сўнгги йилларда Есенинни тўлақонли таржима қилиш билан шуғулланди. Ва ниҳоят, Есенин лирикаси Э.Воҳидов таржимасида ўзбек китобхониға ҳам асл нусхасида етиб келди дея хулоса қилсак бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. М.Н.Холбеков Таржимашунослик ва таржима танқиди, Тошкент-2014, 110-бет.
2. С.А.Есенин. Избранное. Москва “Художественная литература” 1985 575 стр.
3. Сергей Есенин Безорининг кўнгил изҳори Тошкент “ADIB” 2013. 251-бет.

QADIMGI TURKIY ADABIYOT NAMUNALARIDA DA BADIY SAN'ATLAR

Katta o'qituvchi, S.Boysinov

“Pand-nasihati yozdim, o'zing
o'qigil” (“Qutadg'u bilig” dan)

To'rtlik shaklining shakllanishi va rivoji milliy og'zaki va yozma manbalar bilan bog'liqligi, ularni kompozitsion-semantik xususiyatlari ko'ra bir necha turga ajratish mumkinligi, bu es poetik fikr yaxlitligini ta'minlashi borasida adabiyotshunos olim B. To'xliyev o'z tadqiqotlarida to'xtalib o'tgan.

Jumladan qadimgi turkiy adabiyot namunalaridan biri bo'lgan "Qutadg'u bilig"ning yaratilishi turkiy xalqlar adabiyoti tarixida butun bir davrni –turkiy xalqlar ilk mumtoz she'riyatining kamolot davrini tashkil etadi.

Asarning badiiy kompozitsiyasi tamomila o'ziga xos bo'lib, turkiy adabiyotdagi bir qator she'riy janrlarning shakllanish yo'llari va taraqqiyotini kuzatish uchun dastlabki muhim yozma manba rolini o'taydi. Bu masalaning hal etilishi, o'z navbatida, adabiyot tarixining bir qator masalarini yoritishga asos bo'lib xizmat qiladi. Shu ma'noda turkiy adabiyotdagi to'rtlik shaklining yuzaga kelishi, taraqqiyoti hamda poetikasiga e'tibor, ayniqsa, muhimdir.

Biz ushbu fikrlarga tayangan holda asardagi to'rtliklarni yaratishda muallif qanday maqsadlarni ko'zda tutganligi xususida to'xtalishni lozim deb topdik. "Qutadg'u bilig"dagi to'rtliklar o'z mavzusiga ko'ra, asosan an'anaviy uslubdagi falsafiy-didaktik xarakterga egadir. Bu holni muallifning to'rtlik yaratishda tajnislardan foydalanishida ham ochiq-oydin ko'rishimiz mumkin:

Qamug' nangga to'qursa ul kuni **belgulgig**,

Nafas, tin to'qursa sani **belgulgig**.

Yil, ay, kun kecharteg tiriglik kechar,

Kechar kun kechirgay seni **belgulik**

Bir qarashda radif bo'lib ko'rinadigan "belgulik" so'zi shu o'rinda tajnisdir. Dastlabki baytda u chindan ham radif vazifasini ado etadi: u yerda "belgilik", "belgilangan" kabi ma'nolarni anglatadi. Ammo oxirgi misrada u "shubhasiz", "albatta" kabi so'zlar o'rnida qo'llangan. Buni baytning hozirgi tilimizga o'girilgan holatida aniqroq tasavvur etish mumkin:

Barcha narsaning vaqti-soati va kuni **belgilikdir**,

Nafas va tin olishning soni **belgilikdir**.

Yil, oy, kun o'tganidek tiriklik ham o'tadi,

O'tayotgan kunlar seni ham **albatta** o'tkazadi.

To'rtliklarda tajnisning tasodifiy emasligini ko'rsatish uchun yana bir misol keltiraylik:

Tili yalg'an erning jafa qilqi ul,
Jafa kimda ersa ushul **yilqi** ul.
Kishi yalg'aninda tilama vafa,
Bu bir so'z sinamish o'qush **yilqi** ul.

Bu yerda "yilqi" so'zlari "hayvon" va "yillik" ma'nolarida qo'llanib, tajnis hosil qilyapti:

Tili yolg'on kishining qiladigan ishi jafodir,
Jafa kimda bo'lsa, o'sha yilqidir.
Kishining yolg'onchisidan vafo kutma,
Bu so'z ko'p yillardan beri sinalgandir.

Yusuf Xos Hojib to'rtliklarida tajnisning qo'llanilishi uning badiiy-estetik qiymatini oshirgan. To'rtliklarnig har bir misrasi salmoqli mazmun kasb etishi uning real hayot bilan bog'liq holda keng ma'no ifodalashi bilan ahamiyatlidir. Qolaversa, fikrlarning ixcham, lo'nda va ta'sirchan ifodalanishi o'quvchi e'tiborini tortadi. Shuningdek, muallif to'rtliklarida xalq og'zak ijodiga yaqinlikning mavjudligi ulardagi poeyik mazmuni hazm qilishni yengillashtiradi.

"Qutadg'u bilik" to'rtliklarining bosh xususiyati, yuqorida aytganimizdek, ularning didaktik xarakterga egaligidadir. Biroq, muallif didaktikasi pand-nasihat, o'gitlarning quruq va yalang'och ifodasi emas. Shoir didaktikasida chuqur badiiyatga burkangan gumanizm mavjud. Uning to'rtliklarida bashariyatning butun tarixi davomida intilgan orzu-istaklarini, qarashlarini ko'kka ko'tarish, insoniylikni, insoniy fazilatlarini targ'ib qilishni ko'rish mumkin. Bu qarashlar

bizning kichik bir tadqiqimiz, xolos. Kengroq izohlarga ilmiy ishlarimizda to'xtalish maqsadimiz bor.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Yusuf Xos Hojib. Qutadg'u bilig (Saodatga yo'llovchi bilim), transkripsiya va hozirgi o'zbek tiliga tavsif. Nashrga tayyorlovchi K. Karimov.-Toshkent, fan, 1971.
2. To'xliyev B. Bilim –ezgulik yo'li. Toshkent, Fan, 1990.
3. To'xliyev B. Yusuf Xos Hojibning "Qutadg'u bilik"i va ayrim janrlar takomili. Toshkent, 2004.
4. Arat R. R. Eski turk shiiri. Turk Tarih kurumi basimevi –Ankara, 1991.

MUHAMMAD YUSUF SHE'RIYATIDAGI SODDALIK-ISTE'DOD ASOSI

N.Irgasheva o'qituvchi (29-maktab)

N. Sag'dullayeva, talaba

Insonni, uning ma'naviy olamini kashf etadigan bir qudratli vosita mavjudki, u ham bo'lsa, so'z san'ati, badiiy adabiyotdir.

Adabiyotda, xususan, she'riyatda shunday shoirlar uchraydiki, ularning she'rlari zamon, makon tanlamaydi. O'zbek she'riyatida bunday ijodkorlar bisyor. Ular orasida o'zining o'zgacha uslubi bo'lgan shunday bir iste'dod egasi bor ediki, uning qalamiga mansub she'rlar katta-yu kichikning qalbini birday jumbushga keltirgan.

Muhammad Yusuf. Bu ismni bilmagan, eshitmagan inson bo'lmasa kerak. Bu nom ijod, adabiyot, san'at ahlining, qolaversa, oddiy xalqning ham orasida bot-bot tilga olinadi. Shoir she'rlarida boshqa shoirlari jodiga o'xshamagan shunday xislat bo'lganki, bu o'zgarlar ijodidan uni ajratib turadi. Bu she'riy misralardagi soddalikdir. She'rlari shunday sodda, ravon, xalq tiliga yaqin yozilganki, ularni yod olish, tushunishosonligi bilan alohida ahamiyat kasb etadi. Lekin bu oddiylik zamirida dolzarb mavzu, teran mushohada yotadi. Shoir she'rlarini mutoalaa qilganimizda, ular juda soda bo'lib ko'rinadi. Ammo uning oson yozilganga o'xshab ko'ringan xalqona, soda misralari o'quvchini yig'latadi, kuldiradi, o'z og'ushiga torti boladi.

Yurt muhabbatini hech kimga o'xshamagan, hech kimda takrorlanmaydigan misralarda ifodalagan she'rlari xofizlarimiz tomonidan ham mahorat bilan kuylanib kelinmoqda

Men dunyoni nima qildim,
O'zing yorug' jahonim,
O'zim xoqon,
O'zim sulton,
Sen taxti Sulaymonim,
Yolg'izim,
Yagonam deymi,
Toppingan koshonam deymi,
O'zing mening ulug'lardan
Ulug'imsan, Vatanim...

Shoir she'rlaridagi bu kabi oddiy satrlar orqali hech kim ilg'amagan, hech kim ahamiyat bermagan, xatto, xayoliga ham keltirmagan manzaralarni guvohi bo'lishimiz mumkin. U qaysi mavzuda bo'lishidan qat'iy nazar, mana shunday hayotiy tasvir mahoratini ko'rishimiz mumkin. She'rlaridagi o'xshatishlarni ko'rib lol qolmaslikning iloji yo'q. Oddiy misol, e'tibor berganmisiz, suv bo'yida o'sgan momaqaymoqlarning qay holatda gullaganini. Shak-shubhasiz, yo'q!

Toshkanda... tog'larni sog'indim,
Yashil o'tloqlarni sog'indim.
Suv bo'yida chordona qurgan
Momaqaymoqlarni sog'indim.

Muhammad Yusufning noyob iste'dodi aynan ana shunday inson xayolotiga kelmaydigan, ammo g'oyat xalqona, soda va tabiiy timsol va tashbehlar bilan aloqador. Yana bir misol, hayotda quyosh botishini ko'rmagan odam bo'lmasa kerak. Lekin tasavvur qilib ko'ringchi, quyoshning ushbu holatini qanday tasvirlagan bo'lardingiz? Ha, barchaning hayoliga ko'pincha an'anaviy bir o'y keladi – “quyosh ufqqa bosh qo'ymoqda, tog'lar ortiga berkinmoqda va hokazolar”. Endi e'tibor beraylik, shoir qanday tasvir etadi:

Quyosh osmon etagiga osilib mana,
Bir xo'rsinib, ko'zdan g'oyib bo'ldi-yu keyin-
Qo'shni qizning havasini keltirib yana
Toshko'chaga suv sepishni boshladi kelin...

Boshqa bir misol, Muhammad Yusuf tabiatni shu darajada sevganki, o'zining she'rlarida ohu, jayron, kapalak, qaldirg'och, qizg'aldoq, rayhon, yalpiz va shularga o'xshash giyoh va jonivorlarga murojaat etib, ajoyib satrlar bitadi. Xatto, yalpizni shu darajada yaxshi ko'rganmikaniki, unga singlim deya murojaat etadi va bu faqat Muhammad Yusufgagina xos bo'lgan, chuqur insoniy mehr va samimiyatga yo'g'rilgan yorqin milliy ruhda bitilgan poetik ifodalar:

O'zim jannatda-yu, do'zaxda ko'nglim,
Yalpizjon, sen o'sgan tuproqda ko'nglim.
Sen jilg'a bo'yida sarg'aygan singlim,
Men ummonda senga mushtoq og'angman.

Yoki qizg'aldoqning tashqi ko'rinishiga qarab:

Qizg'aldog'im, qirdan bo'lak koshonang yo'q,
Kokil yoysang, yerdan bo'lak toshoynang yo'q,
O'ksib-o'ksib turganingda o'zim borib,
Peshonangdan o'pay desam, peshonang yo'q...

-deya oladigan ijodkorni hali hech kim uchratgan emas.

Muhammad Yusuf ijodiga xos bo'lgan muhim fazilatlardan yana biri shundaki, uning she'rlarida zamonaviy tashbeh san'atining noyob durdonalarini ham uchratishimiz mumkin:

Sevgi bamisoli lolaqizg'aldoq,
Teginmay bo'lmaydi,
Tegsang to'kilar.
Alvon bir gumbazning o'rtasi oppoq...
Buni bir men-u bir kapalak bilar.

Yoki:

Muhabbat, ey go'zal iztirob,

Ey ko'hna dard, ey ko'hna tuyg'u.
Ko'kragimga qo'limni tirab,
Yuragimni to'kib qo'yding-ku.

Muhammad Yusufdek iste'dodlar har doim ham dunyoga kelavermaydi. Bunday iste'dod egalariga Olloh tomonidan shunday qobiliyat ato etiladiki, bunday in'omni tan olmaslikning iloji yo'q. So'zimning isboti sifatida O'zbekiston Qahramoni Ozod Sharafiddinovning quyidagi fikrlarini keltiraman: "Muhammad Yusuf Xudo bergan qobiliyat egasi ekanligiga o'zim guvoh bo'lganman. Bir davrada Cho'lponning "Ko'klam" she'ri to'g'risida gap bordi. U mening ta'rifimdan ta'sirlanib ketdimi, ichkari xonaga kirib ketdi-da, 10-15 daqiqa o'tgach chiqib, qo'limga "Ko'klamoyim" she'rini tutqazdi. Uni menga bag'ishlaganini aytdi. She'rni o'qib, ko'zimdan yosh chiqib ketgandi o'shanda":

Sochimda oq, men bahordan o'tindim:

Ko'klamoyim, ko'kingdan ber bir chimdim.

Qor qo'ynida seni qumsab o'kindim,

Ko'klamoyim, ko'kingdan ber bir chimdim.

Yuqoridagi misollar shundan dalolat beradiki, uning she'riyatidagi jo'shqinlik, samimiyat bularning barchasi soddalikdadir. Ana shu soddalik, xalqonalik- shoir iste'dodining asosidir. Ehtimol mana shuning uchun ham Muhammad Yusuf she'rlari ardoqli va sevimlidir.

Muhammad Yusuf tom ma'noda xalq shoiri edi. U Vatanni kuyladi, tabiatni sevdi, muhabbatga umrin berdi. Ko'hna dunyo qilmishlaridan yuzin burdi, uning gul malaklari ishqida yonib kuydi. Mehrin berdi, halovat topmadi, yuragini yo'lbarslarga yedirmoqqa, oqibat otash qalbin otashlarga otmoqlikka chog'landi va oxir qarang qanday go'zal maysadan mehr topdi, uning bag'riga intildi, lolaqizg'aldoqlarni suyib peshonasidan o'pdi. Pokiza qalb egasidir u... Ba'zan tabiatni kuzata turib shoir sevgan chuchmomalar, qizg'aldoqlar, maysalarga qo'ngan shabnamlarda shoirning pokiza, hassos qalbini ko'rgandek bo'laman. Beixtiyor suratlarda ko'rganim uning o'ychan nigohlari ko'z oldimda gavdalanadi. Bu kechinma birgina menda emas, balki shoir she'riyatiga oshufta qalblarning

barchasida ro'y bersa ajab emas. Mana shunday his-tuyg'ular iskanjasiga tushar ekanmiz, demak Muhammad Yusuf hali barhayot, mana shu musaffo osmonimiz ostida biz bilamiz.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Muhammad Yusuf. "Saylanma". Toshkent.: SHARQ, 2007.

КОМИЛЛИК ХУСУСИЯТИНИ ЎЗИДА МУЖАССАМЛАШТИРГАН ОБРАЗ

(Алишер Навоий "Лайли ва Мажнун" достони мисолида)

Ш.Одилжон талаба

Муҳаббатнинг жомин ичиб девонаман,
Мажнунсифат хелу хешдин бегонаман.
Эй ёронлар, шамъин кўруб парвонаман,
Йиғламайму, жон маҳрамин тобмасмано?

Аҳмад Яссавий

Алишер Навоий бадиий ижодининг катта қисмини фалсафий мазмунга йўғрилган ғоялар ташкил этади. Шундай асарларидан бири "Лайли ва Мажнун" достонидир.

Алишер Навоий ўзининг "Маҳбуб ул-қулуб" асарида ишқни уч гуруҳга ажратади: Биринчиси авом ишқи бўлиб, у ҳаётини истакларга асосланади ва никоҳ қурилиши билан мустаҳкамланади, бу суннатдир - дейди Навоий. Иккинчи ишқ хаввос яъни хослар ишқидир. Бу ишқда Ҳақнинг жамоли бирор бир киши қиёфасида тасвирланади ва уни Оллоҳга бўлган ишқ билан севади. Учинчи ишқ сиддиқлар ишқи бўлиб, бу ишқ тўғридан-тўғри Оллоҳга қаратилган пайғамбарлар ва авлиёлар ишқидир [1, 66]. Алишер Навоийнинг "Лайли ва Мажнун" достонида ишқнинг ўзи таърифлаган деярли барча турларидан фойдаланади. Шу билан биргаликда асарда ота-она ва фарзанд муносабатлари, инсон ва инсонийлик хислатлари, Оллоҳ йўлидаги мажозий ишқ тимсолларининг ички кечинмалари каби масалалар акс эттирилади. Навоий орзу қилган комил инсон ғояси муаян маънода бу асарда ҳам акс этади.

Алишер Навоий ўз асарида Қайс образи орқали комил инсон хусусиятларини акс эттирганлигига гувоҳ бўламиз. Қайс муҳаббат йўлида ўзлигидан, ҳаттоки ўз ота-онасидан ҳам йироқлашди. Бундай инсонни комиллик сари интулувчи инсон десак бўладими?

Комилик сари интилиш ғоялари Мажнунинг қуйидаги ўзига хос жиҳатларида намоён бўлади:

Биринчиси, Қайс (Мажнун) ва Навфал муносабатларида. Мажнун ҳаж сафаридан қайтгач, дашт-у биёбонга йўл олади, ўша ерда Навфал ўз одамлари билан ов қилгани келган эди. Ана шунда Мажнун ва Навфал муносабатлари вужудга келади. Навфал ҳам ишқ можаросига йўлиққанлиги туфайли Мажнунинг аҳволини тушунади ва унга турли таклифлар беради. Мажнун эса бу хушсурат инсоннинг теран фикрларига аниқ ва лўнда жавоб бериши билан биргаликда, унинг нафс ўтини (асарда келтирилган овга, ҳайвонлар қонини тўкишга мойиллигини) сўндиришга эришади. Бу билан Навоий комил инсон ҳар қандай шароитда, ҳаттоки ҳайвон бўлса ҳам тирик жоннинг қонини тўкиш гуноҳ эканлигини эслатиб ўтади.

Яна бир мисол, Навфал томонидан Мажнунга одам билан ҳайвон ёнма-ён ҳаёт кечирishi мумкин эмаслиги, у билан жинсдошлиги озлигини, одам билан одам ҳамжинслигини айтиб, Мажнунни ўзи билан бирга кетишга ундайди. Агарда у билан кетса, зар билан бўлса ҳам, зўр билан бўлса ҳам уни ўз маъшуқаси висолига етказишини айтади. Шунда Мажнун Навфалга агарда сен висол сўзини тилга олмаганинда, барча таклифларингга айтарлик жавобим бор эди, лекин энди улардан кечдим дейди:

Деди: «Неким айладинг хитобим,

Борисиға бор эди жавобим.

Чун васл сўзин дединг унуттум,

Ул барчасидии канора туттум [2, 163].

Ёки асарни ўқиш давомида, Навфал билан Лайли қабиласи ўртасидаги урушдан сўнг Мажнун Зайд билан учрашиб қолиб, у билан бўлган суҳбат давомида бўлган воқеалардан хабардор бўлиши ва унинг Зайдга айтган “ёр

маконидан ҳаргиз юзингни ўгирма; бошингни ҳам остонадан олма” – деган хитобини эсга олайлик. Бу икки мисол орқали Навоий мажозий тарзда Оллоҳ жамолига етиш (Ваҳдад ул-вужуд), жонни бағишлаш нечоғлик буюк бахт эканлигига ишора қилиб, нафақат комил инсон, балки оддий инсонлар ҳам Оллоҳ жамолига етишиш мақсадида ҳар қандай тўсиқдан ҳам қайтмасликлари керак эканлигини яна бир бор исботлайди.

Иккинчиси, Мажнун ва ота-она муносабатларида. Мажнун отаси билан бўлган суҳбат давомида ота-онанинг қанчалик улуғ зот эканлигини таъкидлаб ўтилади. Шунини инобатга олган ҳолда, отаси Мажнунни ахтариб, вайронада ётганини кўрганда, у (Мажнун) отасидан қочишга ҳаракат қилади. Унинг кўзига бундай ахволда кўринишни гуноҳ деб билади. Ёки саҳрога қочиб кетган Мажнунни отаси уйга олиб келганда ва насиҳат қилганда Мажнуннинг отасига айтган ушбу сўзлари, уни камолотга эришганлигини кўрсатади:

Дедики: «Кечур гуноҳим охир
Ким лутфунг эрур паноҳим охир?»... [2, 242]
Деди: «Санга ҳарнеким ризодур,
Қилмоғлиғ ани манга сазодур.
Ҳукм этки не навъ этай шиорим,
Этмакда ани не ихтиёрим?»... [2, 243]

Учинчидан, бу келтирилган мисоллардан ташқари Мажнуннинг камолоти ёввойи ҳайвонлар, демакки, табиат билан бўлган муносабатда ҳам акс этади. Навоий тасвирлаганидек, Лайли қадам қўйган ҳар бир ерида бир нечта кийиклар унга эргашар, унга ҳамроҳ бўлишар эди. Ҳатто чўпоннинг итидек бўрилар ҳам унинг дардига шерик бўлар эдилар. Бу ҳолат тафсилотини Навоий Навфал тилидан шундай изоҳлайди:

Дедики: «Не кимиё эрур ишқ,
Не бориқаи зиё эрур ишқ.
Ким, ҳар кишиники қилди ғамнок,
Ғашдин қилур ўйла қалбини пок...

Ким, ваҳшга йўқ қошида даҳшат

Чун кетти башарлик, итти ваҳшат... [2, 169]

Яниким, "...унинг инсонлиги шунчалик йўқолибдики, ваҳшийлар ҳам ундан кўркмайдилар. Чунки ундан инсонийлик кетганида, ваҳшат ҳам кетади". Бу билан Навоий Мажнуннинг инсонийлик хислатлари йўқолганлигига ишора қилмайди. Бунинг таг замирида Оллоҳ йўлига қадам кўйган инсоннинг нафсоний хирслари билан биргаликда, ёмон иллатлари ҳам бўлмаслиги кераклигига ишора беради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Алишер Навоий "Лайли ва Мажнун" достонида Қайс (Мажнун) образи орқали фақатгина ишқ йўлида мажнун даражасига етган шахснигина эмас, ахлоқ ва одобда камолотга эришган инсонни ҳам тасвирлашга ҳаракат қилган ва бу вазифани аъло даражада бажарган. Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Алишер Навоий нафақат ўзи яратган Фарҳод образи, балки "Лайли ва Мажнун" достонидаги Мажнун тимсолини ҳам комил инсон деб ҳисоблайди. Бугунги кун ёшларини баркамол ва етук қилиб тарбиялашда Мажнун образи ҳам муҳим бир ибрат бўла олади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Танланган асарлар тўплами. XIV том. Маҳбуб ул-қулуб. Т.: Фан, 1998. 315 б.
2. Алишер Навоий. Танланган асарлар тўплами. IX том. Лайли ва Мажнун. Т.: Фан, 1992. 377 б.
3. Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун. Т.: Ғафур Ғулом, 2006. 319 б.
4. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. VII жилдлик. Лайли ва Мажнун. Т.: Ғафур Ғулом, 2011. 693 б.
5. Жаъфар Холмўминов. Жомий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. 235 б.

БОЛАЛАРГА БАХШИДА УМР

Наргиза Қодирова

Сангзор қишлоқ хўжалик КХК адабиёт ўқитувчиси

Ҳар мурод – у мақсадингга етмоқ истарсан мурод,
Кўз очиб бедор бўл, даркор илм, даркор илм!
Ул ҳақиқат ойинига сайқал истарсан, Ниҳон,

Илм иста, илм иста, истағил зинҳор илм!

Миллатни маърифатли кўриш ва фаровон яшашини орзу қилган, ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг таниқли намояндаси, педагог, шоир, драматик асарлар муаллифи Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий 1889 йилда Қўқон шаҳрида туғилган.

Ҳамза ўзбек болалар адабиётининг майдонга келишига катта ҳисса қўшди. Унинг ўзи ташкил қилган янги усул мактаблари талабалари учун яратган “Енгил адабиёт”, “Ўқиш китоби”, “Қироат китоби” номли ўқиш китобларига киритган кўплаб шеър, ҳикоя ва масаллари илм-маърифатга чорловчи асарлари ўзбек болалар адабиётининг дастлабки намуналари сифатида бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотган эмас.

Шоир Лутфий, Навоий, Гулханий, Муқимий, Фурқат асарлари билан яқиндан танишади, улар ижодидан илҳомланади. Камбағал, ночор болалар учун у 1915-йили Марғилонда мактаб очади. 1918-йилда эса Фарғонада ўқитувчиликни давом эттиради. Ёш санъат ихлосмандлари учун “сайёр драм труппа” ташкил қилади. 1919-йилнинг бошларида Ҳамза Қўқондаги 1-сонли боқимсиз болалар уйига мудир лавозимига тайинланади. Қорақалпоғистоннинг Хўжайли туманидаги 1-болалар уйи мудир ва ўқитувчиси, 1925-йилда Фарғонанинг Аввал қишлоғидаги мактабда оғир шароитда асарлар ёзиб, бадиий ижодини давом эттирган ҳолда ўқитувчи бўлиб ишлайди. Шоир 1928-1929-йилларда Шохимардонда ҳам ўқитувчилик қилади. Унинг тарбиявий мавзуларда яратган “Илм иста”, “Мактаб”, “Китоб”, “Ўқи”, “Қалам”, “Тўғрисўз бола”, “Ҳикоят”, “Тошбақа билан Чаён”, “Боланинг ёмон бўлмоғига сабаб бўлган онанинг жазоси” каби шеърлари болаларни эзгулик сари етаклайди.

Ҳамза барча асарларида меҳнаткаш халқни ўқишга, илм ўрганишга даъват этади:

Ким билурди одам-у олам надур, хайвон нечик?

Бўлмаса эрди агар инсонда бу осори илм.

Қайси мавжуда боқсанг билмоққа кайфиятин,

Лозим ўлгай топмоққа аввал ўқиб ахбор илм...

Ёшларнинг илм олишига, аҳли илм бўлишларига жиддий эътибор берган шоир, оламга офтоб қанчалар зарур бўлгани каби, одамга офтоб, нур бағишловчи йўл илмдир, илмсизлик гўё тун каби зулматдан иборатдир, неки мақсадинг бўлса илм туфайли, ҳар дам илм илм эгаллашга шошилгин, дея болаларни илм-маърифатга чорлайди:

Оламнинг хуршиди кундир, одамнинг хуршиди илм,
Оламнинг зулмати тундир, одамнинг нодори илм.
Ҳар мурод-у мақсадингга етмоқ истарсан мурод,
Кўз очиб бедор бўл, даркор илм, даркор илм!
Ул ҳақиқат ойинига сайқал истарсан, Ниҳон,
Илм иста, илм иста, истагил зинҳор илм!

Инсоннинг камолотга етишишида, юксак ахлоқий, олижаноб фазилатларга эга бўлишида тарбия-илм, одоб, мактабнинг ўрни беқиёс деб билади. “Мактаб хусусинда” шеърида мактаб миллатнинг қуёшига, гули ва боғига ўхшатилади:

Мактаб миллат қуёши,
Балки кўз ила қоши.
Кўзсиз, қошсиз кишининг
Қандай хунукдир боши.

Мактаб миллат саройи,
Илм-у адабнинг жойи.
Дунёда энг саодат,
Ахтарганларнинг жойи.

Ҳамзанинг фикрича, боланинг илмли, одобли, ақлий ривожланишида китобни ўрни катта. Китоб билим манбайи, кўнгилга шодлик бахш этувчи, уни кадрлаган ҳурмат, кадр топади, мурод-мақсадига етказди, ҳатто хаста дилларни даволовчи восита деб билади:

Ҳар кўнгилнинг орзуси шул эрур оби ҳаёт,
Қадрини билган кишига, шубҳасиз, жондир китоб...
Ҳар муроднинг бошидур, ҳар муддаонинг гавҳари,
Ҳар маразларнинг шифоси, яъни луқмондир китоб.

Ижодкор болаларни ростгўйлик сари етаклайди. Жамиятдаги энг ёмон иллат-бу ёлғончиликдир. Ростгўйлик билан сўзлаш-ёлғончилик эса энг ёмон сифатдир деб билади. Шоир “Тўғрисўз бола” шеърида шундай дейди:

Келмоғида мактабидан бир ўғил,
Тўхта дебон икки киши тўсди йўл.
Бири деди: “Танга берурман санга
Сўзла бир оғизгина ёлғон манга”
Берди ўғил фикр ила ширин жавоб:
“Сўзланг, ако, қоматингизга қараб.
Бу сўзингиз аслида ёлғон эрур

Тангага ёлғонни ким олган эрур.

Ҳамза болаларни ҳар қандай ҳолатда ҳам тўғрисиўз, ростгўй, бўлиб тарбия топишга чақиради. Тўғрилиқ, тўғри сўзликни энг яхши гўзал фазилат деб билади. У алдамчиликни, ёлғон сўзликни ёмон иллат сифатида қоралайди:

Сизда кўп эркан ўзи ёлғон, ако,
Сиз они аввал сотиб айланг адо.
Қолса камиб, етмай агар сизданам,
Ўртоғингизда кўп эрур бизданам”.

Офарин айтдилар анинг сўзига
Тангани холис берубон ўзига.

Ҳисса: кими тўғри сўзли ҳар қачон,
Текузадур доимий бўйла ҳисон.

Инсонпарварлик, ота-онага ҳурмат, самимий муҳаббат шоирнинг асарларида ўз аксини топган. Шоир болаларни ўз ота-оналарига меҳрибон бўлишга, уларни қадрлашга ва ҳурмат қилишга даъват этади:

Токи тонгдан кечгача меҳнат этиб,
Тарбия қилган бизни меҳнат чекиб,
Яъни боққан ош-нон бизга топиб,
Устимизни ёзу қиш тўнла у ёпиб.
Ўзи оч қолса-да, бизни қолдирмади.

Ҳамзанинг она Ватанга чексиз муҳаббати, амалдаги педагогик фаолияти ва бадиий ижодида ўз аксини топди. Шоир болаларни илм чўққиларини забт этмоққа чорлайди. Ватанни англашга, муқаддас она заминни асраб-авайлашга тарғиб этар экан “ жонларни жонони ватан” шеърида шундай дейди:

Ватан, ватан дер эдилар, на дер эдим билмай они,
Энди билсам Ватан эркан бу танларнинг ширин жони.
Бир жон эмас, эй суйгули, томирларнинг қони Ватан,
Сенсан, бале, билганлара жонларни жонони Ватан!

Сенинг қучоғингда бизлар дунёга келдик, не-не машаққатлар ила вояга етказдинг, тирикликим, борлигим сен билан, гарчи дунёдан сени билмасдан, қадрламасдан кўз юмсак-да, аммо сен барибир ўз қучоғингга олдинг, аслида сен учун улуғ ишларни қилмоқ керак, илм ва маърифат ила сени англамоқ керак дейди:

Сенсан бизлара чин туғмиш бир мунглик ано,

Бокғунг тирик бўлсак, агар ўлсак кучоғингда яно.
Бир жон эмас, эй суйгули, томирларнинг қони Ватан,
Сенсан, бале, билганлара жонларни жонони Ватан!
Аёлларни қаттиқ зулим остида тутган, хўрлаган, инсонлик ҳақ-
ҳуқуқларини поймол қилган бир шароитда, шоир “Ўзбек хотин-қизларига”
ғазалини яратади. Хотин – қизларни ҳар тарафлама камситилиб, куллик,
жаҳолат, илмсизлик ботқоғида қолганини кўради. Ижодкор уларни, китоб
ўқишга, илм-маърифатга, маданиятга чорлаб эзгу орзуларини хотин-қизларда
ҳам кўришни истайди.

Келди очилур чоғи, ўзлигинг намоён қил,
Парчалаб кишанларни ҳар томон паришон қил.
Мактаб, анжуман борғил, унда фикр очиб гоҳи,
Илм-у фан тиғи бирла жаҳл бағрини қон қил.
Ҳамзанинг мақсади, биргина эркаклар эмас, балки аёллар ҳам
жамиятда ақлу заковати, маънавий камолоти ила ўз ўрнига эга бўлиши керак
деб ҳисоблайди. Тарихдан маълумки, комила, оқила ва фозила аёллар номи
ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинади. Шоирнинг истаги, аёлларни
паранжидан чиқаришгина эмас, балки уларни ақлини пешлаш, руҳини
уйғотиш, уларда ўзлигини намоёиш қилиш истагини пайдо этиш, илм
ўргатиш жамиятда аёллар ҳам маънавий баркамолликка эришишини кўзда
тутади:

Сен қачон маорифнинг даргоҳига йўл топсанг,
Нурларин олиб кўзга сурмайи Сулаймон қил.
Шоирнинг “Тошбақа билан Чаён” назмий ижодида яхшилик, дўстлик,
ҳамкорлик улуғланади, фирибгарлик, бахиллик, хиёнат ва хоинлик қаттиқ
қораланади. Ҳамза ўзининг “Бахил”, “Саҳий”, “Золим”, “Раҳим”, “Хиёнат”,
“Хоин” ва “Саодат” ҳикояларида ҳам ёшларни садоқатли, кишиларга
меҳрибон ва ғамхўр бўлишга чақириб, асарларида бахиллик, золимлик,
зўравонлик, хиёнат ва хоинлик энг ёмон иллат сифатида фош этилади.

Ҳамза “Миллий ашулалар”, “Оқ гул”, “Қизил гул”, “Яшил гул” ва
бошқа тўпламларидаги кўшиқлари орқали ҳам, ёшларни санъатга,
маданиятга етаклади.

Маърифатпарвар шоир, драматург ва бастакор Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ёш авлодни ўқитиш, тарбиялаш, маънавиятини юксалтиришдек эзгу ишга бутун иқтидорини, умрини бағишлади. Шунингдек, унинг яратган барча асарлари ўзбек болалар адабиётининг янада гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

АВОМ ИШҚИ АКС ЭТТИРИЛГАН ОБРАЗ

(Алишер Навоий “Лайли ва Мажнун” достони мисолида)

О.Шодиев талаба

Навоий “Лайли ва Мажнун” достонида авом ишқини тараннум этувчи образларни ҳам яратади. Шундай образлардан бири Ибн Салом образидир.

Мажнун кишанбанд қилиб қўйилгандан сўнг Лайли қизлар билан боққга бориб, паришон бўлиб, (шоир ўз асарида бу воқеани тасвирлар экан, Лайлини ўз чехрасидан оламга гул очиб, юздаги тер билан ерларга гулоб сочиб, шу гул ва гулобни намойиш этар, ишқ ўтида юзлари жуда бошқача бўлиб кетган дея таърифлайди) шом пайти қайтаётганда, бир бой араб йигити Лайлини кўриб қолади. Бу йигитни шоир зотида ҳеч қандай нуқсонни йўқ, соғлом киши деб таърифлайди:

Саҳрони тутуб теваси яқбанд,

Ҳайкал аро барча кўҳ монанд.

Чун молига кимса билмайин сон,

Ҳар мушқил ўлуб қошида осон. [1, 131]

Ибн Салом, ҳар қандай юлдузни чақа ўрнида кўрувчи ва ҳар бир ишнинг оқибати бойлик билан ҳал бўлади деб ўйловчи инсонлар тоифасидан эди. Шу сабабли Ибн Салом тезда ўз қабиласига бориб сандиқ-сандиқ олтин-у дур йиғиб, Лайлининг отасини олдига совчи юборади. Совчилар бориб отага бу воқеадан хабардор қилганда, ота шундай деб жавоб беради:

Сомий чу қолиб гаразни таҳқиқ

Дедики: «Худой берса тавфиқ,

Ул қилса ўғуллугум ҳавоси,

Бўлгаймену мен дағи атоси. [1, 133]

Навоий ўз асарида ҳар бир Оллоҳ йўлида ҳаракат қиладиган инсон қийинчилик ва азобларга дуч келишини таъкидлар экан, аввало, ўз иродасига собит қолишини айтади. Лекин хом сут эмган одам боласи унга ҳамиша амал қила олмаслигини Навоий асарида ҳам акс этади. Ишқи кўпроқ ҳийла ва алдовдан иборат бўлган фалак бир неча кун Мажнун билан ҳазиллашиб, йўқ, балки, беҳаёлик билан уни уйланишга буйиради:

Ким, ул неча кунки чархи пурфан

Ким, кўпроқ анга фиреб эрур фан.

Ҳазл этти не ҳазл, беҳаёлик,

Мажнунга буюрди кадхудолик [1, 253]

Шунда фалак Мажнунинг Лайлисига ҳам вафо қилмайди. Ибн Салом тўй тараддудига тушиб қолади. Навоий ана шу вазиятда Ибн Саломни аждарҳога ўхшатади. Бунда ўз олтинини қанчалик эгаллашга интилса аждарҳо, Ибн Салом ҳам ўз ойига эришиш учун жадалланади:

Ҳам Ибни Салом иттифоқи,

Соз айлади уйланур яроқп.

Ҳарнски керак қилиб мураттаб,

Лайли хашамига сурди маркаб.

Чиқтилар алар дағи топиб ком,

Бердилар анга уй ичра ором... [1, 253]

Лекин Ибн Саломга ҳам тескари гардун вафо қилмаган эди. Чунки унинг бир касаллиги бор эдики, у ўз ойига етишишига ҳалақит берган эди. Бу касаллик номи хафақон эди (Бу касаллик инсон қон босимининг ошишидир. Хафақонлик назорат қилинмаса ва даволанмаса инсульт, юрак хуружи, юрак ёки буйрак фаолиятининг бузилишига олиб келиши мумкин [3]). Хафақон касаллиги Ибн Саломга май ичгандан ўз асоратни кўрсатар эди.

Хайлини дағи тушурдилар бот,

Базм ичра қадаҳ кетурдилар бот...

Айш айладилар неча туну кун

Ким, не куня майсиз эрди, не тун.

Чуп бўлди маҳалки ақди тазвиж.

Бергай бу нишот ишига тарвиж... [1, 253]

Навоий ўз асарида бу ҳолни тасвирлар экан, инсонлар ўзларида бор курсурни енга олишмаса, ёинки, ўз нафсини жиловлай олишмаса, гўёки Ибн Салом ҳолига тушишига ишора қилади. Шу ҳолатда Навоий яна бир ҳақиқатни китобхонга эслатиб ўтмоқчи бўлади: Инсон Оллоҳга меҳр кўяр экан ҳеч қачон ундан юз ўтirmaйди:

Ўз қатлини айламиш эди биз,

Пинҳон қилиб эрди захрлик тиг

Ким, хасм топар нафас анга ком,

Ўлтургай ўзини ком-ноком.

Агёрдин ўзни ори этгай,

Ўз ёри вафоси бирла кетгай:

Тиг ўзига ихтиёр қилди,

Хасми баданига кор қилди [1, 255]

Авом ишқи соҳиби бўлган Ибн Салом ўзини тарбиялай олмагани учун кўп ичиб кўяди натижада тўй куни касали хуруж қилади ва у мақсадига эришмайди: Лайлига етиша олмайди. Бу билан Навоий авом ишқини инкор қилмайди, балки унинг хослар ишқи олдидаги ожизлигини кўрсатади. У Лайли ва Мажнуннинг бир-бирига бўлган муҳаббатини эса хослар ишқи сифатида қараб, пок ишқнинг мисоли сифатида авом ишқидан устунлигини намоён қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Танланган асарлар тўплами. IX том. Лайли ва Мажнун. Т.: Фан, 1992. 377 б.
2. Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун. Т.: Фафур Фулом, 2006. 319 б.
3. Karmanaovoz.uz. Zokir Jumayev. Xafaqonlik kasaligi. 2013-yil 29-mart 13-son.
4. Жаъфар Холмўминов. Жомий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. 235 б.

D.Hayitboyeva, talaba
ilmiy rahbar L.Sindorov

Dunyoda shunday odamlar bo'ladiki, tug'ilganida hech kim sevinmagan bo'lsa ham, o'lganda butun yurt aza tutadi. Sababi, o'rni dunyodan o'tgandan so'ng ko'proq bilinadi, qoldirgan merosi uni qadrligi, ma'lum va mashhur, o'lmas qilaveradi.

Zahiriddin Muhammad Bobur! Bu nom hech birimizga notanish emas. Chunki bu siymoning qoldirgan merosi, qilgan amallari uning nomini mangulikka muhrlagan. Bobur ruhan har gal oramizda ekanligini o'lmas asarlari eslatib turadi. Uni o'qish, o'rganish kitobxon ma'naviyatini boyitib, komillik sari yetaklaydi. Ayniqsa, Bobur to'g'risida yozilgan asarlar o'quvchining mashhur shoh va shoir hayoti haqidagi tasavvurlarini boyitibgina qolmay, uni shoirning haqiqiy tarafdori, muxlisiga aylantiradi, Bugungacha bu xildagi asarlar ko'plab yaratildi va yaratilmoqda. Ular orasida Pirmqul Qodirovning "Yulduzli tunlar" romani alohida ajralib turadi.

Biz Bobur haqidagi tarixiy ma'lumotlarga ko'p bor duch kelamiz. Hayot va ijod yo'liga oid tafsilotlardan ham xabarimiz bor. Ammo Bobur shaxsiyatining eng nozik va yashirin jihatlari bizga tarix fani hikoya qilib bera olmaydi. Bu vazifani birgina badiiy adabiyotgina uddalay oladi. Ha, xuddi shu vazifani Pirmqul Qodirov o'ziga xos tarixiy yo'nalishda roman yaratib eplay oldi. Boburning tuyg'ulari, hissiyotlari, orzu-armonlari ro'y-rost va tarixiy haqiqatga mos tasvirlashda yozuvchi tarixiy shaxslar bilan bir qatorda to'qima obrazlarni ham asar sujetiga o'z o'rnida kirita olganligi uchun ham asar muvaffaqiyatli chiqqan.

Romanda Boburning bolaligidan tortib, to umrining so'nggi sahifalarigacha juda ishonarli va ta'sirchan tasvirlangan. Romanda tasvirlanishicha, Bobur har tarafdin omadi chopmay, Shayboniyxon, Ahmad Tanbal singari dushmanlaridan zarba yegan va nima qilarini bilmay qolganda darveshona hayot kechirishni tanlaydi. Yalangoyoq, yupun tog'-tosh kezib yuradi. Shunday kunlarning birida Boburning oldiga Qosimbek keladi va u bilan suhbatlashadi. Olloh in'om etgan yuksak iqtidori, iste'dodi, nazm bo'stoniga cheksiz ixlosi bois Bobur Qosimbekka

qarata shu gaplarni aytadi:“Men dunyoning g‘avg‘olaridan, taxt talashishdan to‘ydim. Bas, qon to‘kmoq ham yetar. Endi dunyodagi birdan bir o‘tinchim - she‘riyat bilan shug‘ullansam, ash‘or bilan sirlashsam deyman. Tinch, darveshona hayot kechirgim kelyapti”. O‘quvchi roman voqealarini kuzatar ekan, Boburning bunday ahvol bilan emas, yana shohlik hayotida qolganligini ko‘radi. Chunki Bobur atrofida bo‘layotgan voqealarga qo‘l silkib, voz kechib ketolmaydi.

Charxning men ko‘rmagan jabr-u jafosi qoldimu?

Xasta ko‘nglim chekmagan dard-u balosi qoldimu?

Chunki Bobur jim turib kuzatadiganlar xilidan emas. Uning bunday jasoratligi, shijoatliligini isbotlaydigan jihatlar ham romandan o‘rin olgan. Xususan, arosatda qolgan Bobur o‘z tarafdorlari bilan yo‘lga tushadi. Yo‘l osmonlarga tutash ko‘rinuvchi tog‘dan o‘tgan. Qish. Hammayoq qor. Askarlar holdan toygan. Kuchdan qolgan navkarlarning tinkasini sovuq qahraton ham quritmoqda. Yo‘l yurish uchun esa qor kurash kerak. Shu payt Bobur chakmonining etagini beliga ko‘tarib, o‘zi qorni bosib yo‘l ochishga kirishib ketishadi. Bu hol navkarlarni lol qoldiradi va ular ham qorni kurab yo‘l ochishga kirishib ketishadi.

Bobur Hindistonda obro‘-e‘tibor qozonadi. Bugun ular ham Boburni faxr bilan tilga olishadi. Chunki shoh va shoir ezgu amallari bilan, ezgu ishlari bilan Hindiston atalmish yurt uchun xizmat ko‘rsatdi. Abdulla Qahhorning shunday gapi bor: “Yurtning obod qilaman degan kishining o‘zi obod bo‘ladi”. Ha, Bobur yurtini, Hindistonni, obod qilaman deb ter to‘kdi. Uning gullab-yashnashiga mislsiz hissa qo‘shdi.

“Yulduzli tunlar” romani so‘nggida Humoyunning sog‘ayib ketish lavhasi hikoya qilingan. Bobur: “Sening betoqatligingga men toqat keltiray! Sening shu og‘ir dardingni xudo sendan olib menga bersin...”

...Bobur umumiy jimlikda Humoyunning boshidan 3 marta aylandi-yu:

-Ey parvardigor!-deb iltijo qildi.

-Menki, Boburmen, agar jon berish mumkin bo‘lsa, umr-u jonimni Humoyunga qurbon qildim! Azroil mening jonimni olsin-u, xudo Humoyunga shifo bersin!”

Bobur – shoh. Bobur - shoir. Aslida esa, eng avvalo, Bobur-inson! Yuqorida Boburning inson sifatidagi ruhiyati yorqin bo‘yoqlarda aks etdi. Uning ham siz-u biz kabi izlagani, istagani bor. Ne-ne jang-u jadallar, turli qiyinchiliklar boshidan o‘tgan bo‘lishiga qaramay, u – tuyg‘ulariga sohib.

“Yulduzli tunlar” va asarning davomi bo‘lmish „Avlodlar dovoni“ romanlari yakunlanganidan so‘ng Pirmqul Qodirovga xatlar yomg‘iri yog‘iladi. Shulardan shahrixonlik Abdufattoh Jo‘rayev maktubi mazmuni quyidagicha: “Yulduzli tunlar” va “Avlodlar dovoni” romanlaringizni o‘qigan har bir o‘zbek farzandi o‘zining shu buyuk avlodning bir tomiri ekanligidan g‘ururlanishiga, bularni o‘qigan boshqa millat vakillarining buyuk xalqimizga bo‘lgan hurmatlari ortishiga imonimiz komil”.

Bugungi kun jamiyatimiz a‘zolari uchun Bobur taqdiri, qismati saboq. Boshidan shuncha savdolar o‘tgan shoh va shoir qismati oldida bizning ozgina qiynalganimiz, ozgina qiyinchilikni deb oh-voh chekkanimiz nima bo‘libdi? Demak, shukrona ham kerak ekan-da! Biz ham qiyinchiliklar oldida bo‘sh kelmay, kurashib yashashimiz lozim ekan-da!

Biz Boburdek buyuk iroda va qismat egasi oldida o‘zimizni hali naqadar mo‘rt ekanligimizni tuyamiz. Shuning o‘zi ham asarning oz bo‘lsa-da bizni tarbiyalaganligining isboti emasmi?!

“Yulduzli tunlar” romani orqali Boburni o‘zi uchun kashf qilgan kitobxon o‘z-o‘zidan tarix va bugungi hayot, Bobur hayoti haqidagi xayollari bilan bahsga kirishaveradi. Asosiysi, ajdodimiz, ulug‘ siymoga nisbatan qalbi g‘urur va iftixorga to‘ladi.

ШЕЪРИЙ ДУРЛАР ТЕРГАН ШОИР

Наргиза Қодирова

Сангзор қишлоқ хўжалик КХК адабиёт ўқитувчиси

Инсон ва унинг шодлиги, она табиатга муҳаббат, зулм-зўрликка қарши инсоф, бевафоликка қарши вафо ва садоқатни тараннум этган нозик хаёл эгаси Атоий XV асрнинг биринчи ярмида етишган истеъдодли лирик

шоирдир. Шеърлари ўз даврида Мовороуннаҳр ҳамда Хуросонда шуҳрат топган.

Буюк Навоий “Мажолис ун-нафоис” “Нафис мажлислар” китобида унинг шеърларига юқори баҳо берган. Ўз шажараси билан Аҳмад Яссавий авлодидан бўлган Атоий, Навоий сўзи билан айтганда “туркона” шеърлар битиб, шуҳрат қозонди. Бетакрор ва гўзал ўхшатишлар, кутилмаган муболағали тасвирлар яратади. У бир шеърда шундай манзара чизади. Ёрини соғинган ошиқнинг кўзидан ёш эмас, дарё оқяпти. Ошиқ киприкларидан соя ясаб олган ва мана шу дарёда сузмоқда. Шоир ёрини улуғловчи, фидойиликни кўрсатувчи бетакрор сатрлар битади. Алишер Навоийнинг маълумот беришича, у Балхда яшаган. Тахаллусини машҳур шайх ота-боболарига ишора қилиб, “Ато” (“ота”) деб олган. Ундан биргина девони бизгача етиб келган бўлиб, 260 ғазални ўз ичига олади. Унинг шеърларида фаннинг турли соҳаларига доир хилма-хил маълумотларни, Искандар, Жамшид ва Кайковус каби тарихий номларни, географик атамаларни, кўпгина бадий асарлар ва Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун, Волиқ, Узро, Юсуф, Зулайҳо, Гул ва Наврўз каби қаҳрамонларнинг номини учратамиз.

Илм – маърифат ва бадий ижодиётни Балхдами, Ҳиротдами, қаерда яшамасин бирзумгина тўхтатмади. Фақирона ҳаёт кечирган шоир шундай дейди: Айб этма агар қилса қўнгил нолаю зори,

Васлинг ҳавасинда чу менинг зўру зарим йўқ.

Бироқ шоирнинг Маънавий олами бой, олтину дурлардан афзалроқ гўзал шеърлари бор:

Қулоқ солсанг Атоий сўзларига,
Нисор эткай санга бу дурру манзум.

Ҳаётни қадрлаган ва шодлик-хурсандлик излаган шоир золимларнинг зулмини, инсофсиз ва диёнатсиз кишиларнинг жирканч кирдикорларини кўриб, каттиқ озорланади:

Туно кун бир файласуфу оқиле кўрган киши,
Илғой олмайдуру бу кун Мажнуни шайдодин мени.

Атоий ғазалларида севги ва садоқатни, табиат кўрки ва инсоннинг гўзал фазилатларини таърифлайди. Халқ оғзаки ижодидан фойдаланади, содда, равон, жўшқин ва бетакрор байтлар битади. Баҳор фасли, чаман саҳни, гул иси ва булбуллар хониши унинг ижодига туртки бўлди. У гўзал табиат кўйнида дўстлари билан дийдорлашишни, ёрнинг висолига етмоқни истайди:

Кел, эй дилбар, ки бўстон вақти бўлди,
Гул очилди, гулистон вақти бўлди.
Қилай нола, боқиб гулдек юзунгга,
Чу булбулларга афғон вақти бўлди...
Ўқуб гул бахтини мажлисда ҳар дам,
Бўлуб сархуш, гул афшон вақти бўлди...
Муғонниларга булбуллар бикин зор,
Ҳазорон навъи илҳон вақти бўлди.
Бу дамким, гул қилур булбулға алтоф,
Атоийға ҳам эҳсон вақти бўлди.

Атоийнинг севги лирикасида ошиқ-шоирнинг ўзи асосий образдир.

Ошиқ ўз ёрига садоқатли ва вафодор эканини қуйидагича таърифлайди:

Кес бошимни, ерга сол, ётсун қаро зулфунг бикин,
Гар назар қилсам юзунгдин ўзга юзга қайрилиб.

Шеърлари кўпроқ ишқ-муҳаббат йўсинида ёзилган. Шоир ёрнинг қадди-қоматини, юзи, кўзи, қоши, сочи, киприкларини, оғзи, лаби, холи кабиларни жуда чиройли таъриф-тавсиф этади. Ўзини “қул”, ёрни “шоҳ” кўрсатиш орқали бир томондан ёрга севги-садоқатини билдирса, иккинчи томондан, бу севгининг тенгсизлигини (“шоҳ” – “қул”) таъкидлаб туради:

Гадомен васлингга, не чора айлай,
Ки султонлар бу иш бечорасидур, - дейди.

Табиат ва ҳаётнинг ҳуснига ҳусн қўшган гўзал хилқатни, ғунчалигида хазон бўлмаслиги, заъфарондек сарғаймаслиги керак, у қуёшдек оламга нур таратиши керак дейди:

Кел, эй санам, ки бўлди яна навбахору ийд,
Ким хуштуруп кишига висолу нигору ийд.
Бир лаҳза ол ниқоб юзунгдин қуёш бикин,
Жамъ айла анжуманда гулу лолозору ийд.
Кел, бениқоб чиққил уюнгдин том устина,
Аҳли замона хубларини бир уёлдур!

Бу мисралар хотин-қизларнинг юзида пардаси билан эрк-ҳуқуқи поймол қилинган, хўрланган ва таҳқирланган бир пайтда яратилди. Ва,

шубҳасиз бу мисралар катта аҳамият касб этди. Атоий бирор тарихий шахс ёки воқеа, афсона, қисса ва уларнинг қаҳрамонларига ишора қилиш орқали фикрини талмиҳ “назар солмоқ” санъатидан моҳирлик билан фойдаланади:

Солиб борма мени, эй Юсуфи хусн,
Букун Якубтек байт ул-ҳазанда.

-Эй. Юсуфдек гўзал хуснли-дейди шоир, -бугун сен мени Якубдек ғам-қайғуга ташлаб кетма. Шоир маълум ва машҳур ривоятга ишора бериб ўтади.

Инсон тирик экан, унда юрак, қалб бор, демак у севади, биргина жонсиз мавжудотгина севгисиз бўлади:

Ақли йўқ хайвондурур ё фаҳми ҳисси йўқ жамод,
Кимки хуснунгни кўриб бўлмаса хайронинг, бегим.

Шоир ўз даврининг маърифатпарвари сифатида подшоларнинг зулмидан, босқинчилик урушларидан, амалдорларнинг кибр-ҳавосидан шикоят қилади ва мазлумларнинг ночорлигига ачинади. Сўз гўё ёр ҳақида бораётгандек кўринади, лекин “ёрдан шикоят” замирида ўз даврида бўлаётган адолатсизликлар “бевафо” ва “золим” сингари сўзлар шоҳ ёки султонга қарата айтилади. Шоирнинг айтишича, ёр ошиқнинг кўз ёши ва нола – фарёдига шафқат қилмайди, чунки бағритош ёр бераҳм, шавқатсиз подшого ўхшайди:

Ёрчун фарёдингга етмас, таҳаммул қил кўнгул,
Додни кимдин тиларсен, подшо раҳм айламас!

Такаббурлик билан шафқатсиз ва бераҳм ёр ошиққа қайрилиб боқмайди, чунки у хусн султони, ошиқ эса кул каби гадодек афтодаҳол:

Юз Атоийдек гадое ўлса, қайтиб боқмағай,
Бу димоғу кибр ким, ул хусн султонинд адур.

Шоир ғариб ва ночор кишиларнинг аянчли аҳволига ачинади. Муҳтож ва йўқсул кишиларнинг аҳволдан шундай имконият қилади:

Эшикта итларинг манго миннат қилурлар, оҳ,
Ҳеч кимса бўлмасин кишининг нону ошида,
Таънадин қовмас Атоийни эшикиндин рақиб,
Ҳеч гадое ит урса, эшикни кўюб кетмас, бегим.

Атоий ғазал жанрининг устоз санъаткорларидандир. У ғазалларида инсоннинг турфа хил ҳис-туйғуларини, ҳаёт завқи, севги шавқи, ҳижрон азоби ва висол иштиёқини шу билан бирга ғазаб ва нафрат туйғуларини

моҳирлик билан ифодалайди. Шоир зулм-зўрликка қарши инсоф ва марҳаматни, бевафоликка қарши вафо ва садоқатни куйлайди:

Гаҳи, ки босса аёгин юзумга, ноз ила дер:

Аёгим оғриди, не бурё эмиштуксен.

Атоий ҳазил-мутойиба, ўхшатиш, киноя, муболаға каби тасвирий восита ва усуллардан бадиий маҳорат билан фойдаланади.

Шоирнинг адабий мероси унинг халқ оғзаки ижодини яхши билганини, улардан самарали фойдаланганини кўрсатади:

Ул санамким, сув яқосинда паритек ўлтурур,

Ғояти нозуклукиндин сув била ютса бўлур.

Атоий айниқса халқ мақоллари ва халқ таъбирларига катта эътибор беради. Мақоллар билан бойитилган ғазаллари ўқувчини ҳайратга солади. Шоир халқ мақолларини айнан келтиради ёки уларнинг мазмунини сақлагани ҳолда шеърий мисраларга мослаштиради:

Бўлди бағрим сув ғамингдин, яхшилик қил, сол суға,

Охир эй гул, хирманни, албатта, ҳар эккан ўрар.

Ғанимат тут жамолу ҳусн даврин,

Масалдурким, яна бу дам топилмас.

Атоийнинг кўпгина ғазаллари халқ кўшиқларига хос бўлган жўшқинлик, соддалик ва раволик хусусиятлари билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам унинг айрим ғазаллари шу кунга қадар куйга солиб айтилмоқда.

Атоий ижоди ўзбек адабиётини юксак поғанага кўтарди. У ўз бадиий ижодини реал ҳаётни, инсоний муҳаббатни, куйлашга бағишлади. Шоир севгининг завқ-шавқини, ёрнинг ҳусн-жамолини, ҳижрон аламларини нозик ва бетакрор лирик ҳис-туйғулар билан тасвир этди. У “назм денгизининг тубига шўнғиб, шеърий дурлар” теришга интилди ва бунга чексиз бадиий маҳорат билан эришди:

Назм баҳрина чўм, қаърина ет дуртек, Атоий,

Дарё юзина чун хасу хошок керактур.

Ижодкор даврининг забардаст шоири бўлиб етишди ва Алишер Навоийнинг эътибори ва ижобий баҳосига лойиқ деб топилди. Унинг ижодий фаолияти биргина китобхонлар ва адабиёт аҳллари учун эмас, балки

созандалар ва ҳофизлар орасида ҳам шуҳрат қозонди. Атоийнинг тафаккур дурдоналаридан баҳраманд бўлиш, ундан сабоқ олиш муҳимдир.

O‘TKIR HOSHIMOV HIKOYALARIDA VATANGA BO‘LGAN MUHABBATNING ULUG‘LANISHI

O. Odilov, G. Iriseva, talaba.

*Taqdir taqazosi bilan badaviylar oilasida tug‘ilsam,
ellik darajali issiqda quturgan qum bo‘roni men uchun eng
go‘zal manzara bo‘lur edi.*

*Taqdir taqazosi bilan eskimoslar oilasida tug‘ilsam,
ellik darajali sovuqda quturgan qor bo‘roni men uchun
eng go‘zal manzara bo‘lur edi...*

O‘tkir Hoshimov.

Badiiy adabiyotda azaldan Vatanga bo‘lgan muhabbat tuyg‘usi insonga xos fazilat sifatida tarannum etiladi. Biz quyida o‘zbek adabiyotining zabardast iste’dodlaridan biri O‘tkir Hoshimov ijodidagi ayni shu tuyg‘uning yoritilishi xususida so‘z yuritib, “Muhabat” hikoyasi misolida tahlilga tortmoqchimiz.

Hikoyada bosh qahramon Tirkashning kelib chiqishi haqida alohida qism bor (Hikoyaning II qismi). E’tibor bersak, muallif bu tasvir bilan Tirkashning Qosim ota tarbiyasiga tushib qolish tarixinigina yoritmaydi, balki, uning aslan lo‘li farzandi ekanligini o‘quvchiga “shipshiydi”.

Bilamizki, jahon adabiyotida lo‘lilar otashin ishq tuyg‘usiga limmo-lim qalb egalari sifatida tasvirlangan. Fikrimizning isboti uchun birgina “Kay va Gerda” ertagidagi Kuz malikasi va u mansub bo‘lgan lo‘lilar qavmini yodga olish kifoya: sho‘x lo‘lilar ulusi, yarim tunga qadar davom etadigan bazmlar, raqsga tushib qo‘shiq aytishlar, dunyo tashvishlariga zarracha beparvo, havoyi elat ko‘z oldimizga keladi. Tirkash ham xuddi shunday xalq farzandi. Bir nigohda sevib qolish, ishq otashi alanganishidagi keskin sur‘at, muhabbatining tizginsizligi uning tomirida oqayotgan qonga ishora bo‘lsa ajab emas. Ammo bir nozik masala bor: Tirkashni ko‘chmanchi lo‘lilar emas, o‘troq o‘zbek dehqoni – Qosim ota

tarbiyalagan. U yillar davomida o'zbeklar orasida o'zbekona yashadi. Zero, Tirkashning o'zi ham o'zligini Tentaksoylik o'zbek deb hisoblaydi. Eslang:

“U rohat qilib yotganida pastdan mashinaning bo'g'iq ovozi eshitilar, kabina eshigi taraqlab ochilardi.

- Uxlab qoldingmi, hoy lo'li!

Tirkash shafyorlarning qo'polligiga parvo qilmas, o'zini shu qishloqning bir o'zbeigi, bir farzandi hisoblardi”.

Shuning uchun ham, u (bir qizni deb!) qishloqdan tobora uzoqlashar ekan, uning yuragini iztirob kemiradi. Tentaksoydan uzoqlashgani sari qadamining sekinlashib borishi ham, qilayotgan ishini gunoh deb hisoblay boshlashi ham, keng dalada chang-to'zon ko'tarib ortga qaytayotgan qoramollar podasini ko'rganda ko'z o'ngining qorong'ulashib ketishi ham undagi qandaydir tushunarsiz tuyg'ularning bezovtalana boshlaganidan dalolat beradi. Oqibat suyuklisi ham ko'ziga ko'rinmay qoladi. Ayniqsa, Dilorning so'nggi so'zlari qattiq botadi va shartta ortiga qaytadi.

Keling o'sha lavhani eslaylik:

“Tirkash qishloqdan chiqib ketayotganida hozirgidek ko'ngli g'ash bo'lishini o'ylamagandi... U Dilorni endi o'ziniki deb o'ylar, shu qiz uchun dunyoning narigi chekkasigacha borishga ham tayyor edi.Lekin qishloqdan uzoqlashgan sayin uning qadami sekinlashar, o'zi qilayotgan gunohini endi tushunayotgandek bo'lardi. Go'yo kimdir ko'zga ko'rinmas nozik, juda nozik iplar bilan uni Tentaksoyga bog'lab qo'ygan-u, bu iplar borgan sayin tarang tortilar,yana bir qadam yursa, uzilib ketayotganday bo'lardi...

Xo'sh, Tirkashning yuragida uyg'ongan g'ashlik, “xotiralar quyuni”ni uyg'otgan kuch nima edi? Mana shu o'rinda muallifning hikoyadan ko'zlagan asl badiiy maqsadi yuzaga chiqqan, desak xato qilmagan bo'lamiz. Chunki, Dilordan farqli o'laroq, Tirkashning yuragida Vatan tuyg'usi bor! Tentaksoyni tashlab ketayotganida dilida g'ashlik uyg'otgan ana shu tuyg'u edi. U shunday qudratliki, Tirkash o'zi tashlab ketmoqchi bo'layotgan Vatanning xatto podasini o'ylaganda ham yuragini vahm bosadi!

Tirkashning Dilorga o‘tinib aytgan so‘zlarini eslang:

– Iltimos, Dilor, yo‘q demagin! Ketishimizdan nima foyda, qayoqqa boramiz? Jon Dilor, xo‘p degin, –Tomog‘iga tiqilib qolgan iliq bir narsani yutib, arang shivirladi, – bilasanmi, Dilor, u yerda mening... mening Vatanim bor.

Sevgi sof, musaffo va ilohiy xilqat. Ammo dunyoda inson tuyg‘ularidanda yuksakroq tushunchalar ham bo‘ladi. Tirkash o‘z irodasiga tayanib mana shu hayot muvozanatini buzmad. U o‘zligini saqlab qoldi. U eng so‘nggi daqiqalarda bitta haqiqatni angladi: Vatanni tashlab bo‘lmaydi!

Yuqoridagilardan kelib chiqib aytish mumkinki, “Muhabbat” hikoyasida nafaqat ikki insonning bir-biriga bo‘lgan muhabbati, balki, kishining o‘z Vatanga, tug‘ilib-o‘sgan diyoriga, tuz ichgan maskaniga bo‘lgan muhabbati ham tarannum etilgan. Ayniqsa, asarning yakunida muallifning asosiy badiiy maqsadi Vatanga bo‘lgan muhabbatni ulug‘lash ekanligi bor bo‘y-basti bilan namoyon bo‘lgan. Bizningcha, hikoyaning nomi ham aslida Tirkash va Dilorning o‘rtasidagi sevgi-muhabbatni emas, Tirkashning Vatanga bo‘lgan muhabbatini nazarda tutadi. O‘tkir Hoshimov “Muhabbat” hikoyasida bir vaqtning o‘zida ikki buyuk insoniy tuyg‘u, inson qalbidagi ikki eng pokiza muhabbat turini parallel tarzda tasvirlagan. Asar yakunida esa Vatanga bo‘lgan sadoqat Tirkashning xatti-harakati bilan olqishlansa, ikki insonning bir-biriga bo‘lgan muhabbati va bu tuyg‘uning buyuk qudrati Dilorning Tentaksoyga qaytib kelishida o‘z ifodasini topgan.

Adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘tkir Hoshimov. Sevgi qissalari. Toshkent: O‘zbekiston, 2013. – B. 25.
2. O‘tkir Hoshimov. Sevgi qissalari. Toshkent: O‘zbekiston, 2013. – B. 24.
3. O‘tkir Hoshimov. Sevgi qissalari. Toshkent: O‘zbekiston, 2013. – B. 26.
4. O‘tkir Hoshimov. Daftar hoshiyasidagi bitiklar. Toshkent: Sharq, 2010.

АСАР МАЗМУНИГА МОС ШАКЛ...

(Алишер Навоий ва Муҳаммад Фузулий “Лайли ва Мажнун” дostonлари мисолида)

О.Шодиев, Д.Эшматова талаба

Адиблар ҳар бир асарни яратишар экан, унинг тузилишига алоҳида эътибор беришган. Алишер Навоий ва Ғузулий асарларида ҳам шу хусусият алоҳида эътиборга олинган, дейиш мумкин. Алишер Навоий “Лайли ва Мажнун” достонини 1984 йилда ёзган. Бу асарни шоир алоҳида-алоҳида бобларга ажратади. Асар 38 боб, 3623 байтдан иборат бўлиб, асосий қисм 10-бобдан бошланади. Асар бошидан ўша давр услубига монанд ҳамд (1, 2-боблар), наъд (3-боб) билан бошланади ва шу асосда меърож туни таърифи (меърожнома) (4-боб), сўз таърифи, Низомий Ганжавий ва Амир Хусрав Дехлавий мадҳи (5-боб), мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомий мадҳи (6-боб), Ҳусайн Бойқаро мадҳи (7-боб), шаҳзода Бадиуззамон (8-боб) ва тун таърифи (9-боб)ни қамраб олади. Шунини алоҳида эътиборга олиш керакки, бу 9-боб асосий қисмни муқаддима билан жипслаштириб турувчи боғич вазифасини ўтаган:

Утган кечаким сипехри пурфан,

Нур устига бўлди зулмат афган...

Гаҳ Тур уза ламъа кўргузуб барқ,

Андоқ ёрубонким, меҳрдин шарқ. [1, 47-48]

Шундан сўнг асар асосий қисмга кўчади ва воқеалар ривожини бошланади. Достон ҳазаж баҳрининг *ҳазажини мусаддасини аҳрабинини мақбузини маҳзуф* (руқнлари ва тақтеъси: мафъулун фоилун фаувлун - - V/ V-V- / V - -) вазнида ёзилган. Лекин достонда мазкур вазн билан бирга кўшимча тарзда *ҳазажини мусаддасини аҳраминини аштарини маҳзуф* (руқнлари ва тақтеъси: мафъулун фоилун фаувлун - - - / - v - / v - -) вазнини қўлланганлигини ҳам кузатиш мумкин. Бу ҳолат тасодифий бўлмай, достон мазмуни ва ғояси билан чамбарчас боғлиқ. Достондаги 3623 байтдан 240 мисра айнан ана шу ритмик вариация (бир вазннинг ички имкониятлари асосида янги вариантларга эга бўлиши)да яратилган бўлиб, достондаги зиддиятли воқеалар, асар қаҳрамонларининг чуқур руҳий изтироблари, тасвири, қаҳрамонлар руҳиятининг табиат тасвири билан боғлиқ баёни, қаҳрамонлар ҳайрати акс этган мисралар, лирик чекиниш пайтида мазкур вариацияга мурожат қилинганини кўрамиз. [2, 124]

Муҳаммад Фузулийнинг “Лайли ва Мажнун” достони эса бошланиш қисми Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонига ўхшаб кетсада, бу асарнинг тузилишидан бир неча омилларга кўра тубдан фарқ қилади.

Биринчидан, асарнинг ҳамд қисми бўлгани билан алоҳида наъд қисм йўқ.

Иккинчидан, асарнинг бошдан оёқ маснавий йўлда ёзилмаганидир. Ундан ғазаллар, мураббаълар ўрин олган. Ғазаларда Лайли ва Мажнун фарёдлари, Мажнунинг Лайли ёнидаги ўзини тута олмай ўз севгисини изҳор этиши, ёки Мажнунинг отаси Мажнунни Ҳажга элтганида Оллоҳга қилган муножоти, бир сўз билан айтганда асар қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатлари тезлашган, кулминатсия даражасига етган ҳолатларини ифодалаш учун шоир шу усулдан фойдаланади:

Ёраб, балойи ишқ ила қил ошино мани!

Бир дам балойи ишқдан этма жудо мани!

Оз айлама иноятинги аҳли дарддан,

Яъники, чўх балоларга қил мубтало мани!... [3, 56]

Учинчидан, асар алоҳида-алоҳида бобларга ажратилмаган. Фақатгина асар маълум бир тарифлар асосида қисмларга ажратилган. Фузулий асар ёзилиш тарихини қуйидаги мисрада эътироф этади:

Изҳора галиб румузу ваҳдад,

Ваҳдада тамом ўлуб ҳикоят,

Тарихина душдилар мувофиқ:

Бир ўлмоқ ила икки ошиқ. [3, 181]

Яъни, عاشق 471 ва اشق اکى ҳижрий 942 бўлади, бунга 1 илова қилинса ҳижрий 943 чиқади. Бу милодий 1537 йилда тўғри келади. Бу асар ҳам *ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф* вазнида ёзилган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳар икала асар тузилиш жиҳатдан қанчалик ўзига хос бўлмасин, барибир ирфоний жиҳатдан бир мавзу – муҳаббат мавзусини улуғлаган ва ҳар иккала шоир ҳам бу мақсадларини бекаму кўст адо этган, десак янглишмаган бўламиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Танланган асарлар тўплами. IX том. Лайли ва Мажнун. “Фан” нашриёти. Т.:1992-й.
2. Дилнавоз Юсупова. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. – Т.: Akademnashr, 2013.
3. Муҳаммад Фузулий. Асарлар. II жилд. Лайли ва Мажнун. – Т.: Ғафур Ғулом, 1968-й.
4. Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун. “Ғафур Ғулом”. Т.: 2006-й.
5. А. Ҳайитметов. Навоийнинг ижодий методик масалалари, Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1963.

III. ТИЛ ВА АДАБИЁТ ТАЪЛИМИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

TILLARNI O`QITISH SIFATINI OSHIRISH HAQIDA MULOHAZALAR

MurodqosimAbdiyev (SamDU professori)

Prezidentimiz I. Karimov o`zining “Yuksak ma’naviyat –yengilmas kuch” asarida: dunyoviy ilim-fan va texnologiyalari chuqur o`zlashtirmasak, faqat tariximiz, olis ajdodlarimizning kashfiyotlari bilan maqtanib, ularga mahliyo bo`lib yashaydigan bo`lsak ana shu noyob merosni asrab avaylab yanada boyitib, unga o`z hissamizni qo`shmasak, zamon bilan hamqadam bo`lib yurmasak bizning jahon maydonida munosib o`rin egallashimiz qiyin bo`ladi”, deb yozgan edi.

Respublika xalq ta’limi vazirligi hamda viloyatlarning xalq ta’limi boshqarmalari olib borgan nazorat natijalari, shuningdek, shaxsiy kuzatishlar maktab o`quvchilarining o`rganayotgan tillari bo`yicha og`zaki va yozma savodxonligi darajasi hali talabga javob to`liq bermasligini ko`rsatmoqda.

O`quvchilar maktabda til o`rganish jarayonida asosiy e`tibor har xil grammatik tushuncha va ta`riflar e`tibor berilayotganligi oqibatida turli hajm va murakkablikdagi topshiriqlarni bajarishga to`g`ri kelmoqda. Shu bois ham o`quvchilar ijodiy fikrlash, o`z fikrini og`zaki va yozma ravishda to`g`ri ifodalashda qiynaladilar, tilning boy lug`aviy imkoniyatlarini nutqiy jarayonlarda qo`llay olmaydilar.

Til mashg`ulotlarida fikrni og`zaki va yozma shaklda bayon qilish zaruriyati tug`ilganda o`quvchilardagi so`z qashshoqligi darrov sezilib qoladi. Nutqda kerakli so`zni qo`llashdagi murakkabliklar , berilgan so`zni uning ma`nodoshi, uyadoshi va qarama-qarshi ma`noligi bilan almashtira olmaslik, ma`lum bir sohaga qarashli so`zlar lug`atini tuzishda uchraydigan qiyinchiliklar o`quvchilarning so`z boyligi yetarli emasligidan dalolat beradi. Bunga sabab:

1) *Ayrim til darslarining nazariylashganligi, dars jaroyonida o`quvchilar foydali amaliy ishlar bilan shug`illanish o`rniga, son-sanoqsiz grammatik qoidalar ta`rif va tushunchalarni “o`zlashtirish” bilan band bo`lib qolyapti;*

2) *O`quvchilar nutqining rivojlanishiga monelik qilayotgan omillardan yana biri so`z va uning ma`nolari ustida ishlash, o`quvchilar nutqidagi kam iste`moli so`zlarni ko`p iste`moli so`zlarni ko`p iste`moli so`zlarga aylantirish, so`zlardan maqsadga muvofiq ravishda to`g`ri va o`rinli foydalanish, bir fikrni turli shakllarda berish kabi shu turlariga kam e`tibor berilayotganligidir;*

3) *Matnustida ishlash, matn yaratishga oid ishlarining yetarli emasligi natijasi sifatida o`qituvchilarning ta`lim usullarining tavsifi bilan cheklanganligi;*

4) *O`quvchilarning ijodiy yozma ishlar ustida ishlash usullari bilan to`la qurollanmaganligi;*

5) *Yozma ish matnustida qayta ishlash, erkin bayon borasida konik mavamalakalar ga ega emasliklari;*

6) *O`quvchilarning o`rganilayotgan tilga oid badiiy asar mutoalaqilmasliklari;*

7) *O`rganilayotgan tilning sintaksis va morfologiya qoidalari bilan bog`liq bilimning yetarli emasligi;*

8) *Matnning tayyorlash va ta`lim usullarining mazmunini nazariy va amaliy jihatdan qamrab olishning yetarli emasligi.*

Bu

omillarning kelib chiqishiga sabab tildarlarining ta`lim mazmunining amaliy maqsadlariga e`tibor berilmaganligidir.

O`qituvchilar faoliyatida va o`qituvchilarning mazkur kamchiliklarni bartaraf etish maqsadida o`quvchilarning nutqini,

so`z boyligini o`stirishning zamonaviy axborot va pedagogic

texnologiyalaridan foydalanish maqsadiga muvofiq bo`lib,

darssifatiga samaradorligini oshirishda muhim ahamiyat kasbetadi. Biz

ushbu ishimizda ushbu haqidagi fikr-

mulohazalar yuritishga harakat qilamiz.

Bo`lajak tilo`qituvchilarigazamonaviypedagogikvaaxborot texnologiyalariy ordamidanutqmadaniyatini, milliy- ma`naviyqadriyatlarinishakllantirishmuhimahamiyatkasbetadi.

Zamonaviy pedagogic vaaxborot texnologiyalarningafzalliklari quyidagilarhisoblanadi:

- o`quvchilarnifaollashtiradi;

- faoliyatgajodiyvondashtiradi;

- vaqtnitejaydi;

- qiziqishniorttiradi;

- mustaqilfikrlashgaundaydi;

- idrokqilish

ko`lami oshib, kengayibboradi.

Darsjarayonidazamonaviyaxborot texnologiyalarningqo`llanishisamarado rligini quyidagijadvaldako`rish mumkin:

Bugungikuntalabi ham ta`limsifatvasamaradorligini oshirishdir. Shu bois ham tilo`qitishning bosh maqsaditilningjamiyatdatutgano`rinbajaradiganvazifasibilanbelgilanadi.

Fikr nibayonqilishtafakkurvatilorqaliamalgaoshadi.

Tafakkurqancharivojlantirilsa, o`quvchiningfikr nibayonqilishmahorati ham shunchayuqoribo`ladi.

Tilmashg`ulotlarifaqatnutqniegallashyo`llariniemas, balkiundan Foydalanishmadaniyatini ham tarbiyalaydi, bolalardajodiylik, mustaqilfikrlash, ijodiyfikrmahsulininutqsharoitigamosravishdaog`zaki, yozmashakllardato`g`ri, ravonifodalashkonikmalarinishakllantirishvarivojlantirish, tilsezgirliginitarbiyalashgaxizmatqiladi.

Ana shumaqsaddankelibchiqib, o`quvchilargatilning Grammatik imkoniyatlaridanto`g`rifoydalanishlug`atboyliginio shirish, badiiyvositalarnimaqsadgamosqo`llashko`nikmalariniyangi pedagogic va axborot texnologiyalari asosidashakallantirishni taqozo etadi.

SO'Z BIRIKMASI VA SO'ZNI QIYOSLASH ASOSIDA O'QUVCHILAR TAFAKKURINI SHAKLLANTIRISH

**Dots. T.Almamatov,
S.To'rayeva talaba**

Tafakkur til materialini asosida nutqiy shakllantirilsa va bayon etilsagina muvaffiqiyatli rivojlanadi. Bu muvaffaqiyatni ta'minlovchi til materiallari tushuncha ifodalab, tafakkurda tayyorlanib, tashqi nutq vositasida shakllantirilsa, nutqning mantiqiy, aniq va tushunarli bo'lishiga xizmat qiladi.

Tushuncha so'z va so'z birikmasi bilan ifodalanadi. Demak, til birliklari hisoblangan so'z va so'z birikmasi aloqa materialini bo'la oladi.

“So'z birikmasi va so'z” mavzusini umumiy o'rta ta'limning 8-sinf “Ona tili” darsligida o'rganish ko'zda tutilgan.

Darslikda so'z leksik hodisa, so'z birikmasi grammatik hodisa ekanligi haqidagi bilimlar keltirilgan. Bu o'z navbatida, so'zni leksikologiya, so'z birikmasini sintaksis birligi deb o'rganilishini taqozo etadi. Ushbu birliklarning o'zaro birlashtiruvchi va farqlovchi xususiyatlarini o'quvchilarga tushuntirish uchun “Vena” diagrammasidan foydalanish mumkin. Buning uchun nazariy ma'lumotdagi kitob va o'rtog'imning kitobi juftligidan foydalanish maqsadga muvofiq.

Doskaga diagramma chizilib, bir tomoniga kitob, ikkinchi tomoniga o'rtog'imning kitobi juftliklari yoziladi. O'quvchilar bu ikki birlik to'g'risida o'z fikr- mulohazalarini aytadilar. O'qituvchi ushbu fikrlarni umumlashtirib xulosa qiladi. Xulosa diagrammaga joylashtiriladi. Diagrammaning differensial tomonlariga kitob- leksik birlik, umumiy va keng ma'no ifodalashi; o'rtog'imning kitobi-grammatik birlik, xususiy va konkret (aniq) ma'no aks ettirishi kiritiladi:

Integral tomoniga ikkala birlik ham narsani atashga, ya'ni tushuncha ifodalashga xizmat qilganligi yoziladi.

So'z va so'z birikmasini bunday usul orqali o'rganish o'quvchilardagi farqlash qobiliyatini yanada shakllantiradi va ulardagi ichki hamda tashqi nutqni o'stiradi.

8-sinfda so'z birikmasi va so'zlarni qiyoslash jarayonida o'quvchilar tafakkurining kengayishi va nutq imkoniyatlarining boyishida qarindosh bo'lmagan tillarni qiyoslash ham yaxshi natija beradi, o'quvchilar xotirasida uzoq saqlanib qoladi. Xususan, bu birliklar agglutinatív (o'zbek tili) va flektiv (ingliz tili) til asosida tushuntirilsa, o'quvchilarning fikrlash doirasini kengayadi, tafakkuri rivojlanadi.

kitob- a book, kitobni o'qish – reading the book

O'quvchilar ingliz tili darslarida aniq va noaniq artiklning qo'yilish o'rinlari haqida ko'nikmaga ega bo'lganlar: noaniq artikl (a) umumiy va keng, aniq artikl (the) xususiy va konkret ma'no ifodalash uchun ishlatiladi. Ikki artiklning ifodalaydigan ma'nolari o'zbek tilidagi so'z va so'z birikmasi vositasida ifodalanadigan ma'no bilan deyarli bir xil. Noaniq artikl so'z bilan, aniq artikl so'z birikmasi bilan o'xshashdir. Chunki noaniq artikl va so'z umumiy hamda keng ma'noni, aniq artikl va so'z birikmasi xususiy hamda konkret ma'noni ifodalaydi.

“Nutq tafakkur bilan chambarchas bog'langandir. Nutq bo'lmasa, fikrni ifodalab berib bo'lmaydi”, - deydi P. Ivanov. Haqiqatan ham, tafakkurdagi fikr nutq yordamida pishib yetiladi. Nutq ifodalash uchun gaplardan, gap tuzish uchun so'z va so'z birikmalaridan foydalaniladi.

So'zda ma'no, gapda fikr, fikrda emotsiyanallik bor. Masalan, aka . bu birlik-so'z. Aka- singil yoki ukadan katta oila a'zosi. So'z ma'nosini izohlash uchun so'z birikmasidan foydalaniladi. Akam keldi. Bu birlik – gap. Gap tarkibidagi aka va kelmoq sintaktik munosabatga kirishib, hukmni ifodalagan.

1.Akam keldi. 2.Akam keldi? 3.Akam keldi!

Bu birliklar – darak, so'roq va his-hayajon gaplar. Garchi bu birliklar bo'linuvchanlik xususiyatiga ega bo'lgan bir xil shakldagi segment birliklardan tashkil topsa ham , ular o'z navbatida, ustsegment birliklar bilan bir-biridan farq qiladi:1- gap darak ohangida, 2- gap so'roq-taajjub ohangida, 3- gap his-hayajon ohangida talaffuz etiladi. Ushbu gaplar emotsiya talabi bilan turli xil uslubiy ma'nolar ifodalamoqda.

Demak, inson tafakkurida hosil bo'lgan, ichki nutqida shakllangan fikrlar til materiallari hisoblangan so'z, so'z birikmasi va gaplar asosida yuzaga chiqar ekan.

ТИЛ ТАЪЛИМИДА УЗЛУКСИЗЛИК ВА УЗВИЙЛИКНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ

**П.ф.н.Қ.М.Ядгаров,
Д.Тошбоева магистр**

Тилнинг моҳияти, вазифаси кўпинча бениҳоя жўн талқин этилади. Гўёки тил – энг муҳим алоқа воситаси бўлган ижтимоий ҳодиса. Тилнинг алоқа воситаси эканлиги унинг жуда кўплаб вазифаларидан фақат биттагинасидир. Аслида тил, энг аввало, дунёни кўриш, эшитиш, билиш, идрок этиш воситасидир. Айни пайтда тилнинг руҳий, эстетик ҳодиса ҳам эканлигини унутмаслик лозим.

Тил ўқувчининг билиш фаолиятидаги энг асосий восита ҳамдир. Тилни яхши ўзлаштирган, пухта эгаллаган ўқувчининг фанларни яхши ўзлаштириши ҳам амалиётда очик кўриниб турган ҳақиқатдир. Биринчи қадамлариданоқ тилга алоқадор бўлган кўникма ва малакаларни яхши эгалламаган ўқувчининг билим олишида ҳам кўплаб муаммолар пайдо бўлади. Масалан, тегишли ўқиш малакасига эга бўлмаган ўқувчи ўзлаштириши лозим бўлган билимларни уддалай олмайди. Ёмон ва секин ўқийдиган ўқувчининг тез ва чиройли ёзиши ҳам мумкин бўлмай қолади. Булар охир-оқибатда ўқувчининг ўз фикрларини ифодалашига ҳам салбий таъсир кўрсатади. У ўз фикр-мулоҳазаларини тўлиқ тушунтириб бера олмайди. Бу ҳолат унинг “қолоқ”лар сафига тушиб қолиши учун сабаб бўлади. Зеро, бошқалар ўқиб ёки ёзиб уддалаган ҳажм ва миқдордаги ўқув материални бундай бола уддалай олмайди.

Ҳар ҳолда бошланғич синфнинг охири-тўртинчи синфини битирган ўқувчиларнинг айримларида айни мана шу кўникма ва малака – матнни тегишли тезликда ўқиш етишмайди. Улар мазкур босқичда бир минутда тўқсонга сўзни ўқий олишлари лозим бўлади. Бу бошланғич синфларнинг

ўқув дастурида кўрсатилган талабдир. Агар шундай ҳолат кузатиладиган бўлса, 5-синфда ҳам мазкур кўникма ва малакаларни шакллантириш ва такомиллаштиришга оид ишлар давом эттирилиши керак бўлади.

Ўқувчиларнинг орфографик саводхонлиги бошланғич синфларда нисбатан паст бўлади. Юқори синфларда мана шу кемтиклик узлуксиз тарзда бартараф этиб борилиши керак. Бу ўқувчилардаги бир қатор кўникма ва малакаларни риволантириш эвазига таъминланади. Улар қаторида энг муҳимлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

Сўзларда товушларни эшитиш, уларда эса ёзиладиган ҳарфни кўра олиш кўникмаси, бу эса сўзнинг товушли ва ҳарфли жиҳатларини яхлит тарзда тасаввур қила олиш кўникмасини шакллантиради.

Сўзлардаги орфограммаларни тез пайқай олиш кўникмаси, яъни орфографик зийраклик шакллана боради.

Узлуксиз она тили таълими шу фанга оид давлат таълим стандарти, турли даражадаги ўқув дастурларининг изчиллиги асосида таъминланади ва қуйидаги босқичларни ўз ичига қамраб олади:

1) Мактабгача таълим муассасалари ва оилада болалар нутқини ўстириш жараёни.

2) Умумий ўрта таълим мактабларида она тили таълими жараёни.

3) Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида она тили таълими жараёни.

4) Олий ўқув юртларида она тили таълими.

Кўриниб турибдики, узвийлик ва узлуксизлик давлатнинг таълим тўғрисидаги сиёсатдан, буюртмасидан то буюртманинг ижро натижаларигача бўлган жараёндаги тадбирларни қамраб олади.

Узлуксиз она тили таълимининг назарий ва методик асосларини фалсафа, педагогика, психология, тилшунослик, нутқ маданияти ва ўзбек тилининг амалий услубияти, услубшунослик, шунингдек, адабиёт ва журналистика каби фанлар ташкил этади. Чунончи, она тили таълими назарий жиҳатдан тилшунослик фанларига таянса, таълим жараёнини ташкил этишда назарий асос сифатида педагогика ва психология, ўзбек тили ўқитиш назарияси ва методикаси соҳасида олиб борилган тадқиқот ишларига

суянади. Тил билимларини таҳлил қилиш жараёнида тил материалини танлаш учун бадиий адабиёт ва матбуот материалларига мурожаат қилади.

Узлуксиз она тили таълими мазмуни ўзбек тилшунослигида олиб борилган тадқиқотлар асосида бойитиб борилади. Албатта, она тили фани бўйича яратиладиган давлат таълим стандарти, дастур ва дарсликлар мазмунида шу таълим жараёнининг назарий асосини ташкил этувчи тилга оид маълумотлар таълим олувчининг ёшига ва психо-физиологик хусусиятларига мувофиқ тарзда акс этиши керак. Бунда тил материаллари орасидаги узвийлик ва изчилликка, назарий ва амалий билимларнинг соддадан мураккабга тамойилига асосланиши, назария билан амалиётнинг ўзаро уйғунлиги масалаларига алоҳида эътиборни қаратиш зарур.

Ҳар бир ижтимоий-иқтисодий тузум, яъни жамиятнинг муайян ривожланиш даражаси таълим олдида ўзининг талабларини қўяди, шундан келиб чиқиб, мақсад ва вазифалар белгиланади. Узлуксиз она тили таълимининг умумий ўрта таълим бўғини бошланғич ва юқори синфларда ўқитиладиган она тили таълимини қамраб олади.

Бошланғич она тили таълими мазмуни қуйидагиларни ўз ичига олади:

-нутқ ва тилга оид ихчам билимларни ўзлаштириши;

-нутқ малакаларини шакллантириши;

-ижодий фаолият тажрибасини тараққий эттириши;

-тилга ва тил воситасида халққа, Ватанга муносабатни тарбиялаш.

5-9-синфлар она тили таълимининг асосий мақсади ўқувчини она тилини ўрганадиган субъектга айлантирган ҳолда унда фикрни оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри, равон ифодалаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат. Бу ҳақда “Ўзбек мактабларида она тили ўқитиш концепцияси”да шундай дейилган: “Она тили таълимининг асосий мақсади болаларда ижодийлик, мустақил фикрлаш, ижодий фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри, равон ифодалаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборатдир”. Она тилидан дастурда эса у қўйидагича ифодаланади: “Она тилини ўқитишдан мақсад, ўқувчиларда мустақил ижодий тафаккур қобилиятини

ривожлантириш, ижодий фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда тўғри ва раво баён қилиш кўникмаларини шакллантиришдир”.

Концепцияда илгари сурилган қуйидаги йўриқлар она тили таълимидаги асосий йўналишларни акс эттиради: 1) она тили таълимининг мазмунини ифода воситалари ва шу ифода воситаларининг талаффузи, имлоси ва қўлланиши билан бир бутун яхлит тарзда тадрижий равишда ўргатишга асосланган ҳолда белгилаб бериш; 2) узлуксиз она тили таълимининг V-IX синфлар босқичини “нутқ маданиятини шакллантириш” деб номлаш.

“Она тили” ўқув фанидан таълим мазмунини янгилашни тақозо этувчи заруратлар сифатида қуйидагиларни санаб кўрсатиш мумкин: а) ижтимоий-иқтисодий заруратлар; б) илмий заруратлар; в) методик заруратлар; г) амалий заруратлар.

Она тили таълими мазмунини узлуксизлик ва узвийлик тамойиллари асосида янгилаш ва ўқитиш усул ва методларини такомиллаштириш учун қуйидагиларга эътиборни кучайтириш зарур:

- 1. Ўзбек тилишунослигининг муаммоли масалалари.*
- 2. Мавзуларнинг дастур ва дарсликларда жойлаштирилиши.*
- 3. Она тилини ўқитишда коммуникативликни кучайтириши.*
- 4. Тилни ўрганишдаги амалий жиҳатларни кучайтириши масаласи.*
- 5. Янги педагогик технологиялардан, ахборот технологияларидан, ноанъанавий ва интефаол усуллардан фойдаланиши муаммолари.*

Умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган она тили таълимининг узвийлигини қуйидагича тушунтириш мумкин:

1. Она тили таълими босқичлари (1-4 ва 5-9-синфлар орасидаги ҳамда тил бўлимлари мавзуларнинг жойлаштирилиши, бунда, албатта, соддадан мураккабга ва назария ва амалиёт уйғунлиги ҳисобга олиниши зарур) ўртасидаги (вертикал) узвийлик. Бу жараёнда муайян она тили таълим мазмунининг аввалгиси билан узвий боғланган ҳолда, уни кейинги таълим босқичларида давом эттириш таъминланади.

2. Она тили таълимнинг бошқа ўқув фанлари орасидаги (горизонтал) узвийлик. Бунда таълим муассасаларида ўқитилаётган бошқа фанлар билан узвий боғлаш таъминланади.

Демак, тил таълимида узлуксизликнинг ва узвийликнинг таъминланиши, даставвал, таълим босқичлариаро амалга оширилади. Бунда мактабгача таълим, бошланғич таълим (1-4-синфлар), ўрта таълим (5-9-синфлар), ўрта махсус таълим (академик лицей ва касб-хунар коллежлари), олий таълим (бакалаврият ва магистратура) ва олий таълим (аспирантура ва докторантура)дан кейинги таълим турларида ўз ифодасини топиши лозим. Бунда кўпроқ таълимнинг вертикал узвийлигига амал қилинади. Вертикал узвийликда шу босқичларда ўқитиладиган тил таълимнинг барча бўлимлари кетма-кетлиги, босқичма-босқичлиги ҳам эътиборда бўлади.

Шунингдек, тил таълимнинг горизонтал узвийлиги вертикал узвийлик билан ёнма-ён амалга оширилмаса, бунда ўринсиз такрорлашларга, чалкашликларга йўл қўйилиши мумкин. Шунинг учун тил фанининг бўлимлари ва фанга ҳамда мутахассисликка алоқадор бўлган фанлар билан уйғунлигини таъминлаш зарур.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонун. “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”. Т., 1998. 20-29-б.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори. “Таълим тараққиёти” ахборотномасининг 1-махсус сони, Т.: 2004.
3. Ўзбек мактабларида она тили ўқитиш концепцияси. // “Тил ва адабиёт таълими” журнали, 1994, 1-2-қўшма сон.
4. Н.Маҳмудов. Тилимизнинг тилла сандиғи. Т.: 2012.10-б.

“TAZKIRAYI SHUARO” ASARINING O’RGANILISHI

S.Do’stova, tadqiqotchi

XIX asr oxiri XX asr boshlarida yashab ijod etgan Hasanmurod Laffasiy “Tazkirayi shuaro” asarida Xiva xonligi adabiy jarayonlarida ishtirok etgan oltmishga yaqin ijodkor haqida so’z yuritgan. Tazkira Xiva adabiy muhiti, unda kechgan jarayonlar, davr adabiy jarayonlarida yetakchilik qilgan mavzu va janrlar,

qalamkashlarning hayoti va ijodiy merosi to'g'risida ma'lumot beruvchi adabiy manba sifatida e'tiborga molik. Tazkiraning hozirda to'rtta qo'lyozma va bitta nashriy nusxasi ma'lum. Laffasiy asar muqaddimasida tazkiraning yozilish tarixi haqida shunday yozadi: "...Xiva davlat muzeyining direkturi Kvarkiyonkim asli Ozorboyjonlidir. Ul kishi bir kuni man faqir shikasta ko'ngulni chaqirib muruvvat va marhamatlar qilib dedikim, ey birodar va ey dilxasta, zamona adabiyotchilarining gavhari sankim, hozirda saning fahmu idrok va farosatlig' zamiring xushdur. Chunonchi, xonlig' davrida o'tkan adabiyotchi va shoirlarning tarjimayi hollaridin nuktadonlig' qilib, alarning hollaridin bir to'plam vujudga kelturub kitobat qilsang, sandin bir yodgor va nishona bo'lub qolur erdi. Tokim zamon adabiyot suyuvchilari manfaatlanib, sani va mani yod etib turarlar..."

Laffasiy adabiy merosini o'rganinshga bo'lgan qiziqish o'tgan asrning 60-yillaridan boshlangan. Shoir va uning "Tazkirayi shuaro" asari haqida Q.Munirov, G'.Karimov, E.Ibrohimova, U.Hamroyev, U.Karimov, O.Jalilov, Qobulov N, V.Mo'minova, I.Haqqulov, Bobojon Tarroh Xodim, S.Samandarova, G.Ismoilova, N.Jumaxo'ja, I.Adizova, N.Jumaxo'ja, S.Matkarimova, J.Jo'raevlarning ilmiy ishlarida qisman ma'lumotlar berilgan.

Dastlab filologiya fanlari nomzodi E. Ibrohimova tomonidan 1963 yili O'zbek tili va adabiyoti jurnalida Laffasiyning ijodi yuzasidan umumlashma tarzidagi maqola e'lon qilingan.

Adabiyotshunos olim O.Jalilov 1983 yili "Hasanmurod Laffasiy" nomli risola sini e'lon qilgan. Unda Hasanmurod Laffasiy va uning ijodi hamda "Tazkirayi shuaro" asari ba'zi qo'lyozma nusxalari haqida ma'lumotlar berilgan. Biroq unda 213 qo'lyozma nusxa tilga olinmagan.

U.Hamroyev va U.Karimovlar "Tazkirayi shuaro"ning qo'lyozma nusxalari xususida so'z yuritgan. Tazkiraning ma'lum nusxalarini tavsifi va o'zaro bir-biridan farqli jihatlarini ko'rsatib o'tilgan.

1995 yili S. Samandarova munaqqid adabiy merosi haqida "Laffasiyning tazkisasi ba uning qo'lyozmalari" nomli risolasini nashr ettirgan. Bu risolada Laffasiyning "Tazkirayi shuaro" asari qo'lyozma nusxalaridan №213 inventar

raqamli qo'lyozma va P. Bobojonov nashri haqida ma'lumotlar mavjud. Biroq unda №9494, №12561, № 11499 inventar raqamli nusxalar haqida hech qanday ma'lumotlar yo'q. Shuningdek, S.Samandarovanning 1995 yil amalga oshirgan ilmiy tadqiqotida ham aynan yuqoridagi ma'lumotlar berilgan, biroq "Tazkirayi shuaro" qo'lyozma nusxalarining qiyosiy –tekstologik tadqiqi amalga oshirilmagan.

"Tazkirayi shuaro"ning ilmiy muomalaga olib kirilishida P.Bobojonovning xizmatlari e'tiborli. "Tazkirayi shuaro"ni kirill yozuvida 1992 yil Urganchda chop ettirgan. Biroq unda juda ko'plab xatoliklar mavjud, buni nashrga tayyorlovchi "qo'limizda asl nusxa bo'lmaganligi sababli nashrga tayyorlash ishini jiddiy qiyinlashtirdi. Xatolarni imkon boricha bartaraf qildik, mujmal so'zlar o'rmini ko'p nuqta qo'yib ochiq qoldirdik", deya izohlagan.

"O'zbekiston Milliy entsiklopediyasi"da berilgan ma'lumotlar Laffasiy hayoti va ijodiy merosiga oid tafsilotlarni boyitishda e'tiborga molik. Biroq unda Laffasiyni 1880 -1945 yillarda yashab ijod etgan deyilgan. Laffasiy № 213 inventar raqamli qo'lyozmani 1948 yil 26 iyulda yozib tamomlaganligi haqidagi ma'lumotlarni qo'lyozmaning 60-varag'ida yozib qo'ygan.

J.Jo'rayevning nomzodlik ishida faqat Komyob hayotiga oid ma'lumotlarning Laffasiy tazkirasida qo'lyozmalaridagi farqlari qiyoslangan.

Umuman olganda, Laffasiyning "Tazkirayi shuaro" asari yuqorida qayd qilingan kabi tadqiqotchilarning maqola va ilmiy ishlari mavzui doirasida turli darajada tahlilga tortilgan bo'lsa-da, hozirga qadar asarning o'zbek adabiyoti tarixini yaratishda adabiy manba sifatidagi ahamiyati, mavjud qo'lyozma nusxalarining o'zaro matniy farqlarining yuzaga kelish sabablari va mukammal matnini tiklash bo'yicha matnshunoslik va adabiy manbashunoslik yo'nalishida tadqiqot ishi amalga oshirilgan emas. Shu sababli ham, "Tazkirayi shuaro"ning 4 ta qo'lyozma nusxasi va uning qiyosiy-tekstologik tadqiqini amalga oshirishni maxsus tadqiqot ob'ekti sifatida ilmiy jihatdan o'rganishimiz alohida ahamiyatga ega. Shuningdek, tazkiraning o'ziga xos xususiyatlarini aniqlash, ijodkor

qo'lyozma merosini o'zbek adabiyoti tarixi rivojida tutgan o'rnini belgilash dolzarb masalalardan biridir.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. O'z FA Sharqshunoslik instituti, qo'lyozma, inv.№ 9494. 2 a-b varaq.
2. Мунир ов Қ. Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари.- Тошкент:ЎзР ФА ,1960.-14б.
3. Муҳаммад Ризо Огаҳий.Девон.Асарлар .VI жилдлик./ Нашрга тайёрловчи Ғ.Каримов1.- Тошкент: Адабиёт ва санъат,1971.-11б
4. Иброҳимова Э.Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари//Ўзбек тили ва адабиёти .1963. №6.62-64б.
5. Ҳамроев У., Каримов У. Хива шоирлари тазкирасининг нусхалари.//Адабий мерос. 1981.№4.-77-80б.
6. Жалилов О. Ҳасанмурод Лаффасий .-Тошкент:Ўзбекистон,1983-14б.
7. Қобулов Н., Мўминова В., Ҳаққулов И .Аваз ва унинг адабий муҳити.- Тошкент: Фан, 1987.-107б.
8. Бобожон Тарроҳ Ходим .Хоразм навозандалари./Нашрга тайёрловчи Давлатёр Раҳим.- Тошкент:Адабиёт ва санъат, 1994.-7б.
9. Самандарова С. Лаффасий тазкираси ва унинг қўлёзмалари.- Тошкент: Хазина, 1995.24б.
10. Исмоилова Г. Феруз даври Хоразм адабий муҳити: Филол.фан.номз...диссер.- Тошкент,1995.- 32б.
11. Жумахўжа Н1. Феруз маданият ва санъат ҳомийси. – Тошкент: Фан, 1995.-10б.
12. Жумахўжа Н., Адизова И1. Сўздин бақолироқ ёдгор йўқдур.- Тошкент: Фан,1995.10б.
13. Маткаримова тазкиранавис С1. Табибий-. Филол.фан.номз...диссер.- Тошкент,2007.- 38-б.
14. Жўраев Ж. Комёб ҳаёти ва ижодий мероси манбалари тадқиқи: Филол.фан.номз...диссер.- Тошкент,2012.- 40-44б.
15. Лаффасий.Тазкираи шуаро. /нашрга тайёрловчи П Бобожонов/.Урганч:Хоразм, 1992.4б.

SHART MAYLINING QO'LLANISHIGA DOIR BA'ZI MULOHAZALAR

**katta o`qituvchi L.Ibragimova,
D.Rashidova talaba**

O'zbekistonning mustaqillikka erishishi xalqimizning madaniy-ma'naviy hayotida ulkan ijobiy o'zgarishlarning yuzaga kelishiga sabab bo'ldi. Prezidentimiz I.A.Karimov "O'zbekiston buyuk kelajak sari" nomli kitobida "Xalqning milliy madaniyati va o'ziga xosligini ifoda etuvchi vosita bo'lmish o'zbek tilini rivojlantirish, bu tilning davlat maqomini izchil va to'liq ro'yobga

chiqarish” davlat ahamiyatiga molik ekanini takidlagan edi. Binobarin, o‘zbek tili tizimini mukammal tadqiq etish, uning o‘ziga xosligini, o‘zga tillar tabiatidan ayricha ekanligini ko‘rsatish umummilliy ahamiyatga ega jiddiy muammodir. Zeroki, tilning leksik, semantik-grammatik, stilistik qurilishining xolis ilmiy talqini milliy mafkura va g‘oyalarimizning ravnaqi uchun muhim zaminlaridan biri hisoblanadi.

Mazkur ilmiy maqolada shart mayli va uning qo‘llanishiga doir fikr va mulohazalar bayon qilamiz. Shart mayliga adabiyatlarda qo‘yidagicha ta’rif keltiriladi:

Boshqa bir harakat-holatning bajarilishi yoki bajarilmasligi uchun sharti bo‘lgan harakat va holatni, shuningdek, istak-xohishni bildirgan fe‘l shakli shart mayli sanaladi va u *-sa* qo‘shimchasi yordamida yasaladi.

Shart mayli qo‘shimchasi fe‘lning shaxs-son qo‘shimchalaridan oldin, nisbat, bo‘lishli-bo‘lishsizlik shakllaridan esa keyin qo‘shiladi.

Shart maylidagi fe‘llar biror ish-harakatning bajarilishi uchun undan oldin bajarilishi shart qilib qo‘yilgan harakatni ifodalaydi. Bu mayldagi fe‘llar *-sa* qo‘shimchasi orqali hosil qilinadi. Shart mayli qo‘shimchasi shaklidagi fe‘llar sof shart, orzu-istak, iltimos, maslahat, faraz, payt kabi buyruq-istak mayliga xos ma’nomlarni ifodalaydi.

Tilshunos olim Abdurauf Fitrat shart mayli haqida qo‘yidagi fikrlarni bayon qiladi: Ishlasang, tishlarsan.

Izlasang, toparsan.

Qor yog‘masa to‘y bo‘lar.

Yuqorida yozilgan gaplarda tishlamak (yemak) ning ishlashka, topmoqning izlashka, to‘yning-da qor yog‘masliqg‘a bog‘li bo‘lg‘ani ko‘rinib turadir.

O‘z ma’nosidag‘i ishka boshqa ishning bo‘lg‘anlig‘ini bildirgan fe‘llar “shart fe‘li” bo‘ladir.

Shart fe‘l shunday yasaladir: bug‘ruqg‘a “sa-sang” qo‘shimchasi qo‘shib shart fe‘lining birinchi shakli yasaladir.

Yoz

Yozma

1.yozsa	yozmasa
2.yozsam	yozmasam
3.yozsang	yozmasang
4.yozsalar	yozmasalar
5.yozsoq	yozmasoq
6.yozsangiz	yozmasangiz

Shart fe'lining beshinchi shakli yozsoq – yozmasoq bo'lsa ham Toshkent o'zbeklari buning joyida yozsamiz, kelmasamiz, kelsamiz deyilar. Bu mahalliy ozchilikda bir ishlatish bo'lsa ham tarixiy, eski bir ishlatishdir.

Shart fe'lining oltinchi shakli yozsangiz, yozmasangiz bo'lsa-da, bizda yozsanglar, kelsanglar shaklida ham ishlatish bordir.

Shart fe'li boshqa bir ishning o'ziga bog'liq ekanini bilmasdan, o'zi ishlatsa, “umid-armon” ma'nosini beradir.

Ko'ngli tilagan murodga yetsa kishi,

Yo barcha murodlarni tark etsa kishi.

Bu iki muyassar o'lmasa olamda,

Boshini olib bir sorig'a ketsa kishi. (Bobir)

Ayrim darslik va qo'llanmalarda shart va maqsad mayli ham alohida ta'kidlanadi. *Shartli mayldagi* fe'l *-(a)r, -mas* qo'shimchasi bilan yasaluvchi sifatdoshga *edi* to'liqsiz fe'lining qo'shilishidan hosil bo'ladi va bajarilishi biror harakatga bog'liq bo'lgan harakatni ifodalaydi: *U kelsa, sen borar eding*.

Yuqoridagi fikrlardan ko'rinib turibdiki, shart mayli biror ish-harakatning bajarilishi uchun undan oldin bajarilishi shart qilib qo'yilgan harakatni bildiradi. Boshqa biror harakatning bajarilishi yoki bajarilmasligi shart mayli shaklidagi fe'l bildirgan harakatning bajarilishi yoki bajarilmasligiga bog'liq bo'ladi.

Masalan: Mana bu kanal bitsa, yangi yerlar o'zlashtiriladi. (A. Qahhor)

Ertoev bir nimani sezmasa, bunchalik talvasaga tushmas edi. (O. Yoqubov)

Ko'rsatilgan ma'no bu shaklning “shart mayli”, “shart mayli shakli” deb atalishiga asos bo'lgan. Bu ma'noda *-gan* affiksi bilan yasalgan sifatdoshning

o‘rin-payt kelishigidagi shakli ham qo‘llaniladi: Cho‘loq turna uyaga kirolmaganda, Ota-turna unga parvosiz qolaverar edi.(Sh. Xolmirzayev)

O‘tgan zamon va hozirgi zamon sifatdoshi bilan *bo‘l* fe‘li yordamida yasalgan shart mayli shaklidagi fe‘l bildirgan harakat ma‘lum bir vaqtda tugagan yoki davom etayotgan bo‘lishi mumkin: *kelgan bo‘lsa, ketayotgan bo‘lsa* tipidagi shakl ham harakatning nutq jarayoniga munosabatini ko‘rsatmaydi. Harakatning bajarilayotgan ekani boshqa bir vaqtga nisbatan belgilanadi va uning o‘tgan yoki hozirgi zamon deb qaralishi ham o‘sha vaqtga nisbatan bo‘ladi. Demak, bular nisbiy zamon shakli hisoblanadi.

Shart ma‘nosini ifodalovchi *-sa* affiksli fe‘l bilan *-sa edi* to‘liqsiz feli bilan qo‘llanilishi mumkin. Lekin bundagi *edi* to‘liqsiz fe‘li ham zamon ifodalovchi sifatida qatnashmaydi. Bunda *-sa edi* yordamida yasaluvchi shaklning o‘zaro farqli xususiyati, avvalo, qo‘llanish doirasida bo‘ladi. *-sa* affiksli shakl qo‘llanganda, bosh gapning kesimi deyarli barcha mayl turlarida qo‘llana oladi:

Xabar kelsa, menga ayt.

Xabar kelsa, menga aytar edi.

Xabar kelsa, menga aytmoqchi.

Xabar kelsa, menga aytadi.

Ergash gapning kesimi *-sa edi* yordamida yasaluvchi shaklda bo‘lganida, bosh gapning kesimi *-sa edi* yordamida, bosh gapning kesimi faqat shartli mayl shaklida qo‘llana oladi. Xabar kelsa edi, menga aytar edi.

Bundan tashqari, *-sa edi* yordamida yasaluvchi shakl qo‘llanganda, ko‘pincha harakatning bajarilishi – bajarilmasligi noaniq holda ekani ta‘kidlanadi.

Masalan: Tuzalsa edi odamlardek yura olsa edi, boshiga ko‘tarardi.(S. Ahmad)

Shart maylining hech qanday zamon ko‘rsatgichiga ega bo‘lmagan *borsam, kelsang, aytsa, so‘rasak* tipidagi shakli zamon ma‘nosiga ega emas va u shart maylining biror zamon shakli sifatida qaralmaydi.

Fe‘lning *-sa* affiksli shakli shart ma‘nisini bildirganda, harakatning bajarilishi so‘zlovchiga aniq bo‘lmaydi, ya‘ni so‘zlovchi uni bilmaydi.

Masalan: kelgan bo'lsak, kelayotgan bo'lsa, kelsa shaklining harakatning bajarilganligi, bajarilishini so'zlovchi bilmaydi. Harakatning bajarilishi so'zlovchiga ma'lum bo'lsa, u holda shart ma'nosini ifodalovchi shakl qo'shilmaydi. Shart mayliga xos ma'no *-gan* va *-r* affiksli, fe'lining *ekan* to'liqsiz fe'li bilan qo'llanilishi orqali ifodalanadi.

Masalan: Qayerdagi omma o'rtasida g'oyaviy va siyosiy tarbiyaviy ishlar bo'sh qo'yilgan ekan, ana shunday "bo'sh joylarda" eskilik sarqitlari ildiz otaveradi.

Biz ishlab chiqan mebellar uylaringizni qanchalik yaxshi bezatar ekan, biz shunchalik xursand bo'lamiz. (Gazetadan)

Payt ergash gapning kesimi vazifasida keladi. Bunda payt ma'nosi ifodalanadi: Ertalab derazadan qaragam, hamma yoq oppoq... (Oybek.)

Shart mayli shakli hozirgi zamon ko'rsatgichi *-yot* bilan qo'llansa (kelayotsa, ishlayotsa kabi shakl) doim payt ma'nosi qo'llanadi.

Masalan: Bir kuni ko'chada ketayotсам, Umri bir bosh uzum ko'tarib kelayapti (A.Qahhor)

Shart tarzidagi harakatni hozirgi zamon ma'nosi bilan ifodalash uchun albatta *bo'l* yordamchi fe'li qo'llanadi.

Qiyoslang: borayotgan (payt) –borayotgan bo'lsa (shart), ishlayotsa (payt) – ishlayotgan bo'lsa (shart).

Istak ma'nosini bildiradi. Bu ma'noni ifodalaganda mustaqil sodda gapning yoki qo'shma gaplarda bosh gapning kesimi vazifasida ham qo'llana oladi:

Sizning eshigingizga kirsam, beodoblik bo'lsada, oynadan qaragam. (Sayyor).

Sekin po'stini archsang, og'zingga solib, tiling tanglayingga bossang-u, suvini qult-qult yutsang. (A.Qahhor)

Istak ma'nosini ifodalovchi *-sa* affiksli fe'l *edi* to'liqsiz fe'li bilan qo'llanganda, birinchidan istakning darajasi kuchli bo'ladi: Qanday qiz ekan, bir ko'rsam edi (A.Qahhor)

U istiqbolini o'ylar ekan, hamma vaqt "xudo, shularning hammasi tushim bo'lsa edi" der edi. (A.Qahhor)

Ikkinchidan istakning aksi yuz berishi ehtimoldan holi emasligi ifodalanadi: Bir kun “Elobod” kolxozi seni bag’rimdan uzmasa edi. (Oybek)

Istak ifodalovchi *-sa* affiksli fe’l *ekan* to’liqsiz fe’li bilan qo’llanganda, harakatning bajarilishi yoki bajarilmadslini istash tarafdorlik, haqiqatan buning aks holati mavjudligi, bunisi so’zlovchiga ma’qul emasligi ifodalanadi: Ey Ro’zvon buvi, buyam sizga o’xshab yotig’i bilan gapirsa ekan.

Nima berdim, men ham siz aytganni aytaman. Ammo uni chaqirib olmasangiz ekan (G’.G’ulom).

Iltimos maslahat ma’nolari ifodalanadi. Bunday hollarda ham istak ma’nosi yo’qolmaydi. (istak bo’lmasa, maslahat ham bo’lmaydi). Lekin istakka nisbatan maslahat, iltimos asosiy o’rinda turadi: Agar bemalol bo’lsa, o’sha kishini chaqirib bersangiz .

Turli tipdagi sodda va qo’shma gaplarda sabab va sababga yaqin ma’nolarni ifodalaydi: Yo’q, birda-ikkida xat yozmagan bo’lsam, uyat bo’ladi.

Sabab ma’nosi *-gan ekan*, *-r ekan* shakllari yordamida ham ifodalanadi: O’z ixtiyorimiz bilan bu vazifani bo’ynimizga olgan ekanmiz, turmushimiz ham farovon bo’luvi shart (Sh.Rahmon).

Harakatning bajarilishi yoki bajarilmasligi manfaatga (istakka) zidligi ifodalanadi. Bunda harakatning bajarilishi yoki bajarilmasligi manfaatdor (uni istovchi shaxs noiloj holatda bo’ladi, ya’ni harakatning bajarilmasligi unga bog’liq bo’lmaydi): Yo’q deb aytsam, ishonmasanglar.

Nima qilay, Niyoz aka! Kulib kulolmasam, yig’lab – yig’lolmasam. (B.Rahmonov).

Tarkibida *-ki* yuklamasini olgan inkor shaklidagi so’z bo’lgan gaplarda harakatning bajarilishi-bajarilmasligiga inkor shaklidagi so’z bildirgan harakat-hodisa yo’l qo’ymasligi ma’nosi ifodalanadi: Axir yangi kelgan emassizki, tartibni bilmasangiz. (S. Ahmad).

Qarama-qarshi qo’yilayotgan narsa-hodisani bildiruvchi so’z inkor shaklida bo’lmasligi mumkin. Lekin uning inkor mazmuniga egaligi matn ma’nosidan

sezilib turadi va bu soʻz *-mi* yuklamasi bilan qoʻllanadi: Sen yosh bolamisanki, oying bilan maslahatlashsang. (O.Yoqubov)

-sa affiksli feʼli *ham* yoki *-da* yuklamasi bilan qoʻllanganda toʻliqsizlik maʼnosini bildiradi va toʻsiqsiz ergash gapning kesimi vazifasida keladi: Ey, qoʻying, xafa qilmang ularni, bola-da. Shoʻxlik qilsalar ham, juda toʻydirib sugʻarayotirlar (Oybek).

-sa affiksli feʼl boshqa biror harakat-hodisaning juda boshqacha, meyordan ortiq darajada boʻlishini ifodalaydi. Nimaning juda boshqacha boʻlishi matn maʼnosidan sezilib turadi: Har kecha idoramizdagi tomoshani koʻrsang. Hisob-kitob, majlis, tanqid... (Oybek).

Bu qirlarga koʻklamga chiqsang. Ichini koʻrsang, voy biram gilamlar bilan yasatib qoʻyilganki, ogʻzing ochiladi (Sh.Rahmon).

Tarkibida ehtimol soʻzi qoʻllangan gaplarda *-sa* affiksli feʼlning maʼnosini gumon ifodalovchi shakllar maʼnosiga yaqin turadi.

Masalan: Ehtimol, kelib qolsa – Ehtimol, kelib qolar. Ehtimol, kelgan boʻlsa – Ehtimol kelgandir.

-chi yuklamasi bilan qoʻllanganda, buyruq istak-mayliga xos maʼnolar ifodalanadi: Bu yoqqa kelsangiz-chi, quda, bir pas chaqqonlashaylik (A.Qahhor).

Marasul aka, mashinagizga solib bir aylantirib kelsangiz-chi. (A.Qahhar)

-sa affiksli feʼl qiyoslashini, oʻrin maʼnolarini anglatib, qoshma gaplarda ergash gapni bosh gapga bogʻlash uchun xizmat qiladi: Shariatning yoʻli koʻp ekan, bitta berk boʻlsa, toʻrttasi ochiq. (A.Qahhor)

Qayerdan oʻt ochilsa, oʻsha yerga granata yogʻdirildi.

-sa affiksli feʼl *-chi* yuklamasi yoki *-gani* (qani endi) soʻzi bilan birikib, inkor maʼnosini ifodalaydi. Bunday hollarda gap oʻziga xos intonatsiya kasb etadi: Qani endi bu maslahatga koʻnsa! (soʻlovchidan)

Uzukurun “Yurtning otasiman” deb ogʻzini koʻpirtiradi-yu, arz bilsan borsangiz qoʻlingizga qaraydi. Yurt parvoyiga kelsa-chi!

Hali ketyapmiz, hali ketpaymiz qani lolazor koʻrina qolsa.

-sa affiksli fe'l bir necha turdagi analitik shaklning yasalishida qatnashadi: ko'nsa kerak, olsa bo'ladi, bormasang bo'lmaydi, ketsa-ketsin kabi. Bunday analitik shakllarning ma'nosi -sa affiksli fe'l bilan unga birikkan yordamchi so'zning ma'nolari yig'indisidan kelib chiqadi.

Xulosa qilib aytganda shart mayli shart ma'nosini ifodalalaydi. Uning turli xil shakllar hamda turli o'rinlarda qo'llanishi shart ma'no bilan bir qatorda yuqorida zikr etilgan ma'nolarning ham yuzaga chiqishiga asos bo'ladi.

Foydalangan adabiyotlar:

1. N.Mahmudov, A.Nurmonov va boshqalar, Ona tili (6-sinflar uchun darslik) "Tasvir" Toshkent-2009-yil.
2. A.Fitrat, Tanlangan asarlar, IV jild Toshkent. "Ma'naviyat", 2006-yil.
3. M.Asqarova, R.Yunusov va boshqalar, "O'zbek tili praktikumi", Toshkent- 2006-yil.

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИ-ЁШЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Ўқитувчи Д.Файзуллаева,

Ш.Холдорова талаба

Халқимиз мустақилликка эришганидан сўнг, жуда кўплаб имконият эшиклари очилди. Ватанимиз келажаги бўлган ёш авлодга эътибор кучайди. Буни биз ҳар бир соҳада, айниқса, таълим – тарбия соҳаларида кўришимиз мумкин. Таълим борасида, яъни ўсиб келаётган ёш авлодга таълим беришда узликсиз таълим жараёни ишлаб чиқилди. Аҳолининг таълимини жадаллаштириш, самарадорлигини ошириш, бу жараённинг фаолиятини кучайтириш шу соҳа мутахассисларига бевосита боғлиқ ва шу билан бирга уларга жуда катта масъулият юклайди. Бугунги кунда фан-техника тараққиётининг ўта ривожланганлигини кўриш мумкин. Бунинг натижасида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги бор гап. Ҳар бир соҳада илм-фан, техника ютуқларидан фойдаланилмоқда.

XX асрдан бошлаб педагогик технология тушунчаси пайдо бўлди ва турли ривожланиш босқичларидан ўтиб келмоқда. Таълим технологиясининг мазмуни эса ўқитувчи, тарбиячи томонидан ўқувчи, яъни таълим олувчига ақлий, рухий, ахлоқий жиҳатдан турли усулда таъсир ўтказишдан иборатдир. Дастлаб бу тушунча 1940 йиллардан 50 йиллар ўртасигача қўлланиб, ўқув жараёнида аудио-визуал техника воситаларидан фойдаланишни ифода қилган. Қисқа қилиб айтганда, дастлаб АҚШда педагогик технология-фақат техника воситалари ёрдамида ўқитиш деб тушунилган. Б.Л.Фарбермен шундай дейди: “Таълим технология – ўқитишнинг ўзига хос янги (инновацион) ёндошув”дир. У педагогикадаги ижтимоий муҳандислик тафаккурининг ифодаланиши, технократик илмий онгнинг педагогика соҳасига кўчирилган тасвири, таълим жараёнининг муайян стандартлашуви ҳисобланади.

Ҳозир таълим-тарбия соҳасида ривожланиб бораётган йўналишлардан бири-замонавий педагогик технологияларни ўқув жараёнида қўллаш бўлиб, уни амалга ошириш долзарб вазифалардандир. Маълумки, таълим-тарбия жараёни катта авлод томонидан ўз билим ва тажрибаларни ўсиб келаётган авлодларга ўргатишдан иборат бўлиб, бу жараёнда асосан инсон ҳаёти учун зарур ахборотларни авлоддан-авлодга узатиш амалга оширилади.

Педагогик технология таълим-тарбия жараёни сифатида иштирокчиларнинг фаолиятлари орқали амалга оширилади. Бу жараённинг пировард мақсади баркамол инсонни шакллантириш ва ривожлантириш бўлиб асосан қуйидагиларда таркиб топади:

-таълим тарбия бериш;

-ахборотларни авлоддан-авлодга узатиш;

-мустақил фикрлашга ўргатиш;

-билим, кўникма, малакаларни ўргатиш ва ўзлаштиришга эришиш;

-турли методикаларни қўллаш ва такомиллаштириш;

-диагностика, мониторинг олиб бориш;

-таълим-тарбия жараёнида инсонпарварлик, халқпарварлик, мафкуравий тамойилларга асосланиш;

-ўқувчининг тайёргарлик даражасини, психологик, физиологик ёш хусусиятларини ҳисобга олиш;

Масалан: педагогик технологияларнинг амалий аҳамиятини бир дарс мисолида кўриш мумкин. Ўқувчига таълим беришда аввало ёш хусусияти эътиборга олиш муҳим саналади. Бешинчи синф боласига тўққизинчи синф боласига берган таълимни бериб бўлмайди. Синф ўттизта ўқувчи бўлса, уларнинг ҳаммаси ўттиз хил жойдан келади. Уларнинг фикри-хаёли ҳар ерда бўлади. Ўша ўттиз хил фикр-хаёлни ташқи муҳитдан айириб дарс жараёнига қаратиш муҳим саналади. Бунда ўқитувчи ўқувчиларга дарсга оид бўлмаган саволлар билан ўқувчиларга мувожаз қилиши мумкин.

Болалар юқори синф ўқувчилари бўлгани ҳолда уларнинг ёш хусусиятларини эътиборга олиб, улардан бугунги кун янгиликларини сўраш, юртимизда, умуман жаҳонда нималар юз бераётганини сўраш ўқувчида педагогик технологиянинг когнитив(атроф олам тўғрисидаги билимларни кенгайтириш технологияси. У тафаккурни дифференциаллаш орқали билиш эҳтиёжларни ривожлантиради) йўналишини бойитади. Яъни ўқувчи тор билим доирасида қолмайди атрофдаги олам тўғрисида билимлар доирасини кенгайтиради, дунёқараши ўсади, билиш эҳтиёжларини ривожлантиради. Натижада бола эркин фикрловчи шахсга айланиб боради. Зеро, юртбошимиз И.А.Каримов ҳам эркин фикр юритувчи ёшларга ватан келажагини топширишда ишонч билдирганлар.

XXI аср технологияларнинг ривожланган даври. ДВД, СД, телефон аппаратлари, праекторлар, компьютерлар кундан-кунга бизнинг энг яхши иш куралимизга айланиб бормоқда. Буларнинг авзаллик томонлари шундаки,

Ўқитувчи ўқувчиларга таълим-тарбия беришда воқеанинг шахс ёки нарсанинг жонли бўлиши, бу эса унинг хотирасида эшитгандан кўра янада мустақкам қолишига олиб келади. Масалан, бирор бир филмдан парча қўйилиб, бу филм кимнинг қайси асари асосида ишланганлиги ўқувчиларга ҳавола қилинса, унинг қаҳрамонлари асарнинг қачон ва қандай яратилганлиги ҳақида сўровлар берилса, ўқувчи билмаганини ўқитувчи тўлдирса, филмни бугунги кун билан боғлаб, унинг тарбиявий аҳамиятини кўпроқ ўқувчидан сўраш, охирида ўқитувчи хулосалаши мақсадга мувофиқ. Шунда ўқувчи биринчидан, технология имкониятларидан фойдаланишни ўрганади. Иккинчидан, билимга эга бўлади. Учинчидан, бугунги дарсга боғлаб ўз фикрини ифода этади. Натижада унинг дарсидаги фаоллиги ошиб боради.

Педагогик технологияларни қўллашнинг яна бир авзал томони дарсида ўқувчи ва ўқитувчининг тенглик асосида дарснинг боришидир. Бу педагогик технологиянинг инклюзив (ўқувчи билан ўқитувчининг таълим-тарбия жараёнини тенглик асосида ташкил қилиш) йўналишини ифодалайди. Дарс бу фақат ўқитувчининг янги мавзунини тушунтириш, ўқувчи эса унинг тинглашидангина иборат эмас. Агар дарс фақат бир томоннинг иштирокида бўлса, билим олишнинг самарадорлиги, кўламини пасаяди. Бундан кўринадикки, педагогик технологияларнинг аҳамияти ўқувчи ва ўқитувчининг таълим бериш ва олиш жараёнини юксалтиради.

АЛИШЕР НАВОЙИ АСАРЛАРИ ТИЛИНИ ЎРГАНИШДА ШАРҚ ТИЛЛАРИНИНГ ЎРНИ

Талаба, Ҳ.Алижонова

Илмий раҳбар: ф.ф.н. Ж. Жўраев

Тил ҳар бир миллатнинг кўзгусидир. Ҳозирги кунда Юртимизда тил ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Юртбошимиз Ислон Каримов ёш авлодни бир неча тилларга бўлган қизиқишларни ҳисобга олган ҳолда 2012 йил 10 декабрда “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш”

тўғрисида қарор қабул қилдилар. Бу саъи ҳаракатлар юртимиздаги барча мактаблар, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларида ўз аксини топмоқда. Ўқув масканларида чет тили йўналиши бўйича янги ўқув дарсликлар, луғатлар, электрон дарсликлар, журнал ва газеталар ўқувчиларга тақдим қилинапти.

Тил инсоннинг дунёқараши, фикрлаш доирасини кенгайтиради, унинг комолотга эришиш йўлидаги илк қадамлардан биридир. Буюк аллома аждодларимиз камида уч тилни мукаммал билганлар. Атоқли адабиётшунос, олим Маҳмудхўжа Бехбудий шундай деганлар: “Биз туркистонликларга туркий, форсий, арабий ва русий билмоқ лозимдур, Туркий, яъни ўзбекни сабаби шуки, Туркистон халқининг аксари ўзбакий сўйлайдур. Форсий бўлса, мадраса ва удабо тилидир. Бу кунғача Туркистонни ҳар тарафдаги эски ва янги мактабларинда форсий назм ва наср китоблари таълим бериб келдилар.

Барча мадрасаларда шаръий ва диний китоблар арабий таълим берилса ҳам, мударрисларнинг тақриру таржималари форсчадур. Бу оила, дарс китоби-арабий, муаллим-туркий, тақриру таржимаси форсийлиги хила ажибдур”.

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг тил тўғрисидаги қарашлари бугунги кун ёшлари учун ҳам муҳимдир. Айниқса филология йўналиши талабалари бевосита мумтоз адабиёт намоёндаларининг асарларидаги ўзлашма сўзларга дуч келадилар. Ана шундай вазиятда ёшлар шарқ тилларини мукаммал билмоқликлари лозим бўлади.

Ҳазрат Алишер Навоий асарларида ўзлашма сўзлар кўлланилганки, уларни қандай маъно билдиришини билиш учун эса луғатларга мурожаат қиламиз. Ундан ташқари уларнинг қайси вазн ва қайси феълий бобдан олинганлигини билсак уларнинг маъно-мазмунини билиб олишимиз осонроқ бўлади.

Аёнки, арабча феълларнинг бир неча боблари мавжуд. Ҳар бир феъл бобининг сифатдош ясовчи вазнлари мавжуд. Сифатдошлар аслида феълдан ясалган от бўлиб, уларнинг ҳам бир неча вазнларини мавжуд.

I боб фоил вазнида: ворис – мерос олувчи, восил - етувчи, соҳиб - суҳбат қилувчи, нотик - сўзловчи, ошиқ - севувчи, зоҳид - ибодат қилувчи каби. Масалан: *Кошифи* асрори ҳақиқатдур ул. (“Хамса” 8-бет). Байтдаги “кошиф”- очувчи, кашф қилувчи маъноларини ифодалайди.

I боб мафъул вазнида: малум - малолланган, маълум-билинган, мамнун-миннатдор, мамнуъ-ман этилган, манзум-тузилган, маншур-ёйилган, манқул-айтилган каби. Масалан: Залолат кўйининг *махзунлариға*, Жаҳолат даштининг *мажнунлариға*. (“Бадойиъ ул-бидоя” 7-бет). “Махзун”- хафа бўлган, “мажнун”- ақлдан озган маъноларини билдиради.

II боб муфаъбил вазнида: мурағғиб - рағбатлантирувчи, муассир -асир бўлган, муфаттин –сеҳрловчи каби. Масалан: Эй мусулмонлар, не кофир кўз, *муфаттин* қош эрур. (“Ғаройиб ус-сиғар” 11-бет) “Муфаттин”- сеҳрловчи, фитналанган, гўзал маъноларини ифодалайди.

II боб муфаъбал вазнида: мураввақ-тиник, мусаффо, муравваҳ- салқин, боҳаво, мураккаб-тартибланган, мулаққаб-лақабланган, мураффаҳ-осуда, ором каби: Масалан: Келур ул сарвким гуллар *мулавван* қилди гулшанни (“Ғаройиб ус-сиғар” 116-бет). “Мулавван” –ранг-баранг маъносини билдиради.

III боб муфоъил” вазнида: мубориз - полвон, якка курашувчи, мужодил-тортишувчи, мусоид-ёрдам берувчи, мусоҳиб- суҳбатдош каби. Масалан: Ки, лўъбатларинг-ўқ санга бас *мусоҳиб*. (“Бадоеъ ул-васат” 34-бет) “Мусоҳиб”-суҳбатдош маъносини билдиради.

III боб муфоъал” вазнида: муотаб - таъқиб қилинган, мушорак-шерик бўлган, муроқаб - кузатувчи каби. Масалан: “Шайх Имрон турмади ва дедики, муотаб кишидурмен”.(“Насойим ул-муҳаббат”. 104-бет)

IV боб муфъил вазнида: муфлис- камбағал, муфид-фойдали, муфсид-зарарли, мухбир-хабар берувчи, мушқил-қийин ишлар ва қийин ижодларни ёқтирувчи одам, муъжиз-ожизлантирувчи каби.Масалан: *Муфлис* бўлмоқ тараб заволи бўлғай, (“Назм ул-жавоҳир” 131-бет) “Муфлис” – камбағал, ночор маъноларини ифодалайди.

IV боб муфъал вазнида: мулсақ-жипслашган, мулзам-сукут қилган, музмар-яширинган, мудрак-идрок қилинган, мубҳам-яширин, ноаниқ каби.

“бу *мужмал* мазкур бўлгон фазойилдинки, тафсили...” (“Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” 71-бет). “Мужмал” – қисқача изоҳ, умумий изоҳ маъноларини ифодалайди.

V боб мутафаъил вазнида: мутааззир - қийин, узрли, мушкул, мутаайин-тайинли, аниқ, мутааххир-кейинги, кечиккан каби. Масалан: “Сипоҳийлиқдин *мутанаффир* эрмишлар”. (“Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” 71-бет) “Мутанаффир” – нафратланувчи, жирканувчи, безор маъноларини билдиради.

V боб мутафаъал вазнида: мутабаррак – табурук, мутасаввар-тасаввур мутақаддам-олдинги, мутаважжаҳ-юзланган, мутамаккан-жойлашган каби. Масалан: Хаёлидур *мутазаррар* кўнгулда оҳимдин Ки (“Фавойид ул-кибар” 199-бет) “Мутазаррар” – зарар кўрган, зарарли маъноларини билдиради.

Яна, “...навкар ва *мутааллақ*лар улуфасиға ва черик яроғиға сарф қилдим.” (“Вақфия” 196-бет). Жумладаги “мутааллақ” – тааллуқли, тегишли, далдор, оид каби маъноларни билдиради

VI боб мутафаъил вазнида: мутааллиқ-тааллуқли, муааммил-ўйловчи каби. Масалан: Лаълингни ёлқитур *мутаоқиб* мучакларим. (“Бадоеъ ул-васат” 253-бет) “Мутаоқиб” – кетма-кет, орқама-орқа, бирин-кетин маъноларини ифодалайди.

VII боб мунфаъил вазнида: мунташир-ёйилган, мунқатиъ-кесилган каби. Масалан: Қаддин сарв *мунфаил* эрди. (“Сабъаи сайёр” 252-бет) Байтдаги “мунфаил” – таъсирланган, ҳаяжонланган, уялган каби маъноларни беради.

VII боб мунфаъал вазнида: Бир кишини офариниш дафтаридин *мунтахаб*. (“Маҳбуб ул-қулуб” 6-бет) “Мунтахаб” – танланган сараланган маъноларини беради.

VIII боб муфтаъил вазнида: мунтазир-кутувчи, мунтазим-тартибланган, мунқасим-тақсимланган каби. Масалан: Хони латойифқа сўзи *мунқасим*,

Дурри маонийга тили *мунтазим*. (“Хайратул-аброр” 68-бет) “Мунқасим”- тақсимланган, “мунтазим”- назм қилинган, тартибланган маъносини билдиради.

IX боб муфъилл вазнида: муқир(р)-иқроқ бўлган, муҳиқ(қ)-ҳақли, муносиб, лойиқ каби. Масалан: Фурқат аҳлига тонг эрмас бўлса ашъори *муриқ(қ)*. (“Ҳазойин ул-маоний” 79-бет). “Муриқ(қ)”- юмшатувчи, эритувчи (кўнгилни) каби маъноларни билдиради.

IX боб муфъалл вазнида: муштақ(қ)- бошқа сўздан олинган, муртад(д)-қайтган, мусин(н)-кекса, ёши улуғ каби. Масалан: Жузв-жузвимни, фиғонким, *мунфак(қ)* этти тийғи ҳажр (“Бадойиъ ул-бидоя”, 31-бет) “мунфак(қ)” – ажратилган, айрим-айрим қилинган маъноларини билдиради.

X боб мустафъил вазнида: мустаҳиқ-ҳақ бўлган каби. Масалан: Ҳар нечаким, мустаҳиқ ўлсун азиз (“Хайратул-аброр”).

X боб мустафъал вазнида: мустағрақ - ғарқ бўлган, мустаҳсан-яхши бўлган каби. Масалан: Кимсага бу заъфи мустаҳсан эмас. (“Лисонут-тайр” 135-бет)

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, шоир асарларида арабий уч ундошли сифатдош ясовчи вазнлардан жуда кўп сўзлар ҳосил қилинган. Сифатдош ясовчи вазнлари билиш Навоий асарларини янада кенгроқ тушинишга имкон беради. Навоий асарларини яхшироқ тушуниш эса маънавий етук инсон бўлиб етишишнинг омилларидандир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. - Тошкент.: «Фан» нашриёти. 1983 йил. Иқтибослар йигирма томлик тўпلامдан олинди. Бундан кейинги ўринларда Алишер Навоий асарларининг номлари ва саҳифаси келтирилади.

COMMUNICATIVE METHODS OF TEACHING

LISTENING IN THE FIRST GRADE

O'qituvchi, X.A Mamatqulov

In a short period of time English displaced other languages and became the leading means of communication in Uzbekistan. Its domination continues to extend

communicative method of teaching listening in the first class we began two years ago. The modern world of media, mass communication, and Internet demands a good knowledge of English, especially of spoken English. Every person wishing to get the benefits of modern education, research, science, trade, etc., knows that it is impossible without a working knowledge of the English language and good communication skills. A person without oral communication skills will suffer in this era of competition and may find it difficult to achieve a higher position.

Thus, the problem of teaching English to students, especially the problem of oral communication has not yet been solved, and one can find much to explore in this field. Because of the significant role of listening, many researchers like Bailey (2005) and Goh (2007) have proposed methods to enhance listening skills by means of syllabus design, teaching principles, types of tasks and materials, and listening assessment. This issue has also been in the focus of the Uzbekistan and foreign researchers Galskova N.D., Gez N.I., Passov E.I., Rogova G. V., Shchukin A. N., and Skalkin V. L. Working on it they proposed ways to enhance speaking skills of students with the help of different methods of teaching, the use of appropriate exercises, and learner-centered approach to studies and communicative method of teaching listening in the first grade in our country.

Most researchers are sure that, since listening is one of the four major skills necessary for effective communication in any language, listening skills should be developed along with the other skills, so that these integrated skills will enhance the students' ability to communicate. Effective communication by means of listening usually creates a number of benefits for both speakers, listeners and business organizations of benefits for both speakers, listeners and business organizations.

In general, for students it is essential to understand spoken utterances and give appropriate answers. Communicative competence, the ability and readiness to communicate (speaking and listening comprehension) is thus formed. To achieve this, students should be given integrated tasks which help them develop both skills in elementary classes.

The aim of this paper work is to define the strengths and weaknesses of listening skills of today's students in Uzbek and to demonstrate the possibilities of enhancement of the listening skills of students learning English in the first Grades in Uzbekistan.

Research suggests that the integrated use of modern techniques can yield positive results and lead to the improvement of communicative method of listening competence greatly changed. Learning English by using new methods in education and traveling and working abroad encourages students to learn the language, develops their ability to listen fluently, and helps them overcome the language barrier in the first Grades. Existing literature deals with three main topics: speaking skills of today's students in Uzbekistan existing methods of enhancing listening skills of elementary level students, and ways to overcome the language barrier. Speaking skills listening skills of today's students in Uzbekistan begun.

Used Literature:

1. T.B Sykes – Oxford: Oxford University Press 2008. “Communicative methods of teaching listening in the first grade”
2. Swan,M. and Smith, B. Cambridge: Cambridge University Press. (2001) - “Learner English in the first grade”

НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ МЕТОДИКИ ПРЕПОДАВАНИЯ РУССКОГО ЯЗЫКА НА НЕЯЗЫКОВЫХ ФАКУЛЬТЕТАХ

**Преп.кафедры русского языка
и литературы Б.С.Саибов**

Методика преподавания русского языка – это наука о принципах, путях и средствах обучения русскому языку. Методика преподавания русского языка в вузах имеет своей целью вооружить знаниями по данному предмету, специфическими методами и методическими приёмами обучения русскому языку, основными законами практического усвоения второго языка.

Методика даёт знания о закономерностях усвоения русского языка учащимися, не владеющими русским языком как родным, указывает пути и методы изучения отдельных разделов и тем. Методика обучения

иностранных студентов имеет свою специфику в отличие от методики русского языка в русских группах. Эти особенности обуславливаются задачами и содержанием обучения русскому языку учащихся национальных групп.

Задачи методики обучения русскому языку в национальных группах следующие:

1. определение объёма и содержания обучения русскому языку в национальных группах вузов;
2. практическое обучение русскому языку в объёме, позволяющем свободно пользоваться русским языком в его устной и письменной форме;
3. разработка более эффективных методов, приёмов, средств практического обучения русскому языку в национальных группах с учетом конкретных местных условий и специфики родного и русского языков;
4. проведение сравнительно-типологического анализа русского и родного языков для выявления доступности или трудности отдельных лексем, звуков и звукосочетаний, грамматических форм, синтаксических конструкций;
5. определение путей и методов связи преподавания русского языка с воспитанием у студентов демократических идей. На современном этапе большое внимание уделяется педагогической технологии. Педагогическая технология – это специфический инновационный подход к обучению и воспитанию. Она является выражением социального мышления в педагогике, проекцией технологического научного сознания в сфере образования, определённой стандартизацией процесса обучения. В практическом обучении русскому языку большое значение приобретает отбор необходимого речевого материала, его расположение, обеспечение повторяемости слов, образцов предложений, грамматических форм. При этом ведущая роль принадлежит отбору предложения – основной единицы речевого общения, их использованию в контексте, так как все аспекты языка (лексика, фонетика, грамматика, правописание) практически повторяются в предложении. В современной методике преподавания русского языка и

литературы существует ряд работ, посвященных изучению данной проблематики в работах В.Г. Маранцмана, Т.Г. Браже, Н.Я. Мещеряковой, В.Я. Коровиной, Н.Д. Молдавской, Т.Ф. Курдюмовой, О.Ю. Богдановой, Р.Ф. Брандесова.

Методика русского языка опирается на научно-лингвистические основы. Это значит, что в методике русского языка используются результаты лингвистических исследований в области лексики, фонетики, словообразования и грамматики. Эти исследования помогут определить содержание обучения, т.е. минимум языковых явлений, необходимых для усвоения в национальных группах. Многообразие языковых явлений требует разнообразия методов и приёмов обучения в зависимости от изученного материала. Поэтому выделяются такие разделы методики, как предварительный устный курс, методика обучения грамматике, методика чтения и т.д. Кроме того, лингвистические исследования позволяют определить доступность или трудность тех или иных текстов, грамматических форм, синтаксических конструкций. Особое место в лингвистических основах занимает сравнительно-типологический анализ русского и родного языков. Учет родного языка студента, вытекающий из сравнительной типологии языков, обеспечивает эффективность обучения, повышает научно-методический уровень преподавания, позволяет лучше учитывать психологические и дидактические основы обучения неродному языку. Важное место в обучении русскому языку занимают психологические и педагогические основы.

В основе методики начального обучения лежат психологические закономерности усвоения неродного языка. В преподавании русского языка в национальных группах необходимо использовать следующие дидактические принципы: научность и доступность изучаемого материала, наглядность, сознательность усвоения, активность, практическую направленность обучения, связь теории с практикой, связь обучения с жизнью. Обще-дидактические принципы достаточно универсальны: они не зависят от

предмета обучения и в то же время отражают особенности изучаемого предмета, в данном случае – русского языка. Дидактические принципы важно учитывать при разработке содержания и методов построения уроков. Рассмотрим каждый из этих принципов, не забывая о том, что они выступают в тесной взаимосвязи.

Научность предполагает обучение русскому языку в научной основе с учетом данных современного языкознания. С самого начала изучения нового явления не может быть раскрыта вся его сущность. Каждое понятие в процессе обучения постепенно углубляется и расширяется.

Под доступностью понимается такое обучение, которое строится с учётом уровня подготовки студентов и их индивидуальных особенностей. Задания, которые даются, должны быть понятными, посильными, но не слишком легкими, чтобы не потерялся интерес к изучаемому материалу.

Сознательность усвоения русского языка, в частности, грамматических понятий, занимает важное место в национальных группах. Студент должен уметь пользоваться на практике всеми изученными правилами.

Прочные навыки могут быть выработаны лишь в процессе активной работы изучающих русский язык.

Активность при усвоении учебного материала, в свою очередь, способствует воспитанию внимания.

В процессе коммуникации мы не задумываемся, какие конструкции употребили в речи, но для развития навыков правильной, логичной и связной речи необходимы знания конструирования предложений. Связную речь просто невозможно представить без использования сложноподчиненных предложений. Методика обучения синтаксису основывается на грамматических, логических и интонационных методических принципах. Логика играет первостепенную роль в выделении главной и придаточной части в сложноподчиненных предложениях и в определении семантических отношений между ними, поэтому умение правильно пользоваться данной

синтаксической единицей позволяет сделать процесс коммуникации логичным. Для того, чтобы развить эти навыки у учащихся, необходимо на практике отработать все случаи использования сложноподчиненных предложений. А для того, чтобы процесс обучения не казался скучным, необходимо применять новые педагогические технологии. Интерактивные методы обучения играют далеко не последнюю роль в преподавании русского языка.

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ

1. Баранников, И. В. Методика преподавания русского языка в национальной школе / И. В. Баранников. – Л. : «Просвещение», 1989.
2. Карабаева, Л. И. Методика преподавания русского языка / Л. И. Карабаева. – Ташкент : «ИПТД Чулпан», 2005.

RUS GURUHLARIDA “SO`Z BIRIKMASI” MAVZUSINI O`TISH HAQIDA

O`qituvchi, H. O`roqov, T. Jo`rayev talaba

Rus guruhlarida ona tili darslarini o`tayotganda biz, asosan, matn ustida ish olib boramiz. Matn bilan ishlash jarayonida turli Grammatik kategoriyalar haqida ma`lumot berish mumkin. Shunda mashq ixtisoslikka bag`ishlangan material asosida olib borilsa, talaba grammatik kategoriyaning sharxini tezroq tushunadi. Talabalarning o`zaro muloqati , umuman , hayot muayyan nutq qoliplarini bilishni taqazo qiladi. Buning uchun esa asosiy manba sifatida birikmalar va gaplardan foydalanish mumkin. Ish jarayonida hayotda ko`p qo`llanuvchi so`z birikmalari va gaplardan unumli foydalanish lozim. Bularga murojat, tanishuv, taklif, tabrik, maqullash, rozilik-norozilik, minnatdorchilik bildirish kabi mavzularning tahlilida qo`llanuvchi so`z birikmalari kiradi. Shu so`z birikmalarini tahlil qilganda, ularning tuzilishi, ifodalanish materialiga alohida diqqat qilish zarur. Bu birikmalarni hosil qiluvchi birliklarning o`zaro birikishi, sintaktik aloqaning turlarini aniqlash ham talabalar uchun qiziqarli va zarur. Qo`llangan so`z birikmalarini tarjima qilish va ular yordamida mustaqil tarzda gaplar tuza bilish ham muhim ahamyatga ega.

Uy vazifasi sifatida so`z birikmalarni yod olishga berish, ularni zarur vaziyatlarda ishlata bilish, ular yordamida suhbatlar tuzish va qo`llay bilish orqali erkin

gapirishni o`rganish uchun imkoniyatlar yaratadi. So`z birkmalari ustida ishlashni bir necha bosqichda olib borish mumkin:

- a) Aniq bir ixtisoslikka oid so`z va so`z birikmalarini topish va ularning tarjimasini, sinonimini berish bo`yicha mashq ustida ishlash;
- b) Bu so`z va so`z birikmalarini yod olishni topshirish, ularning imlosiga ahamyat berish;
- c) Shu birikmalar yordamida diologlar tuzish va savol javoblarni muntazam o`tkazish;
- d) Ixtisosliklarga oid birikmalar asosida mustaqil tarzda gaplar tuzish va ularning tahlili. Chunonchi,
 - 1) Tuzilishi jihatidan qanday so`z birikma)SB);
 - 2) Ifodalanish materialiga ko`ra so`z birikmasi)SB);
SBo ; SBs ; SBf va boshqalar , yani otli so`z birikma , fe`lli so`z birikma va hk.
 - 3) Qaysi gap bo`lagiga ergashishini aniqlash va hk.

Xullas, har bir mavzuni o`tishda o`qituvchi o`z tajribasiga va talabalar saviyasiga tayanishi shart. Talabalar bilimni aniqlash uchun o`qituvchi ularning bilim saviyasidan kelib chiqib, (QN), (ON) va (YA.N) darslarida ishlatadigan savollar, mashqlarni, grammatik o`yinlarning munosibini qo`llashi zarur. O`shanda dars juda jonli o`tadi.

O`QITUVCHILARNING KASBIY RIVOJLANISHIDA Innovatsion TEKNOLOGIYALARNING O`RNI

O`qituvchi, M.S.Usmonov,

katta o`qituvchi, B.Suvonqulov

Ilg`or texnologiyalarning keng o`zlashtirilishi, uzluksiz ta`limni fan va ishlab chiqarish bilan integratsiyalashuvi, o`quvchilarning qobiliyatlari va imkoniyatlariga muvofiq ravishda ta`limga tabaqalashtirilgan yondashuvning joriy etilishi hamda ta`lim berishning ilg`or innovatsion texnologiyalari va zamonaviy o`quv-uslubiy majmualarning yaratilishi innovatsion jarayonlarni tashkil etish va

boshqarish tizimini takomillashtirishda o`qituvchilarning kasbiy kompetentligini rivojlantirishga asos bo`lmoqda.

Bu o`z navbatida pedagoglarning jahon miqyosdagi yutuqlarni, ilmiy asoslangan innovatsiyalarni tadbiq etgan holda pedagogik jarayonlarni ilmiy asosda tashkil etish va boshqarish, shuningdek, innovatsion jarayonlarning samaradorligini ta`minlashga xizmat qiluvchi innovatsion texnologiyalardan foydalanish o`qituvchilarning kasbiy kompetentligini rivojlantirishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Pedagogika oliy o`quv yurtlarida pedagog kadrlarning kasbiy kompetentligini rivojlantirishda ayniqsa innovatsion texnologiyalarning o`rni beqiyosdir. Bugungi kunga kelib o`yinli darslarni tashkil etishga bo`lgan ehtiyoj tobora kuchaymoqda. Chunki, innovatsion faoliyat talabada zavq-shavq uyg`otib, o`qishga bo`lgan qiziqishini oshirish barobarida o`quv materialini o`zlashtirishni osonlashtiradi va ularni ijodiy tafakkurga undaydi. Ijodiy tafakkur mahsuli esa innovatsiyalarni vujudga keltiradi.

Psixologlarning ta`kidlashlaricha, innovatsion faoliyatning psixologik mexanizmlari shaxsning o`zini namoyon qilish, hayotda o`z o`rnini barqaror qilish, o`zini o`zi boshqarish, o`z imkoniyatlarini amalga oshirishning fundamental ehtiyojlariga tayanadi.

Innovatsion faoliyat sifatida maqsadni belgilab olish, rejalashtirish va amalga oshirish, natijalarni tahlil qilishni qamrab oladi va bunda shaxs sub`ekt sifatida o`z imkoniyatlarini to`la amalga oshiradi.

Ta`lim tizimida foydalanadigan barcha pedagogik o`yinlar o`z mazmuniga ko`ra fan xususiyatidan kelib chiqib, didaktik, ishbilarmonlik, tadbirkorlik, dramalashtirilgan, harakatli o`yinlar hisoblanadi. Chunki ular, odatda ma`lum o`quv fani doirasida ishlab chiqiladi: rollar va syujetlar mavjud bo`ladi, turli vaziyatlar imitatsiya qilinadi. Oliy ta`lim tizimidagi pedagogik o`yinlar yangi o`quv materialini o`zlashtirishga va mustahkamlashga, talabalarning tanqidiy fikrlash qobiliyatini rivojlantiruvchi, umumiy ko`nikmalarini shakllantiruvchi

masalalar majmualarini yechishga qaratiladi. O`quvchilarga turli holatlardan o`quv materialini tushunib yetish va o`rganish imkonini beradi.

Oliy ta'limda innovatsion faoliyatni motivatsiyalash o`yin xarakterining musobaqalashish shartlari, shaxsning o`zini namoyon qila olishi, o`z imkoniyatlarini amalga oshirish ehtiyojlarini qondirishdan kelib chiqadi. O`yinning ajoyib xususiyati shundaki, u bir vaqtning o`zida ham rivojlanish ham o`rganish hisoblanadi.

Pedagogik o`yinlarning ahamiyatli jihatlaridan yana biri shundaki, o`qitishning aniq qo`yilgan maqsadi va unga tegishli pedagogik natijasi bilan belgilanadi. Bu natijalar asoslangan va o`quv tayyorgarlik faoliyatiga ega bo`ladilar hamda talabalar bu jarayonning ishtirokchisi va amalga oshiruvchisi sifatida dars yakunida o`zlarida nimanidir kashf qiladilar.

Ta'lim jarayonida o`yinlar turli maqsadlarga yo`naltirilgan bo`ladi. Ular didaktik, tarbiyaviy, faoliyatni rivojlantiruvchi va ijtimoiylashuv maqsadlarda qo`llanadi.

O`yinning didaktik maqsadi bilimlar doirasi, bilish faoliyati, amaliy faoliyatida bilim, malaka va ko`nikmalarni qo`llash, aqliy qobiliyatini rivojlantirish, mehnat ko`nikmalarini rivojlantirib kengaytirishga qaratilgan bo`ladi.

O`yinning tarbiyaviy maqsadi mustaqillik, irodani tarbiyalash, muayyan yondashuvlar, nuqtai nazarlar, ma'naviy, estetik va dunyoqarashni shakllantirishdagi hamkorlikni, kollektivizmni, jamoaga kirishib keta olishni, kommunikativlikni tarbiyalashga qaratilgan bo`ladi.

Faoliyatni rivojlantiruvchi o`yinlar diqqat, xotira, nutq, tafakkur, qiyoslash malakasi, chog`ishtirish, o`xshashini topish, faraz, hayol, ijodiy qobiliyat, empatiya, refleksiya, optimal yechimni topa olish, o`quv faoliyatini motivatsiyalashni rivojlantirishga qaratilgan.

Didaktik maqsadga ko`ra o`yinlar quyidagilarga bo`linadi:

– ta'lim-tarbiya beruvchi (konfernsiya, individual-kompyuterli, didaktik o`yinlar...);

– bilimlarni mustahkamlovchi (ijodiy o`yinlar, ishbilarmonlik, tadbirkorlik);

– o`quv materialini takrorlovchi (matbuot konfrensiyasi, zinama-zina o`yinlar, rollivasyujetli o`yinlar)

– bilimlarni nazorat qiluvchi (Zakovat, intellektual ring, musobaqa o`yinlar)

Oliy ta'limda ijtimoiylashuv o`yinlardan foydalanish asosan ijtimoiy pedagogika, ijtimoiy psixologiya va shu kabi ijtimoiy gumanitar fanlar o`quv mashg`ulotlarida amalga oshirish ikoniyligi ko`proq. Ijtimoiylashuv o`yinlar talabalarda jamiyat me'yorlari va qadriyatlariga jalb qilish, muhit sharoitlariga moslashish, ehtirolarni nazorat qilish, o`z-o`zini boshqarish, muloqotga o`rgatish, psixoterapiyani nazarda tutadi. Shuningdek, o`yin ijtimoiy tajribalarni o`zlashtirish va qayta yaratishga yo`nalgan vaziyatlarda, faoliyat turi sifatida belgilanadi va unda shaxsning o`z xulqini boshqarishi shakllanadi va takomillashadi.

G.K. Selevko tomonidan pedagogik o`yinlar tasnifi va uni amalga oshirishning asosiy yo`nalishlari ishlab chiqilgan. U pedagogik o`yinlarni quyidagi asosiy yo`nalishlarga bo`ladi:

- *didaktik maqsad o`yinli vazifa shaklida qo`yiladi;*
- *o`quv faoliyati o`yin qoidalariga bo`ysunadi;*
- *o`quv materialidan o`yin vositasi sifatida foydalaniladi;*
- *o`quv jarayoniga didaktik vazifa o`yinga aylantirilgan tarzda musobaqalashish unsurlari kiritiladi;*
- *didaktik vazifaning muvaffaqiyatli bajarilishi o`yin natijalari bilan bog`lanadi.*

Pedagog avval talabalarni individual, so`ngra guruhli o`yinlarga tayyorlash va uni o`tkazish, o`yin muvoffaqiyatli chiqqandan so`ng esa, ularni ommaviy o`yinlarga tayyorlash lozim. Chunki, talabalar didaktik o`yinli mashg`ulotlarda faol ishtirok etishlari uchun zaruriy bilim, ko`nikma va malakalarga ega bo`lishlari bundan tashqari guruh jamoasi o`rtasida hamkorlik, o`zaro yordam vujudga kelishi lozim.

Pedagog o`yinli mashg`ulotlarni o`tkazishga qizg`in tayyorgarlik ko`rishi va uni o`tkazishda quyidagi didaktik talablarga rioya qilishi talab etiladi:

- didaktik o`yinli mashg`ulotlar dasturda qayd etilgan mavzularning ta`limiy, tarbiyaviy va rivojlantiruvchi maqsad hamda vazifalarni hal etilishiga qaratilgan bo`lishi;

- mashg`ulot mazmuniga mos o`yin turini tanlash;
- puxta ishlab chiqilgan reja (ssenariy);
- mavzu mazmuniga mos jamiyatdagi va kundalik hayotdagi muhim muammolar bilan bog`lanishga erishish;

- o`yin tuzilishi jihatdan mantiqiy ketma-ketlikda bo`lishi;
- mashg`ulotlar davomida didaktik prinsiplarga amal qilinishi va vaqtdan unimli foydalanish.

Quyidagi tarbiyaviy maqsadlarga erishish talab etiladi:

- ularda vatanparvarlik, yurtga sadoqat va uning taqdiriga daxldorlik tuyg`ularini tarbiyalash imkoniyatlaridan foydalanish;

- o`quvchi-yoshlarning dunyoqarashi, tafakkuri, mustaqil mushohada qilish, o`zining shaxsiy pozitsiyasiga ega bo`lish qobiliyatlarini rivojlantirishi;

- barkamol shaxsni tarbiyalash tamoyillariga va sharqona odoq-axloq normalariga mos kelishi;

- yoshlarni diniy-ekstremistik g`oyalar, turli axborot hurujlari ta`siridan himoya qilishda mafkuraviy immunitetni hosil qilishga erishish.

Pedagogik o`yin ishchan vaziyatda ishtirokchilarning o`zaro munosabatlari orqali amalga oshiriladi. U qo`shrejali faoliyat hisoblanadi, chunki unda ikkita maqsadga erishiladi: o`yinli va pedagogik. Pedagogik faoliyat ustuvor bo`lsa ham, o`yinni poymol etmasdan maqsadga erishish pedagogning asosiy vazifasi hisoblanadi. O`yinning har bir ishtirokchisi faol holatda bo`ladi, sheriklari bilan o`zaro munosabatda bo`ladi, o`z qarashlarini sheriklariniki bilan taqqoslaydi va shuning natijasida jamoa bilan munosabati orqali o`zini o`zi o`rganadi.

Ta'lim-tarbiya jarayoniga innovatsion texnologiyalarni joriy etish natijasida bo'lajak o'qituvchilar o'zida mutaxassislikning kelajakdagi kasbiy, ijtimoy harakatlar me'yorlarini o'zlashtirib, ularda kasbiy kompetentlik rivojlanib, mustahkamlanadi.

Xulosa qilib aytganda, o'qituvchilarning kasbiy kompetentligini rivojlantirishga mas'ul shaxs innovatsion texnologiyalarning mazmun mohiyatini, ta'lim jarayonida qo'llay olishni, pedagogik jarayonga innovatsiyalarni joriy etishni bilishi zarurligini davrning o'zi taqozo etmoqda.

2-SINFDA “SHAXS VA NARSA NOMINI BILDIRGAN SO'ZLAR” MAVZUSINI O'QITISHGA DOIR BIR SOATLIK DARS ISHLANMASI

O'qituvchi, S.M.Mamayusupova, Shodiyeva M

MAVZU:Shaxs va narsa nomini bildirgan so'zlar

Darsning maqsadi:

a)ta'limiy:O'quvchilarga shaxs va narsani bildirgan so'zlar haqida ma'lumot berish, shunday so'zlarga so'roq bera olish ko'nikmalarini hosil qilish

b) tarbiyaviy:O'quvchilarga dars davomida o'zaro hurmat, odob-axloq qoidalariga rioya etish, o'zgalar fikrini hurmat qilishga o'rgatish, shuningdek har bir fikrni mulohaza bilan aytishga o'rgatish

s)rivojlantiruvchi: o'quvchilarning mustaqil fikrlash qobiliyatini o'zlashtirish, hozirjavobligini oshirish,

Dars turi: Yangi bilim beruvchi, aralash

Dars usuli:Og'zaki, ko'rgazmali,aralash

Dars jihozi: darslik, yozuv taxtasi, turli rasmlar, tarqatma kartochkalar.

Dars shiori: O'quv qunt beradi,

Bilim sharaf –shon .

Ikkovi tufayli,

Ulug`dir inson.

Darsning borishi

1.Tashkiliy qism:Salomlashish, davomatni aniqlash, navbatchi axborotini tinglash,o`quvchilarning darsga tayyorgarligini tekshirish,diqqatni jamlash mashqni bajarish, o`quvchilarga yaxshi kayfiyat tilash va darsning „Do`stona kelishuv `` qoidalarini eslatib o`tish .

2.O`tilgan mavzuni tekshirish va baholash.

3.O`tilgan mavzuni mustahkamlash

O`quvchilarga grammatik topishmoqlar taqdim etiladi

Men xos shaxs va narsaga

Ammo belgiga yotman

So`rog`im „Kim?“ va „Nima?“

O`ylab boqsang men (Shaxs va narsa nomini bildirgan so`zman)

So`rog`im: „Nima qildi?“

Harakat mazmuniman.

Holatdan berib darak,

Gapni ham tugataman.

O`ylab boqsang men (Shaxs va narsa harakatini bildirgan so`zman)

4.Dam olish daqiqasi

5. Yangi mavzu bayoni

O`qituvchi shaxs va narsani bildirgan so`zlar haqida jadval asosida ma`lumot beradi.

Shaxs nomini bildirgan soʻzlar <u>kim?</u> soʻrogʻiga javob boʻladi. Kim?-tikuvchi , oʻqituvchi, dehqon.	Narsa nomini bildirgan soʻzlar <u>nima?</u> soʻrogʻiga javob boʻladi. Nima? –daftar, oʻrdak , piyola.
---	--

137- mashq

Oʻqing Kim? va Nima? soʻrogʻiga javob boʻlgan soʻzlarni ayting.

Bogʻ yashnaydi , Uy yashnaydi

Bogʻbon bilan. Bola bilan.

Dala yashnar, Togʻ yashnaydi

Dehqon bilan. Lola bilan.

Koʻchiring. Kim?, nima? soʻrogʻiga javob boʻlgan soʻzlar tagiga chizing.

Oʻquvchilar mashqni bajaradi, oʻqituvchi tomonidan tekshiriladi. 138-mashq ogʻzaki bajariladi.

139- mashq

Oʻqing. Topishmoqni javobini toping.

Insonlarni boqar u, Ish quroli ustaning,

Tovuqlarga yoqar u. Boyligidir oʻlkaning.

Javoblarni yoniga soʻrogʻi bilan yozing.

Dars davomida oʻquvchilar ragʻbatlantirib boriladi.

6. Mustahkamlash

Oʻqituvchi: Mevalarning sarasi,

Pishar kuzning pallasi

Qizil, sariq , yashildir,

Nordon, shirin, totlidir.

-Qani bolajonlar bu qaysi meva ekan?

-Bu olma

-Barakalla bolalar, bizning sinfimizda olma daraxtining mevalari pishib yetilibdi. Qani ularni terib olishga bog`bonga yordam beraylik.

O`quvchilar 2 guruhga bo`linib birma-bir magnit doskaga mahkamlangan olma daraxtidan mevalar oladilar. Olma daraxtining orqa tomonida savollar beriladi. Savollarga to`gri javob bergan o`quvchilar olmani olib ketishadi. Qaysi guruh ko`p olma tersa shu guruh g`olib bo`ladi.

7.Darsga yakun yasash va uyga vazifa berish

Uyga vazifa 140-mashq.

7-SINF O`QUVCHILARIGA “OQ KEMA” QISSASINI O`QITISH USLUBI VA TEXNOLOGIYALARI

Shodiyona Abdugapparova, talaba

Umumiy o`rta ta`lim maktablarining 7-sinf adabiyot dasturiga o`rganish uchun Chingiz Aytmatovning hayoti va ijodi hamda “Oq kema” qissasidan boblar kiritilgan. Qissada qalamga olingan insoniy fazilatlar shakllanayotgan shaxs ma`naviyatiga singib ketishi, adabiy ta`limning bosh maqsadiga xizmat qilishi lozimligi ko`zda tutilgan holda, asar mazmun-mohiyati o`quvchilarga to`la yetkazishi kerak. Bu esa o`quvchilarda asarda tasvirlanayotgan voqea-hodisalar, zamon va muhit, inson va tabiat muammolari, qahramonlar to`g`risida aniq tasavvur hosil bo`lishiga, personajlarning xatti-harakatini haqqoniy baholashga, mulohaza yuritib tahlil qilishga, xulosa chiqarishga olib keladi.

O`quvchilar asarda tasvirlangan Oq kema va Shoxdor ona bug`u haqidagi ertaklarning asl mohiyatini, asar g`oyasini ochishdagi o`rnini va obrazlar zimnidagi ramziylikni anglashlari, qahramonlar – bola, Mo`min chol, O`rozqul obrazlarini tahlilga tortishlari lozim. Odatda o`quvchilarning yosh xususiyatini hisobga oladigan bo`lsak, 6-7-sinf o`quvchilarini asar voqealarini hayotda rostdan ham bo`lgan yoki bo`lmaganiga, obrazlar asli hayotdagi real, bor odamlarmi yo`qmi kabi savollar juda qiziqtiradi. Shundan kelib chiqib o`qituvchi, o`quvchining

asarga qiziqishini yanada oshirish uchun qissa syujeti hayotiy real hodisalar asosiga qurilganligini aytishi va quyidagi ilovani keltirishi ham mumkin.

1-ilova

“...Qaysi bir vaqt kuzda Issiqko’ldan Santosh o’rmoniga borib qoldim, u yerda pichan tashiyotgan shafyorga yo’liqdim. U menga bu yerga qandaydir ikki bug’u(maral) kelganini aytib berdi. Bug’uning birini otib olishibdi-yu, ikkinchisi qochib qutulib ketibdi. Endi bu yoqlarga sira qaytib kelmasa kerak..., - dedi shafyor afsuslanib. U menga o’zlari tunagan o’rmonbegining uyini ham ko’rsatdi. Shunday qilib, men “Oq kema”dagi bola yashagan uyga to’g’ri keldim...”

(Chingiz Aytmatov. “Oq kema” qissasi haqida “Oirg’iziston madaniyati”

1972-yil.27-aprel).

Bilamizki, hozirgi ta’lim jarayonida o’quv dasturida mavzu yuzasidan berilgan topshiriqlar o’quvchilarning ijodkorligini, izlanuvchanligini oshirish uchun o’qituvchi tomonidan o’quvchiga oldindan mustaqil o’rganishga uy vazifasi shaklida berilib kelinmoqda. Ya’ni o’quvchi o’tilishi kerak bo’lgan mavzu yuzasidan oldindan ma’lum tushuncha va ma’lumotlarga ega bo’ladi. Demak, o’quvchi qissani mustaqil mutolaa qilib kelgan. Bundan samarali foydalangan o’qituvchi, o’quvchilarga darslikda keltirilgan boblar bo’yicha interfaol o’yinlardan foydalanib qissa mazmun-mohiyatini teranroq yetkazishga harakat qilishi lozim.

1. O’qituvchi o’quvchilarning qissani qanchalik e’tibor bilan mutolaa qilganliklarini aniqlash hamda asar badiiy g’oyasini ochishga katta xizmat qilgan nutqiy va predmet detallarning qay darajada o’zlashtirilganligini bilish maqsadida ularga “Chala xat” zehn matni beriladi. Unda o’quvchilar o’zlarining sinchkovliklarini namoyon qiladilar.

“Chala xat” zehn matni namunasi

“OQ KEMA”

(Ertakdan so’ng)

“Mashina-magazin keldi. Men keyin kelaman”, - yo’l-yo’lakay u “cho’kib yotgan tuyaga” gap sotdi. U bag’rini yerga berib yotgan shunday deb atardi. Odatda bola o’z “.....”sining yonidan uning o’rkachini silamasdan o’tmasdi. Uning xarsangtoshida “.....” ham tayyor edi. Yana “.....” degan tosh bor –bo’riga juda o’xshash qo’ng’ir-oq oralagan, yoldor cho’ng peshonali. Lekin eng sevimli tosh bu suv yuvib ketgan qirg’oqdagi kattakon xarsang “.....” edi. O’tlar orasida “sevimli”, “botir”, “hurkak”, “yovuz” hamda boshqa bir xillari mavjud edi., masalan, eng birinchi dushman. Mana, shu daladagi, to’g’ri, ular ham yovvoyi, shunga qaramay, bular va gullardir.

Javoblar: *sarg’ish bukri tosh, tuya, egar, bo’ri, tank, chaqirtikanak, pechakgul, eng aqlli, quvnoq.*

2. O’qituvchi asardan kelib chiqqan holda qissada qo’llanilgan ramziy detallarning qanday ma’no anglatayotganini o’quvchilar chuqur anglashlari va mohiyatini tushunishlari uchun “Adashtirdim, topingchi” usulidan foydalanishi katta ahamiyatga ega. Bunda, birinchi ustunda ko’rsatilgan ramziy detallarning ma’nosi keyingi ustunda chalkash tarzda berilgan bo’ladi. O’quvchilar ularning ramziy ma’nosini topib o’z o’rniga joylashtirishlari talab qilinadi.

“Adashtirdim, topingchi” o’yin usuli namunasi

N ^o	Detallar:	Ramziy ma’nosi:
1	Ona bug’u	Do’stlik, hamdardlik
2	Oq kema	Do’stlik
3	Toshlar	Ezgulik

4	O'simliklar	Umid
5	Portfel	Yechim va umidvorlik
6	Durbin	Yangi umidlar
7	Beshik	Insoniy xislat va illatlar

To'g'ri javoblar: Ona bug'u – ezgulik, Oq kema – umid, toshlar – do'stlik, hamdardlik, o'simliklar – insoniy xislat va illatlar, portfel – yangi umidlar, durbin – do'stlik, beshik – yechim va umidvorlik.


3. O'qituvchi qissa qahramonlariga o'quvchilarning e'tiborini qaratib, bolani atrofdagilarning hech qaysiga o'xshamagan o'zining sof, beg'ubor dunyosi borligini, bola, inson va uning olamini o'zining ana shu beg'ubor – sof dunyosi, pok vijdon bilan qabul qilishini, unga kerakli bo'lgan mehr, ishonch, umidni o'z yaqinlaridan emas, aksincha, xayoliy ertaklar(“Shoxdor Ona bug'u”, “Oq kema”), toshlar, o'simliklardan qidirishi sabablarini ochishi, nima uchun bolaning qismati fojiali yakun topganini o'quvchilarga tushuntirishi maqsadga muvofiq. Mo'min cholning xatti-harakatlari orqali yozuvchi tomonidan ajdodlardan qolgan urf-odat va qadriyatlarni asrab-avaylash, ularga hurmat bilan qarashga har bir inson mas'ul ekanligi uqtirilayotgani o'quvchi anglashi lozim. O'qituvchi asarda ko'tarilgan bosh muammolardan biri inson va tabiat munosabatiga to'xtalib, “Inson – tabiatning bir bo'lagi” ekanligini uqtirishi, bejizga ona yurt, ona Vatan bilan yonma-yon ona tabiat tushunchasi ham ko'llanilmasligini aytib o'tadi. Inson tabiat qo'ynida kamol topadi, komillashadi. Inson toliqqan ruhiga, extiyojmand ko'ngliga tabiat bag'rida orom topadi.(*Asardagi bola kabi*). Tabiatga tajovuz qilmay, uni asrab-avaylash, o'zimizni asrash, tabiatni muhofaza qilish, kelajagimizni, tirikligimizni muhofaza qilish ekanligini asar voqealari asosida yanada o'quvchilarga teranroq yetkazish kerak. Tabiatga nisbatan ehtiyotkorona munosabatda bo'lish ijtimoiy hayotimizda katta ahamiyatga ega ekanligini bosh qomusimizda belgilangan fuqarolik burchimiz orqali ko'rsatib o'tishi mumkin.

***“Fuqarolar atrof tabiiy muhitga ehtiyotkorona munosabatda bo’lishga
majburdirlar”***

O’zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi 50-modda

O’quvchilar tomonidan qissa qahramonlari xarakterlari tahlil qilinib, ularning ijobiy va salbiy xislatlari haqida fikr-mulohazalari tinglanadi. Qissa qahramonlarining o’ziga xos xususiyatlari, xarakterlaridan kelib chiqib “Bu qaysi qahramon?” nomli o’yin o’tkazishi mumkin:

“Bu qaysi qahramon?” boshqotirmasi namunasi



Qissa yuzasidan muammoli savollar:

- 1. Mo`min cholni nega yozuvchi “kamdan kam uchraydigan baxtli odam” deya tasvirlaydi. Sizningcha u baxtli odammi?*
- 2. Bolaning tengdoshlarsiz, yolg’iz ekanligi sababi nimada deb o’ylaysiz? U nega toshlar, o’simliklar, durbin va portfeli bilangina suhbat qurishni xush ko’radi. Bolaning do’stlari yo’qmidi yoki boshqa sabab bor deb o’ylaysizmi?*
- 3. Mo`min cholni hurmat qilmasliklari va u bilan hisoblashmasliklarining sababi nimada deb o’ylaysiz?*
- 4. Boshqalardan yashirincha yig'laganda pana qiladigan shiroljin o'simligiga bolaning mehri nega tushgan deb o'ylaysiz? Qissa qahramoni nega yashirincha yig'laydi, odatda, bolalar yig'lashdan uyalishmaydi-ku?*

5. *O'rozqul, sizningcha, qanday qahramon? U chindan zulmkor insonmi yoki qismat uni shu ko'ygacha solganmi?*

O'zining betakror badiiyati bilan millionlar qalbini rom etgan iste'dodli yozuvchi Chingiz Aytmatovdan "Sizning ijodingizning bosh prinsipi nima?" deb so'rganlarida, – "Men haqiqatni so'zlashni istayman. Insonning inson degan nomga munosib bo'lishini istayman"[1.328-bet], – deb javob bergan edi.

Darhaqiqat, Chingiz Aytmatovning "Oq kema" qissasi ham insonning inson degan nomga munosib bo'lish mashaqqatlarini badiiy talqin etgan asar sifatida o'quvchilarga "Hazrati inson" rutbasining ulug'ligini eslatib turadi. O'qituvchi tomonidan darsning bosh tarbiyaviy maqsadi ham shunga qaratilishi lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ch.Aytmatov. Oq kema. – T.: «Yangi asr avlodi», 2015.
2. A.Rashidov. Chingiz Aytmatov olami. – T.: «O'qituvchi» NMIU, 2011.
3. Q.Husanboeva. Tahlil – adabiyotni anglash yo'li. – T.: «Muharrir», 2013.
4. Q.Yo'ldoshev, B.Qosimov, V.Qodirov, J.Yo'ldoshdekov. Adabiyot: Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 7-sinf uchun darslik-majmua. – T.: «Sharq», 2013.
5. Ch. Aytmatov, G'. Hotamov. Yozuvchi va zamon. Manba: Adabiyot va zamon. – T.: «G'afur G'ulom» nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1981.
6. B.To'xliyev. Adabiyot o'qitish metodikasi. – T.: «Alisher Navoiy» nomidagi O'zMK, 2012.
7. S.X.Xurramova. Ta'lim jarayonida interaktiv usullar. – Sam.: Alisher Navoiy nomidagi SamDU, 2005.
8. R.Ishmuhammedov, A.Abduqodirov, A.Pardayev. Ta'limda innovatsion texnologiyalar. – T.: «Iste'dod», 2008.

IV. ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ МУАММОЛАРИ

БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРНИ МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИГА ТАЙЁРЛАШ МУАММОЛАРИ

Доценти, Н.У. Усманов

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги ПҚ-451-сонли “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Қарорида таъкидланганидек, ҳозирги глобаллашув шароитида маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшлар онгига ғоявий тарбияни сингдириш ва уларнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш мамлакатимизда амалга оширилаётган миллий ғоя тарбиясининг моҳиятини ташкил этади. Чунки, миллий ғоя “...бу дунёда ўзининг миллий давлатини қуришга азму қарор қилган ҳар қайси халқнинг юксак вазифаларни амалга ошириш, шу йўлда одамларни бирлаштириш ва сафарбар қилиш, уларнинг қалбида ишонч уйғотиш, эски ижтимоий тизимдан мутлақо янги тизимга ўтишда ўзига қўшимча куч-қувват ва мадад топишда умумий, ягона мақсад ва орзунтилиш ифодаси” ҳисобланади. Шу жиҳатдан ҳам маънавий-маърифий ва ғоявий-тарбиявий ишларни амалга ошириш ҳамиша долзарб бўлиб келган. Бунда маънавий, касбий ва методик жиҳатдан етук бўлган миллий ғоя тарғиботчиларини тайёрлаш ҳам асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Шу маънода бошланғич синф ўқувчиларини миллий ғоя асосида тарбиялаш, баркамоллик сари сафарбар этиш узлуксиз таълим турларининг асосий мақсадларидан биридир. Чунки келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади. Халқимизни эртанги кунининг қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим-тарбия олишига боғлиқ. Бу табиийки, бошланғич таълим мазмунига катта масъулият юклайди. Зеро, бошланғич таълим мактаб таълимининг асосий босқичи эканлиги ва унга

этиборни кучайтириш зарурлиги барчага аён. Шу жиҳатдан янги жамият бунёдкори бўлмиш баркамол авлодни тарбиялашда бошланғич таълим жараёнида миллий ғояга таяниш, уларни Ватанга, юртга бўлган муҳаббатини уйғотиш билан ғоявий иммунитетни шакллантирилади. Албатта, бунда ўзининг билим ва тажрибаси, истеъдод ва маҳорати, инсоний фазилатлари билан хизмат қилаётган бошланғич синф ўқитувчиларининг ўрни бекиёсдир. Шу маънода бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини миллий ғоя тарғиботига тайёрлаш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Миллий ғоя шахсни вояга етказишнинг муҳим омили сифатида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тарғибот ишига тайёрлашни тақозо этади. Бунинг учун қуйидагиларга этибор қаратиш муҳимдир:

- ёшларни фидоий, миллий ва умумбашарий кадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш, уларни юксак маънавиятли ва маърифатли этиб вояга етказиш;
- ғоявий, маънавий, маърифий ва мафкуравий тарғибот йўналишидаги фаолиятни янада кенгайтириш;
- миллий ғояни кенг тарғиб қилишнинг энг замонавий воситаларини қўллаш;
- ёшлар онгида инсонпарварлик тафаккурини шакллантириш, фуқаролик муносабатини таркиб топтириш.

Буларнинг барчаси бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини миллий ғоя тарғиботига тайёрлаш муаммосини тадқиқ этишни тақозо қилади. Чунки, *миллий ғоя тарғиботи* алоҳида ёндашувни талаб қилади. Бу ўринда тарғибот муаммосини таҳлил қилиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. “Тарғибот” тушунчасининг ўзагини “рағбатлантириш” сўзи ташкил қилиб, маъноси “рағбатлантириш, хоҳишни, қизиқишни кучайтириш” демакдир. Мазкур тушунчага “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да қуйидагича изоҳ берилган:

- 1) чуқур тушунтириш йўли билан бирор ғоя, таълимот ва шу кабиларни ёймоқ, кишиларнинг онгига сингдирмоқ, ундамоқ;
- 2) тушунтириш йўли билан бирор ишга чақирмоқ, даъват қилмоқ;

3) бирор ғоя, таълимот ва шу кабиларни кишилар онгига сингдиришга қаратилган ишлар.

Диққат қилинса, бу изоҳда *тушунтириш* масаласига алоҳида эътибор берилган. “Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати” да бу сўзнинг маъноси “қизиқтириш”, “тарқатиш” эканлиги таъкидланиб, қуйидагича изоҳланган:

1) кенг маънода: ижтимоий фаолиятнинг алоҳида тури бўлиб, аҳолининг ижтимоий сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида илмий, бадиий, ижтимоий сиёсий, миллий ғоя ва кадриятларни тарғиб этишдир;

2) тор маънода: мафкура ва сиёсатни тарғиб этишга қаратилган фаолият. Биз бу ўринда миллий ғоянинг педагогик тарғиботини назарда тутамиз. Миллий ғоянинг педагогик тарғиботи бу – таълим-тарбия тизимида шахс онгига миллий ғоянинг асосий тушунчаларини чуқур тушунтириш, сингдириш ва тарқатишдир. Бу билан ёш авлод ғоявий тарбияланади. Албатта тарғибот ишида илмийлик, конкретлилик, объективлик, ижтимоий ҳаёт билан боғлиқлик, ташкилийлик тамойилларига асосланиш муҳим ҳисобланади.

Демак, миллий ғоянинг педагогик тарғиботи асосида ҳар бир шахсда ғоявий таъсир кўрсатиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бунинг учун тегишли маълумотлар тўпланиб илмий таҳлил қилинади ва шахснинг ёш ҳамда жисмоний имкониятлари инобатга олинади. Шу жиҳатдан миллий ғоя тарғиботида бунёдкор ва вайронкор ғоялар, тўғри ва нотўғри фикр, соғлом ва носоғлом дунёқараш, яхши ва ёмон хулқ-атвор кабиларни талабаларга тушунтириш натижасида шахсда эркин фикрлаш, мустақил дунёқараш, ўзгалар фикрини ҳисобга олиш, ўз фаолиятини таҳлил қилиб бориш каби билим, кўникма ва малакалар шакллантирилади.

Шу маънода олий педагогик таълим жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини миллий ғоянинг педагогик тарғиботи асослари, шакллари, усуллари ва воситалари билан чуқур таништириш зарур.

Шундай қилиб миллий ғоянинг педагогик тарғиботи назарий ва амалий жиҳатдан ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим педагогик муаммолардан биридир. Бу бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий тайёргарлиги кўламини кенгайтиришга хизмат қилади.

YOSHLARNI YUKSAK MA'NAVIYATLI SHAXS QILIB TARBIYALASHDA NUTQ MADANIYATINING O'RNI.

**P.f.n. Kushvaktov Ne'mat Husanovich,
M.Meliboeva magistrant**

Bugungi kunda yosh avlod tarbiyasi bilan jiddiy shug'ullanmasdan turib, ularni zamon bilan hamnafas qilib tarbiyalash aslo mumkin emas.

YOshlarni yuksak ma'naviyatli shaxs qilib tarbiyalashda juda ko'plab omillarga tayanib ish ko'rish maqsadga muoffiqdir, misol uchun o'zbek xalq og'zaki ijodiga, milliy xalq amaliy san'atiga, milliy xalq o'yinlariga, buyuk bobolarimizning ibratli hayoti va ijodiga . SHundan kelib chiqqan xolda biz yoshlarni yuksak ma'naviyatga erishish tamoili asosida tarbiyalashda O'zbekiston Respublikasi prezidenti Islom Karimovning "YUksak ma'naviyat – engilmas kuch" asaridagi fikrlarga murojat qilishni maqsadga muoffiq deb bildik.

SHaxsan men «Temur tuzuklari»ni har gal o'qir ekanman, xuddiki o'zimga qandaydir ruhiy kuch-quvvat topgandek bo'laman. O'z ish faoliyatimda bu kitobga takror-takror murojaat qilib, undagi hech qachon eskirmaydigan, inson ma'naviyati uchun bugun ham oziq bo'ladigan hikmatli fikrlarning qanchalik hayotiy ekaniga ko'p bor ishonch hosil qilganman. Masalan, «Tajribamda ko'rilgankim, azmi qat'iy, tadbirkor, hushyor, mard va shijoatli bir kishi mingta tadbirsiz, loqayd kishidan yaxshiroqdir», degan so'zlar bugungi kunda ham ma'naviy jihattan naqadar dolzarb ahamiyatga ega ekani barchamizga ayon.(16 b) Pedagogik ta'sir kuchiga ega bo'lgan bunday fikrlardan keng foydalanish orqali yosh avlodlarni ma'naviy bilimlarni egallashning yuqori pog'analariga olib chiqish mumkin. Buning uchun o'qituvchilar pedagogik maxorat orqali nunq vositasida

yuqoridagi fikrning mazmun mohiyatini to'laqonli etkazib berish imkoniyatiga ega bo'lishi kerak.

Demak, yosh avlodga o'zlikni anglashiga yordam berish uchun, milliy ong va tafakkurning ifodasi sifatida, nutq madaniyatidan foydalanish yaxshi samaralarni beradi. Bu borada ham Islom Karimovning Quyidagi fikrlaridan foydalanish maqsadga muvofiqdir. "Jamiki ezgu fazilatlar inson qalbiga, avvalo, ona allasi, ona tilining betakror jozibasi bilan singadi. Ona tili - bu millatning ruhidir.

Buyuk ma'rifatparvar bobomiz Abdulla Avloniyning so'zlari bilan aytganda, «Har bir millatning dunyoda borlig'ini ko'rsatadurgan oyinai hayoti til va adabiyotidir. Milliy tilni yo'qotmak millatning ruhini yo'qotmakdur». (29 b)

Biz yoshlarni ma'nadan etuk shaxs sifatida shakllantirishni o'z oldimizga maqsad qilib qo'ygan ekanmiz, birinchi navbatda ularning ma'naviy olamini yuksaltirish tizimini yaratishimiz kerak. YOSHLAR hayotida ozgina bo'lsada ma'naviy bo'shliq paydo bo'ladigan bo'lsa, o'sha zaxoti uning o'rmini axloqsizlik egallab oladi. «Bugungi kunda axloqsizlikni madaniyat deb uni targ'ib qilishga intilayotgan, ma'naviy qadriyatlarni chetlab o'tishga harakat qilayotgan holatlar yurtimiz farovonligiga, yoshlarning ma'naviy kamolotiga xavf solmoqda. SHuning uchun ham biz xurujlarga qarshi kurashish yo'lini topib, unday ma'naviyatga taqdid soladigan ofatlardan qutilish choralarini ishlab chiqishimiz bu davr talabidir. Bu haqda fikr yuritganda, bizning ulug' ajdodlarimiz o'z davrida komil inson haqida butun bir axloqiy mezonlar majmuini, zamonaviy tilda aytganda, sharqona axloq kodeksini ishlab chiqqanliklarini eslash o'rinli, deb bilaman. Ota-bobolarimizning ongu tafakkurida asrlar, ming yillar davomida shakllanib, sayqal topgan or-nomus, uyat va andisha, sharmu hayo, ibo va iffat kabi yuksak axloqiy tuyg'u va tushunchalar bu kodeksning asosiy ma'no-mazmunini tashkil etadi, desak, o'ylaymanki, xato qilmagan bo'lamiz».

Islom Abdug'anievich Karimovning yosh avlod tarbiyasiga qaratilgan fikrlarini ta'lim - tarbiya jarayonlarida axborot texnologiyalari vositasi orqali o'quvchilarga ilojining boricha katta ekranda ko'rsatib, nutqini eshitirsak har tamonlama ta'sir

kuchiga ega bo'ladi. Bunday ta'sir kuchlari yoshlarda insoniy fazilatlarining shakllanishiga zamin yaratib beradi. Bu texnologiyadan foydalanish jarayonlarida o'qituvchilar o'quvchilar bilan jonli muloqat o'rnatib, nutqning sexrli kuchidan foydalanishlari katta ahamiyatga egadirlar.

O'qituvchilar buyuk siymolarimiz tomonidan bizlarga qoldirilgan ma'naviy me'roslarning jaxonshumul ahamiyatini shunday ifoda etishlari kerakki, o'quvchilarda bobolardan faxrlanish tuyg'usi uyg'onsin. YOmon illatlarga qarshi tura olish immuniteti oshsin, irodasi shakllansin.

«Bu hayotda odam ba'zan o'zini yo'qotib qo'yadigan g'oyat murakkab muammolarga duch keladi. Keskin vaziyatdan chiqishning iloji yo'qdek tuyuladigan holatlar bor. SHunday paytda, ishda va hayotda, jamiyatda og'ir savdolarga duch kelganda kim o'zining yo'lini yo'qotmasligi mumkin? O'ylaymanki, birinchi navbatda o'z kuchiga ishongan, ruhiy dunyosi, ma'naviy olami baquvvat bo'lgan odamgina bunday vaziyatdan yorug' yuz bilan chiqa oladi. Ma'naviy boylik shunday paytda odamga katta kuch va madad beradi.SHu ma'noda, insonning ma'naviyati yuksalishi bilan uning irodasi ham kuchayib boradi, desak, yanglishmagan bo'lamiz. Iroda - bu aslida mustahkam ishonch demakdir. Irodasi baquvvat odam o'ziga ishonadi va har qanday murakkab vazifani ham o'z zimmasiga olishdan qo'rqmaydi. SHuning uchun ham yuksak irodali insonga suyanish mumkin. Bunday kishilar boshingizga biror-bir tashvish yoki muammo tushgudek bo'lsa, loqayd qarab turolmaydi. Hech ikkilanmasdan, yoningizda turib, qo'lidan kelgancha yordam berishga, qiyinchiliklarni siz bilan birgalikda engishga harakat qiladi».() - degan nutqini o'quvchilarga eshittirish, prezidentimizning nutq jarayonida o'z xalqiga murojaatini ko'rsatish orqali oldimizga qo'ygan vazifalarga erishib boramiz.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Karimov I.A. YUksak ma'naviyat – engilmas kuch. Toshkent “Ma'naviyat”. 2008 y 173 bet ..
2. . Ma'naviat. Acosiy tushunchalar lug'ati. Toshkent 2009y .

МАКТАБ ВА МАОРИФ ҲОМИЙСИ

Наргиза Қодирова

Сангзор қишлоқ хўжалик КХК адабиёт ўқитувчиси

Мактаб дуру гавҳар сочар,
Мактаб сизга жаннат очар,
Мактаб жаҳолатдан қочар,
Ғайрат қилиб ўқинг, ўғлон!
Мактаб сизни инсон қилур,
Мактаб ҳаё эҳсон қилур,
Мактаб ғами вайрон қилур,
Ғайрат қилиб ўқинг, ўғлон!...

Таълим-тарбия, илм-фанга иштиёқ, ватанпарварлик, виждонлилик, тилга эътибор, ростгўйлик, яхшиликка ундаш қон-қонига сингиб кетган Абдулла Авлоний ўзидаги эзгу хислатларни мактаб иши, халқ орасига маърифат тарқатиш билан бошлади. У 1878 йилда Тошкент шаҳрида тўқувчи оиласида дунёга келди. Дастлаб, диний мактабда ва мадрасада ўқиди, илм-фанга чексиз муҳаббат қўйди. Эл халқ дардида яшаган ижодкор 1904 йилда маҳалласи Мирободда мактаб очади. Хунармандлик ишларидан хабардор ижодкор, ёзувтаҳтаси, парта ясаб, ўқув жиҳозларини тайёрлайди. У муаллимлик қилиш билан бирга, болаларга жуғрофия, тарих, адабиёт, тил, ҳисоб, физика каби фанлардан маълумотлар беради. 1907 йил унинг муҳаррирлигида “Шухрат” газетасининг биринчи сони босмадан чиқди. Меҳнаткаш халқ манфаатларини ҳимоя қилишга доир фикрлари газетанинг биринчи сониди: “Матбуот ҳар инсонга, ўз ҳолини кўрсатувчи, аҳвол оламдан хабар берувчи, қоронғи кунларни ёритувчи, халқ орасида фикр тарқатувчи, илм, иттифоқ, ҳикмат ғояларини ёювчидир” деб ёзган эди.

Абдулла Авлоний “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар” деб номланган тўрт қисмдан иборат бўлган дарслигида маориф-маданиятга чорлайди, ёмон, ярамас хулқ-одатларни танқид қилади. Унинг “Биринчи муаллим” – “Алифбе”, “Иккинчи муаллим” – “Ўқиш” китоблари болалар таълим-тарбияси учун катта аҳамиятга эга бўлди. “Биринчи муаллимда” 32 ҳарфнинг

алоҳида ёзиладиган шакллари алифбо тартибида берган. “Иккинчи муаллим”да ахлоқ – одобга, ҳалоллик ва покликка оид турли шеър, ҳикоя, масал ва эртакларни жамлаб ранг-баранг мажозий образлардан усталик билан фойдаланган.

Абдулла Авлоний 1904 йилдан умрининг охиригача болаларга сабоқ берди. Унинг ўнлаб шеърлари, “Мактаб гулистони”, “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” каби дарсликлари билан ўзбек болалар адабиётига муносиб ҳисса қўшди. Ижодкор “Баҳор келди”, “Булбул”, “Бола ила гул”, “Ёлғончи чўпон”, “Тулки ила қарға” каби шеърлари кичик мактаб ёшидаги болаларни эзгулик сари етаклайди.

Абдулла Авлоний “Адвокатлик осонми?”, “Пинак”, “Биз ва сиз” каби песалари билан драма жанрини юқори босқичга кўтарди.

Авлоний асарларида, инсонларни “яхшиликка чақирувчи”, “ёмонликдан қайтарувчи бир илм” – ахлоқ-одоб ҳақида фикр юритади. Ахлоқ-бу хулқлар мажмуидир. Хулқ эса, эзгулик ҳар бир кишида ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Уларнинг шаклланиши учун маълум бир шароит, тарбия керак. Кишилар туғилишда ёмон бўлиб туғилмайдилар, уларни муайян шароит ёмон қилади дейди.

“Мактаб боласи” шеъри бошланғич синф ўқувчилари ҳаётидан олиб ёзилган. Асарда ишёқмас, дангаса боланинг қалбида ўқишга муҳаббат ҳиссини шакллантириб, илмга иштиёқ уйғониши баён этилади:

Йўлга солди тил ила йўлдошин,
Мактабга мойил айлади бошин.
Солди ўртоғининг сўзгина қулоғ,
Босди ул ҳам ўқув йўлига оёғ.
Иккиси бирга бўлдилар мулло,
Чикди хату савод ҳам имло.

Шу тариқа шоир “яхшига ёндош, ёмондан қоч” ғоясини ўртага ташлайди. “Илмсизлик балоси” ҳикоясида нодонликни қоралайди, илм-маърифатни нурли, ёруғ йўл деб ҳисоблайди.

У дейди:
Бор эди бир киши, хат билмас эди бечора,
Бўлди бетоб, юрак-бағрига чикди ёра.

Эртаси ўғлина айтдики, аё тифл адиб,
Бор, кетур, боқмоқ учун қошима бир яхши табиб.
Ўғли келтирди табибни атосин қошиға,
Ўлтуруб боқди, табиб, улдам аёғу бошиға.
Икки хил дору ёзиб берди ўшал бемора,
Бирисин ичмак учун, бирисини суртора.
Ўғли дору уйидан олди ики ишша даво,
Бириси шарбат, эди, бириси-оғуи бало.
Шиша устинда давонинг бор эди таърифаси,
Ўқумоқдин йўқ эди астани (нг) ҳеч маърифаси.
Шисалардин бирини ушлади аввал қўлина,
Ичди шарбат дебон оғуни-сурарди дилина.
Ул замон бағри ёниб, айлади фарёди фиғон,
Бўлди бир неча нафас, сўнг танидан жони равон.
Отаси ўлди, ўғил йиғлади фарёд айлаб,
Қўшниси олиб эди, чиқди белини бойлаб.
Қилди ўғлона насихат, деди, эй тифл забун,
Илмсизликдан отанг жонидан айрилди букун.
Ўқумоқ, ёзмоқни билсайди отанг, эй ўғлон,
Балки бошига қазо келмас эди ушбу замон.
Ибрат ол ўғлим, отангдин бў(л)магин сан ярамас,
Қилмағил умрингни зоеъ, дема қиш-ёз, ўқу, ёз!
Адиб ҳикояда илмсизлик инсонни зулматга, фожиага тушириши
мумкинлигини уқтиради.

Ватан туйғуси энг инсоний, энг мўътабар туйғулардан биридир.
Ватанни севмоқ, у билан фахрланмоқ, у билан бахти-қувончни баҳам кўрмоқ
керак. Ватанни онадек муқаддас билмоқни ҳар бир фарзанднинг бурчи деб
ҳисоблаган ижодкор шундай дейди: “Ҳар бир кишининг туғилиб ўсган шаҳри
ва мамлакати шул кишининг ватани дейилур. Ҳар ким туғилган, ўскан ерини
жонидан ортиқ суяр. Ҳатто бу ватан ҳис-туйғуси ҳайвонларда ҳам бор. Агар
бир ҳайвон ўз ватанидин-уюридан айрилса, ўз еридаги каби роҳат фароғатда
яшамас. Маишати талх бўлуб, ҳар вақт дилининг бир гўшасида ўз ватанининг
муҳаббати турар”.

Жамиятнинг аъзоси бўлган ҳар бир киши ўз халқига хизмат қилиши,
ёрдам бериши, фойда келтириши, халқ манфаатини ўз манфаатидан юқори
кўймоғи, халқ учун, ватан учун фойда эканлигини, ватанни муқаддас билиб,

уни қадрлашни, ватан туйғуси-ла яшаган кишиларни ҳақиқий инсон, унинг кадрига баъзан етмаймиз дея болаларни Ватанпарварликка чорлайди:

Сенинг исминг бу дунёда муқаддасдур,
Ҳар ким сенинг қадринг билмас – ақли пас(т)дур.
Сенинг туйғунг юракларга савдо солур,
Сенинг дардинг бошқа дардни тортиб олур.

Авлоний инсонларни бир-бирлари дўст бўлиб, аҳиллик билан яшашга даъват этади. Унинг таъкидлашича, одамлар бир-бирлари билан дўст, ҳамкор, ҳамжихат бўлиб яшасалар, ўз орзу – ниятларига эришадилар. “Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам, донғи чиқмас” деган халқ мақолида ифодаланганидек, “Яхшилик ерда қолмас” ҳикоясида ўзаро ҳамкорлик ҳақида гап юритилади: Бир ари сув устинда учиб борур эди. Бирдан сувга йиқилуб кетди. Қанотлари хўл бўлиб, учарга кучи етмади. Ўлар ҳолатга етди. Буни бир кабутар кўруб, арига раҳми келуб, дарҳол бир чўбни тишлаб, сувга ташлади. Бечора ари бу чўбни кема қилуб, сув балосидан қутулди. Ародан кўп вақт ўтмади. Бир бола тузоқ кўйуб, кабутарни тутмоқчи бўлди. Ари буни кўрган замон келуб, боланинг қулоғини чақди. Бола оғриқнинг алаmidан тузоқни ташлаб, қулоғини ушлади. Кабутар вақтни ғанимат билуб, учуб кетуб ўлумдан қутулди.

Яхшилик қилсанг, бўлур жонинг омон,
Яхшиликдан ҳеч киши қилмас зиён.
Яхши сўз бирлан илон индан чиқар,
Сўз ёмон бўлса, пичоқ қиндан чиқар.

Авлонийнинг виждон ҳақидаги мулоҳазалари “Виждон” ҳикоясида батафсил ёритилади. У виждонлиликни яхши хислат деб билади. Виждон ҳар кимнинг қалбини поклайди, виждонсизлик ҳасрат ва надомат азобига гирифтор қилади, виждон азобига гирифтор бўлади деган ғояни ўртага ташлайди. “Виждон яхши хулқларнинг манбайи ўлдиғиндан виждон соҳиблари ҳар бир ишни беғараз, холис ният ила ишлар. Шул сабабли ҳар ким назарида мақбул ва суюкли бўлур.

Аммо виждонсиз кишиларнинг ишларида, ният ва амалларида, дўст ва ошноликларида ёширин бир ғаразлари ўлдиғиндан ҳар вақт ҳасрат ва надомат чекуб, виждон азобига гирифтор бўлурлар”.

Соф виждон каби ҳеч комила мезон ўлмаз,
Киши ўз айбини билмак каби урфон ўлмаз.
Шод-масрур ўлур инсоф ила виждонли киши,
Кимки виждонсиз эса, тўғри, чин инсон ўлмаз.

Ижодкор тилни авайлаб-асраш зарурлигини таъкидлайди. Тилга, маданиятга муҳаббат ҳар бир кишининг халқига бўлган муҳаббатидир: “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигин кўрсатадурғон ойинайи ҳаёти тил ва адабиётидур”, - деб ёзади адиб.

Тил ва сўз одоби ҳақидаги фикрларини давом эттириб, дейди: “...сўз инсоннинг даража ва камолин илм ва фазлини ўлчаб кўрсатадурғон тарозисидур. Ақл соҳиблари кишининг фикр ва ниятини, илм ва қувватини, кадр ва қимматини сўзлаган сўзидан билур...”.

Авлонийнинг халқ оғзаки ижоди дурдоналаридан усталик билан фойдаланганини кўрамиз. Унинг шеърлари, ҳикоялари халқ оғзаки ижоди билан янада гуллаб-яшнаган.

“Сахийлик” деб номланган ҳикояда сахийлик, раҳм-шафқат яхши фазилат сифатида талқин қилинади. “Бахиллик” ҳикоясида эса хасислик, тор кўнгиллик танқид қилинади. “Ақлли бола” ҳикоясида ҳозиржавоблик, ақл билан иш тутишнинг фойдаси кўрсатиб берилса, “Жанжалчилик зарари” ҳикоясида такаббурлик ва манманликнинг салбий оқибат экани бола қалбига моҳирлик билан сингдирилади.

Абдулла Авлонийнинг маънавий олами кенг, Ватанни севиш, она табиатга меҳр, топқирлик, илм-фанга муҳаббат, болаларни яхшиликка ундаш, ёмонликдан қайтариш, дунёдаги барча инсонларга эзгулик улашиш истаги унинг шеърларида, ҳикояларида содда ва равон тилда баён этилган. Болаларни мактаб, илм-фан, нурли йўл сари бошлаган ижодкор, ўз асарлари билан ўзбек болалар адабиёти тараққиётига улкан ҳисса қўшди.

ЁШ АВЛОДНИ МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТ РУХИДА ТАРБИЯЛАШДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ РОЛИ

М. Йўлдошева, магистрант

Ёшларни маънавий жасоратларни кўрсата олиш рухиятида шакллантириш бугунги кунда педагогиканинг олдида турган асосий вазифалардан бири десак хато бўлмайди. Педагогика ўз олдида комил инсон тарбиясини мақсад қилиб қўйган экан, уни амалга оширишнинг асосий вазифаларидан бири, бу ёшларни маънан етук шахс қилиб тарбиялашга қаратилган тизимдир. Бугунги кунда бутун дунёдаги миллатлар, халқлар ўзининг фалсафий, сиёсий, маънавий, иқтисодий қарашлари билан жамиятни ривожлантириш, уни ёт ғоялардан ҳимоя қилиш борасида фикр билдирмоқда. Жумладан, мухтарам президентимиз Ислоҳ Абдуғаниевич Каримов ўзбек миллатининг, халқининг обрўсини, шаънини дадил ҳимоя қила туриб, жаҳоннинг энг нуфузли мингбарларида боболаримиз томонидан амалга оширилган жаҳоншумул ишларнинг умуминсоният маънавиятининг , интеллектуал салоҳиятининг ривожига қўшган ҳиссасини фахр билан эсга олади. Бундай қарашлар негизида ўзбекиони миллий маданиятнинг умуммиллий маданиятнинг ривожланишидаги ҳиссаси ва ўз ўрнига эга эканлигини кўрсатиб беради, ҳамда ўзбек халқининг халқаро майдонда салмоқли ўрини борлигини маънавий жасорат билан таъкидлаб ўтади.

«Ягона миллий адабий тилимиз XII асрдаёқ шаклланиб бўлган эди. Бунга Туркистон пири Аҳмад Яссавийнинг "Ҳикмат"лари яққол исбот бўла олади. "Ҳикмат" тили XVI асрнинг фарзанди Бобур тилига ҳам, XX асрнинг адиблари Абдулла Қодирий ва Чўлпон тилига ҳам ўхшашдир. Ягона миллий тилимизни Хоразмда Қутб Хоразмий, Сулаймон Боқирғоний, Рабғузий, Мовароуннаҳрда Саккокий, Ҳиндистонда Ҳофиз Хоразмий, Рум элида Жалолоддин Румий, Насимий, Озарбайжонда Хоқоний қўллаган ва бойитган. Алишер Навоий ягона адабий тилимизнинг шуҳратини шу қадар баланд кўтардики, бу тил куёши ёғдуларидан Чиндан Румогача, Ҳиндистондан то Сибир, Олтой ва Итил бўйларигача нафақат туркий, балки, барча элу элатлар баҳраманд бўлди миллатимиз довуғи оламга ёйилди. [14]

Ёш авлоларни маънавий жасорат кўрсата олиш рухиятида тарбиялаш учун:

- миллатнинг рухиятини;
- маънавий-ахлоқий қарашларини;
- иродавий ва шахсий хислатларини;
- таълимий қадриятларини;
- миллий қадриятларини;
- жойлашган маконини;
- ҳаётий тажрибаларини ва бошқа жихатларини эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, тарбия ижтимоий ҳаётнинг умумий ва муҳим категорияси ҳисобланиб, у ижтимоий ҳодиса сифатида бир қатор хусусиятларни ўзида мужассамлаштиради. Булар:

- буюк аجدодларимиз яшаб ўтган шу муқаддас замин;
- боболаримизнинг ҳаётий тажрибалари;
- буюк сиймоларнинг интеллектуал салоҳияти;
- ўзбекона миллий қадриятлар тизими;
- жамиатни ривожлантирувчи маънавият.

Таълим - тарбия жараёнларида биз юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда, ёшларни маънан етук шахс сифатида шакллантиришда миллий қадриятларнинг сеҳрли кучидан фойдаланишимиз шарт. Мисол учун.

“Ростгўй бола”да ота қарвон билан йўлга чиққан ўғлининг қўлига қирқ танга олтин бериб:

- Ўғлим, ҳечам ёлғон гапирма, ҳалол бўлгин, - деб насиҳат қилади.

Қарвон йўлда қароқчиларга дуч келади. Қароқчилар ноинсофлик, босқинчилик билан ҳаммани талайдилар, мол-мулкларини тортиб оладилар. Аммо болага мутлақо эътибор бермайдилар. Ота насиҳатини дилига жо қилиб олган бола тўғри сўзлиги билан қароқчи, босқинчи, йўлтўсарликда ном чиқарган бир неча муттаҳамни тарбиялайди, уларни ҳалоллигу тўғри сўзлиги билан мағлуб қилади:

Савдогарлар йўл юришса ҳам мўл юришибди, бир жойга етиб боришганда уларга қароқчилар ҳужум қилишибди. Қароқчилар ўзаро маслаҳатлашиб “мана бу ялангоёққа у-бу нарса берсакмикин?”, дейишибди.

Қароқчилардан бири болани масхара қилиб сўрабди:

- Эй, ялангоёқ, сендан нимани ҳам олиш мумкин?

- Менда қирқта олтин танга бор, - деб жавоб берибди бола.

- Сенда қирқта олтин танга нима қилсин? - дейишибди қароқчилар кулиб. Шунда бола чопонининг ёқасини йиртиб, олтин тангаларни кўрсатибди.

- Нега буларни бизга кўрсатдинг? - деб сўрашибди қароқчилар.

- Биз сенга пул бермоқчи эдик, энди бўлса буни ҳам олиб қўямиз.

- Ҳечқиси йўқ, отам ҳалол бўл, ёлғон гапирма, деб ўргатганлар, - деб жавоб берибди бола.

Ҳайрон бўлган қароқчилар савдогарларга мол-мулкларини, пулларини қайтариб бериб, ҳалол меҳнат қилиш учун қароқчиликдан воз кечишибди.

Қаранки, бу ерда ҳам маънавий жасорат кўрсата олиш инсон учун энг катта бойлик ҳаётни сақлаб қолди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Маънавият асосий тушунчалар луғати. Т.:2009й .
2. Кушвақтов Н., Ўролов А. Талабаларни миллий қадриятлар орқали маънавий юксалтиришнинг педагогик асослари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Т.: 2003-14 бет.

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТИЗИМИ

**ўқитувчи, Ш.У.Атамуродов
Э.З.Нурматов, талаба**

Умумтаълим мактабларида баркамол авлодни вояга етказиш концепцияси[1] амалқилмоқда. Бу концепцияга кўра, ҳар бир ўқувчи жисмоний,

маданий ва эстетик жиҳатдан кутилган даражада вояга этиши керак. Шуниндан кўра ўқувчиларнинг жисмоний маданиятини шакллантириш тизими идроккилини шимаксадга мувофиқдир.

Тизим-

бу таълим ватарбияни кутилган даражада шакллантиришнинг шакллари, воситалари ва омиллари дидир [2]. Ўқувчиларнинг жисмоний маданиятини шакллантиришнинг тизимини мазмун, шакл ва восита омиллари тащкил қилади.

Бизнинг ёндашувимизга кўра, ўқувчиларнинг жисмоний маданият мазмунини қуйидагилар тащкил қилади (чизмаси):




Бундай ёндашув мактаб ўқувчиларнинг жисмоний маданиятини икки боскичда шакллантиришга тақоза этади:

1. Бошланғич синфларда (1-4-синфлар)
2. Юқори синфлар (5-9-синфлар)

Чунки ўқувчилар бу боскичларда аналитик жисмоний ушш боскичларида бўлищади [3]. Жисмоний маданият ўқувчиларнинг ёш, жисмоний ва психологик хусусиятларига асосан шакллантирилади ва бу педагогик қонуниятларга мосдир.

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларнинг жисмоний маданиятини шакллантириш шакллари кўп бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат (чизмаси):




Мазкур шакллардан умумтаълим мактабларида фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Чунки бунинг қуйидаги сабаблари мавжуд:

а) умумтаълим мактаблари замонавий уқув жихозлари ва материаллари билан таъминланган;

б) мактаблар тажрибали ва илгор педагогик малакага эга ўқитувчилар билан таъминланган;

с) ўқувчилар кутилган даражада жисмоний лаёқат ва кизикишга эга.

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг жисмоний маданиятини шакллантириш **воситалари** кенг кўламлигини таъкидлаш жоиз. Бизнинг фикримизча, қуйидаги воситалар энг мақбули ҳисобланади (чизмаси):



Мазкур воситалар ўқувчилар жисмоний маданиятини шакллантиришда қулай ёндашиш имконини беради.

Зеро,

ўқувчиларнинг жисмоний маданиятини шакллантиришига қўйиладиган қўшма ҳисса қилишига эришиш
ни таъминлайди. Чунки мақбул вақулайтишимни шакллантиришига қўшма ҳисса қилишига эришиш
аҳамиятга эга.

Адабиётлар

1. Каримов И.А Юксак манавият-енгилмас куч. –Т.,2010.
2. Хасанбоев Ж. ва бошқалар. Педагогика фанидан изоҳли луғат.-Т.,2009.
3. Усмонов Н. Булажак бошланғич синф ўқитувчиларини миллий ғоя тарғиботига
тайёрлашнинг педагогик ва технологик технологиялари.-Т.,2014.

БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА СПОРТ ПСИХОЛОГИЯСИНИНГ ЎРНИ

Ўқитувчилар, О.Э.Эшмуродов, Б.Ў.Расулов

Спорт мусобақаларини бевосита (телевиденияда ҳам) кузатган
бўлсангиз нуфузли мусобақаларда моҳир ва турли тоифалардаги
чемпионларнинг илоҳий куч, мадад, омад тилаб майдон, ринг, гиламларга
тушишининг гувоҳи бўламиз. М: мусулмон спортчилар ерга чўккалаб
(тиззада) ерни тавоб қилиши (пешонани тегизиб, ўпиш) ва омин қилишади.
Христиан ва бошқа динга сиғинадиган (ишонадиган) спортчилар эса кўлини
икки елка, кўкрак ва пешонага тегизиб (чўқиниб) кўлларини баланд кўтариб
осмонга боқади.

Бундай ҳолларда аксарият кўпчилик спортчилар мусобақаларда ғолиб
келиши кузатилади. Бу аввалом бор руҳий ҳолатни енгилаштиради ва куч-
ғайрат ошишига сабаб бўлиши мумкин. Иккинчидан эса, ўйлаган, кўрган,
эшитган паҳлавон (ғолиб) спортчилар, истеъдодли мураббийларнинг ҳатти-
харакати, ўғитлари, топшириқ ва истаклари мусобақа жараёнида кўз олдига
келиб, уларни ишонч ва онгли равишда таҳлил қилади ва мақсад сари
интилади. Бу жараёнлар кўпинча курашлар, бокс, штанга кўтариш, от
ўйнатиш (пойга, улоқ-кўпкари, ғовлардан сакраш ва ҳ.к) каби амалий
фаолиятларда юз беради.

Умуман олганда, ҳар бир инсон, шунингдек спортчилар ҳам нимагадир ишониши, таяниши, умид қилиши лозим. Шундагина мақсадга эришиши осонроқ бўлади.

Илоҳий кучга ишонувилар (спортчилар ҳам) албатта оллоҳни тилга олади, кўнгилдан ўтказди, билган дуоларини ўқийди. Ўз истак ва умидлари амалга ошмасида ишонч ва амал қилишдан воз кечишмайди. Шу сабабли ёки маҳорат орттириш оқибатидами ғолиб чиққан спортчилар ҳар бир мусобақада илоҳий куч ва мадад тилаб дуо қилади. Бунинг салбий ва ортиқчалик томони йўқ, албатта.

Шу ўринда спорт мактабларидаги машғулотлар жараёнида болаларга илоҳий куч ҳақида билим, тушунча бериш зарурми, деган савол туғилиши мумкин.

Эътироф этиш лозимки, ҳозирги кунда ислом маданияти ва унинг ижобий тарбиявий хусусиятларини билмайдиган ёшлар кам бўлса ажаб эмас. Шундай экан, спорт машғулоти ва мусобақаларида спортчиларга ялпи равишда илоҳий куч (таъсир) ҳақида таълим-тарбия бериш шарт эмас. Иқтидорли ва жаҳон спорт мусобақаларида иштирок этиб, катта маҳорат ҳамда тажриба орттирган спортчилар ўз ҳаётида илоҳий куч таъсири ҳақида у ёки бу даражадаги тушунчалар, билимлар, малакаларга эга бўлади. Улар асосан ёшлиқда оила, маҳалла шароитидаги турли маросимларда иштирок этиб, аниқ маълумотларга эга бўлишади. Сурхондарё, Қашқадарё воҳаси, Фарғона водийси ва бошқа вилоятлардаги тўйлар, байрамлар, нуфузли спорт мусобақаларида курашчилар, тош (гир) кўтарувчилар, дорбозлар чавандоз-полвонлар “Ёпирим”, “Шоҳимардон пир кўлласин”, “Ё Али” каби ибораларни тилга олиб, баҳсга тушадилар. Улар орасида “Пир”, “Шоҳимардон”, “Ҳазрати Али” ҳақида аниқ маълумотга эга бўлганлар камдан-кам учрайди.

Фақат улар кекса боболар, чавандоз-полвонлар, курашчилардан эшитган суҳбатларга таяниб, мазкур ибораларни (илоҳий куч) муттасил ишлатадилар. Уларнинг баъзилари мусобақаларда (баҳслар, ўйинлар, тадбирлар) ғолиб чиқса, илоҳий кучга бўлган ишончи, эътиқоди тобора ортиб

боради. Бундай воқеликлар, жараёнларнинг гувоҳи бўлган ёшларда албатта илоҳий кучларга бўлган ишончи пайдо бўлиши аниқдир.

Юқорида таъкидлаганидек, бирон соҳа, воқелик ва тадбирга ишонч ҳосил қилиш, шу асосда астойдил меҳнат (машғулотлар) қилиш билан мақсадга эришиш амалиёти ҳамда маданиятини ўрганиш фойдадан холи эмас, албатта.

Илоҳий куч ва таъсирнинг (ижобий ёки салбий) пайдо бўлишини, соғинган ёки умид қилган кишиларда айтган (сўраган) ниятлари ўз вақтида келишини кўз билан кўриб бўлмайди, фақат ўй, хаёл ва фикр қилиш билан уларни англаш ёки билиш мумкин. Лекин бу ҳаммага ва ҳамма вақт ҳам насиб этмайди. Бунинг сабаб ва оқибатлари ўта мураккаб фалсафий, мантиқий, руҳий биологик жараёнлардир.

“Қуръони карим”, “Ҳадислар”, “Инжил” ва бошқа бир қатор диний китобларда (Илоҳий куч-таъсири оллоҳ каромати билан боғланади) уларни асосан дин уламолари, файласуфлари, тарихчилар таҳлил қилиши, ўзларича бир хулосага келишади, тарғиб қилишади. Аммо уларни барча кишилар тушунади, қабул қилади, деб бўлмайди. Чунки турли фанларнинг мазмуни ва ғоялари диний тушунчаларга тўғри келмайди (м: ёмғир, қор ёғиши, шамол туриши, ер қимирлаши, юлдузларнинг учиши, ўсимлик, мевали дарахтдан, сабзавот-экинларидан фойда олиш ва ҳ.к).

Таъкидлаш лозимки, ўқувчи-ёшлар ва талабалар ўқиган, билим олган фанларидаги маълумотларга кўпроқ ишонади. Уларда тажриба ўтказиш билан борлик, воқелик исботланади, диний йўлда эса бундай тажрибалар намоз ўқиш, рўза тутиш, дуолар ва жаноза ўқиш каби усуллар билан чегараланади.

Ижтимоий турмуш, дунёвий билимлар ва ҳаётда юз берадиган турли воқеалар (салбий ёки ижобий) ўқувчи-ёшларнинг фикрлаш доирасини кенгайтиради, аммо моддий ва илоҳий тушунчалар ўртасидаги ихтилофлар уларни иккилантириши ёки бир томонга (моддий дунё-табиат ва илоҳий куч) етаклаши мумкин. Назаримизда таълим-тарбия, одоб-хулқга кўмаклашувчи

хар қандай тушунча, билим ва амалиётдан юз ўгирмаслик лозим. Бу оила, ижтимоий турмуш, меҳнат (спортда ҳам) ва ватанга садоқат ҳис-туйғуларни ошириши мумкин. Ҳаёт, турмуш, касб эгаллаш, меҳнат қилиш, юқори самараларга (спортда ҳам) эришиш осон эмаслигини ёшлиқдан ўргатиш лозим. Уларнинг ғоят мураккаблиги мақсадга эришиш муаммолари, ечимини топиш йўлларини ўргатишда ота-она, маҳалла ва ўқув муассасалари биргалиқда амалий фаолият кўрсатиши лозим, илоҳий куч ва унинг таъсири ҳақида мулоҳазалар бир мақолага сиғмайди. Шу сабабдан мисол тариқасида ва хулоса сифатида энг муҳим воқелиқдан намуна келтириш мақсадга мувофиқдир, яъни:

- динга сиғиниш ва мусулмонлик (оллоҳга имон келтириш, намоз ўқиш, рўза тутиш ва ҳ.к.) бурчини бажарувчилар кундалик турмуш шароитида мазкур фаолиятлар билан қаноат ҳосил қилишади ва шукроналик билан яшайди, меҳнат қилади. Сабр-тоқатли, имонли эканликларидан мамнун бўлади.

- “Номигагина” имон келтирувчилар (айниқса раҳбарлар, ўқитувчилар, шифокорлар, тижоратчилар ва ҳ.к. касб эгалари) “икки эшик орасида” (моддий ва илоҳий тушунчалар)ўз фаолиятларини давом эттиради. Яъни бирон соҳада омадли бўлса, яхши натижага эришса “Худо берди, оллоҳ оҳимни эшитди” ёки мақсадга эришмаса “худойингдан ўргилдим” деб хулоса қилишади.

- Осиё ўйинлари, жаҳон биринчилилари, халқаро турнирлар, Олимпия ўйинлари ва бошқа нуфузли спорт мусобақаларида ғолиб чиққанлар “Оллоҳ лозим топди, пирларим кўллаб-қувватлади” ёки мағлубиятга учраганлар “Худо омад бермади, пирлар юз ўгирди” деб мулоҳаза қилишади.

Умуман олганда, илоҳий кучларга умид қилиш айб ёки хато эмас. Лекин энг муҳими спортчиларнинг тинимсиз меҳнат (машғулот) қилиш натижасида эгаллаган маҳоратлари, техник-тактик амалларни ўз вақтида ишлатиш билан мақсадга эришишлари ва ўзларига бўлган ишонч қатъий бўлиши лозим.

Илоҳий кучларга ишониш ва уларга таяниш ҳар бир инсоннинг тушунчаси ва виждонига боғлиқ. Спортчилар, мураббийлар илоҳий кучлар ва уларга сиғиниш, итоат этиш йўллари билишлари фақат ижобий томонларга олиб бориши лозим. Уларни ўрганиш ва ўргатиш масалалари ҳақида намунавий, ишончли ўқув қўлланмалар ишлаб чиқилса яхши бўлар эди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод- Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т.,1997.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси.-Т.: Шарқ, 1999.
3. Ғозиев Э. Педагогик психология асослари.-Т., 1997.

БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Ўқитувчи, Гулжон Қуттибекова

Бугунги педагог кадрларни тайёрлаш жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари касбий маданиятини шакллантириш масаласи катта аҳамиятга эга. Чунки Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек бўлғуси бошланғич синф ўқитувчиси “Ўзининг билими ва тажрибаси, истеъдод ва маҳорати, инсоний фазилатлари, кўз нури ва қалб кўри” билан ёш авлодни вояга етказди. Бунинг учун бўлғуси бошланғич синф ўқитувчилари ҳисобланмиш талаба-ёшлар шахсини замон талаблари ва эҳтиёжлари даражасида шакллантириш зарур бўлади. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари мактаб ва академик лицей, касб-ҳунар коллежларида шахс сифатида вояга етказилади. Лекин олий ўқув юртларида улар профессионал шахс сифатида тарбияланади. Шу маънода бу тарбия жараёни бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари касбий маданиятини шакллантириш характерида бўлади. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари касбий маданиятини ривожлантириб боришнинг бир неча йўналишлари мавжуд. Улар орасида айниқса қуйидаги уч йўналиш муҳим ўрин тутади:

- 1) ақлий;
- 2) ахлоқий;
- 3) фуқаровий.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари шахсини ақлий жиҳатдан ривожлантириб бориш ақлий қобилиятни янада ўстириш, инсоннинг ўзлигини, орзу интилишларини ва оламни англашишга асосланади. Бунда қуйидагиларга асосланиш муҳимдир:

- билишга асос бўлувчи хотира, фикр ва ҳис-туйғуни ривожлантириш;
- ўқув ва ақлий меҳнат маданиятини ҳосил қилиш;
- китоблар ва янги технологиялар билан ишлаш кўникмасини шакллантириш;
- шахснинг энг муҳим сифатлари бўлган ўзини назорат қила олиш, бағрикенглик, ижодий лаёқатини ўстириш.

Ақлий жиҳатдан ривожлантириб бориш бўлажак бошланғич синф ўқитувчисини баркамоллаштиради ва уни ҳаётга тайёрлайди.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари касбий маданиятини шакллантириб бориш шахсда жамият эҳтиёжларига мос хислатларини таркиб топтиришга асосланади. Бунда қуйидагилар катта аҳамиятга эга:

- жамият талабларига мос хулқ-атвор қоидалари ва тажрибаларини эгаллаш;
- ўз инсоний фазилатларини ривожлантириб бориш ва бўш вақтдан оқилона фойдаланишни ўрганиш;
- ўз манфаатларини ўзгалар манфаатлари билан уйғунлаштириш малакасини эгаллаш;
- тинчликсеварлик, ватанпарварлик, халқпарварлик, миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ижтимоий ҳамкорликда ташаббускор бўлиш.

Ахлоқий жиҳатдан бўлажак бошланғич синф ўқитувчисини ривожлантириш миллий тарбия анъаналарига содиқ қолиш имконини беради.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари шахсини фуқаровий жиҳатдан ривожлантириб бориш уларни жамият буюртмасини бажарувчилар сафатида вояга етказишга асосланади. Бунда қуйидагилар муҳимдир:

- ижтимоий ҳаёт асосларини ўзлаштириш;

- муҳим ҳаётий позицияни эгаллаш;
- профессионал фаолиятда ижтимоий фаол бўлиш;
- тарбия иши назарияси, методологияси ва технологиясини чуқур эгаллаш.

Фуқоровий жихатдан шахсни ривожлантириб бориш жамият талабларини ўз вақтида бажариш имконини беради.

Зеро, бўлажак бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари касбий маданиятини шакллантириб боришнинг мазкур уч йўналиши янги ва замонавий технологияларга асосан иш олиб боришни тақозо этади. Чунки бугунги кунда бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари техника имкониятларидан яхши фойдаланилаётганликлари ҳақида, инсон шахсининг ривожига хизмат қилувчи воситаларга баъзида бефарқ қарашаётгани сир эмас. Бу масалада айниқса қуйидаги икки воситага аҳамият бериш долзарб бўлиб қолди:

- 1) бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари ўз устида ишлаш;
- 2) китоб ўқиш.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, мунтазам равишда ўзи устида ишлаб борган ва керакли китобларни изчил мутаола қилиб борган бўлажак ўқитувчилар касбий маданиятини шакллантиришда энг илғор педагог тажрибага эга бўлади. Бу икки восита инсоният кашф қилган энг муҳим омилдир.

Шундай қилиб, бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари касбий маданиятини шакллантириб боришда ақлий, ахлоқий ва фуқаровий йўналишлари бугунги кун талабларига мос асослардир. Талабаларга таълим-тарбия беришда уларни бирламчи билиш бизнингча, улар шахсини кутилган даражада етуклаштириш имконини беради. Таъкидланганларни қуйдагича умумлаштириш мумкин:

-олий педагогик таълим жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари касбий маданиятини шакллантиришнинг методологик омиллари Президент Ислом Каримовнинг таълим–тарбияга оид

қарашларига, таълим-тарбияга оид расмий ҳужжатларга, давлат таълим стандартларига ва илғор педагогик таълимотларга асосланади;

-бу масалада педагогик (тарбиявий), психологик ва дидактик асослар, тамойиллар ва усулларнинг замонавий даражасига таяниш мақсадга мувофиқ бўлади;

- бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий лаёқатлик, маҳоратлик ва малакалик даражасининг ўсиб боришига асос бўлувчи омиллардан унумли фойдаланиш кутилган самарани беради.

XVII-XVIII АСРЛАРДА МОВАРОУННАҲРДА ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИ

**МҒ, МА ва ҳуқуқ таълими
кафедраси ўқитувчиси З. Ғозиев**

Биринчи навбатда миллий маданиятимиз, халқ маънавий бойлигининг илдизларига эътибор бериш зарур. Бу хазина асрлар давомида мисқоллаб тўпланган. Тарихнинг не-не синовларидан ўтган. Инсонларга оғир дамларда мадад бўлган.

XVII-XVIII асрларда Мовароуннаҳрда халқнинг маънавий маданияти ривожланиб борди: халқ ўз дostonларини, кўшиқ ва эртакларини, мақол ҳамда масалларини яратди. Халқ оммаси ана шу кўшиқлар, мақол ва маталларда ҳукмрон тузумнинг адолатсизликларига қарши норозилигини изҳор қилди. Моддий буюмларнинг кўпи йўқолиб кетди ёйинки кўпи кейинги асрларда истилочилар томонидан олиб кетилди.

Бу давр мафкуравий ҳаётида олий мусулмон мактаблар-мадрасалар муҳим рол ўйнаган. Аштархонийлар мадрасалар таъсирини мустаҳкамлашга интиланлар ва Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва Балхда бир қатор янги мадраса ва масжид биноларини қурганлар[1].

Мазкур даврдаги ҳукмрон сулола намояндалари, сиёсий ва ҳарбий арбоб бўлиш билан бирга ўз даврларининг етук илм эгалари ҳам эдилар. Уларнинг барчаси туркийдан ташқари форс ва араб тилларини билганлар, шу тилларда

хат ёзганлар, дунёвий ва диний илмлардан чуқур билимга эга бўлганлар. Имомқулихон, Назр Муҳаммадхон, Абдулазизхон, Субхонқулихонлар шеър ёзганликлари маълум. Масалан, Субхонқулихон “Нишоний”, Абдулазизхон “Азизий” тахаллуси билан ижод қилган. Абдулазизхон насх ва настаълик хатларида ёзишни, мактуб ва иншо машқини замонасининг энг сара алломаларидан ўрганган. Кейинчалик олий ҳукмдор даражасига етишганда, Ҳиндистон, Эрон ва Румга хоҳ туркий, хоҳ форсийда бўлсин, нома битиларкан, уларни ўзи таҳрир қилиб, ёқмаса бошқатдан шахсан, ёзаркан[2].

Бу даврда медицинага (табобатга) маълум даражада қизиқиш бўлди. Субхонқулихон Бухорода махсус шифохона (дорус-шифо) солдирди, унда бетоблар даволанди, медицина фани ўрганилди, махсус медицина кутубхонаси ҳам бор эди. Субхонқулихоннинг катта ва яхши танланган кутубхонаси бўлган.

Ўзбек хонликлари туркий тилда сўзлашувчи ўзбек аҳолиси билан форс тилида гаплашувчи тожик аҳолисини бирлаштирган эди, шу сабабдан турмушда ҳам, адабиётда ҳам ўзбек ва тожик тиллари баравар ҳуқуқдан фойдаланарди. Шу билан бир қаторда маданий анъана фанда, адабиётда ва мактабда тожик ва араб адабий тилларини қувватлаб келди, форс-тожик тили асосан маҳкама ишларида қўлланилди. Эски мактабларда Ҳофиз, Бедил билан бир қаторда туркий ўзбек тилида ёзилган асарлар, масалан, Навоий асарлари, Озарбайжон адабиётининг классиги Фузулий асарлари ўқитиларди[3].

Китоб ёзиш, тўплаш, безаш соҳасидаги анъаналар XVI-XVIII асрларда ҳам давом этгани, айрим хонлар махсус кутубхоналар яратгани ва унда кўплаб қўлёзмалар тўпланганлиги ҳақида маълумотлар сақлангандир. Масалан, шайбонийлардан Абдуллахон II, Абдулазизхон, аштархонийлардан Субхонқулихон ўз саройларида-Бухорода катта кутубхоналар ташкил этганлар. Умуман китоб санъати, ҳуснихат-миниатюра соҳасида муҳим ютуқлар қўлга киритилди. Бухоро мактаби фаол равишда ўзини танитди.

XIV асрдан бошлаб шаклланиб келган Бухородаги хуснихат ва миниатюра XVII-XVIII асрларга қадар Шарқда ўз етакчи мавқеини сақлаб келди ва бошқа мусулмон Шарқидаги санъат ривожига катта таъсир кўрсатди. XVI-XVII асрларда ижод этган машҳур хуснихат ва миниатюра ижодкорларидан Султон Али Машҳадий, Мир Али Хевравий, Маҳмуд ибн Исҳоқ аш-Шихобий, Абдулла, Муҳаммад Мурод Самарқандий, Дўст Муҳаммад Бухорий кабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Дўст Муҳаммад Бухорий хуснихат назарияси бўйича махсус рисола ҳам ёзган. Хусусан, шу даврларда “Тарихи Абулхайрхон”, “Таворихи гузидаий нусратнома”, Алишер Навоий асарлари рўйхати кабиларнинг чиройли кўчирмалари ва уларга ишланган миниатюралар ўз даври санъатининг олий намуналари ҳисобланади[4].

Аштархонийлардан бўлган Субхонқулихон саройида 1692 йилда Муҳаммад Боди ас-Самарқандий томонидан Бухоро поэзиясининг антологияси тузилган. Бу тазкирада ўша давр адабий арбобларидан 150 нафари тўғрисида таржимаи ҳол маълумотлари берилган. Субхонқулихоннинг ўзи ҳам илм-маърифатли ҳукмдор эди. У кўпроқ тиббиётга қизиқарди. Субхонқулихон Бухорода махсус шифохона курдиради. Унда беморлар даволанар ва тиббиёт фани ўрганилар эди. Субхонқулихон яхшигина шоир ҳам бўлган. “Нишоний” таҳаллуси билан шеърлар ёзган. Субхонқулихон каттагина шахсий кутубхонага эга бўлган ва унда жуда кўплаб ноёб китоблар сақланган. Ўзбекистон Республикаси ФАнинг Шарқшунослик институтида унинг кутубхонасида мавжуд бўлган ноёб китоблардан баъзи бирлари ва унинг шахсан ўз қаламига мансуб манбалар, ёки унинг ҳаёти ҳақида ёзилган асарлар сақланади.

Маърифатпарвар хонлар саройида тўпланган олимлар, шоир ва ёзувчилар илм-фаннинг турли йўналишлари бўйича ижод қилдилар ва ёзган асарлари билан жаҳон маданияти хазинасига муносиб ҳисса қўшдилар[5].

Адабиётлар рўйхати

1. Академик М.М. Хайруллаев таҳрири остида. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1995, 181-бет.

2. Муқимканская история, с. 109; Силсилот ас-салотин, 295аб-варақлар.

3. И. М. Мўминов таҳрири остида. Ўзбекистон тарихи. Бринчи том. Тошкент, 1970 йил, 593-бет.

4. Масъул муҳаррир М. Хайруллаев. Буюк сиймолар, алломалар. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Тошкент, 1997, 9-10-бетлар.

5. Р. Шамсутдинов, Ш. Каримов, Ў. Убайдуллаев. Ватан тарихи. “Шарқ”, Тошкент, 2003, 44-45-бетлар.

БОЛАЛАР НУТҚИНИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ.

Ўқитувчи, Ш.З Жуманов

Талаба, Н.Маҳсудова

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини жаҳон миқёсида йил сайин барқарорлаштириб борар экан унинг истиқболи бугунги авлоднинг билимдон, маънавий жиҳатдан баркомол инсонлар бўлиб етишишига боғлиқдир.

Зеро, жамиятимиз учун тўлақонли, фаол баркамол шахс сифатида шакллантириш самарадорлигини янада оширишда педагоглар, тарбиячилар ва ота-оналар масъулиятли ва билимли бўлиши жуда муҳимдир.

Бугунги кунда ёш авлодни тарбиялаш йўлидаги муҳим изланишлар ва қатор ислохатлар мамлакатимизда ёш авлодни тарбиялаш йўлида катта натижаларга эришиш имконини яратади.

Жумладан, жорий йилни Президентимиз И.А.Каримов “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилиниши мамлакатимиз келажаги бўлган ёш авлодга эътибор янада кучайтирилганлигидан далолат беради. Ёш авлодни тарбиялашдаги бундай эътибор ҳар бир соҳа вакиллари бефарқ қолдирмаганидек, болани ҳар томонлама тарбиялаш йўлида мактабгача тарбия муассасаларининг ходимлари ва ота-она ҳамкорлиги баркамол авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳамкорлик ўсиб келаётган болалар нутқини равон қилиб ўсиши ва ривожланиши учун ижобий таъсир қилади.

Мулоқот маданиятининг жамият тараққиётидаги ўрни, кишилар ўртасидаги тинчлик ва осойишталикнинг энг муҳим таъмал тоши эканлиги авалдан маълум.

Зеро, барча маънавий, ахлоқий фазилатларнинг пойдевори, тушунчалари, кўникмалари болалиқдан таркиб топтирилсагина бу пойдевор барқарор бўлади. Маънавий ахлоқий фазилатлар таркибида нутқ, мулоқот, муносабат маданияти алоҳида ўрин тутди. Болада нутқий муносабатга киришиш малакасини ҳосил қилишда педагог ва оила аъзоларининг эркин, аниқ ва раво нутқи болалар нутқи ва тафаккурини ривожлантиришнинг биринчи даражали шартларидан ҳисобланади.

Фарзандни дунёга келтириш ва уни парвариш қилиш масъулиятли иш. Шу билан бир қаторда бола тилини раво қилиб ўстириш, маънан соғлом, кенг дунёқарашга эга, ўзи ва бошқалар билан танишиб, атрофда бўлаётган воқеаларга муносабат билдира оладиган шахсни тарбиялаш муқаддас ва бир умр давом этадиган санъат ҳисобланади. Мактабгача ёшдаги болаларда теварак-атрофни кузатиш ва ундаги воқеа-ҳодисаларни англаш воситасида боғланишли нутқни ривожлантириш қўйидаги омилларни ҳисобга олишни тақозо этади:

- тарбиячи ва тарбияланувчи ўртасидаги нутқий муносабат;
- болалар ўртасидаги сўзлашув, саломлашиш муносабат;
- машғулотлар жараёнида бир-бирига сўзлашув, савол жавоблар бўйича муносабатлар;
- болаларда нутқ кўникмаларини шакиллантириш;
- болалар билан суҳбат учун махсус, унумли ва етарли вақт ажратиш;
- болалар билан тез-тез турли жойларга саёҳатлар уюштириш;
- болаларнинг ўйин фаолиятларидаги муносабат;
- болалар билан турли мавзуларда суҳбатлар ўтказиш;
- мактабгача ёшдаги болаларнинг ёш хусусияти, уларнинг билиш фаолиятида манбаларнинг қулайлиги, сўз захирасини бойитиш;

- теварак-атроф манбалари - ҳайвонот дунёси, табиат ҳодисалари, ўсимликлар дунёси, одамларнинг меҳнат жараёни, хўжалик соҳалари, алоқа воситалари, электростанциялар, денгиз, кўллар, дарёлар ва шаршаралар, тоғлар, ғорлар, баландликлар, осмон, коинот, ўйинчоқлар, китоб ва расмлар бўлиб, уларни гуруҳларга бўлиб боғланишли нутқни ривожлантириш;

Тарбиячилар ва ота-оналар бола нутқини равон қилиб ўстиришда янада эътиборли бўлишлиги нутқни равон ўсишида болада нутқ, мулоқот маданиятини шакллантиришига ёрдам беради.

Тарбиячи ва ота-она болалар нутқининг ривожлантириш билан шуғулланар экан, боғча ёшидаги болалар баъзи ҳолларда ўз нутқ аппаратларини тўла идора эта олмасликларини унутмаслик керак. Бундан ташқари боғча ёшидаги болаларда мураккаб нутқ товушларини бир-биридан фарқ қилиш қобилияти хали тўла такомиллашмаган бўлади. Шунинг учун боғча ёшидаги баъзи болалар айрим нутқ товушларини бузиб талаффуз этадилар. Одатда бундай болаларни тили чучук болалар деб ҳам юритилади. Тили чучуклик нуқсон эмас. Буни аста-секин тузатиш мумкин. Тили чучукликни тузатишнинг энг муҳим шартларидан бири бола билан тўла ва тўғри талаффуз этиб, равон тил билан гаплашишдир. Тарбиячи буни ота-онага ҳам тушунтириши керак. Чунки, одатда айрим ота-оналарга ўз болаларини ортиқ даражада эркалаб, улар билан болаларча, яъни болага ўхшаб тилини чучуклантириб гаплашадилар. Тили чучук болаларнинг “тили ширин” деб унинг талаффузига мослашишга ҳаракат қиладилар. Бундай қилиш асло йўл қўйиб бўлмайдиган хатодир. Чунки болалар талаффузидаги нуқсон мактабга боргунларича тўғриланмаса, бу нарса болалар нутқининг умумий ўсишига таъсир қилмасдан қолмайди. Тили чучук болалар нутқидаги бу нуқсонни тугатмай мактабга чақирилса, бошқа болалар уларга “соқов” деб лақаб қўядилар. Натижада бундай лақабни хадеб эшита бермаслик учун бундай болалар кам гапирадиган, ўзларини четга олиб юрадиган бўлиб қоладилар. Боғча ёшидаги болаларнинг нутқи ясли ёшидаги болалар нутқиға нисбатан анча тараққий этган бўлса ҳам хали уларнинг гаплашишларига

караб туриб ниҳоят даражада сўз етишмаётганини пайқаш осон. Чунончи кичик ва ўрта ёшдаги боғча болаларининг жумлаларида “анақа”, “ану”, “нима”, “индин”, “кейин” каби ноаниқ иборалар жуда ҳам кўп бўлади. Катта гуруҳ болаларида эса бундай иборалар камроқ учрайди.

Шуни ҳам эътирофдан четга қолдирмаслик керакки, нутқ фақат бошқа одамлар билан амалга ошириладиганалоқа воситасигина бўлиб қолмай, балки у болалар учун ҳулқ-атворларини бошқариш воситаси ҳамдир. Турли ёшдаги боғча болалари ўз ҳулқ-атворларини, яъни маълум ижтимоий шароитда ўзларини қандай тутишларини тафаккур орқали ўйлаб идора қиладилар. Бунда нутқнинг роли биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Одатда кичик ёшдаги боғча болаларининг нутқлари иккинчи бир одамга эмас, балки ўзларига қаратилган бўлади. Масалан: “Жавоҳир ухлайди”, “Жавоҳирнинг қорни очди” деб гапирадилар.

Болаларнинг ана шундай ўзларига қаратилган нутқларни эгоцентрик нутқ деб юритилади. Катта ёшли боғча болаларида эгоцентрик, яъни ўз – ўзига қаратилган нутқ тугалланиб нормал ҳолга келади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, асосий алоқа воситаси бўлган нутқ бола психикасининг тараққиётида бениҳоя катта роль ўйнайди. Боғчада ва оилада тўғри йўлга қўйилган таълим-тарбия ва хусусан, боғчада она тилидан ўтказиладиган махсус машғулотлар туфайли бола нутқини нормал ўстириш мумкин. Бола боғча ёшининг охириги босқичига келганда оғзаки нутқнинг ҳамма турларидан эркин фойдалана оладиган бўлади. Бола нутқининг бундай кейинги тараққиёти мактабда ўқиш жараёнида амалга оширилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

И. А. Каримов “Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамиз” Тошкент – 2006 йил.

М.А. Махсудова “Мулоқот психологияси” ўқув қўлланма Наманган – 2005 й.

З. Т. Нишоновна “Болалар психологиясини ўқитиш методикаси”. Тошкент-2005й.

К.Б. Қодиров “Мактаб таълимига етукликнинг психофизиологик жиҳатлари” услубий қўлланма. Тошкент – 2009 й. Д. Зуннунова “Болангизни биласизми?”. Тошкент – 2009 й.

М. Қутлиева “Фарзанд билан суҳбатлар” Тошкент “Янги аср авлоди” 2008 й.

DZYUDochILAR ISH QOBILiyATINI OSHIRISH VA NAZORAT QILISH YO'LLARI.

O'qituvchi, A.R.Abdulaxatov,

B.A.Qo'shmurodov talaba

O'zbekiston mustaqillik davridag dzyudochilarimizning Osiyo , Jahon hamda Olimpiya o'yinlaridagi qo'lga kiritilgan g'albalari bizni cheksiz quvontiradi. Ushbu yutuqlarni saqlab va yanada oshirish uchun o'zbek dzyudo maktabi uslubiyatlarini takomillashtirish zarur.

Hozirgi paytda mamlakatimizda murabbiy kadrlarni tayyorlash, ularni faoliyatini zamon talablari darajasiga yaqinlashtirish bugungi kuning dolzarb muammolaridan biridir.

Mashg'ulotlar davomida dzyudo harakatlari texnikasi va taktikasini egallash bilan birga tezkorlik , chaqqonlik, kuchlilik, eguluvchanlik , chidamiylik kabi jismoniy sifatlarni, qolaversa muvozanat saqlay olish qobiliyatlarini tarbiyalab takomillashtirib borish kerak.

Ko'plab ilmiy tatqiqodlar natijalari shuni ko'rsatadiki, yosh sportchilar mashg'ulotining boshlang'ich mutaxassislik bosqichi pedagogik jarayoni to'g'ri tashkil etish sportga yuksak natijalarga erishishning bosh omili bo'lib xizmat qiladi. Bu jarayonni samarali tashkil etish mamlakatimizda mashhur dyuzdoga polvonlar safini ko'paytirib, O'ZBEKISTON bayrog'ini butun jaxon uzra hilpirashini taminlaydi. Demak,bunday nufuzli vazifa har bir dzyudo murabbiylarning burchi bo'lib hisoblanadi.

Sport amaliyotida sportchi ish qobiliyatini oshirish va uni yanada takomillashtirish muammolari mutaxassislarning doimiy diqqat markazida turibdi. Mazkur masala yuzasidan sport yuqori darajada rivojlangan mamlakatlarda, yetakchi mutaxassislar tomonidan ilmiy ishlar, tatqiqotlar tashkil qilinmoqda

Sportchi ish qobiliyatini oshirish masalasini yakkakurash sport turlarida ham muhim sanaladi. Shunga ko'ra biz dzyudo mashg'ulotlarini tashkil qilish va o'tkazish jarayonida sportchilar ish qobiliyati darajasini aniqlash va oshirish

usullari hamda yo'llari to'g'risidagi mulohozalarimizni siz bilan o'rtoqlashmoqdamiz.

Ko'pchilik olimlarning ilmiy-uslubiy adabiyotlari, dissertatsiya ishlarini tahlil qilish va o'rganish yakkakurash sport turlarida, xususan, dzyudo kurashida sportchi ish qobiliyati darajasini aniqlashning qator turlari mavjudligini ko'rsatdi. Ushbu usullarni tizimlashtirish va tasniflashtirish natijalariga ko'ra ularni ikki asosiy yo'nalishga ajratish mumkin degan xulosaga kelindi. Fikrimizcha sportchi ish qobiliyatini aniqlashning pedagogik va tibbiy – biologik yo'nalishlari farqlanadi (1-chizma)

Sportchilar ish qobiliyatini aniqlashning pedagogik va tibbiy – biologik nazorat yo'nalishlari

**Dzyudochilar ish qobilatini
baholash va oshirish mehanizmlari**

**Tibbiy-biologik
nazorat.**

**Pedagogik
nazorat.**

**O'TSni tekshirish,
yurak urishini tekshirish
va fiziologik sinamalar
tashqil qilish.**

**Texnik amallar
sifatini baholash, sportchi
o'zlashtirishni baholash va
nazorat qilish.**

Sportchi ish qobiliyati darajasini aniqlashning pedagogik asoslari- bunda murabbiy yoki mutaxassis sportchini diqqat bilan kuzatadi, uning harakatlari, texnik amallarni bajarish holati atroflicha o'rganildi. Sportchining o'zlashtirish ko'rsatgichlari, mashqni qay darajada va qanchalik tez o'zlashtirayotganligi tahlil qilinadi.

Sportchi ish qobiliyati darajasini aniqlashning tibbiy-biologik asoslari- mazkur yo'nalish o'ziga hos murakkablik kasb etib, murabbiydan yuqori

darajadagi tibbiy bilimni talab qiladi. Bunda mutaxassis bevosita sportchi organizmi, uning biologik va fiziologik ko'rsatgichlari kabilar bilan aloqador bo'ladi.

Sinamalarni tashkil qilayotgan murabbiy yoki sport mutaxassisi har ikki yo'nalishda ham aniqlik darajasi kamida 80-85 %ni tashkil qiladigan usullar, sinamalarni yoki testlarni tashkil qila olish kerak. Shundagina olingan natijalarni ishonchliligi yuqori bo'ladi. Sinamalar yoki testlarni tashkil qilishdan asosiy maqsad faqatgina sportchi ish qobiliyatini aniqlash bo'lib qolmay, balki, sportchi uchun kelajak mashg'ulotlar dinamikasi va rejasini aniqlash hamda shu asosida mashg'ulotlarni tashkil qilishni ham nazarda tutadi.

Mazkur sinamalarni tashkil qilishda bir qator jihatlarga alohida ahamiyat berish lozim. Bu jihatlardan asosiylari sinamalarni o'tkazishning qulayligi, oson va soddaligidir. Sinamalarni o'tkazish mutaxassis uchun qanchalik murakkab va qiyin bo'lsa, uning natijalarini aniqlash ham shu darajada bo'ladi. Demak, aytish mumkinki sinamalar o'tkazish tartibi murabbiy uchun tushunarli va ortiqcha asbob – uskunalar talab qilmasligi zarur. Masalan, "Gench sinamasi", "Garvard step-testi" kabi sinamalar o'zining soddaligi va ishonchliligi bilan mutaxassislar tomonidan doimiy tarzda amalga oshirilib kelinadi. Bunda sportchining nafas olish tizimi, O'TS kabilarning ishlash faoliyati o'rganiladi.

Dzyudochi ishqobiliyatini aniqlashning pedagogik asoslari bevosita mashg'ulotda sportchini pedagogik kuzatish natijasida amalga oshiriladi. Yuqorida aytilganidek, sportchining tehnik amallarni bajara olish imkoniyatlarni, tehnik harakatlarni o'zlashtirish ko'rsatgichlari, taktik bilimi bu o'rinda ahamiyatlidir. Sportchi tehnikani, usullarni qanchalik tez va sifatli o'zlashtirishga qarab uning imkoniyatlari darajasi, ya'ni ish qobiliyati darajasining ayrim jihatlarni baholash mumkin.

Adabiyotlarni tahlil qilish va o'rganish natijasida sportchi ish qobiliyatini oshirishning quyidagi yo'llarini tavsiya qilamiz:

- Sport mashg'ulotlarini samarali tashkil qilish;
- Mashg'ulotlar jarayonida nazoratni yo'lga qo'yish;

- Mashg'ulotlardan oldin va keyin sportchini nazoratdan o'tkazish va uning o'zini tutishini kuzatish

- Fiziologik va pedagogik sinamalarni muntazam tashkil qilish.

Dzyudo sporti tehnikasi amallarining mukammaligi va murakkabligi sportchiga yuksak darajadagi talablarni qo'yadi. Bunda sportchi murabbiy tomonidan o'rgatilinayotgan har bir usulni mukammal o'zlashtirsagina ma'lum natijaga erishish mumkin. Bunda esa murabbiyning doimiy nazorat qilish va ularning kamchiliklarini vaqtida bartaraf qilib borish lozim. Mamlakatimizda sport turlari ichida dzyudo ayniqsa keng rivojlangan . Dzyudo bo'yicha mamlakatimiz terma jamoasi a'zolari xalqaro musobaqalarda yaxshi natijalarga erishmoqdalar. Ushbu natijalarning qo'lga kiritilishida murabbiylarning mehnati beqiyosdir. Natijalarni yanada o'stirish dzyudochilarni tayyorlash tizimini takomillashtirish bugungi kunda sport sohasi oldida turgan muhim vazifalardan biridir. Bunday vazifani hal qilish, dzyudo mashg'ulotlarining samarali metodlarini ishlab chiqish zaruriyati tug'ilmoqda.

Olib borilgan tatqiqot ishlaridan kelib chiqib quyidagilarni tavsiya etamiz:

- Sohaning yetuk mutaxassislari bilan fikr almashish;

- Dzyudo mashg'ulotlarida murabbiylar bilan birgalikda qatnashish. ishtirok etish;

- Olingan natijalarni umumlashtirish va takliflar berish va v.b.

Mashg'ulot bu–yuqori sport natijalariga erishishga qaratilgan sport takomillashuvining yil davomida muntazam boshqariladigan pedagogik jarayondir. Shunga kurs sport mashg'ulotlarini pedagogik jarayon deyish mumkin.

Fikrimizcha mashg'ulotlarda doimiy tarzda nazoratning olib borilishi sport natijalarining oshishiga olib keladi. Demak, nafaqat dzyudo sportida, balki, xar bir sport turida nazorat va kuzatishlarini tashkil qilish va shu asosda sportchi kelajak rejalarini ishlab chiqish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1.J.T. va Sportni rivojlantirashning dolzarb muammolari.

Respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari.Samrqand.sh. 2004-yil 27-avgust.

АШТАРХОНИЙЛАР ДАВЛАТИДА ХАЛҚАРО САВДО-СОТИҚ АЛОҚАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

**Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ
таълими кафедраси ўқитувчиси Зиёдулла Ғозиев**

Президентимиз И. Каримов шундай деб таъкидлаган эди: “Халқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий тазйиққа қарамай Ўзбекистон халқи авлоддан-авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз”[1].

Аштархонийлар ҳукмронлиги даврига хос бўлган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий зиддият маданий ҳаётга бир қадар салбий таъсир кўрсатди. Хуллас, сиёсий вазият қандай бўлишидан қатъий назар, аштархонийлар илм, фан, санъат, меъморчиликка ҳомий бўлишда ҳеч қачон сустрлашмаганлар.

Бу даврда ташқи савдо алоқалари ривожланди. Хусусан, Россиянинг турли савдо шаҳарлари, (Астрахан, Оренбург, Сибирьдаги шаҳарлар), Ҳиндистон, Эрон, Қошғар, Туркия билан савдо сотиқ олиб борилди. Ташқи бозорга асосан турли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари чиқариларди. Бу даврда пахта, тери, жун, турли матоларнинг асосий харидори сифатида Россия катта аҳамиятга эга бўла бошлади. Россияга, шунингдек, Ҳиндистонда тайёрланадиган маҳсулотларни олиб боришда ҳам Ўрта Осиёлик савдогорлар муҳим роль ўйнар эдилар. Россияда Ўрта Осиёдан олиб келинадиган маҳсулотларга талаб анча катталиги боис, Бухоролик савдогарлар бу ерда кўпгина имтиёзларга эга эдилар. Манбаларда таъкидланишича, Бухоролик савдогарларнинг Сибир шаҳарларида доимий фаолият кўрсатувчи ўз савдо

расталари бўлиб, улар бу шаҳарларда нафақат савдогарлар балки билимдон ва ўқимишли кишилар сифатида ҳам катта мавқега эга бўлишган[2].

Ёғочсозлик ҳунари кенг ривож топган эди. Ҳар хил ёғочлардан, айниқса, каттиқ пишиқ дарахтлардан қишлоқ хўжалик асбоб ускуналари (омочлар, паншахалар, белкураклар ва ҳоказолар), уй жиҳозлари, бошмоқлар, чархлар, эшик қулфлари, тўқимачилик дастгоҳлари, эгарлар, устун қошлари, нақшли устунлар, эшиклар, мебель ва бошқа нарсалар тайёрланар эди. Ҳунармандлар орасида дурадгорлар, ғишт терувчи усталар ҳам бор эди.

Самарқанд ўзининг заргарлари билан шуҳрат қозонган эди. Улар кумуш ва мисдан, баъзан олтиндан ҳам аёллар учун безаклар, тақинчоқлар тайёрлашар, уларни қимматбаҳо тошлар билан қоплашарди, баъзан узангиларни, шу жумладан, эгар-жабдуқларни ҳам кумуш билан безатишарди. Бу даврда бўёқчилик, совун пишириш янада ривожланади. Аввалгидек, бу даврда Самарқандда сифатли қоғозлар ишлаб чиқариларди. А. Вамберининг айтишича, Бухоро ва Самарқанд қоғози Туркистондагина эмас, балки қўшни мамлакатларда ҳам маълум ва машҳур эди[3].

XVII аср Ўрта Осиё билан Москва давлати ўртасида дипломатик ташқи муносабатлари ҳақидаги кўпгина расмий ҳужжатларда Самарқанд тилга олиб ўтилади. Масалан, Нодир Муҳаммадхон (1642-1645) подшо Михаил Федоровичга (1645 йил март) йўллаган мактубида ўзининг тахтга ўтирганини ва Москва давлати билан аввалгидек дўстона муносабатларни, савдо алоқаларни давом эттиришини ва асирлар айрибошлашни истаётганлигини маълум қилади. Нодир Муҳаммадхон каттакон давлатнинг бошлиғи эканлигини ва бу давлат таркибига Самарқанднинг ҳам кирганлигини мактубида уқтириб ўтади.

XVIII асрнинг охирида Самарқанд бозорларига Россия, Хитой, Ҳиндистондан турли буюмлар келтирилар эди. Ўз навбатида Самарқанд вилояти ҳам шу мамлакатларга қоғоз, олачадан тайёрланган чопонлар, сопол буюмлар, қуруқ мева, қорақўл тери, от-уловлар етказиб берарди[4].

Аштархонийлар бу даврда Ўрта Осиё ва бошқа мамлакатлар билан савдо-сотик алоқаларини анча ривожлантиради. Чунончи, Самарқанд ва Бухородан Россия ва Ҳиндистондан шойи ва ип газламалар олиб борилад эди. Ўз навбатида турли газламаларни олиб келишарди. Ўрта Осиёнинг Москва давлати билан савдо алоқалари ривожланган эди. Савдогарлар Москва давлатига ҳам тери, ошланган қўй териси, жун газлама, ёғоч идиш-товоқлар ва бошқа нарсаларни олиб боришарди[5].

Хулоса қилиб айтганимизда, XVII-XVIII асрларда Мовароуннаҳрда ижтимоий-маданий муҳит ўзига хос жамият руҳиятини ифода этади. Бу даврда санъат, меъморчилик, савдо-сотик ривожланганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Адабиётлар рўйхати

1. Ислон Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1997, 137-бет.
2. А. Сағдуллаев ва бошқ. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. “Академия”, Тошкент, 2000, 184-бет.
3. И.М. Мўминов таҳрири остида. Самарқанд тарихи. “Фан”, Тошкент, 1971, 284-285-бетлар.
4. Юқоридаги манба, ўша бет.
5. Мўмин Ҳошимхонов. Машраби мўътабар ўзум. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Миллий кутубхонаси нашриёти. Тошкент, 2007, 39-бет.

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАЗМУНИ

Илмий раҳбар Ш.Ў.Атамуродов,
Э.З.Нурматов талаба
Б.Ш.Абдусаломов талаба

Умумтаълим мактаблари Республикада замонавий имкониятлар ва ўқув жихозларига эгаллиги билан таълим ва тарбиянинг муҳим ўчоғига айланди [1]. Шу сабабли мактаб ўқувчиларини хар тамонлама баркамол вояга етказиш [2] омиллари кенгайиб бормокда. Бугунги кунда мавжуд имкониятлар ва омиллардан оқилона фойдаланиб, ўқувчиларнинг **жисмоний маданиятини** шакллантириш хам муҳим вазифалардан хисобланади.

Таълим - тарбия жараёнида ўқувчиларнинг жисмоний маданиятини кутилган даражада шакллантириш кейинги вақтларда яна долзарб масалалардан бирига айланди. Чунки турли ижтимоий иллатлар, мобил алоқа воситалари оркали таркатилаётган “оммавий” дастурлар ва муайян ғаразгуй кимсаларнинг ўқувчи-ёшларнинг онгини захарлашга уринишлари ёшларнинг жисмоний соғлом ва етук вояга етишига салбий таъсир кўрсатмокда. Шунингдек, шаҳар жойларида ўқувчиларнинг кам жисмоний ҳаракалиги кузатилмокда ва бунга технологик имкониятларнинг кенгайиб бораётганлиги сабаб бўлмокда. Шу сабабли ўқувчилар жисмоний маданиятини шакллантиришнинг **маъно - мазмунини** идрок килиш тақоза етилади.

Жисмоний маданият тушунчасига доир ёндашувлар кўплигини таъкидлаш жоиз [3]. Бизнинг ёндашувимизга кура, ўқувчиларнинг **жисмоний маданияти асосларини жисмоний соғломлик, гигиеник билимдонлик ва хаётий кўникмалик** ташкил қилади. Бунда жисмоний соғломлик негизларини қуйидагилар ташкил қилади:

-ўқувчилар организмнинг ёш хусусиятларига мос ривожланиши ва вазн оғирлигини унга мослиги;

-ўқувчиларнинг бўй узунлиги талаб даражасида бўлиши;

-ўқувчиларнинг жисмоний машқлар ва спорт турларига бўлган лаёқатининг шаклланганлиги;

-ўқувчиларда жисмоний соғломлик иммунитетининг таркиб топиши ва х.к.

Айнан мана шу масалалар жисмоний соғломлик мазмунини ташкил қилади. Гигиеник билимдонлик эса қуйидагилардан иборат:

-ўқувчиларнинг гигиеник қоидалар ва талабларни билиши;

-ўқувчиларнинг гигиеник қоидаларга амал қилиш қуникмасининг шаклланиши;

-ўқувчиларнинг гигиеник фаоллик интилиши ва унга одатланиши;

-ўқувчиларнинг гигиеник билимдонлиги педагогик назоратда бўлиши ва х.к.

Гигиеник билимдонлик ўқувчиларда жисмоний маданиятни табиий даражада шакллантириш имконини беради. Хаётий кўникмалик асослари қуйидагилар ҳисобланади:

-ўқувчиларнинг муайян жисмоний тарбия ёки спорт тури билан мунтазам шуғулланишга одатланиши;

-ўқувчиларнинг жисмоний етуклик талабларига мос бўлиши;

-ўқувчиларнинг табиий ва ижтимоий муҳитга мослаша олиши;

-ўқувчилар организмнинг чиниқиб бориши ва х.к.

Хаётий кўникмалик деганда ўқувчиларнинг жисмоний етуклик талабларига мос табиий ва ижтимоий кўникмага ега бўлиши назарда тутилиши мақсадга мувофиқдир.

Зеро, ўқувчилар жисмоний маданиятини ана шу уч асосда белгилаш ва уни шакллантириш ишига киришиш қутилган самарани беради. Эътибор берилса, шахснинг дастлабки жисмоний маданиятга оид тушунчалари ва кўникмалари оилада шаклланади. Аммо, оила тарбиясининг тартибсиз хусусияти ҳам мавжудлигини унутиб булмайдую шу сабабки мактабда

Ўқувчиларнинг жисмоний маданиятини шакллантириш илмий-педагогик асосга егадир. Бунда уч босқичли масалага эътибор бериш лозим:

1. Ўқувчиларда жисмоний маданиятга оид тушунча ва кўникмаларининг шаклланганлик даражасини аниқлаш;
2. Ўқувчиларнинг жисмоний маданиятини шакллантириш ишчи дастурини ишлаб чиқиш;
3. Ўқувчиларнинг жисмоний маданиятини босқичма-босқич шакллантиришга киришиш;

Бундай ёндашув кутилган самарани бериши шубҳасиздир.

Адабиётлар

1. Каримов И.А Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т., 2010.
2. Махкамов Ч. Ахлоқ-одоб сабоқлари. –Т., 2002.
3. Хасанбоев Ж. ва бошқалар. Педагогика фанидан изоҳли луғат.-Т., 2009.

YOSHLARNI YUKSAK MA'NAVIYAT RUXIDA TARBIYALASH

M.Meliboeva, magistrant

Bugungi kunda yurtimizda olib borilayotgan jamiki islohatlar barkamol avlod tarbiyasiga qaratilgan bo'lib, u davlat siyosati darajasiga ko'tarilgan. Shuning uchun ham zamonaviy ilm - fan, texnika, texnologiya hamda ishlab chikarish sohalarida erishilgan yutuqlarni ta'lim tizimiga tadbik etish orqali malakali kadrlarni tayyorlash bugungi kunning dolzarb vazifalaridan biri ekanligi O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida" gi Qonun "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi" da qayd etib o'tilgan.

Yurtimizda yoshlar tarbiyasiga qaratilgan e'tibor tufayli yoshlarimiz har tomonlama rivojlanib dunyoda taraqqiy etgan davlatlarning yoshlari kabi jahonning eng nufuzli oliygohlarida taxsil olmoqda. Yoshlarni har tomonlama qo'llab-quvvatlash Prezidentimiz I.A.Karimovning asosiy maqsadlarining biriga aylanganligi bois ham ularni barkamol shaxs sifatida ko'rishni xoxlaydi. Respublikaning barcha qishloq va shaxarlarida zamonaviy talablarga javob bera oladigan ta'lim muassasalarining joriy, yangidan qurilishlari nihoyasiga etkazildi. Joylardagi talab va extiyojlarga moslashtirilib kichchik mutaxassis kadrlarni etkazib beradigan bir qator kasb-hunar kollejlari faoliyat boshladi. Shu bilan bir

qatorida joylarda qizlar va ayollar sportini rivojlantirish orqali sog‘lom ona, sog‘lom bola dasturining ijrosini ta‘minlashga qaratilgan chora tadbirlar ishlab chiqildi. Shuni alohida ta‘kidlash lozimki, joylarda sport majmualari tashkil qilinib sportning barcha turlariga yoshlar jalb qilinmoqda. Bu o‘z navbatida yoshlarni jismonan chiniqtirish orqali sog‘lom farzand qilib voyaga etkazish bilan bir qatorida ularning ruhini chiniqtirish, kayfiyatini ko‘tarish, ma‘naviyatini yuksaltirish yo‘lga qo‘yilmoqda.

Barkamol avlodni shakllantirib voyaga etkazish ta‘lim muassasalari oldida turgan asosiy vazifalar hisoblanadi. Yoshlarni barkamol shaxs qilib tarbiyalashda milliy - ma‘naviy qadriyatlardan keng foydalanish maqsadga muvofiq hisoblanadi. Bizga ma‘lumki milliy-ma‘naviy qadriyatlar tarbiya o‘chog‘i sanaladi.

I.A.Karimov “Yuksak ma‘naviyat - engilmas kuch” asarida, tarbiya tizimida ma‘naviyat eng yuqorida turishini ta‘kidlab unga quyidagicha ta‘rif berib o‘tadi. **“ma‘naviyat - insonni ruhan poklanish, qalban ulg‘ayishga chorlaydigan, odamning ichki dunyosi, irodasini baquvvat, iymon-e‘tiqodini butun qiladigan, vijdonini uyg‘otadigan beqiyos kuch, uning barcha qarashlarining mezonidir, desak, menimcha, tariximiz va bugungi hayotimizda har tomonlama o‘z tasdig‘ini topib borayotgan haqiqatni yaqqol ifoda etgan bo‘lamiz”** degan fikrlari muxim axamiyat kasb etadi.

Ma‘lumki, kishilik jamiyatida yoshlarni har tomonlama etuk shaxs qilib tarbiyalash uning har xil taraqqiy bosqich davrlarida o‘ziga xos ko‘rinishga ega bo‘lgan va shu davrning eng ilg‘or g‘oyalaridan foydalanib yoshlarni ma‘nan yuksak shaxs qilib tarbiyalashga harakat qilingan. Buguhgi kuhda uhi davom ettirib, milliy istiqlol g‘oyalariga tayangan holda yoshlarni barkamol shaxs qilib tarbiyalashda buyuk siymolar faoliyatidan foydalanishga katta e‘tibor qaratilmoqda.

Buguhgi kunda ota-bobolarimiz tomonidan qoldirilgan ulkan boy ma‘naviy me‘rosdan keng foydalanib yoshlarni barkamol shaxs qilib tarbiyalashda axborot va telekommunikatsion vositalaridan foydalanish zaruriyati yuzaga

kelmoqda. Bu esa o'z navbatida yoshlarni yuksak ma'naviyat asosida tarbiyalash dolzarbligini ta'kidlaydi. Shuning uchun ham yosh avlodni yuksak ma'naviyatli, barkamol shaxs qilib tarbiyalashda milliy qadriyatlardah kehg foydalahish o'z ta'sir ega bo'ladi. Yoshlarni yuksak ma'naviyatli, barkamol shaxs qilib tarbiyalashda avloddan - avlodga o'tib kelayotgan umuminsoniy va milliy qadriyatlar alohida o'rin egallaganligi bois ham ulardan ta'lim tarbiya tizimida foydalanish keng yo'lga qo'yilgan.

Xalqimizning milliy ongi, milliy g'ururi, milliy iftixori, ma'naviy dunyosi kundan–kunga boyib bormoqda. Bu esa mustaqil davlatimizning ma'naviy asosini tashkil qiladi. Demak, ma'naviyat qay darajada shakllangan bo'lsa, u shunchalik taraqqiyotga xizmat qilgan. Ma'naviy barkamol, ma'rifatli, ruhan bardam, yangicha tafakkurlash qobiliyatiga ega insongina istiqbolli rejalarning amalga oshishiga o'z hissasini qo'sha oladi. Shunday ekan, xalqimizning madaniy merosi, yuksak ma'naviy qadriyatlarini chuqur va atroflicha o'rganib, ularni har bir yosh avlodning ongiga singdirib, yuksak ma'naviyatli, barkamol shaxs qilib tarbiyalashda o'ziga xos yondoshuvlarni amalgam oshlrish zarur.

Yuksak ma'naviyatli, barkamol shaxs tarbiyasida har bir inson o'zining hissasini qo'shishi uchun , ularning o'zi jamiyatga va tabiyatga nisbatan faol ma'naviy harakatlari bilan munosabat bildirishlari kerak va biz uni amalgam jsirishiniz shart.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat – engilmas kuch. Toshkent “Ma'naviyat”. 2008 y 173 bet ..
2. To'raqulov X.A., Kushvaktov N. va boshqalar. Istiqbolli pedagogika asoslari. –T.: «YAngi asr avlodi», o'quv qo'llanma. 2003. – 136 bet.

ЁШ АВЛОДНИ МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТ РУХИДА ТАРБИЯЛАШДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ РОЛИ

М.Йўлдошева, магистрант

Ёшларни маънавий жасоратларни кўрсата олиш рухиятида шакллантириш бугунги кунда педагогиканинг олдида турган асосий вазифалардан бири десак хато бўлмайди. Педагогика ўз олдида комил инсон

тарбиясини мақсад қилиб қўйган экан, уни амалга оширишнинг асосий вазифаларидан бири, бу ёшларни маънан етук шахс қилиб тарбиялашга қаратилган тизимдир. Бугунги кунда бутун дунёдаги миллатлар, халқлар ўзининг фалсафий, сиёсий, маънавий, иқтисодий қарашлари билан жамиятни ривожлантириш, уни ёт ғоялардан ҳимоя қилиш борасида фикр билдирмоқда. Жумладан, мухтарам президентимиз Ислам Абдуғаниевич Каримов ўзбек миллатининг, халқининг обрўсини, шаънини дадил ҳимоя қила туриб, жаҳоннинг энг нуфузли мингбарларида боболаримиз томонидан амалга оширилган жаҳоншумул ишларнинг умуминсоният маънавиятининг , интеллектуал салоҳиятининг ривожига қўшган ҳиссасини фахр билан эсга олади. Бундай қарашлар негизида ўзбекиони миллий маданиятнинг умуммиллий маданиятнинг ривожланишидаги ҳиссаси ва ўз ўрнига эга эканлигини кўрсатиб беради, ҳамда ўзбек халқининг халқаро майдонда салмоқли ўрини борлигини маънавий жасорат билан таъкидлаб ўтади.

«Ягона миллий адабий тилимиз XII асрдаёқ шаклланиб бўлган эди. Бунга Туркистон пири Аҳмад Яссавийнинг "Ҳикмат"лари яққол исбот бўла олади. "Ҳикмат" тили XVI асрнинг фарзанди Бобур тилига ҳам, XX асрнинг адиблари Абдулла Қодирий ва Чўлпон тилига ҳам ўхшашдир. Ягона миллий тилимизни Хоразмда Қутб Хоразмий, Сулаймон Боқирғоний, Рабғузий, Мовароуннаҳрда Саккокий, Ҳиндистонда Ҳофиз Хоразмий, Рум элида Жалолоддин Румий, Насимий, Озарбайжонда Хоқоний қўллаган ва бойитган. Алишер Навоий ягона адабий тилимизнинг шуҳратини шу қадар баланд кўтардики, бу тил куёши ёғдуларидан Чиндан Румогача, Ҳиндистондан то Сибир, Олтой ва Итил бўйларигача нафақат туркий, балки, барча элу элатлар баҳраманд бўлди миллатимиз довуғи оламга ёйилди. [14]

Ёш авлоларни маънавий жасорат кўрсата олиш рухиятида тарбиялаш учун:

- миллатнинг рухиятини;
- маънавий-ахлоқий қарашларини;
- продавий ва шахсий хислатларини;

- таълимий қадриятларини;
- миллий қадриятларини;
- жойлашган маконини;
- ҳаётий тажрибаларини ва бошқа жихатларини эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, тарбия ижтимоий ҳаётнинг умумий ва муҳим категорияси ҳисобланиб, у ижтимоий ҳодиса сифатида бир қатор хусусиятларни ўзида мужассамлаштиради. Булар:

- буюк аждодларимиз яшаб ўтган шу муқаддас замин;
- боболаримизнинг ҳаётий тажрибалари;
- буюк сиймоларнинг интеллектуал салоҳияти;
- ўзбекона миллий қадриятлар тизими;
- жамиатни ривожлантирувчи маънавият.

Таълим - тарбия жараёнларида биз юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда, ёшларни маънан етук шахс сифатида шакллантиришда миллий қадриятларнинг сеҳрли кучидан фойдаланишимиз шарт. Мисол учун.

“Ростгўй бола”да ота қарвон билан йўлга чиққан ўғлининг қўлига қирқ танга олтин бериб:

- Ўғлим, ҳечам ёлғон гапирма, ҳалол бўлгин, - деб насиҳат қилади.

Қарвон йўлда қароқчиларга дуч келади. Қароқчилар ноинсофлик, босқинчилик билан ҳаммани талайдилар, мол-мулкларини тортиб оладилар. Аммо болага мутлақо эътибор бермайдилар. Ота насиҳатини дилига жо қилиб олган бола тўғри сўзлиги билан қароқчи, босқинчи, йўлтўсарликда ном чиқарган бир неча муттаҳамни тарбиялайди, уларни ҳалоллигу тўғри сўзлиги билан мағлуб қилади:

Савдогарлар йўл юришса ҳам мўл юришибди, бир жойга етиб боришганда уларга қароқчилар ҳужум қилишибди. Қароқчилар ўзаро

маслахатлашиб “мана бу ялангоёкка у-бу нарса берсакмикин?”, дейишибди.

Қароқчилардан бири болани масхара қилиб сўрабди:

- Эй, ялангоёк, сендан нимани ҳам олиш мумкин?

- Менда қирқта олтин танга бор, - деб жавоб берибди бола.

- Сенда қирқта олтин танга нима қилсин? - дейишибди қароқчилар кулиб. Шунда бола чопонининг ёқасини йиртиб, олтин тангаларни кўрсатибди.

- Нега буларни бизга кўрсатдинг? - деб сўрашибди қароқчилар.

- Биз сенга пул бермоқчи эдик, энди бўлса буни ҳам олиб қўямиз.

- Ҳечқиси йўқ, отам ҳалол бўл, ёлғон гапирма, деб ўргатганлар, - деб жавоб берибди бола.

Ҳайрон бўлган қароқчилар савдогарларга мол-мулкларини, пулларини қайтариб бериб, ҳалол меҳнат қилиш учун қароқчиликдан воз кечишибди.

Қаранки, бу ерда ҳам маънавий жасорат кўрсата олиш инсон учун энг катта бойлик ҳаётни сақлаб қолди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Маънавият асосий тушунчалар луғати. Т.:2009й .
2. Кушвактов Н., Ўролов А. Талабаларни миллий кадриятлар орқали маънавий юксалтиришнинг педагогик асослари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Т.: 2003-14 бет.

БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ЎҚУВЧИЛАРДА ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ТАЙЁРЛАШ МЕТОДЛАРИ

Д.Расулова, магистрант

Олий педагогик таълим жараёнида талабаларни бошланғич синф ўқувчиларида тинчлик ва фарповонлик маданиятини шакллантиришга

тайёрлашда оптимал методларга асосланиш лозим бўлади. Бу ўринда эътиборингни ана шу масаланинг таҳлилига тортамыз.

Кузатиш, ўрганиш ва таҳлиллар шуни кўрсатадики, талабаларнинг бошланғич синф ўқувчиларида тинчлик ва фарповонлик маданиятини шакллантириш маҳоратини таркиб топтиришда *фаол ўқитиш* методларига таяниш кутилган самарани беради. Бу методлардан мутахассислик ва ижтимоий фанларни ўқитиш жараёнида, маънавий – маърифий ва тарбиявий ишлар вақтида фойдаланиш лозим. Фаол ўқитиш методларининг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- тренинг;
- маҳорат мактаби;
- ролли ўйинлар [1].

Тренинг методига кўра, талабалар бир неча гуруҳларга бўлиниб бошланғич синф ўқувчиларида тинчлик ва фарповонлик маданиятини шакллантириш бўйича муайян мавзунини ўз гуруҳларида муҳокама қилиб, таҳлил қиладилар ва кейин ўз хулосаларини ҳимоя қиладилар. Бу методда ўқитувчи теренер ҳисобланиб, у қуйидаги вазифаларни бажаради:

- мавзунини (муаммони) кун тартибига қўйиш ва уни гуруҳларга тарқатиш;
- тренинг жараёнини кузатиш ва йўналтириш бориш;
- талабалар гуруҳларининг ўз хулосаларини ҳимоя қилиб жараёнини таҳлил қилиб бориш.

Шу тариқа “тренер тренинг жараёнини бошқариб боради ва ушбу жараёни тўғри ечим сари йўналтиради” [2].

Маҳорат мактаби методи талабаларнинг бошланғич синф ўқувчиларида тинчлик ва фарповонлик маданиятини шакллантиришнинг муҳим омилларидан ҳисобланади [3]. Унга кўра, ўқитувчи бошланғич синф ўқувчиларида тинчлик ва фарповонлик маданиятини шакллантириш асослари бўйича мутахассис ёки тажрибали шахсни таклиф қилиб, машғулот, учрашув ёки давра суҳбати ташкил қилади. Таклиф қилинган шахс қуйидаги вазифаларни бажаради:

- қўйилган мавзу (муаммо) бўйича қарашларини баён қилиш;
- мавзу бўйича ўз тажрибасини ҳимоя қилиб бериш;
- талабаларнинг саволларга батафсил жавоб қилиш ва ҳ.к.

Ўқитувчи маҳорат мактабини йўналтириб туради ва талабаларнинг иштироки ҳам тушунчаларини таҳлил қилиб боради.

Ролли ўйинлар методи талабаларнинг кўриб чиқиладиган муаммо бўйича малакасини шакллантиришнинг қизиқарли ва самарали методларидан биридир . Бу метод бадий – эстетик шаклда бўлиб, бирор ўйин воситасида бошланғич синф ўқувчиларида тинчлик ва фарповонлик маданиятини шакллантириш асослари бўйича ўзлаштирилган тушунчалар, қарашлар ва кўникмаларни жонли ифодалаб беришга асосланади. Ўқитувчи бу жараённи таҳлил қилиб боради.

Зеро, ўқитувчи томонидан тренинг, маҳорат мактаби ва ролли ўйинлар методлари натижалари асосида талабаларда бошланғич синф ўқувчиларида тинчлик ва фарповонлик маданиятини шакллантириш малакасининг шаклланганлик даражаси аниқланади ҳамда хулоса чиқарилади.

Рус педагог олими О.Ефремовнинг фикрича, фаол ўқитиш методлари асосан қуйидаги мақсадлар учун мўлжалланган [4]:



1-чизма. Талабаларни бошланғич синф ўқувчиларида тинчлик ва фаровонлик маданиятини шакллантириш малакаларини таркиб топтиришда фаол ўқитиш методларининг ўрни

Эътибор берилса, ижодий тафаккур, фикрлаш фаолияти ва масалани фаол ўрганиш кўникмалари талабаларнинг бошланғич синф ўқувчиларида тинчлик ва фарповонлик маданиятини шакллантириш малакаларини таркиб

топтиришда муҳимдир. Шу сабабли биз бу борада фаол ўқитиш методларидан оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади, - деб ҳисоблаймиз.

Шундай қилиб талабаларни бошланғич синф ўқувчиларида тинчлик ва фаровонлик маданиятини шакллантиришга тайёрлашда қулай ва мақбул методлардан фойдаланиш кутилган самарани беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ефремов О. Педагогика. –СПб.: “Питер”, 2010. 258 стр.
2. Ҳасанбоев Ж. Ва бошқ. Педагогика фанидан изоҳли луғат. –Т.: “Фан ва технология”, 2009. 508-бет.
3. Ҳасанбоев Ж. Ва бошқ. Педагогика фанидан изоҳли луғат. –Т.: “Фан ва технология”, 2009. 304-бет.

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА ОНА ТИЛИ ЎҚИТИШ МАЗМУНИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Мажидов Абдуғаффар (талаба)

Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамияти сафидан ўрин олиши, мамлакатимизда барча соҳаларнинг, айниқса, таълим тизимининг тубдан ислоҳ қилиниши, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг дунёга келиши, давлат таълим стандартларининг жорий этилиши муаллим ва устозлар зиммасига юксак вазифалар юклади.

Юқорида зикр этилган давлат ҳужжатларининг мазмун-моҳияти, асл мақсади ҳам ёш авлодни маънавий баркамол инсон сифатида тарбиялашга қаратилган. Мамлакатимизда маънавий тарбия, баркамол инсон тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Чунки инсон жамиятнинг таянчидир. Юртбошимиз: «Баркамол авлод келажак пойдеворидир» – дея бежиз айтмаган. Чунки шахс келажак ривожига кескин таъсир эта олади.

Жамиятимизда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ўзгаришлар юз бераётган бир вақтда Ватан равнақини кўзлаш мақсадида асосий эътибор ёшларнинг ақлий, ахлоқий, жисмоний баркамоллигига демак, ҳар томонлама етук, соғлом авлодни ўстиришга қаратилляпти. Президентимиз айтганларидек, «...келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир... Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлади». Соғлом авлодни баркамол шахс қилиб шакллантириш ғоятда масъулиятли вазифа, шу билан бирга, инсонпарвар сиёсат натижасидир.

Республикамизда ёшлар ҳаётига оид, уларни ижтимоий муҳофазалаш бўйича давлат ҳужжатларининг қабул қилиниши мустақил давлат ҳаётида ёшларга нисбатан эътиборнинг тубдан ўзгарганлигини кўрсатиб турибди. Бу ҳолат эса, уни амалга оширувчи асосий куч-биз мураббийлардан ҳам улкан масъулиятни талаб қилади. Хусусан, бошланғич синф ўқитувчисидан замон таълим беришнинг янги, самарадор, такомиллашган усул ва технологияларни

яратишни, уни тажрибада синаш ва шу жараёнда янада мукаммаллашган йўналишни ҳосил қилишни, ўтилаётган фан мазмунини ўқувчилар қалби ва онгига чуқурроқ етказишни талаб қилади.

Сўнгги йилларда таълим тизимининг тарли босқичларида тил ўқитишда ўқувчиларни фаоллаштириш ҳамда улар тафаккурини ривожлантириш масалалари назарий жиҳатдан жонланган бўлса-да, уни амалий қўллаш жуда секин бормоқда ва бу масалани амалга оширишга бағишланган ўзбек тилидаги методик адабиётлар етарлича эмас, деб ўйлаймиз. Бунинг учун ҳар бир ўқитувчи шу соҳага оид илмий-методик адабиётлар билан таъминланган, замонавий педагогик технологиялар билан қуролланган, тилдаги ҳар бир ходиса ва қонуниятни тушунтиришга ҳар томонлама тайёрланган бўлмоғи зарур.

Тил фикрни шакллантириш ва баён қилиш, таассурот, ҳис-кечинмаларни ифодалашда муҳим ўрин тутди. Тил жамият аъзоларининг бир-бири билан ўзаро алоқаси учун хизмат қиладиган воситадир. Бу восита қанчалик такомиллашса, фикр шунчалик аниқ, таъсирчан ифодаланади. Демак, кишиларнинг ўзаро муносабати, ҳис-туйғулари, кечинма ва ҳолатлари тил воситасида аниқлашади. Мактабда она тилини чуқур ўрганиш зарурати тилнинг бажарадиган асосий вазифаларидан келиб чиқади.

Таниқли педагог К.Д.Ушинский: “Ажойиб ўқитувчи бўлган она тили болага кўп нарсани ўргатади... Бола икки-уч йил ичида шунча кўп нарса ўраганадик, кўп нарса билиб оладик, 20 йил кунт билан методик жиҳатдан жуда тўғри ўқиганда ҳам унинг ярмича ўргана олмайди. Она тилининг улуғ педагоглиги ҳам ана шундадир”–дейди. Бундан келиб чиқадики, бошланғич синфлар она тилини ўрганишга катта аҳамият берилишини талаб қилади. Бошланғич синф ўқувчилари она тили дарсларида онгли ўқиш ва саводли ёзишга ўрганадилар, оғзаки ва ёзма нутқнинг қонун-қоидаларини эгаллайдилар. Она тили соҳасидаги кўникма-малакалар (нутқ, ўқиш ва ёзишга оид малакалар) ўқувчиларнинг ўқув меҳнатининг зарурий шарт ва воситасидир. Ўқувчи ўқиш кўникмаларини эгаллаш билан бир қаторда,

биринчи навбатда, ўзининг она тилини ўрганиши зарур, чунки она тили билимдонликнинг, ақл-идрокнинг калитидир.

Она тили ёрдамида жамият тарихи ҳам, табиий фанлар ҳам ўрганилади. Демак, она тили боланинг умумий камол топишида ҳам, билим ва меҳнатга ҳавасини уйғотишда ҳам алоҳида ўрин тутди.

Тил муҳим тарбия воситаси ҳисобланар экан, бадиий адабиётларни, газета, журналларни ўқиган бола ўзида энг яхши хислатларни тарбиялаб муомала маданиятини эгаллайди, десак муболаға бўлмас. Бундай ҳолатга ҳар бир ўқувчида она тилига қизиқиш ва муҳаббатни тарбиялаб бориш орқали эришамиз.

Бошланғич синфларда она тили машғулоти тури ва мазмуни кўйидагиларни ўз ичига олади:

1. Ўқиш, ёзув, грамматик материални ўрганиш, кузатишлар ҳамда ўқувчиларнинг ижтимоий фаолиятлари билан боғлиқ ҳолда, уларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш.

2. Биринчи синфга келган болаларга савод ўргатиш, яъни уларни элементар ўқиш ва ёзишга ўргатиш, бу кўникмаларни малакага айлантириш.

3. Адабий тил меъёрларини, яъни имловий ва тиниш белгиларига риоя қилинган саводли ёзувни, тўғри талаффузни ўрганиш, нутқ ва услубий элементларни эгаллаш.

4. Грамматика, фонетика, лексикологиядан назарий материалларни ўрганиш, тилдан илмий тушунчаларини шакллантириш.

5. Ўқувчиларни ўқиш ва грамматика дарслари орқали бадиий, илмий-оммабоп ва бошқа адабиётлар намунаси билан таништириш, уларда бадиий асарни идрок этиш кўникмасини ҳосил қилиш.

Бу вазифаларнинг ҳаммасини бошланғич синфларда она тили предмети ҳал этади ва улар она тили дастурда акс этади. Дастур давлат ҳужжати бўлиб, унда ўқув предметининг мазмуни ва ҳажми, шунингдек, шу предметдан билим, кўникма ва малакалар даражасига қўйилган асосий талаблар

белгиланган бўлади. Ўқитувчи ва ўқувчилар дастур талаблари асосида иш олиб борадилар.

Бошланғич синфларнинг она тили дастури икки қисмдан иборат:

1. Тушунтириш хати.
2. Асосий қисм.

Тушунтириш хатида она тили предметининг тутган ўрни, унинг вазибалари кўрсатиб, методик йўл-йўриқлар берилади.

Дастурнинг асосий қисми қуйидаги бўлимлардан ташкил топган:

1. Савод ўргатиш ва нутқ ўстириш.
2. Синфда, синфдан ташқари ўқиш ва нутқ ўстириш.
3. Фонетика, грамматика, имло ва нутқ ўстириш.

Уларда ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган билимлар мазмуни ва уларнинг билим, кўникмаларига қўйилган талаблар кўрсатилади:

Ҳар бир бўлим бир неча қисмлардан иборат. Масалан, “Синфда, синфдан ташқари ўқиш ва нутқ ўстириш” бўлими “Синфда ўқиш”, “Синфдан ташқари ўқиш”, “Ўқиш мавзулари”, “Ўқиш кўникмалари”, “Матн устида ишлаш” каби қисмларни ўз ичига олади.

Ҳар бир бошланғич синф ўқитувчиси она тили фанининг мазмуни ва моҳиятини тўла англаб етса, унга меҳр қўя олсагина юқорида келтирилган дастур талаблари асосида ўқувчиларга билим беради, уларнинг она тилини севишига, шу фан тўғрисида билим, кўникма ва малакаларининг шаклланишига ёрдам бера олади.

Адабиётлар рўйхати:

1. И.И.Каримов. Ўзбекистон Рес. Олий Мажлисининг IX сессияси “Баркамол авлод-Ўзбекистон тарақиётининг пойдевори” нутқидан. (1997 йил 29 август)
2. Ушинский К.Д. Танланган педагогик асарлар. –Тошкент. “Ўздавнашр”, 1959. - 49-бет.

МАЪНАВИЙ ТАРБИЯНИНГ ШАХСНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ

А .Мажидов, талаба

Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури қабул қилиниб, амалиётга тадбиқ этилгач ўзига хос *маънавий – тарбия* жараёни таркиб топди.

Маънавий тарбия – шахсни миллий қадриятлари, урф одат ва анъаналари асосида тарбиялаш, уни жамият эҳтиёжларига мос равишда ҳаёт ва фаолиятга тайёрлаш жараёнидир. Таълим – тарбия тизимимизда маънавий тарбия Президентимиз Ислон Каримов асослаб берган Маънавият концепциясига асосланади. Унга кўра, шахснинг қалби ва онгига соғлом ва эзгу ғоялар сингдирилади, унинг виждон, ирода ва эътиқод қўлланмалари шакллантирилади. Чунки ҳозирги глобаллашув жараёнида ва технологик ривожланиш шароитида шахс қалбида ноинсоний туйғуларни уйғотиш, онгига эса вайронкор, ёвуз ғояларни сингдириш сусайганича йўқ. Бундай кучларнинг виждонийлик кўникмасини нотўғри шакллантириш, иродасини мўрт ва эътиқодини носоғлом қилишдан иборатлиги сир эмас. Шу маънода маънавий тарбия шахснинг виждон, ирода, эътиқод каби кўникмаларини миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида таркиб топтиради.

Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурининг негизларидан бўлган маънавий тарбия Президентимиз Ислон Каримов ўринли таъкидлаганидек, “Тафаккурни замон талабларига мос равишда ўзгартиради”. Шу сабабли Президентимиз Ислон Каримов Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг маънавий тарбия йўналиши қуйидагича мақсад муддаоларини рўёбга чиқариш лозимлигини кўрсатади:

- 1) Жамиятда ўзига хос маънавий муҳитни сақлаш ва ривожлантириб бориш;
- 2) шахснинг ҳаётда ўз ўрнини топишини амалга ошириш;
- 3) мустақил фикрловчи эркин шахсни шакллантириш;
- 4) жамиятнинг потенциал кучларини рўёбга чиқариш;

5) фуқоролик жамиятининг назарий – методологик асослари билан шахсни таништиради.

Зеро, маънавий тарбия бу олижаноб мақсад – муддаоларини бажарар экан, унинг маъно – мазмуни ҳам ўзига хос ҳисобланади. Чунки “Бугунги кунда сохта ғояни, нотўғри фикрни таъқиқ билан ёки маъмурий чоралар билан енгиб бўлмайди” (9). Шу сабабли маънавий тарбия эзгулик ва ёвузликни фарқлаш, мустақил фикрлаш ва маънавий-ахлоқий фаол бўлиш кўникмаларини шахсда шакллантиришни назарда тутди.

Ўзбекистон таълим – тарбия жараёнида маънавий тарбиянинг кўлами кенг, айти пайтда, унинг асосий вазифаси қуйидагилар ташкил қилади:



Эътибор берилса, маънавий тарбиянинг шахсни шакллантиришдаги ўрни ўта муҳим ҳисобланади. Шу сабабли Ўзбекистонда маънавий тарбияни амалга оширишга доир бир қатор ташкилий ва назарий – методологик ишлари амалга оширилди. Уларнинг энг муҳимлари қуйидагилар:

биринчидан, таълим – тарбия жараёнига мутлақо янги типдаги “Одобнома”, “Ватан туйғуси”, “Атрофимиздаги олам”, “Маънавият асослари” каби фанлар киритилди;

иккинчидан, таълим муассасаси раҳбарларининг маънавий – маърифий ишлари бўйича ўринбосари лавозими, “Маънавият соати”, “Маънавият

ўқувчилари”, “Маънавият куни” тадбирлари ва маънавият тарғиботи ишлари йўлга қўйилди;

учинчидан, шахсни мунтазам равишда тарбиялаб бориш ишлари жамият миқёсида жорий этилди.

Зеро, маънавий тарбия “жамиятимизда ўзига хос портлаш эффектини берди”. Бунинг маъноси шуки, жамият бутунлай янгича онг, фикр ва ахлоққа эга шахсларга эга бўлди.

“Таълим – тарбия, деб таъкидлайди Президентимиз Ислам Каримов – онг маҳсули, лекин айти вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир”. Бунинг учун таълим – тарбия маънавий тарбия воситасида шахснинг онгини одилонга шакллантириш керак. Шундагина таълим-тарбия шакллантирувчи ва ривожлантирувчи амалга айланади.

Маънавий тарбия шахснинг жинси, дини, ёши, ирқий, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мақеи ва турар жойи қандай бўлишидан қатий назар амалга оширилади. Шу сабабли Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурида маънавий тарбия масаласига доир қуйидагича вазифалар қўйилган.

- 1) Инсонни ҳар томонлама уйғун камол топтириш.
- 2) Шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш:
- 3) Эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ – атирнинг андозаларини ўзгартириш:
- 4) Инсонни интеллектуал ва маънавий – ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ва ҳ.к

Бунинг натижасида шахс маънавий – ахлоқий жиҳатдан кутилган даражада шакллантирилади.

МУНДАРИЖА:

КИРИШ <i>Устозга эҳтиром. А.Ж.Холбеков</i> ЖДШИ ректори, социология фанлари доктори, профессор	
ТҲЙХАТ ҲРНИДА	
ЎЗБЕК СЎЗЛАШУВ НУТҚИ ЛЕКСИКАСИНИНГ МОҲИР ТАДҚИҚОТЧИСИ. <i>Бекмурод Йўлдошев – ф.ф.д., СамДУ профессори</i>	
ДИЛ СЎЗИ... <i>У.А.Жуманазаров, филология фанлари доктори, профессор</i>	
МЕҲРИБОН УСТОЗ. <i>Аббос Турсункулов, Ҳаким Ҳроков, ЖДШИ ўқитувчилари</i>	
ФИДОИЙ УСТОЗ. <i>Илҳомжон Пармонов, Дилшод Очилов Жиззах давлат педагогика институти ўқитувчилари</i>	
I. ТИЛШУНОСЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ	
САИД АҲМАДНИНГ БАДИИЙ АСАР ТИЛИГА ДОИР АЙРИМ ҚАРАШЛАРИ ХУСУСИДА. <i>Б.Йўлдошев – ф.ф.д., СамДУ профессори, Д.Йўлдошева – СамДУ мустақил тадқиқотчиси</i>	
ПОЭТИК МАТНДА ШАКЛ ВА МАЗМУН МАСАЛАСИГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР. <i>Д.И.Салоҳий СамДУ профессори, филология фанлари доктори</i>	
БАДИИЙ ВА ПУБЛИЦИСТИК МАТНДА ГРАММАТИК СИНОНИМИЯ <i>Абдусаидов Абдували (СамДУ профессори) Шаронова Озода, Турсунова Нигора (СамДУ тадқиқотчилари)</i>	
БАДИИЙ ИЖОДА МАЪНО КЎЧИШИНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ <i>Доц.Т.Алмаматов</i>	
БАХМАЛ ТУМАНИ ОРОНИМЛАРИ. <i>Доц.М.Турсунпўлатов, Саидова Дилшода талаба</i>	
БАДИИЙ МАТНДА ҲХШАТИШЛАР. <i>Доц. Б.Файзуллаев, П.ф.н.Қ.М.Ядгаров,</i>	

О ПРЕДПОСЫЛКАХ ВОЗНИКНОВЕНИЯ СЛАВЯНСКОЙ ПИСЬМЕННОСТИ. Пирназаров У.П. – доцент ДжГПИ им. А.Кадыри	
ПУБЛИЦИСТИК МАТНДА ХУКУҚИЙ МАВЗУНИ ЁРИТИШДА ТИЛ БИРЛИКЛАРИНИНГ ЎРНИ. Абдусаидов Абдували (СамДУ профессори), Ёқубов Ихтиёр (СамДУ ўқитувчиси)	
СЎЗЛАШУВ НУТҚИ УСЛУБИДА ИНТОНАЦИЯНИНГ ЎРНИ Доц.А.Мусаев	
“БОБУРНОМА”ДА КЕЛИШИКЛИКНИ ИФОДАЛОВЧИ ФОРСЧА ОЛД ҚЎШИМЧАЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ ВА УЛАРНИНГ МАЪНОЛАРИ Сойипов Суннатилла ф.ф.н., Холмуродов Холйигит ўқитувчиси	
ТУРКИЙ СЎЗЛАРНИНГ НЕМИС ТИЛИГА КИРИБ КЕЛИШИДА БОШҚА ТИЛЛАРНИНГ РОЛИ. Доц.А.Э.Бойматов, А.Қ.Бердиев	
ЎЗБЕК ТИЛИ ИБОРАЛАРИ САЛБИЙ МУНОСАБАТ ҲОСИЛ ҚИЛУВЧИ ВОСИТА СИФАТИДА . Доцент Б.Файзуллаев, Ўқитувчи И.Умаров	
ЎЗБЕК ТИЛИДА ШАХСНИНГ ПСИХОЛОГИК ҲОЛАТИ БИЛАН БОҒЛИҚ ФРАЗЕМАЛАРНИНГ СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ. Ф.ф.н.Ш.Алмаматова	
БАДИИЙ ТАСВИР ВОСИТАЛАРИ ҲАҚИДА. Ибрагимова Фазилат ф.ф.н., катта ўқитувчи	
АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА ИШ ҚУРОЛЛАРИ ВА АСБОБ НОМЛАРИ Ж. Жўраев ф.ф.н., А.Абдулқосимов талаба	
ДОСТОНЛАРИ ТИЛИГА ХОС ҲИКМАТЛИ ИБОРАЛАР ҲАҚИДА. Доц.Б.Файзуллаев, Г.Ҳамроева талаба	
НАВОИЙНИНГ ТАРИХИЙ АСАРЛАРИДАГИ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАР ХУСУСИДА. Катта ўқитувчи, А.Абдувалиев, Ўқитувчи, Д.Абдувалиева	
ФРАЗЕМАЛАР АНТОНИМИЯСИДАГИ АЙРИМ УЗГАРИШЛАР. Ўқит.З.Жумаева, М.Орифова талаба	
МАФКУРА ВА ТИЛШУНОСЛИК. Ўқитувчи, Ш.Жуманов	
SHE`RIY NUTQDA SO`ROQ GAPLARINING LINGVOPROETIK	

XUSUSIYATLARI (Usmon Azim she`riyati misolida). SamDU o`qituvchisi <i>A.Sobirov</i>	
АЛИШЕР НАВОИЙ ТАРИХИЙ АСАРЛАРИДАГИ УМУМТУРКИЙ СЎЗЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИГА МУНОСАБАТИ. Катта ўқитувчи <i>З.Абдувалиева</i> , Ўқитувчи, <i>Д.Абдувалиева</i>	
АНТРОПОНИМИК РИВОЯТЛАР (Жиззах вилояти топонимлари мисолида). С.Н.Аҳмедов тадқиқотчи	
МИРЗО ТУРСУНЗОДА ИЖОДИДА ЎЗБЕКЧА СЎЗЛАР ТАЛҚИ <i>Шаҳриёр Жўраев, СамДУ катта илмий ходим-изланувчиси</i>	
БОРЛИҚ ЛИСОНИЙ ТАСВИРИДАГИ ЭТНИК УНСУРЛАРНИНГ СОЦИАЛ АСПЕКТИ. О.Ж.Хидиров, М. Хидирова (ЖДПИ қошидаги 2 сон АЛ)	
NODAVLAT KINOFILMLAR TILIDAGI MORFOLOGIK NOMUVOFIQLIKLAR. O`qituvchisi <i>O.Mamirov</i> , <i>O`razaliyev</i> <i>Sobit talaba</i>	
ТИЛНИНГ МОРФОЛОГИК САТҲИДА ЮКЛАМАЛАР ВА УЛАРНИНГ ГРАММАТИК ЎРНИ . А. Абдуллаев Жиззах ВПХҚТМОИ катта ўқитувчиси	
«ТИЛ» ВА «НУТҚ» ТУШУНЧАЛАРИ ҲАКИДА. Ўқитувчи, Ш.З. Жуманов	
СОҒЛОМ АВЛОДНИНГ МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШИДА ОНА ТИЛИМИЗНИНГ ЎРНИ. А.Маҳамматов, Жиззах ВПХҚТМОИ ўқитувчиси	
АЙРИМ ГИДРОНИМЛАР СЕМАНТИКАСИ (Жиззах вилоят топонимлари мисолида) С.Н.Аҳмедов тадқиқотчи	
TIL VA MADANIYAT. O`qituvchi <i>Z.Jumayeva</i> , <i>T.Jo`rayev</i> <i>talaba</i>	
GAZETA TANQIDIY MAQOLALARIDA SO‘Z BIRIKMASI – SARLAVHALARINING XUSUSIYATLARI. <i>F. Qo‘shnazarov</i> , <i>X. Maxammadiyev</i>	

КИШИ НОМИ БИЛАН БОҒЛИҚ ОРОНИМЛАРИ (Жиззах вилояти топонимлари мисолида). С. Н.Аҳмедов тадқиқотчи	
NUTQIMIZDA O`LCHOV SO`ZLARNING ISHLATILISHI. Ilmiy rahbar Z.Jumayeva, Sulaymonov Z	
GAZETA TANQIDIY MAQOLALARIDA DARAK GAP – SARLAVHALARINING XUSUSIYATLARI. X. Maxammadiyev	
NAVOIYNING “LAYLI VA MAJNUN” DOSTONI HAQIDA OYBEK BILDIRGAN MULOHAZALAR XUSUSIDA. O. Shodiyev, M.Yusupova talaba	
KESIMNING TUZILISHIGA KO`RA TURI HAQIDA AYRIM MULOHAZALAR. Ilmiy rahbar: Z. Jumayeva Talaba Sh.Boboqulova	
FE`LNING VAZIFA SHAKLLARI. Talaba S.Lapasova, Ilmiy rahbar: Z.Jumayeva	
II. ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИ, ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ	
НАВОИЙНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА ИККИ ОҒИЗ СЎЗ. проф. У.А. Жуманазаров	
SHUKRULLO SHE`RIYATIDA KOMIL INSON TALQINI. Dots.A.Tursunqulov, o`qituvchi I.Umarov	
ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ. ф.ф.н. Ю. Каримова , С.Норбоева (магистр)	
“МУНАҚҚАШ ТУЙҒУЛАР” СЕҲРИ. Доцент, Н.Соатова.	
“МУРДОХОН” ДОСТОНИДА ОЛМА РАМЗИ. А. Турсунқулов, ф.ф.н., Т.Аҳмедова талаба	
НОСИРИДДИН РАБҒУЗИЙ ВА НОДИРА ИЖОДИДАГИ ЎЗИГА ХОС БАДИИЙ ТАЛҚИН. ф.ф.н. С.Эшонқулова	
ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИ ТИЛИДА ШАХС ВА ЭПИК ҚАҲРАМОНЛАР НОМЛАРИ. ф.ф.н. Г.У. Жуманазарова	
МАҲМУД АЗ-ЗАМАХШАРИЙ МЕРОСИ. Ўқитувчи Н. Турдибаев	

<p>ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИ –ЁШЛАРНИ КАМОЛОТГА ЕТАКЛОВЧИ ТАРБИЯ ОМИЛИ п.ф.н.Д.Жуманазарова</p>	
<p>“БОЙСУН” АТАМАСИНИНГ БЎРИ КУЛЬТИ БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ. Т.Қўчқоров, тадқиқотчи</p>	
<p>ULUG`BEK HAMDAMNING “ MUVOZANAT ” ROMANIDA O`ZLIKNI ANGLASH MASALASI. T. Jo`rayev</p>	
<p>Э.ВОХИДОВ С.ЕСЕНИН ШЕЪРЛАРИНИНГ ТАРЖИМОНИ. ўқитувчилари А.Л. Кенжаев, Ж.А.Лутфуллаев</p>	
<p>QADIMGİ TURKIY ADABIYOT NAMUNALARIDA DA BADIİY SAN`ATLAR. Katta o‘qituvchi, S.Boysinov</p>	
<p>MUHAMMAD YUSUF SHE`RIYATIDAGI SODDALIK-ISTE`DOD ASOSI. N.Irgasheva o‘qituvchi (29-maktab), N. Sag‘dullayeva, talaba</p>	
<p>КОМИЛЛИК ХУСУСИЯТИНИ ЎЗИДА МУЖАССАМЛАШТИРГАН ОБРАЗ (Алишер Навоий “Лайли ва Мажнун” достони мисолида). Ш.Одилжон талаба.</p>	
<p>БОЛАЛАРГА БАХШИДА УМР. Наргиза Қодирова, Сангзор қишлоқ хўжалик КХК адабиёт ўқитувчиси.</p>	
<p>АВОМ ИШҚИ АКС ЭТТИРИЛГАН ОБРАЗ (Алишер Навоий “Лайли ва Мажнун” достони мисолида). О.Шодиев талаба.</p>	
<p>“YULDUZLI TUNLAR” - BOBUR SHAXSIYATINI IFODALAGAN SHOH ASAR. D.Nayitboyeva, talaba, ilmiy rahbar L.Sindorov.</p>	
<p>ШЕЪРИЙ ДУРЛАР ТЕРГАН ШОИР. Наргиза Қодирова, Сангзор қишлоқ хўжалик КХК адабиёт ўқитувчиси.</p>	
<p>O`TKIR HOSHI MOV NI KOYALARIDA VATANGA BO`LGAN MUHABBATNING ULUG`LANISHI. O. Odilov, G. Iriseva, talaba.</p>	
<p>АСАР МАЗМУНИГА МОС ШАКЛ... (Алишер Навоий ва Муҳаммад Фузулий “Лайли ва Мажнун” дostonлари мисолида). О.Шодиев, Д.Эшматова талаба.</p>	
<p>III. ТИЛ ВА АДАБИЁТ ТАЪЛИМИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ</p>	

ЎРНИ	
TILLARNI O`QITISH SIFATINI OSHIRISH HAQIDA MULOHAZALAR. Murodqosim Abdiyev (SamDU professori).	
SO`Z BIRIKMASI VA SO`ZNI QIYOSLASH ASOSIDA O`QUVCHILAR TAFAKKURINI SHAKLLANTIRISH. Dots. T.Almamatov, S.To`rayeva talaba	
ТИЛ ТАЪЛИМИДА УЗЛУКСИЗЛИК ВА УЗВИЙЛИКНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ. П.ф.н. Қ.М.Ядгаров, Д.Тошбоева магистр.	
“TAZKIRAYI SHUARO” ASARINING O`RGANILISHI. S.Do`stova, tadqiqotchi.	
SHART MAYLINING QO`LLANISHIGA DOIR BA`ZI MULOHAZALAR. katta o`qituvchi L.Ibragimova, D.Rashidova talaba.	
УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИ-ЁШЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАР. Ўқитувчи Д.Файзуллаева, Ш.Холдорова талаба.	
АЛИШЕР НАВОЙЙ АСАРЛАРИ ТИЛИНИ ЎРГАНИШДА ШАРҚ ТИЛЛАРИНИНГ ЎРНИ. Талаба, Ҳ.Алижонова, Илмий раҳбар: ф.ф.н. Ж. Жўраев.	
COMMUNICATIVE METHODS OF TEACHING LISTENING IN THE FIRST GRADE. O`qituvchi, X.A. Mamatqulov .	
НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ МЕТОДИКИ ПРЕПОДАВАНИЯ РУССКОГО ЯЗЫКА НА НЕЯЗЫКОВЫХ ФАКУЛЬТЕТАХ. Преп.кафедры русского языка и литературы Б.С.Саибов.	
RUS GURUHLARIDA “SO`Z BIRIKMASI” MAVZUSINI O`TISH HAQIDA. O`qituvchi, H. O`roqov, T. Jo`rayev talaba.	
O`QITUVCHILARNING KASBIY RIVOJLANISHIDA Innovatsion TEXNOLOGIYALARNING O`RNI. O`qituvchi, M.S.Usmonov, katta o`qituvchi, B.Suvonqulov.	
2-SINFDA “SHAXS VA NARSA NOMINI BILDIRGAN SO`ZLAR” MAVZUSINI O`QITISHGA DOIR BIR SOATLIK DARS ISHLANMASI. O`qituvchi, S.M.Mamayusupova, Shodiyeva M.	

<p>7-SINF O'QUVCHILARIGA "OQ KEMA" QISSASINI O'QITISH USLUBI VA TEXNOLOGIYALARI. Shodiyona Abdugapparova, talaba.</p>	
<p>IV. TAЪЛИМ VA TARBIYA MUAMMOLARI</p>	
<p>БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРНИ МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИГА ТАЙЁРЛАШ МУАММОЛАРИ. Доценти, Н.У. Усманов.</p>	
<p>YOSHLARNI YUKSAK MA'NAVİYATLI SHAXS QILIB TARBIYALASHDA NUTQ MADANIYATINING O'RNI. P.f.n. Kushvaktov Ne'mat Husanovich, M.Meliboeva magistrant.</p>	
<p>МАКТАБ ВА МАОРИФ ҲОМИЙСИ. Наргиза Қодирова, Сангзор кишлоқ хўжалик КХК адабиёт ўқитувчиси.</p>	
<p>ЁШ АВЛОДНИ МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТ РУХИДА ТАРБИЯЛАШДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ РОЛИ. М. Йўлдошева, магистрант.</p>	
<p>МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТИЗИМИ. ўқитувчи, Ш.У.Атамуродов, Э.З.Нурматов, талаба.</p>	
<p>БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА СПОРТ ПСИХОЛОГИЯСИНИНГ ЎРНИ. Ўқитувчилар, О.Э.Эшмуродов, Б.Ў. Расулов.</p>	
<p>БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ. Гулжон Қуттибекова, уқитувчи.</p>	
<p>XVII-XVIII АСРЛАРДА МОВАРОУННАҲРДА ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИ. МҒ, МА ва ҳуқуқ таълими кафедраси ўқитувчиси З. Ғозиев.</p>	
<p>БОЛАЛАР НУТҚИНИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ. Ўқитувчи, Ш.З Жуманов, Талаба, Н.Махсудова.</p>	
<p>DZYUDOSCHILAR ISH QOBILIYATINI OSHIRISH VA NAZORAT QILISH YO'LLARI. O'qituvchi, A.R.Abdulaxatov,</p>	

В.А.Qo'shmurodov talaba.	
АШТАРХОНИЙЛАР ДАВЛАТИДА ХАЛҚАРО САВДО-СОТИҚ АЛОҚАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси ўқитувчиси Зиёдулла Ғозиев.	
МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАЗМУНИ. Илмий раҳбар Ш.Ў.Атамуродов, Э.З.Нурматов талаба, Б.Ш.Абдусаломов талаба.	
YOSHLARNI YUKSAK MA'NAVIYAT RUXIDA TARBIYALASH. M.Meliboeva, magistrant.	
ЁШ АВЛОДНИ МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТ РУХИДА ТАРБИЯЛАШДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ РОЛИ. М.Йўлдошева, магистрант.	
БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНОФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ЎҚУВЧИЛАРДА ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ТАЙЁРЛАШ МЕТОДЛАРИ. Д.Расулова, магистрант.	
БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА ОНА ТИЛИ ЎҚИТИШ МАЗМУНИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР. Мажидов Абдуғаффар, талаба.	
МАЪНАВИЙ ТАРБИЯНИНГ ШАХСНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ А. Мажидов, талаба.	